ЁШЛИК 5'88

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

(77)
Май

Ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1982 йилдан чиқа бошлаган

Бош редактор:

Омон МАТЖОН

Редакцион коллегия:

Эркин АЪЗАМОВ,
Эркин ВОҲИДОВ,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,
Жиянбой ИЗБОСКАНОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Улуғбек МУСАЕВ,
Фарҳод МУСАЖОНОВ,
Насриддин МУҲАММАДИЕВ
(масъул секретарь),
Урие ЭДЕМОВА,
Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
Ғаффор ҲОТАМОВ

Тошкент
«Ёш гвардия» нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

НАСР

Нурали ҚОБУЛ. Унутилган соҳиллар. Романнинг давоми 8
Қўрқут Ота китоби. Эпос 38
Ҳамид МАЛЛАЕВ. Арслон ёли. Ҳикоя . . 58

НАЗМ

Матназар АБДУЛҲАКИМОВ 3
Жамол СИРОЖИДДИН 5
Абдулла ҚУШБОҚ 36
Йўлдош ЭШМУРОДОВ 63
Авлиёхон ШУКРУЛЛАЕВ 64
Инобат НОРМУРОДОВА 72

ПУБЛИЦИСТИКА

Азиз НОСИРОВ. Олам янгиланишдан яшаради 8
Насриддин МУҲАММАДИЕВ. «Ёшлик» тўлқинларида 66
Муртазо ҚАРШИБОЕВ. «Отам нега қамалди?» 68

НАФИС МАЖЛИСЛАР

Меҳринисо ОЙДИНОВА 56
Зебо РАҲИМОВА 56
Мақсуда ЭРГАШЕВА 57

ТАНИШУВ

Уктамхон ХОЛДОРОВА. Шеърлар . . . 65

АДАБИЙ ТАНҚИД

Юрий ТРИФОНОВ. «Prosus»га қайтиш . . 73

«ЁШЛИК» ПОЧТАСИ

МЕНИНГ ФИКРИМ 75

ЕЛПИҒИЧ

Акбар ЮНУСОВ. Донишманд ким? . . . 79
Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ. Мужмал . . 80

ЁШЛИК

(«Молодость»)
ежемесячный
литературно-художественный,
общественно-политический журнал
На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана и Союза писателей Узбекской ССР

Рассом: Х. ЛУТФУЛЛАЕВ
Техник редактор: Т. РАҲИМОВ
Корректор: М. ТУРСУНОВА

Адресимиз:
700113, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 60-уй.

Телефонлар
Бош редактор — 78-94-05
Бош редактор ўринбосари — 78-49-83
Масъул секретарь — 78-97-07
Проза бўлими — 78-97-58
Поэзия бўлими — 78-77-16
Публицистика, адабий танқид ва санъат бўлими — 78-17-47

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.

Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди. Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асар қўлёзмасинигина қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди», деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 23.03.88 й. да туширилди.
Босишга 27.04.88 й. рухсат берилди.
Р-10742. Қоғоз формати 84×108 1/16.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист.
Шартли босма листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6. Тиражи 345362 нусха.
Буюртма № 2958
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Тошкент,
«Ёшлик», № 5. 1988. «Ёш гвардия» нашриёти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Матназар Абдулҳакимов

Ғалаба байрамида

Жасур кўз ёшларинг фироқни енгди,
Қаҳрамонлар қилди ҳижронни тор-мор.
Учрашдик. «Йиғлагим келяпти, оға...»
Лекин кўзингга ёш келмади зинҳор.

Кўз ёшларинг сенинг буюк жангчи эди,
Севгилим, улардан бўлдинг жудолар.
Ғалаба байрами!.. Оҳ, бу байрамда
Иштирок этмайди жони фидолар.

* * *

Меҳрни касб қилиб олган ғаддорлар
Эзгу меҳрингизга солганди қутқу.
Шундан бери, мана, икки қалъада
Ёлғиз бир ўзингиз яшайсиз туткун.

Вужудингиз яшар бир хонадонда
Аччиқ фаровонлик таъмини тотиб.
Биров учун — келин, биров учун — қўшни,
Биров учун эса — кумридек хотин.

Гўшангизда, афсус, ғаразлар тўрда,
Пойгаҳда мум тишлаб ҳақ, инсоф жимдир.
Меҳр-оқибатдан, самимиятдан
Бошқа ҳамма нарса тўкин-сочиндир.

Сиз тараф отланар бўлсам — йўллар берк,
Ҳар қадамим учун шаънингиздир бож.
Мен тушлар кўраман — пойингизда тахт,
Мен тушлар кўраман — бошингизда тож.

Мен тушлар кўраман — қолмасин деб эл
Ҳақиқат аталган олий урфсиз,
Золимлар ичинда кирдикорларин
Махфиқ ва батафсил билиб юрибсиз.

Мен тушлар кўраман — ўқиркансиз ҳукм,
Ҳар сўзда адолат кўрсатар талъат.
Илҳақ уйғонаман — хаста юрагим
Сиз қамалиб қолган бошқа бир қалъа.

Шундай муҳташам бир ёлғизлик билан
Кунларим ўтмоқда шиква-ноласиз.
На у қалъангиздан бўласиз халос,
На бу қалъангиздан хабар оласиз.

Сиздан бошқа ким ҳам англасин мени,
Юрагимга йўлни бошқа ким билсин.
Бу мажнун қалъанинг ҳар қопқасида
Муҳаббат аталган муқаддас тилсим.

Маликам! Етибми илтижоларим,
Воқифлар бўлибми бебаҳо сирдан,
Ўзингизни йўқлаб келинг... тилсимлар
Жаранглай бошлади ҳозирдан.

Келмас

Неча йил бўлдиким қадди ниҳол, кўзи қаро келмас,
Бирон бир лаҳза йўқдирким, кўнгилга можаро келмас.

Унинг ноз бирла битган сўзлари ўқларга тимсолдир,
Келар... лекин бутун борлиқни қилмасдан яро келмас.

Мени беҳуда кутманглар висол айшида хушчақчақ,
Агар тўй бўлса бир уйда, унга мотамсаро келмас.

Тўкардим ёш, тиниқ кулгулари келди хаёлимга,
Бирон зулмат топилмас, қаъридан бир кун зиё келмас.

Соғинтирганда инсофни унутди икки шаҳлоси,
Агар даҳрий эса одам, хаёлига худо келмас.

Унинг лоқайд дилидан мен муҳаббат илтижо этдим,
Агарчи қулф эшикка нон тилаб ҳеч вақт гадо келмас.

Демиш ул «Матназар ишқимда минг дардга
гирифтордир»,
Қўйинг, дўстлар, тасаллони, унинг сўзи хато келмас.

Даҳрийнинг ибодати

Рад этмагин даҳрий деб мени,
Мустажоб эт эзгу дуоим —
Ўғил кўрсин ўғли йўқ одам,
Қизи йўққа қиз бер, худойим.

Умид билан дунёга келган
Фарзандсизлик доғин туймасин.
Ҳеч парранда, ҳеч дарранданинг,
Қўй, илойим, пушти куймасин.

Қулунлар бер — саодатманд эт
Ҳар бир тулпор, ҳар бир дулдулни.
Авлодидан мосуво қилма
Бирон тўти, бирон булбулни.

Қўраларга солади қирон,
Уяларда қилади бузғун.
Бола кўрсин барибир бўри,
Жўжа очсин барибир қузғун.

Қорайса ҳам дастидан фалак,
Жунжикса ҳам дастидан боғлар,
Заҳчалар кўп сернасл бўлсин,
Ўзларидан кўпайсин зоғлар.

Узумлар кўп мева берсинлар,
Гужумлар кенг соя берсинлар.
Лекин печак, лекин алаф ҳам
Илдизини ёя берсинлар.

Менга шеър бермасанг бермагин,
Бошқаларни қилма нолонлар.
Майлига, бошқоронғи бўлсин
Менинг юрагимга илонлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шудир сенга ўтинчим, нолам,
Ибодатим, фарёдим доим.
Лекин... ўзинг асра ҳамиша
Сохта худолардан, худойим!

Агава дарахти

Агава дарахти фақат бир марта гуллайди, гули уруғлаб бўлгандан сўнг дарахт қуриб қолади.
Ўзбек Совет энциклопедиясидан

Хуш кўришдик! Ниҳоят келдим
Неча шодлик, неча ғам оша.
Агаванинг гули бу — завқдир,
Агаванинг гули — томоша.

Ачинмайман кетган фурсатга,
Ҳар бир лаҳза гарчи хазина.
Агаванинг гули бу — зебдир,
Агаванинг гули бу — зийнат.

Кечикмадим, не бахт, улгурдим,
Раво бўлди олий дақиқа.
Агаванинг гули бу — чин сўз,
Агаванинг гули — ҳақиқат.

Мени зарра қўрқитолмади
Йўл азоби солса ҳам таҳдид.
Агаванинг гули бу — орзу,
Агаванинг гули бу — умид.

Чақнанг, чарақланглар кўзларим,
Қутлуғ бўлсин ноёб салтанат.
Агаванинг гули бу — тўйдир,
Агаванинг гули — тантана.

Минг дардга ҳам гирифторлигин
Бир кўрсанг бас, қилиб бўлмас рад,
Агаванинг гули бу — қайғу,
Агаванинг гули бу — ҳасрат.

Юзим тушгач бу гулга, бўлди
Ҳар томирим бир олов дарё.
Агаванинг гули бу — доддир,
Агаванинг гули бу — фарёд.

Тоқат қилдим гулдаста тузмай,
Андишадан қўйиб олдга ғов,
Агаванинг гули имтиҳон,
Агаванинг гули бу — синов.

Илож қанча, қисмат ҳукмини
Қийғос гуллар қилмоқда ижро.
Агаванинг гули бу — висол,
Агаванинг гули бу — ҳижрон.

Керакмикан дод-фарёд, асли,
Ҳаёт, ўлим чамбарчас, зотан.
Агаванинг гули бу — аза,
Агаванинг гули бу — мотам.

Бир севмак ва бир ўлмак бахти
Насиб этмас ҳар бир ошиққа.
Агаванинг йўриғи — бўлак.
Агаванинг йўриғи — бошқа.

Бу Қайс гули, бу — Мажнун гули,
Гар узатсам, қоврилгай қўлим.
Агаванинг гули бу — бир бахт,
Бу — мангу бир ҳаётбахш ўлим.

Умид

Шовот пахта тозалаш заводининг собиқ ишчиси, ёш шоир Бобохон Полвоновга

Ардоқланар момиқ деб, тўғри,
«Оқ олтин» деб, тўғри, мақталар.
Бир кун мен кашф этдим заводда,
Қаттиқ экан юмшоқ пахталар.

Аёв билмас сўқир тасодиф
Тиғсиз кесди оёқларимни.
Бир той пахта устимга қулаб
Ногоҳ эзди оёқларимни.

Соғинаман энди гоҳ чигал,
Гоҳ равон, гоҳ тор йўлларни мен.
Ўн йил бўлди босмаганимга
Қадамимга зор йўлларни мен.

Зангор экран... чарх урар қизлар
Ловуллатиб яноқларини.
Тақиб олиб чаккаларига
Лўппи пахта чаноқларини.

Ҳаприқаман. Санчади юрак,
Сиғдиролмай ўкинч, зоримни,
Соғинаман «Лазги»ни, дўстлар.
Соғинаман гулрухсоримни.

Қомат кериб, шахдам одимлаб
Юришларим не бир фахр эди.
Ҳозир эса оқшоми билан
Оёқларим қақшаб оғрийди.

Лекин — бу оғриқдан умидим,
Мен, бир дардманд, қилмайман қувлик.
Оғриқларни севиб қолганман,
Оғримаган дарддан қўрққулик.

Бу умидбахш оғриқ ҳам, дариғ,
Гоҳ-гоҳида камроқ сезилар.
Қайтмаса деб оёғимга жон
Шунда юрак-бағрим эзилар.

Зирқирасин, майли, борлиғим,
Азоб ва дард айб эмасдир.
Энг муҳими, мажруҳмас имон,
Эътиқодим майиб эмасдир.

Мен севаман — юрагим бахтли,
Шеър ёзаман — бахтли қўлларим.
Бироқ баъзан йиғласа керак
Ўн йил юрмай қўйган йўлларим.

Кўзёш тўкса керак гоҳида
Курашимни кўрмаган майдон.
Менинг эса лабимда кулгу,
Мен биламан, ноумид — шайтон.

Шодлик қилиб куйлайман ҳали
Ҳеч қачон чекмаган ноламни.
Оппоқ пахтам каби чарақлаб,
Айланаман бутун оламни.

Фарзанд кўриб, улашаман бахт
Ўғилларим ва қизларимга,
Тўлиб кетар бутун Хоразм
Гурсиллаган рақсларимга!

1985 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айиқ

«Шеърингиз кўп қўпол. Шеърда ҳар бир сўз
Жаранглаши керак дилни қитиқлаб.
Сал нафисроқ ёзинг...» Тинглайман маъюс
Омадсиз папкамни қўлтиқлаб.

Сизга ҳамкасб, ўзи, шакаргуфтор тиллар,
Жилмайиб қўясиз ҳолимдан огоҳ.
Қайдадир ўқиганим жирканч қатллар
Ялт этиб ёдимга тушади ногоҳ.

Қайсидир бир юртда қадим замонлар
Шундай олий жазо кўрилган афзал.
Тахтага чандилган барча ёмонлар,
Сўнгра товонларга суртилган асал.

Айиққа ҳавола қилинган бари,
У эса ялаган тўйиб ва тўйиб.
Томоша қилганлар юрт ҳакамлари
Маҳкумларни шундай қитиқлаб қўйиб.

Ёмонлик тус олгач чуқур ҳамда кенг,
Қийин бўлгач фарқлаш, аниқлаш, турлаш,
Бутун мамлакатни тутиб кетган денг
Умумқитиқлаш ва умумқиқирлаш.

Қитиқнинг ҳам, ахир, чегараси бор,
Чил-чил бўлар бежиз кулса, дейлик, тош.
Маҳкумлар юраги ёрилган абгор
Мудҳиш бу кулгуга беролмай бардош.

Ялпи хурсандчилик. Унутдир шафқат,
Халқни гум қилганлар ялаб ва юлқаб.
Элда тирик қолган ҳакамлар фақат,
Элда тирик қолган фақат айиқлар.

Гарчи кўпчиликка манзур, азизсиз,
Ҳақ сўзни айтишга ҳайиқмасман мен.
Сиз-ку қитиқлашда мутахассиссиз,
Мен ҳакам эмасман, айиқмасман мен.

Менинг дард — шарафим, менинг ғам — шаъним,
Кўзларим — олддаги довонларимда...
Оёғимга боқманг бундай тамшаниб,
Асал ҳам йўқ менинг товонларимда.

Қарз

Болакай, минг раҳмат одобинг учун,
Илтифотинг учун минг-минг ташаккур.
Азалдан абадга мерос бўлаётир
Камёб бир холислик, тансиқ тиниқ нур.

Шунга муносибдир: бу эзгу қарзни
Жон билан узаман бир кун ҳойнаҳой.
Менга автобусда ўрнингни бердинг,
Сенга ер юзида бўшатаман жой.

НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ

Жамол Сирожиддин

Кетар бўлсанг

Кетар бўлсанг, бош олиб
Кетганлигинг билинса,
Не-не шивит киприкка
Шудринг инса, дур инса.

Бинафшалар бош эгиб
Нола чекса ифорли,
Печакгул кўк кийинса
Ишкомларда, оҳорли.

Деразалар юзларин
Ювавeрса ёмғир — ёш,
Камалак сочиғига
Юзини босса қуёш.

Нолакор турналардан
Булут бели бойланса,
Бақаларнинг бўғзига
Садргинанг жойланса.

Қоқигул уруғларин
Чор тарафга йўлласа,
Тоғлар ўкраб, тўккан ёш
Этакларин ҳўлласа.

Чақмоқ қиличин сермаб
Лолазор бўлса соғ, сўл...
Кетавергил... Шодумон
Қолгандан ҳам рози бўл.

* * *

Самовий соз дединг танбурни, уста,
Эмиш, ул тушганмиш арши аълодан.
Ушбу соз нағмаси лой ҳайкал Одам
Танига жон бермиш чорлаб ҳаводан.

Сўзингда ташбеҳлар таратади нур.
Жонланиб тасаввур, ўй сураман жим.
Бир йирик томчига ўхшайди танбур...
Унда, самоларда йиғлаётган ким?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Янгиланишдан олам яшаради

Азиз Носиров,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.



Комсомолнинг XX съезди мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида давом этаётган қайта қуриш ва янгиланиш муносабати билан ёш авлод олдида турган Иттифоқшумул масалаларни белгилаб берди, партия ва халқ олдидаги масъулиятини чуқур тушуниб олишларини, янгиланиш ва қайта қуришнинг оддий тарафдорлари бўлибгина қолмай актив ташаббускорларига айланишларини, уни навбатдаги кампания эмас, узоқ давом этадиган улуғвор иш деб қабул қилишларини яна бир карра англатди. Эндиги бош масала Марказий Комитет секретаридан тортиб, оддий комсомолгача, ҳар бир бошланғич комсомол ташкилотидан комсомол Марказий Комитетигача жойларда қайта қуришнинг дастлабки қадамлари қандай қўйилганига коллектив баҳо беришдан, съезд олдимизга қўйган вазифалардан келиб чиқиб, бу ишни, яъни қайта қуриш ва янгиланиш жараёнини чиндан ҳам жадаллаштириб юборишга эришишдан иборат.

Майли, ҳали ишимизда кўзга ярқ этиб ташланадиган сифат ўзгаришларига эришмаган бўлсак-да, бўшашмайлик. Ахир янгиланиш давом этаётгани, ёшларимизнинг ижтимоий активлиги ошиб, гражданлик етуклиги кўтарилгани равшан кўриниб турибди-ку. Тўғри, тан олиш керак, қайта қуришнинг илк қадамлари осонликча кўчаётгани йўқ. Ҳали ҳаммамиз ҳам эскича фикрлашдан, иш юритиш методларидан, шаблон тарбия воситаларидан қутула олганимизча йўқ. Баъзиларимизда жасурлик етишмаяпти, айрим ўртоқларимиз янгича шароитда ишлашга кўника олмаётган бўлса, бошқалари ишдаги муҳим нарсани ажратиб олишни ҳалигача билмайди. Лекин бундан тушкунликка тушишга ўрин йўқ. Биз янгича шароитда ишлашни ўрганмоқдамиз. Хатоларимизни йўл-йўлакай тўғрилаб, кейинчалик бизга асқотадиган қимматли тажриба ҳам тўплаб бормоқдамиз. Энг муҳими ишга ижодий ёндашмоқдамиз, қайта қуриш вазифаларини жон-дилимиз билан амалга оширишга интилмоқдамиз. Ёшлик ғайрати ва шижоатини янгиланишга қаратмоқдамиз. Янги тажриба ва ташаббусларни ҳамманинг мулкига айлантирмоқдамиз. Эндиликда энг муҳими ҳам ҳар бир комсомол аъзоси ўзининг қайта қуришдаги ўрнини аниқ билишига, билганда ҳам оғизда эмас, амалда ташаббус кўрсатиб ишлашига эришишдан иборат. Шу жиҳатдан Фарғона пойабзал фабрикасида содир бўлган воқеа ибратли деб ўйлайман.

Фабрика маъмурияти ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг сифатини яхшилаш мақсадида Германия Федератив Республикасидан янги ускуналар сотиб олди. У ўрнатиб бўлингач, ускуналарни созлаш учун чет элдан мутахассислар чақириш керак эди. Лекин бунинг учун вақт, маблағ керак. Улар қачон келадию линия қачон ишга тушади. Илгариги вақт бўлса, ҳа, энди илож қанча, кутамиз-да, деб қўя қолинарди. Йўқ, бу гал ёшлар қараб туриша олмади. Сергей Безлюдов бошлиқ ёш электрослесарлар бригадаси янги ускуналарни созлаб ишга тушириш масъулиятини ўз зиммасига олди ва бу ишни шараф билан уддалаб, ускуналарни муддатидан бир ой олдин ишга тушириб юборди. Бу қайта қуриш даври талабидан келиб чиқиб, ишга янгича ёндашиш руҳини кўрсатмайдими? Масъулиятдан чўчимаслик, ўз кучига ишонч, ишга ижодий ёндашиш деб шуни айтадилар. Қани эди ҳамма ёшларимиз ҳам ишга ана шундай маносабат намунасини кўрсата олсалар. Ҳамиша ташаббускорлар сафида борсалар. Шу ўринда қайта қуриш руҳи билан йўғрилган яна бир янгилик ҳақида тўхталмоқчиман. Тошкент трактор заводида Мирвоҳид Юсупов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси янги таклиф билан чиқди. Улар Иттифоқ тракторсозлари ўртасида социалистик мусобақани ва ҳамкорликни амалий жиҳатдан йўлга қўйишни таклиф этдилар.

Бу ишда ҳакамликни ва ташкилотчиликни Тошкент трактор заводи комсомол комитети ва «Ёш ленинчи» газетаси ўз зиммасига олди. Ленинграддаги Киров заводи бирлашмаси ёшлари ҳамда Харьков трактор заводининг комсомол-ёшлар бригадалари бу мусобақага бажонидил қўшилганликларини маълум қилдилар. Худди шундай Ленинград шаҳар «Смена» ва Харьковдаги «Ленинское знамя» газеталари ҳам бу мусобақани мунтазам ёритиб бориш ва ҳакамлик қилиш истагини билдирдилар.

Комсомол ҳаётига янгиланиш руҳи кириб келгани сари ташаббус ва ижодкорликка кенг майдон очилмоқда, янгича иш

www.ziyouz.com kutubxonasi

услубларигина эмас, ошкора, ишчан муносабатлар ҳам қарор топиб бормоқда. Комсомол комитетлари билан ёшлар ўртасида ўзига хос ошкора алоқа формалари вужудга келяпти. Масалан, Қўқон педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида студентлар деканати актив фаолият кўрсатяпти. Фарғона политехника институти ва Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтларида комсомол комитетларининг ташаббуси билан кураторлик назоратидан воз кечилди. Наманган область комсомол комитети эса комсомол сиёсий ўқуви системасида йигит ва қизлар билан телефон орқали ўзига хос жонли алоқа ўрнатиб, «Дилдан суҳбатлар» ўтказди. Бу кўпдан-кўп йигит ва қизларнинг қизиқишлари, ўй-кайфиятлари ва талабларини ўрганиш имконини берди. Комсомол комитетларининг ана шундай ўзига хос ишонч марказларини ташкил қилишлари уларнинг ёшлар билан доимий мулоқотларини йўлга қўйиш имконини берган бўлур эди.

Ёшларнинг ижодкорлигини ўстириш, уларнинг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда кенг иштирокини таъминлаш масаласи ВЛКСМ XX съездида комсомол ташкилотларининг доимий диққат марказида туриши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Биз бу йўлда дастлабки қадамларни қўйдик. Тошкентда ёшларнинг фан-техника ижодини мувофиқлаштириб турадиган марказ — «Ритм» иш бошлади. Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида эса ёшларнинг энг янги ихтироларини намойиш этдик ва улардан кўплари тегишли ташкилотлар томонидан қабул қилиб олинди. Мақсад бирорта ҳам ихтиро назардан четда қолмаслиги, ижодкор ёшлар ўзи яратган янгилигига йўл очолмай ораои сарсон бўлиб юрмаслиги даркор. Биз уларга қўлдан келадиган ҳамма ғамхўрликни кўрсатадиган пайтдир. Ана шундагина қайта қуриш даври руҳида иш кўрган бўламиз. Мен хизмат юзасидан жуда кўп комсомол ходимлари билан ҳам, оддий ишчи ёшлар билан ҳам кўришиб тураман. Кўпинча дилдан суҳбатлашиб қоламан. Шунда ишчи ёшларнинг фикрлаш доираси, дунёқараши, ҳатто баъзи комсомол активларидан ҳам кенглигини, мушоҳадаси тиниқ, далил-исботлари аниқлигини кўриб ўзимда йўқ даражада қувониб кетаман. Ростдан ҳам бевосита моддий бойлик яратаётган ёшларимиз давр руҳи ва талабини, қайта қуриш вазифаларини яхши тушунади. Бу ишга жон-диллари билан киришганликларини яққол кўрасиз. Мушоҳадалари ҳам тамомила янгича, улар билан суҳбатлашиб, албатта бир янги фикр оласиз, ишга янгича муносабатни кўрасиз. Шунинг учун ҳам комсомол комитетлари ёшлар коллективлари билан алоқаларини тобора мустаҳкамлашлари зарур. Биз шу мақсадда Марказий Комитет қошида ёшлар муаммоларини ўрганиш бўйича алоҳида марказ очишга киришдик. Ёшларнинг ўй-қизиқишларини ўрганиш ишимизга жуда катта ёрдам беришига шак-шубҳа йўқ. Бунга «Ёш ленинчи» газетаси ойнинг маълум кунларида телефон орқали ўтказган «Дилдан суҳбатлар»и мисол бўла олади. Шу баҳонада ёшларимиз газета орқали республика министрлик ва идораларининг раҳбарларидан, ёзувчилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Бу амалий савол-жавоблар ўйлаймизки, ҳар икки томон учун ҳам фойдалидир. Энг муҳими, ёшларнинг гражданлик позицияларини шакллантиришга хизмат қилади.

Биз одамлар орасида бўлганимизда ёшлар шаънига кўп аччиқ ва нордон гапларни ҳам эшитамиз: ҳозирги ёшлар айниб боряпти, уларга сўнгги модада кийиниш, магнитофон кўтариб олганча санғиш, аллақаёқдаги рок музикаларга сиғиниш бўлса бас, на ёлчитиб ўқийди, на сидқидил ишлайди, такасалтанглик ҳам эви билан-да, деб қўйишади. Шундайлар ҳам бордир. Буни батамом инкор қила олмайман. Лекин аксарият ёшларимиз йўлга солса, кўнглини топса, уюштириб, қўллаб-қувватласа, улар ўзини меҳнатда кўрсатиши учун чинакам шароит яратилса, катта ишончни оқлашга қодирдир. Ёшларга танбеҳ бераверишдан кўра, уларга кўпроқ ишонч билдираверириш, масъулиятли ишларни топшираверириш керакка ўхшайди. Токи улар нимага қодир эканликларини амалда кўрсатсинлар. Комсомол комитетларимиз эндиликда ана шу йўлдан бормоқдалар. Натижа эса ёмон эмас. Самарқандда партия органлари кўмагида ёшларнинг ташаббус фондига асос солинди. Бу ерда тузилган хаваскорлик клублари хўжалик ҳисобида ишлай бошлади. Қўшкўпирда комсомоллар қурилиши тўхтатиб қўйилган ресторан объектини ўз тасарруфларига олишга, қисқа муддатда пардозлаш ишларини тугаллаб, бу ерда ёшлар уйи очишга муваффақ бўлдилар. Унга ВЛКСМ XX съезди номи берилди.

Биз ёшларнинг меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берар эканмиз, ҳали ҳал қилиб улгурилмаган масалалар кўплигини биламиз. Ҳали қишлоқ мактабларимизнинг асосий контингенти даладаги ортиқча юмушлардан қутулиб, тегишлича билим олаётгани йўқ.

Йил бошида мактаб ўқувчиларини пахта теримига жалб қилмаслик ҳақида кўп гапирамиз, ваъдалар берамиз-у, лекин терим мавсуми бошланиши билан у ваъдаларни унутамиз. Ўтган йили республикада мактаб ўқувчилари кучи билан бир неча юз минг тонна пахта териб олинди. Лекин ҳалол гапни айтадиган бўлсак, бу пахтани ишни яхши ташкил этиш, механизацияни тўғри йўлга қўйиш билан ҳам териб олиш мумкин эди. Шунда пахтага чиққан болаларнинг касалликларга чалиниши ва ҳатто ўлимига чек қўйган бўлар эдик. Шу ўринда яна бир гапни айтиш керак. Студентларни бир ой муддатга қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишга рухсат берилганини била туриб, улар вақтида ўқишга қайтарилмаётгани, айниқса қизларнинг қиш-қировли кунларда совуқ баракларда узоқ қолиб кетиши кечирарли ҳол эмас. Биз эртага она бўладиган қизларимизнинг сиҳат-саломатлигини ҳар нарсадан устун қўйишни ўрганишимиз керак. Пахта топилади, лекин йўқотилган соғлиқни тиклаш осонмас.

Энди ёшларнинг меҳнат тарбияси масаласига келсак, биз асосан хўжаликларнинг бевосита структурасига кирадиган ва меҳнатига қараб ҳақ тўланадиган ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари тузиш тарафдоримиз. Шаҳарлик ўсмирларни вақтинча иш билан таъминлаш муаммоси ҳам ҳали ижобий ҳал этилганича йўқ. Латвия ва Литва республикаларида бу борада яхши тажриба тўпланган.

Дарҳақиқат, 15-16 ёшли ўсмирларимиз каникул пайтларида ўзига яраша енгил ишлар билан таъминланса, кафе ва ошхоналарда, почта ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига ишга жойлаштирилса, айни муддао бўлар эди. Уларнинг бекор қолиб, ҳар хил кўчаларга кириб кетишининг олди олинар эди ҳам. Бу борада биз матбуотнинг актив ёрдамига таяниш ниятидамиз.

Энди икки оғиз «Ёшлик» журнали ҳақида. Унинг ёшларимиз ўртасида йилдан-йилга оммавийлашиб бораётгани, кўпдан-кўп ҳақиқий истеъдодларни топиб, тарбиялаётгани ва бизга таништираётгани таҳсинга сазовор иш. «Ёшлик» ўртага қўяётган ва кўпчиликка ҳавола этаётган масала ва муаммолар ҳам давр руҳида, актив ҳаётий позицияда ёзилган. Журнал дадиллиги ва принципиаллиги билан бизга ёқади. Фақат бир истак — комсомол ёшларимизнинг интилиш ва орзу умидлари, қувончу дардларига ҳам, уларнинг янгиланиш жараёнидаги иштироки, келажак ўй-фикрлари билан ҳам кўпроқ ошно эта борса. Ёшлик муаммоларини дадил ўртага қўйиш — ўйлайманки, «Ёшлик»ка ярашади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нурали Қобул

Унутилган соҳиллар

Роман-монолог

Расмларни **А. Маҳкамов** ишлаган

XIII

Шариф носфуруш ёз бўйи хирмонбошилик қилиб, бошқа пайтда ўз касби билан шуғулланарди. Бозордан бозоргача носнинг таги кўриниб қолмаслиги учун на ўзи тинарди, на бола-чақасига тиним берарди. У ўзини носфурушларнинг пири санарди. Нос чекмайдиган одамларни эса ўзича эркак ҳисобламас ва жини суймасди. Уларнинг нос отадиганларни ёқтирмаслигини, ҳатто кўплари носфурушларга ижирғаниб қарашини ҳис этарди. Ҳаммаларининг ичиқора, меҳнат қилиб пул топганингни кўришолмайди, деб ўйларди алам билан носфуруш ғазабини ичига ютиб.

У нос учун тамакини Самарқанддан олиб келар ва у ерда ҳафталаб қолиб кетарди. Одамлар буни бошқача талқин қилишар, носфурушнинг ўша ёқда тожик хотини бор, шунинг учун тамаки баҳона ҳафталаб уникида яшайди дейишарди. Туяни ютиб юборса думини кўрсатмайдиган, яхшидан ҳам, ёмондан ҳам нари юрадиган Шариф носфуруш эса ўзига гард юқтирмас, эшитиб эшитмасликка оларди. Унинг учун ҳаётнинг маъноси биргина нарсадан — пул топиш ва шу йўлдаги ҳузурбахш машаққатдан иборат эди. Чумчуқ семириб ботмон бўлмас, шу сассиқ носдан чақалаб топган пулдан одам бойирмиди, деб қўярди у гап орасида ўзини бечораҳол кўрсатиб.

Устидаги кийими тўзиб, ранги ўчиб кетгунча кияр ва уни хотини бир амаллаб ечиб олганда, бу эски чопон ёки яктакдан қайси боласига қандай кийим тикиш кераклигини тайинларди. У ҳар куни ёлғиз ўзи ўрик мағизи, ёнғоқ ҳамда сояки қора майиз билан нонушта ва тушликни битта қилиб, баҳҳузур чой ичар, ҳар пайшанбада кенжа гуручдан ошни канда қилмасди. Мириқиб палов егандан сўнг қўй ёғи ювилиб кетмаслиги учун шокосани тўлдириб сув ичарди. Товоқ тагида қолган ёғни мўйлов, қош ва юзларига суртиб, силарди. Унинг яна бир ғалати одати бор: кўчада қўлига илинадиган нарса кўрса бас, тахтами, шохми, асқотиб қолар деган ўйда индамай уйига кўтариб келаверарди.

Энг яхши кўрган машғулоти эса бола-чақасини ётқизиб қўйиб, пул санаш эди. Шиқирлатиб пул санаганда у ҳамма нарсани унутар, ўзича ғалати овозда хиргойи қилиб, чеҳраси ёришиб кетарди. У аввал ҳисоб-китоб ишларига хотинини ҳам йўлатмади. Кейинчалик унинг ҳатто пул санашни ҳам билмаслигини сезиб қувонди ва сандиқнинг калитини бериб қўядиган бўлди. Лекин хотин сирингни билгани, душман учдан бирингни билгани деган гапга амал қиларди.

Носфурушни икки нарса шаҳарга кўчиб кетишга мажбур қилди. Бўлмаса у ота-бобосидан қолган чордеворда қариб-чурирди. Нотинчлик йиллари ёлғон-яшиқдан қаматтириб юборган одамларнинг болалари бир куни кечаси тўйдан қайтаётганда роса дўппослашиб, Шодмон сариқ қишлоқ советига раис бўлган йили буздирилган мачитнинг ҳожатхонасига ташлаб юборишди. Носфуруш эрталабгача ахлатга беланиб, додлаб ётди. Бу гапдан кейин у икки йил кўчада кўринмади. Носни олғирликда отасидан қолишмайдиган, хотин-халажни кўрса кўзи ўйнаб кетадиган Шокир исмли ўғли сотарди. Носфуруш болаларига тишининг оқини ҳам кўрсатмас, бола бешикда, хотин тўшакда деган ақида унинг учун хонадонни бошқаришнинг яккаю ягона шарти эди.

Иккинчи воқеадан бир ҳафта кейин эса кўчини полуторка машинага орттириб, Жиззахга кўчиб кетди. Бу воқеага ўлиб-тирилиб йиққан пуллари сабабчи бўлди. Бефаросат хотини сандиққа, пулларнинг устига анор

[1] Охири. Боши журналнинг ўтган сонларида.

www.ziyouz.com kutubxonasi

териб қўйган экан. Лат еб ириган анорларнинг суви чиқиб, пулларга ҳам ўтибди. Сандиқни уйнинг ўртасига олиб очишганда, носфурушнинг ҳушидан кетиб йиқилишига бир баҳя қолди. Аламидан хотинини бир мушт уриб чўзилтирди. Пулларнинг тенг ярмидан кўпини ранги бир-бирига ўтиб, яроқсиз бўлиб қолган, бошқалари жиққа ҳўл эди. Қуртавага тушган юпқадек шалпайиб ётган пулларни уйга ёйиб қўйди. Сўнг тонг ёриша бошлаганда, дўсту душманнинг кўзи тушмасин деган ўйда пулларни авайлаб жойномозга тугди-да, уйдан чиқди.

У ҳаллослаганча одамларнинг кўзидан паналаб, тўппа-тўғри Қўрғонтепага чиқиб борди. Тепанинг усти тептекис, бемалол бир сурув қўтонласа бўларди. Тўннинг ичидан белига тугилган нам пуллар оғиргина эди. Уларни эзиб қўймаслик учун оҳиста қадам босганча биттаяримта йўқмикан деган ўй билан тепаликни гир айланиб қараб чиқди. Бирор тирик жондан асар ҳам йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, тепаликнинг қоқ ўртасига келиб, авайлабгина белидаги белбоғни ечди. Бир нечта йигирма бешталикнинг иккига бўлиниб қолганини кўриб, шом туби қоронғи бўлди. Худога қандай шак келтирган эдимки, мени бунчалик жазоламаса дея унинг таъби тирриқ бўлди. Кўз тегди. Ҳамманинг унга кўзи ола, гўёки у бу пулларни одамлардан тортиб олаётгандек.

У пулларни ажриқзорга ёя бошлади. Аввал юзталикларни, сўнгра элликталиклар, йигирма бешталикларни ёйиб, устига йўл-йўлакай териб келган тошчаларни бостириб чиқди. Терлаб-пишиб ёйиб бўлгач, сал нарироққа бориб, қуёш нурида товланаётган пулларига тикилиб, хўрсиниб қўйди. Бу пулларни топиш учун у бошини қай бир тошга урмади. Керак бўлса йўлини топиб ўғирлик ҳам қилди. Одамлар кўнглидан чиқариб бергандан кейин ҳалол-да. Қанчадан-қанча кишининг ҳожатини чиқарди, савобга доҳил бўлди. Бу эгасига ҳам, бандасига ҳам аён. Эртаю кеч бошинг айланиб, сассиқ носвойга тикилиб ўтириш ва тамакининг заҳрини ютиб нос тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. У бу пулларни болачақасининг ризқини қийиб, едирмай-ичирмай, бир кунимга яраб қолар, болаларим каттарса уйли-жойли қиламан деб, ўзини ўтга, чўққа уриб топган. Рост-да, бола қаттиқчиликда ўсгани маъқул. Бўлмаса ҳавойиликка ўрганади. Ундан ташқари бу дунёнинг калити — пул. Чўнтагинг қуруқ бўлса, ҳеч ким сен билан ҳисоблашмайди. Пулинг жарақлаб турса, дўстинг ёнингдан узоқлашмайди, душман эса ҳайиқиб яқинингга йўламайди. Юзта сиз-биздан битта жиз-биз афзал. Майли, уни аҳмоқ, пулпараст десинлар. Бироқ теварагидагилар ҳам ундан ақлли эмас. Худога шукрки, олтмишни қоралаб шу пайтгача ҳеч кимдан ақл сўрамаган. Лекин кўпларга йўл-йўриқ кўрсатган, ақл бўлган. Бировларнинг айбини органга айтган бўлса, давлат учун қилган. Юқоридан қамаш плани келгандир, у бу юмушни бажарган. Шундай бўлгач, унда нима айб? Одам боласи бир бурда нонни деб нималар қилмайди. Кун кўриш учун қилинган ҳар қандай тирикчиликнинг айби йўқ. Бундан ташқари замон ўзи шунақа эди. Одам одамни емаса уйқуси келмасди. Бу ишни сен қилмасанг, бошқа биттаси орага кириб, ўзингнинг ишингни тўғрилаб юборарди.

Пулларига тикилиб ўтирган носфурушнинг эсига отасининг чўнтагидан неча тийинлигини ҳам билиб бўлмайдиган эски чақани ўғирлагани ва ўлгудай калтак егани тушди. Раҳматли, худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан турган хасислардан эди. Мен қўлим билан бировга бир нима бермаганман, тортиб ёки ўғирлаб олишса иложим йўқ дерди. Носфуруш тепаликдан кўриниб турадиган қишлоқ қабристонига қаради. Кўзи билан чамалаб дўппайиб турган эски қабрлар орасидан отасинникини тополмади. Худо раҳмат қилсин, деди юзига фотиҳа тортиб. Тупроқнинг олдида ҳамманинг тақдири бир. Ўлганингдан кейин калла-почангни керакли жойларига тиқишсин. Тириклигингда қўлинг узун бўлиб яшаб, давру даврон сурмаган одам одамми. Шундай дейман-у, маишатни ҳам ўрнига қўя олмаяпман. Бу пулларни болаларга қолдирса, уларга яхшилик эмас, ёмонлик қилган бўлади. Пешонада бўлса бир кунини кўришар. Бунақа мўмай пул қўлига тушган одамнинг бел оғритгиси келмайди. Лекин улар пул борлигини билишади. Самарқандлик тожик хотинига ҳам ишонч йўқ. Уруғида савдогар одам борки, ундан эҳтиёт бўлган маъқул. Савдогардан хотин ҳам, дўст ҳам чиқмайди. Яхшиси бирор овлоқ жойга кўмиб қўяди. Бир кун келиб ҳолдан тояр, носфурушликни ташлар, шунда кунига яраб қолар. Бу кўзи ерга қадалган болаларидан ёруғлик чиқадиганга ўхшамайди. Ўзи ҳам отасининг иззатини жойига қўйгани йўқ, болалари ҳам уни кафтида кўтариб юришмаса керак. Бойлик бор жойда ота-болалик ҳам насия бўлиб қоларкан. Сен ундан пулингни қўриқлайсан. У бўлса ўлишингни пойлайди. Бебақо дунё...

Носфуруш эрталабки ёқимли қуёш нурида мудраб, хаёл суриб ўтираверарди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими бирдан кўтарилган қуюндан кўз тикиб, сажда қилиб ўтирган пулларига жон киргандек тўзиб, хасдек учиб кета бошлади. У жонҳолатда ўзини юзталик ва элликталикларнинг устига ташлади. Ён-веридаги пуллар эса тўзғиб кетди. Ётган жойидан қўзғалгудек бўлса, қолган пуллардан ҳам ажраларди. У пешонасини моллар юравериб қотириб ташлаган ерга урганча, ҳўнграб йиғлаб юборди. Тишига қисиб олган юзталикнинг кўз ёшидан ҳўл бўлмаслиги учун уни оғзи билан қўйнига тиқиб қўйди. Оёғининг остидаги пулларга ўгирилиб қаради. Сатта бешталик ва ўнталиклар қолибди. Носфуруш инграб юборди. Сўкинди. Беихтиёр, ерни муштлаганда, ўнг қўлининг остидан яна бир неча пул учиб кетди.

— Шўрим қурси-ин! Мен эшакка бу ҳам кам! Итдан бўлган қурбонликка ярамас! Сассиқ носдан топгани шамолга учиб кетди-я! Энди нима қилама-ан! Додимни кимга айтаман! Шунча шармандалик етмаганмиди-я! Қандай қилиб бу пулларни териб оламан! Отинг ўчгур шамол! Тишимнинг кирини сўриб топган пулларимни қаёққа учириб кетдинг-а? Ҳа, падарингга минг лаънат-а!

Шамол бир оз босилганда, остидаги сўлковойларни шоша-пиша қўйнига тиқа бошлади. Намликдан ғози қочиб, титилган пулларнинг тенг ярми йиртилиб, ғижимланиб, яроқсиз бўлиб қолганидан фиғони фалакка чиққан носфуруш ўрнидан туриб, ҳаллослаганча шамол пулларни учириб кетган томонга қараб югурди. Пешингача Қўрғонтепани гир айланиб, пул қидириб ҳолдан тойди. Лекин учдан бирини ҳам тополмади. Тепалик атрофида қўй-қўзи боққани бола-бақра ва район марказига ишга ўтадиган одамлар пайдо бўлгач, дарди ичида йиғламоқдан бери бўлиб уйига қайтди. Бир ҳафта ёнига ҳеч кимни йўлатмай зах ерга бағрини бериб ётди. Озиб-тўзиб қолди. Бу пайтда одамлар ҳар куни Қўрғонтепанинг теварак-атрофидан юзталик, элликталик, ўнталик ва беш сўмлик пуллар топиб олишаётгани, бировлар ҳатто ишини йиғиштириб қўйиб, эртадан-кечгача қабристонда пул қидириб юргани ҳақида гапиришарди. Бу пуллар Шариф носфурушники эканлигини каттадан-кичик ҳамма билар ва қўшиб-чатиб ҳангомани бир-бирига ҳузур қилиб айтиб беришарди.

Кўп ўтмасдан Шариф носфуруш ҳеч кимга қорасини кўрсатмай шаҳарга кўчиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XIV

Усмонов ҳикоясини тугатгач, ранги оқариб, беҳолгина шифтга тикилиб қолди. Пешонасини қоплаган қора тер икки чеккасидан оқиб туша бошлади. Эрта оқарган сочлари серажин юзига ғарибона тус берарди. У мен узатган совуқ чойни асабий қалтираётган қўлида аранг ушлаб, қуруқшаган оғзини ҳўллади. Эти қочиб, сўлиган юзига, салқиган қовоқларига узоқ тикилиб бўлмас, кишининг беихтиёр, юраги ачишарди. Мен бу одам ҳақидаги турли гап-сўзлардан хабардор эдим. Унинг изтироб акс этган кўзига тикилганча хайрли тун тилаб хонадан чиқарканман, хаёлимда воқеалар жонлана бошлади.

Тун ярмидан оққан эди. Эшитган гапларим юрагимга сиғмасди. Учи-қири йўқ теп-текис кенгликда тинимсиз юргим, вужудимни ларзага келтираётган ғуссаларни далаларга айтгим келарди. Қоровул Эшмурод амаки йўлаклардаги чироқларни ўчирган, ой ёғдусига кўмилган дарахтзор сирли товланарди. Ёғ суртилгандек ялтираётган нок дарахтининг баргларига тикилганча ҳамқишлоғим тақдирини ўйлардим. Одатда, бир қишлоқдан бирорта киши кўтарилиб қолса бас, тўрт кишининг боши бириккан жойда гап ўша одамдан бошланиб, ўша одамда тугайди. Умри бўйи кўзи кўзига тушмаган бегоналарнинг зоти ҳам ўша одамнинг аждодларига бориб тақалаверади. Қишлоқнинг майда-чуйда амалдорлари йўлини топиб, унга хизмат қилишни ўйлай бошлайдилар. Гоҳида эса номини сотиб, бемалол ишларини битириб кетаверадилар. Деярли барча ҳамқишлоқлари ундан саховат ва каромат кутади. Аслида, у ҳатто ўз қавм-қариндошларининг ҳолини сўрашга ҳам вақт тополмайди. Ниҳоят, норози бўлган қишлоқдошлар уни беоқибатликда, ўзларига қайишмасликда айблайдилар. Агар у ўз ёнига битта-яримтани тортган бўлса ҳам, бу одам қишлоққа у ҳақдаги бўлар-бўлмас гапларни ташийди. Усмонов Самарқандда ишлаб юрганда ўнинчини битирган ўғлини эргаштириб, мункиллаб қолган Эгамберди бобо келди.

— Ўғлимни одам қилиб бер, Каримжон, мендан қайтмаса худодан қайтар, — деди чол ер билан битта бўлиб.

У қариянинг раъйини қайтара олмади. Йигитчани қишлоқ хўжалик институтига киритиб қўйди. Ўқишни тугатгач, илмий иш қилиши учун институтда қолишга кўмаклашди. Қишлоққа бир келганида эса синглиси Ойнисадан Эгамберди бобонинг ўғли Арслон эридан уч минг сўм олиб, ўғиллари Азаматни ўқишга киритиб қўйганлигини эшитди. Усмоновнинг меҳмонлари ва катта-кичик хизматларига кетадиган сарф-харажат учун Арслон ҳар йили беш-олти нафар болани олий ўқув юртларига жойлаб қўйишини эшитиб, ҳангу манг бўлди. Болага ёмонлик қилмади-ю, хотинига уни уйга бошқа йўлатмасликни тайинлади. Усмонов энди у билан гаплашиш бефойдалигини, поранинг таъмини олган одамни бу йўлдан қайтариб бўлмаслигини тушунди ва шу билан ўзининг кўнгилчанлигига ҳам аза тутди. Институт раҳбарларини бундан огоҳ этиб, ҳушёрликка чорлаш ҳам фойда бермади. Чунки улар бу хил тоифадаги одамларни қўлидан иш келадиган, уддабурро деб биладилар.

Усмонов бундай одамларнинг биттасидан қутулса, мутлақо ўйламаган жойдан иккинчиси пайдо бўларди. У ўша фалокатга дуч келгунга қадар атрофида улар хира пашшадек айланишди.

Усмонов қишлоқдан жўнаб кетгач, зооветеринария техникумида, сўнгра Москвада, Қишлоқ хўжалик академиясида ўқиди. Унинг студентлик йиллари оғир кечди. Тун бўйи вокзалда кўмир ёки цемент тушириб, эрталаб дарсга етиб келарди. Қиш ойларида эса иссиқхоналарда гўлахлик қилар, чарчаганидан дарсда ўтирганча ухлаб қолган пайтлар ҳам бўларди.

...У ҳафтада икки-уч марта вокзалга юк тушириш учун боришини Раънодан яширарди. У ишлаб топган маблағига яшар ва стипендиясини онаси билан кенжа синглисига юборарди. Раъно йигитни кечалари қаёққадир кетишидан ташвиш чека бошлади. Ниҳоят бир кун кечаси уни кутишга жазм қилди. Қариндоши келиши керакли гини баҳона қилиб, қоровул кампирнинг ёнида ҳақ деб ўтирди. Тонгга яқин тўрхалтасини орқалаган, зўрға оёғини кўтариб босаётган Карим ётоқхона эшигини қоқди. Тўрхалтада картошка бор эди. Йигит чангга беланган уст-бошидан уялиб кетди. Эшикни очган Раъно дабдурустдан унинг қаёқдан келаётганини англай олмади. Нима дейишини билмай бармоғини тишлаганча қотиб қолди. Қизни учратишни хаёлига келтирмаган Карим ҳам каловланиб, остонада серрайиб турарди.

Уйқуси бузилавериб ўрганиб қолган кампир ғудраниб, ағдарилиб ётди. Улар хонагача гап-сўзсиз кўтарилишди.

— Ҳамхонам йўқ, юринг бизникига, — деди Карим унга чарчоқ нигоҳда ғамгин термулиб. Кейин ечган кийимларини йиғиштираётган қизга ёлворди: — Қўйинг, ўзим ювaман.

Шу-шу ишга борган кунлари у қайтмагунча Раъно мижжа қоқмайдиган бўлди. Унинг кўмир чанги сингиб кетган кийим-кечакларини ювиб, дазмоллаб кўнгли жойига тушмагунча боши ёстиққа тегмасди.

Ўйлаб қараса, энг бахтли кунлари ўша дамлар экан. Яхшидир, ёмондир умр ўтавераркан...

Тақдир унга Раънони дуч келтирмаганда, бу қадар қунт ва сабот билан илмга берилмаган бўлармиди. Бу ғамгин ва гўзал аёл унинг одамлар ва ҳаётга бўлган муҳаббатини, яшашга иштиёқини аланга олдирди. Қиз йигитни узоқроқ кўрмаса бетоб бўлиб қолар, тун бўйи мижжа қоқмай кўз ёши қилиб чиқарди. У шу пайтгача бундай табиий ва содда инсонни учратмаган, шундай йигитга дуч келаман деб ўйламаган ҳам эди. Йигит эса, бу қадар юмшоққўнгил, тоғанини бировларга бериб ўзи оч ўтирадиган, ҳамма нарсага ақли етадиган қиз ўзига насиб этишини тақдирнинг инъомидек қабул қилди.

Одам бунчалар содда ва оққўнгил бўлмаслиги керак. Бундай одамлар охири бир кун хор бўладилар ва ҳамма уни унутиб, ҳаётининг сўнгги кунларини ғарибликда ўтказадилар дея ўйларди у ўзича. Болалигини бир умрга сақлаб қолган даҳолар ҳам ўз-ўзини фаол ҳимоя қилмас, курашмас эканлар, Моцарт ёки Цветаевадек умумий қабрга кўмилиб, муносиб ўлим тополмай кетадилар.

У ўзининг ночорлигидан, уст-бошининг юпунлиги боис учоворадан қочар, қизларга яқин йўламас, улар гап ташлаганда эса ёш боладек қизариб, сўзидан адашиб кетарди. Илк бор учрашиб гаплашганларида ҳайрат ва хижолатдан иккиси ҳам ўзларини йўқотиб қўйдилар. Йигит унинг олдида ҳатто чуқурроқ нафас олишга ҳам ийманар, қиз эса бошини қуйи эгганча, дами ичига тушиб ўтирарди. У пайтда поезд Москвага бир неча кун юрарди. Улар бир купеда ўтиришар, беихтиёр, кўз-кўзга тушар ва нима ҳақдадир гаплашишга тўғри келарди. Илк бор кўз-кўзга тушиб, сўзлашганларидаёқ иккисида ҳам бир-бириларига раҳм-шафқат ҳисси уйғонди. Худди шу дақиқадан бошлаб хаёлида муҳаббат шафқатдир деган фикр айланаверди. Бу самимий, содда одамларда бўладиган ва киши бошига кўп ташвишлар келтирадиган хислат эди. Раъно болалар уйида тарбияланган, ҳеч кими йўқ эди. Шу-шу улар бир-бировини кўрганда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзларини унутадиган бўлиб қолдилар. Бу меҳр-муҳаббат ва сеҳрли туйғулар оғушида улар узоққа, жуда узоққа парвоз қилдилар. Инсон ва садоқатли умр йўлдоши сифатида бир умрга бутун қолдилар.

Одамлар уйим-жойим, бола-чақам, қариндош-уруғим ва ёру биродарим деб юрганда, улар тўғри ва ҳалол ишлашни ният этиб аввал кулги, сўнг масхара, охир-оқибатда шарманда бўлдилар. Тақдирнинг бу қадар таппага айланиб кетганлигидан эр-хотин ўзига келмаганди.

Бироқ улар кўп одамларнинг ҳаётини изга солиб юборишга бош-қош бўлдилар. Кўплаб муносиб ва қанча қаланғи-қасанғиларга мадад қўлини чўзишди. Энди эса уларнинг юзтадан биттасигина бу яхшиликни эслайди. Шунақа бўларкан, ёв ёқадан олганда, ит этакка тармашаркан. Инсон феълида шундай қусур бор, ўлиб-тирилиб чиққан тепалиги бир кун келиб кўзига шунчаки текис ердек кўринади. Бир кун келиб, шу тепаликка чиқишга қурби етмай қолгандагина буни англайди. Шунга қадар, ўзининг ярим ҳақиқатдан иборат аҳмоқона хаёлларига банд бўлиб яшайверади.

Соғлиги туфайли тўй-маъракаларга кўп бормайдиган Усмонов ўзи яссилаб олган ирғай таёғини белига қўйиб, икки қўлини осилтирганча тоққа қараб кетарди. У тўйлар ароқхўрлик ва ваъзхонликнинг ўчоғи бўлиб қолганлиги учун ҳам бормасди. Ўтмишини унутган, келажагини кўз олдига келтиролмайдиган, даврадагиларнинг ҳар бирига кўз сузиб рақсга тушаётган ўйинчига мусобақалашиб элликталик ва юзталикларни қистираётган, оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган маст-аластларни кўриб азобланмаслик учун маъракаларга бормасди. У ўша оғир йиллари тушларига кириб чиқадиган бир бурда нонни одамлар исроф қилиб, эртаси куни ахлатхонага ташлашларини ва молга беришларини ҳис этмаслик учун суюқ ашулалар қулоқни батанг қилаётган хонадонларга йўламасди. Бир-бирларини аблаҳларча алдашларини кўриб, ёлғон мақтовларни, сийқа сўзларни эшитмаслик учун бормасди. Ундан кўра тоғ этаклари, сой бўйлари ва адирларда ҳолдан тойганча айланиб юрарди. Тепаликда ўтирган кўйи қишлоққа, бепоён лалми ерларга ва олис-олисларда қорайиб кўринадиган Туркистон тизмаларига тикиларкан, кўзидан сел бўлиб ёш қуйиларди. У узоғи билан беш-олти йилдан кейин худди шу ерда ўтириб олиб, ўша тоғларга, кўз илғамас адирларга, тўлғониб оқаётган она Сангзорга мана шундай тикилиб ўтира олмаслиги, инсон умрининг қисқалиги ва қуш уйқусидек шу қисқа ҳаётни аҳмоқона ишларга сарфлаб ўтказиши учун кўз ёши тўкарди. Умр интиҳоси шундай — бир кун келиб, инсон она заминга қўшилиб кетади-да, ердан гиёҳ ёки дарахт бўлиб униб чиқади. Одам бўлиб она ердан узолмаган қарзини, балки ўт-ўлан бўлиб узар... Усмонов бундай пайтларда карахт бўлиб қолар ва анчагача ўзига келолмасди. У тоққа ўрлаши билан вужудини қамраб оладиган ва уни гунг қилиб қўядиган туйғудан ўйга чўмиб юраверарди. Токи чеҳраси очилиб гапирмагунча хотини ҳам унга оғиз очмасди. Кузда эса эртадан кечгача хазонрез боғларни, тоғ этагидаги ёввойи олчазорни кезарди. Қовжираган япроқларни қисирлатиб босганда вужуди ором олиб, танаси яйрарди.

Кунлар эса оғир ўтарди. Бургут қариганда сичқон овлаганидек, у майда-чуйда, яхши-ёмон гаплардан хурсанд ёки хафа бўлиб яшарди. Тошкентдаги ўғлидан ёки Самарқандга тушган қизидан ҳар гал хат олганда ичидан тўлиб-тошиб йиғи келар, хотинининг кўзини пана қилиб кўнглини бўшатар ва шундан сўнг анчагача ўзини енгил ҳис этарди.

Эслашга арзигулик ҳамма нарса — болалик ҳам, талабалик йиллари ҳам, уруш азоб-уқубатларию илм йўлидаги изланишлар, севги изтироблари... Мансаб шоҳсупасининг ҳавосию бу вақтда қилинган хато ва янглишишлар, энг яқин олиб, ардоқлаб юрган кишиларингни сўнггги дақиқадаги хоинликдан баттар бетарафлиги... Чет элдаги бир неча йиллик завқли меҳнат ва катта ишонч билан у ердан қайтиш... Ниҳоят шармандаларча барҳам топган шуҳрат. Ҳамма-ҳаммаси кино лентасидек кўз олдидан ўтар ва қаршисида ўзининг уқувсиз рассом чизган сунъий портрети намоён бўларди. Нега бу аҳволга тушдим дея, ўз-ўзига қайта-қайта савол берарди. Бироқ онангни қози зўрлаб қўйса, арзингни кимга айтасан?!

Усмонов бахтсиз кексалик ва умр сўнггидаги омадсизликдан чўкиб борарди. Танасидан эт қочиб, кийимлари ҳам ҳалвираб қолганди. Уддабурон хотини эрининг барваста гавдасига илгари зўрға сиғадиган кийимларини сездирмай кичрайтириб қўяр, гоҳида у буни пайқамай, наҳотки аввал ҳам шундай озғин бўлсам дея ўйларди.

У туғилган қишлоғи Сутлибулоқдан уч чақиримлар чамаси берида, район марказида яшарди. Шу ердан арзонроқ бир уйни сотиб олишган эди. Унинг она қишлоғидан илинжи қолмаган, у туғилган уй эса бузилиб кетганди. Одамлар Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши муносабати билан қайта-қайта кўчирилганлиги туфайли қишлоқда совхознинг мол-ҳолига қарайдиган кишилар ва кексаларгина қолишганди. Сутлибулоқни тенг иккига бўлиб шарқираб оқадиган Каттасой тоғ этагидаги биринчи тегирмонга етмасдан бурун қувурларга солиниб, совхознинг экинзорларини суғориш учун район марказига олиб кетилганди. Бир пайтлар барқ уриб яшнаб турган кўм-кўк Сутлибулоқ қишлоғи одамларнинг кўз ўнгида сувсизликдан қуриб, қиёфасини йўқотиб борарди. Одамлар гоҳида ичишга ҳам сув топишолмасди. Сой суви билан ишлайдиган саккиз тегирмон ҳам харобага, дайди эшаклар соялайдиган жойга айланганди.

Адир кезиб юрган Усмонов кунларнинг бирида ўша — хирмонда бирга ишлаган, эллигинчи йиллар охирида оқланиб қайтиб келган Отақул махсумникига кириб борди. Махсум ҳам бу одмигина кийинган, лекин келбатидан катта охурдан ем еган одамга ўхшайдиган меҳмонни илиқ қаршилаб, юзига узоқ термилди.

— Мени танимадингиз-а, Отақул ака? — деди ҳаяжонини зўрға босиб Усмонов махсумга ғамгин табассум билан тикиларкан.

— Эс-ҳушни ҳам, кўз нурини ҳам керакли жойга ташлаб келганмиз, иним! Ҳақ гап шу! Узр, танимайроқ турибман.

— Мен Каримман, Усмон ижроқўмнинг ўғли. Сиз билан бирга хирмонда ишлагандик...

— Эҳ-ҳа-а!.. Обком бўган Карим-а?

— Ҳа.

— Ёпирай! Тушимми бу, ўнгимми? Бу кун ҳам ғанимат! Келинг, Каримжон! Бир қучоқлашайлик, ўғлим! Яна қачон бир-биримизни бағримизга босамиз...

Отақул махсум кўзига ёш олди. Усмоновнинг ҳам кўнгли бузилди. Улар анчагача қучоқлашиб турдилар.

— Охир бир кун келишингизни билардим. Шу пайтгача йўлингизга кўзим тўрт бўлди, — деди махсум хириллаган овозда. — Отангиз раҳматли Усмонжон билан ўша ёқда кўришгандик. Шуларни сизга айтаман деб ўйлагандим. Оёғингиз узангида турганда бизни ҳам, қишлоқни ҳам унутдингиз, иним. Қишлоқни қай аҳволдалигини кўриб турибсиз. Сизлардек битта-яримта обрўли кишилар киндик қони тўкилган жойдан хабардор бўлиб турганда ноинсоф район катталари ҳам бу томонларга ўнг кўз билан қарармиди, деб ўйлаймиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг таъналаримдан хафа бўлманг, иним. Эртага нима бўлиши боши юмалоқ одам боласига қоронғи. Юрагимдагини сизга айтиб қолишим керак. Олдин келган олдин кетсин, илоҳим. Лекин она юртингдан файз қочганлигини кўриб туриб кўз юмиш азоб экан. Хабарим бор, сизнинг дардингиз ҳам қаттиқ. Начора, бир тўлган бир сочилади, дейдилар. Одам боласи азалдан бир-бирига бўри. Бунинг ҳаммаси тўқчиликдан. Илгари одамлар йўқликдан бир-бирининг бошини еган бўлса, энди эса тўқликдан. Ютсанг, ютасан дейдилар. Дунё шунақа, тошга дардингни айтсанг ҳам дард эшитасан. Ҳаммасини силтаб ташланг...

Махсум ҳақ эди. Чанқаган Усмонов босиб чой ҳўплаганча, уни тинглаб ўтирарди.

— Ўша ёқда тишдан ҳам ажралдик. Саримсоқ емаса тиш тўкилиб кетаркан. Нонни ҳам ивитиб ейман. Тишинг бўлмаса овқатнинг мазасини ҳам билмас экансан, — Махсум чордона қуриб, дастурхонга тикилганча, жағи ўйнаб гапирарди. — Раҳматли Усмон ижроқўм билан уч кун бирга ертўлага ўхшаган уйда яшадик. Отангиз билан анча ҳамсуҳбат бўлган бир озарбойжон врач бизга қарарди. Улар бирор йил чамаси бирга бўлишган экан. Мен борганда, Усмон ака ўша ерда эканлар. Қучоқлашиб, йиғлашиб кўришдик. Унга сизни хирмонда ишлаётганингизни, кап-катта йигит бўлиб қолганингизни айтдим. Ўшанда суюнганини кўрсангиз, бечоранинг. Кўзини мендан узмайди. Кийимларимни ҳидлаб йиғлайди, бояқиш. Сизнинг афт-башарангизни, кўринишингизни қайта-қайта сўрайди. Сиз ҳақларингизда бирор янги гап айтишимни кутиб кечаю кундуз оғзимни пойлайди. Ертўлага ўхшаган узун бир уйда юз чоғли одам саржиндек бўлиб ётардик. Чалқанча ётсак, йигирматача одамга жой етмай қоларди. Команда билан бир ёндан иккинчи ёнга ағдарилардик. Орамизда Абдулла Қодирий деган ёзувчи ҳам бор эди. Мен эсимни таниб, бундай пайғамбартахлит одамни кўрмадим. Одамлар ихлос билан унинг қўлидан ўпишарди. Мен саводсиз ўша пайтда у кишининг кимлигини қайдан билай? Олти киши пиллагра деган касал билан оғриди. Тери кепакка ўхшаб, уқаланиб тушавераркан. Овқатда қай бир витамин етишмаса шунақа касалга чалинаркан, киши. Улар орасида ўша Қодирий ҳам бор эди. Олиб чиқиб кетишаётганда, у бирданига ўгирилиб, орамиздаги бир кишига яқин келди.

— Сиздан махорка олиб чекувдим. Ҳақига мана шуни олинг, — деди у бир кулчасовунни узатганча қимтиниб ва қўярда-қўймай ташлаб кетди. Унинг кетаётганидан ҳамма хурсанд эди.

— Яхши бўлди, Абдулла ака, энди уйингизга борасиз! — дейишди одамлар унга ҳавас билан тикилишиб.

— Йўқ, бормасам керак, — деб жавоб қилди Қодирий ғамгин қиёфада.

— Ана одамнинг кучлиси. Ана метин ирода. Энди билсак, у ўшанда қайғули нимтабассум билан ўлимга кетаётган экан. Ўша ертўлада ўнлаб одамлар унинг учун жонини беришга ҳам тайёр эди. У Усмон акани ёнидан қўймасди. Иккаласи ғазал ўқишиб, қоғоз қоралашарди. У кетгач, орадан бир кун ҳам ўтмади. Кечаси келиб Усмон акани ҳам олиб кетишди. Ҳафтадан кейин, яна қирқ чоғли одамни эшелонга солиб жўнатишди. Ўн икки йил ит азобида яшаб, оқлангандан сўнг қайтиб келдим. Кўплар Қозоғистон даштларида сувсизликдан ўлиб кетди. Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади дегандай, ажали етмаса одам ўлмас экан. Шу юришимга ҳам ишонгим келмайди. Уйга қайтишдан умидни узган эдим. Гоҳида босинқираб уйғонганимда тушимми-ўнгимми деб пайпасланиб, у ер-бу еримни ушлаб кўраман. Худога шукр қилиб, ёқамга туфлаб қўяман.

— Таниқли одамлардан яна кимлар билан бирга бўлувдингиз? — деб сўради Усмонов махсумнинг ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган юзига тикилиб.

— Кўп эди... Мен уларнинг кўпини билмасдим. Ёнгинангда юрган одам бирдан йўқолиб қолар, шундагина унинг кимлигини айтишарди. Дунёда саводсизликдан катта гумроҳлик йўқ экан. Борди-келдининг фарқига бормасанг, учоворага ҳам қўшилолмас экансан. Воқеалар вақти-вақти билан эсимга тушади. Қариганда одамнинг мияси суюлиб, сув бўлиб кетади деганлари тўғри. Бировдан бирор гапни эшитсам, аста-секин шунга ўхшаш воқеалар ёдимга тушади. Шунда айтсам айтдим, бўлмаса яна хотирамдан кўтарилиб кетади. Хўп кунларни кўрдик-да. Ўйлайвериб, бошим тарс ёрилгудек бўлиб кетади. Ўн икки йил нега ўша ёқларда итдек сарсон-саргардон юрганимга, худо ҳақи, ҳали ҳам ақлим етмайди. Йигирма йиллаб у ёқда азоб чекиб юрганлар бор. Нега юришганини ўзлари ҳам, лагерь мутасаддилари ҳам билишмайди. Шундай дейман-у, яна ношукрлик қиляпман, деб ўзимни-ўзим койийман. Нима бўлса ҳам, ҳарқалай, қайтиб келдим. Бировдан олдин, бировдан кейин юрибман. Ўлсам жасадимни авлодаждодим ётган тупроққа қўйишади-ку, деб ўйлаб, ўзимга таскин берган бўламан. Мен билан бирга кетган Мардонқул бечора қайтиб келмади-ку. Бизни шу ернинг ўзидаёқ айри-айри олиб кетишганди. У мендан тилли-жағлироқ, бир амаллаб кунини кўриб юргандир, деб ўйлардим. Уйинг куйгур, Шариф носфуруш ишимизни қилган экан. Мушукжардан учиб ўлган Салим мохов атрофимизда ўралашиб юрарди. Ҳамма гапни оқизмай-томизмай носфурушга етказаркан. Бу хизмати учун Шариф унга яширинча бир пуд-ярим пуд ғалла бераркан. Қайтиб борсам, носфурушни қўйдек сўяман деб қасам ичгандим. Ёш ўтавериб, одам қўрқоқ бўлиб қоларкан. Қўлим бормади. Очиғи, турма жонимга тегиб кетганди. Давлатга эса, ашаддий ўғрини ўлдирасанми, фашистдан бешбаттар қонхўрни ўлдирасанми — бари бир. Олиб бориб тиқиб қўяди. Тақдири азал деб шуни айтарканлар, иним. Қаттиқчилик тортавериб, бу бош тошга айланиб кетди. Ҳар хил одамларни кўраверсанг, вали бўлиб кетаркансан. Ёмон кунлар яхши бўларкан-у, ёмон одам яхши бўлмас экан. Орамизда минг бир хил одам бор эди. Ёмонни турма ҳам, сургун ҳам, калтак ҳам тузатолмас экан. Унинг учун, муқаддас нарса бўлмас экан, нариги дунёда ҳам яхшининг ҳисобига кун кўраркан... Сизга яна бир гапни айтмоқчи эдим. Ҳоки бўлмаса ҳам онангизни қабри ёнида отангизга ёдгорлик қўйинг! Руҳлари ёнма-ён яшасин! Номи ўчиб кетмасин!..

Сталин вафотидан анча ўтиб, ноҳақ отилган ва қамалганлар оқлангандан сўнг, Усмонов Москва ва Тошкент архивларидан отасининг тақдирига оид ҳужжатларни суриштирди. Отасининг Сибирда вафот этганлигини аниқлади. Лекин қабрини топиш мумкин бўлмади. У қишлоққа қайтиб келгач, Отақул махсумнинг маслаҳати билан ўғлига Сибирь тупроғидан олиб келтирди-да, онасининг ёнидан отасига ҳам ёдгорлик ўрнатди.

Отасининг ҳибсга олиниши тарихини билгач, у анчагача ўзига келолмай юрди. Усмон ижроқўм область марказидаги бир йиғинда планни бажаролмаган колхозлар одамларнинг кўрпасидаги пахтани давлатга топширишга мажбур қилиши нотўғри эканлигини минбардан айтган экан...

Отақул махсум шундан сўнг кўп яшамади. Лекин оёқ узатгунга қадар тилдан қолмади. Усмонов ҳафтада бир марта чолникига кирар, суҳбатини оларди. Сўнгги кирганда қариянинг хаёли ўзида эмас экан. Бурнининг тагига келиб, гапирмагунча Усмоновни танимади.

— Эҳ-а, сизмисиз, Каримбой. Келинг! Мана бу ёққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтинг. Аҳволингиз яхшими? Келин яхши юрибдиларми? Бола-чақа, эшик-эли дегандай?.. Ҳа-ҳа, омин, кенг феъл, кетмас давлат берсин? Хуш келибсиз!..

Бош ирғаб ўтирган Усмонов махсумнинг нега бунчалик бафуржа ҳол-аҳвол сўраганидан ҳайрон бўлиб, чолнинг қони қочган юзига тикилди. Махсум меҳмон билан сўрашаётган бўлса ҳам хаёли бошқа ёқда эди. Теварак-атрофга ҳадеб алангласа-да, кўзи ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди. Чўзинчоқ чеҳраси сарғайинқираб, сийрак соқоли пахмайиб турарди.

— Афтимдан ажалнинг ҳиди келяпти-а? — деди махсум Усмоновга ғамгин тикилганча соқолини силаркан. — Ўзимга аён бўлди. Индинга етмасам керак. Вақти-соати етганда ўлим ҳам насибадай гап. Одамзодга юк бўлиб туғилгандан кейин, уни бу юкдан халос этиш — савоб. Одамнинг умри бир қорага етгач, ёнверидагиларга оғирлиги тушмай, ўз оёғи билан юриб турганда кетгани маъқул. Ҳақ гапни айтганда бу эгасига ҳам, бандасига ҳам маъқул келадиган тирикчилик. Жонинг халқумингга келиб, омонатини топширар пайтда одам уззу-кун нега шу серғалва дунёга келдим деб ўйлаб қоларкан. Армондан қолса ҳам дармондан қолмаганига шукр қилиб, оёғининг орасидан шамол ўтиб турганига мағрур бўлиб яшайвераркан. Аслида, одам бу дунёга азоб билан роҳатнинг ўртасида қоврилиш учун келаркан. Бизга ўхшаган ҳаётни умри ҳисобига сотиб олганларга тирикликнинг ўзи бир давлат. Мана энди шуни ҳам худо кўп кўрди. Пешонага ёзилгани шу экан-да, Каримбой. Сиздан битта ўтинчим бор. Эс-ҳуши бутун одам сизни емаган сомсага пул тўлаганингизни билади. Ҳали вақти келиб, ҳақиқат йўлида жафо чекканингиз учун кўкларга кўтаришади. Мени айтганди дерсиз, ўшанда. Область катталари ҳали ҳам гапингизни ерда қолдиришмайди. Айтинг, анави темир қувурга солган сувимизни қайтариб беришсин. Мана, сой ҳам кўмилиб, йўқ бўлиб кетяпти. Тоғ бағрида туриб, чўлда яшагандек яшасак-а! Инсофданми шу? Дов-дарахт, қурт-қумурсқаларда нима гуноҳ? Ахир, бу жониворлар ҳам яшаши керак-ку. Ёки одам боласи деб неки мавжудот бор қирилсинми? Сойдан сув оқмагач, булоқлар ҳам қуриб қоляпти. Тоғ ҳам қишлоқ билан, одамлар билан тирик. Қишлоқ харобага айланса, қабристон ҳам оёқ ости бўлади. Шуларни кўриб туриб, оёқ узатиб жон бериб бўладими?.. Ҳали кўрарсиз, бу ношукр одамлар бундай жойларнинг қаричига зор бўладилар...

Махсум бошини кўтарганда, ҳамсуҳбати боладек пиқиллаб йиғлаб ўтирарди. Чол индамади. Шунча амалдор бўлиб юрса ҳам имони бутун экан, деб ўйлади елкалари кўтарилиб-тушаётган отасидек суякдор Усмоновга тикилиб. Дийдаси қотиб кетганлардан худо сақласин!..

Сув тақчиллигидан эрта сарғайган қишлоқ боғлари аллақачон сомонранг қиёфага кирган далаларга уйғун ҳолатда дардчил ва армонли эди. Ҳазонрез пайтида барги ҳам мевасининг рангидек қизарадиган бир туп пайванд шафтолига тикилиб ўтирадиган чол сўрини ҳовлининг ўртасига қўйиб беришларини сўради. Ҳовлининг у бошидан бу бошига шамол ҳайдаб ўтаётган олтинранг япроқларга термулавериб толиққан махсум бошини баланд қилиб, осмонга қараб ётди.

— Бугун ой тўлади, — деди қуруқшаган лаблари пичирлаб. — Менинг ҳам куним битди. Мана шу кунга етиш учун ёт юртларнинг совуғи ва азоб-уқубатларига чидадим. Ниятимга етдим. Энди янги ой чиқади. Мен эса қайтиб бино бўлмайман. Ўлдинг-ўчдинг... Аслида, йигитнинг ёши икки ўттиз. Қолгани шунчаки тирикчилик. Ўлим билан дардга таъна йўқ...

Тўлишган ой қоқ тепага келиб, яна мағриб томон оға бошлаганда, махсум ўзига қора бўлиб ҳовли айланиб юрган ўғлини чақирди-да, сўнгги сўзини айтди.

— Менинг бошимни қиблага эмас, кун чиқиш тарафга, Ойқорга қаратиб қўйинглар, — деди қорачиғи орқага тортиб кетаётган кўзларини фарзандига тикишга уриниб.

Бироқ қурби етмади, боши оғиб кетди... Сўнгра кўкраги устидаги чап қўли шилқ этиб ёнига тушди. Ой тоғ тепасида пастлаб сузаётган қора булут ортида қолди. Унинг оппоқ нури тоғ бошидаги қор бўлагига тушиб турар, гўёки шу бир парча қор бутун бошли қишлоқни ёритаётгандек эди.

XV

— Узоқ айландингиз, мухбир ўғлим. Чарчаган чиқарсиз. Ҳадемай тонг отади. Тун бўйи мижжа қоқмадингиз. Ишингиз оғир. Одамлар эплаб бировга икки энлик хат ёзолмайди, — деди ўзи ҳам қарийб ухламаган боғ қоровули Эшмурод амаки дўрилдоқ ва ҳорғин овозда. — Бизга ўхшаган қари-қартанглар кўз юммаса ҳам оёғимиз чалкашиб юраверамиз. Ёш одам ухламаса бўлмайди.

— Уйқум ўчиб кетди, — дедим Эшмурод амакининг уруш из қолдирган чандиқли юзига тикилиб.

— Усмонов сизга ёрилди, чамамда. Раҳматли отасини билардим. Бутун, тили ботир одам эди. Умри ўхшамасин-у, тақдири ўхшаганини қаранг. Бу атрофда биттаю битта имони басаломат одам мана шу. Икки йилдан бери ҳар кўклам ва кузда уйига бориб, токлари билан дарахтларини кесиб бераман. Устимдаги костюмшимни шу кишининг хотини берган. Қўярда-қўймай қимматбаҳо телпак ҳам берса бўладими. Дунё шунақа, бундай одамлар умрининг охирида бекафан қолади.

— Усмон Юсупов ўлганда чўнтагида ўттиз уч сўм пули бор экан, — дедим мен Эшмурод амакининг сўзларидан таъсирланиб. — Болалари келиб отасидан қолган бисотни сўрашганда, одамлар шу ўттиз уч сўм пулни олдиларига қўйишган экан.

— Воҳ, тақдир! — деди ёқасини ушлаб қоровул. — Бу хом сут эмган одамнинг на фалокатдан, на қиёматдан кўзи очилади. Буни қаранг-а? Уй-жойи йўқ эканми?

— Уй-жой қайда дейсиз? Умр бўйи давлатнинг уйида яшаб келган одам бўлса. Тўқайзорда, шийпонга ўхшаган бир уйда, эски симкаравотда жон берган. Лекин Хрушчевнинг аҳмоқлигини минбардан туриб бетига айтган ягона одам ҳам Усмон Юсупов бўлган. Қанийди, бизда мана шундай ватанпарварлардан ўнта бўлса... Шунақа, Эшмурод амаки, фарзанди ноқобил боши қуллуқдан чиқмайди.

— Оббо, ўғлим-ей, сизда ҳам гап кўпга ўхшайди-ку. Ҳай, ҳозирги раҳбарларимиз қалай? — деди қоровул кўзларини қисганча муғомбирона боқиб.

— Бизда раҳбарнинг ишига у мансаб пиллапоясида ўтирганда баҳо бериш одат тусига кирмаган. Аблаҳ бўлса ҳам тепамиздаги одам ҳамиша ҳақ деган тушунча кўр-кўрона онгимизга сингиб кетган. Кўзимизга ўшандан бўлак чироқ кўринмайди. Кўзимиз бунга ўрганиб қолади ва бора-бора биз бу дунёда янада чароғон чироқлар борлигини унутамиз. Сизга тушунарлироқ қилиб гапирсам, бизда кўп мансабдорлар қўлидан бошқа иш келмаслиги учун раҳбарлик қиладилар. Маркс ҳам шу фикрда бўлган. Тағин мени давлатга қарши гапиряпти деб ўйламанг. Қизиқ, айнан халқ ва давлат манфаатларини ҳар қадамда сотадиган кишилар йўлини қилиб ҳақиқий халқпарвар кишиларга Қодирий, Икромов, Хўжаев, Чўлпон ва Фитратларга қўйилган сохта айбларни қўйиб йўлдан олиб ташлайди. Алам қилади, амаки. Нега азал-азалдан ҳақиқатни ҳайқириб айтган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг боши кетган? Мана сиз уруш кўрган, гўр оғзидан қайтган одамсиз. Бу ноҳақликларни кўриб туриб, азобланмайсизми?

Мен ҳаяжондан энтикардим. Гапларимдан оғзи очилиб қолган Эшмурод амаки қўлини маъносиз осилтирганча серрайиб турарди. Салқин эпкин ранги ўнгиб кетган яктагининг этагини силкитар, гўё кўзларининг ичида қандайдир воқеалар содир бўлаётгандек туюларди.

— Менинг ярамни хўп боплаб тирнадингиз-да, ўғлим. Шунақа бемазагарчиликларни кўриб, азоб чекиб юргандан кўра нега ўша пайтда ўлиб кетмадим, деб ўйлайман гоҳида. Худо ҳақи, ер юзи нопоклар билан тўлиб-тошганлигига энди ишондим. Кўп яшаган билан одамга ақл битавермас экан. Дунёни ҳам кўп яшаган эмас, кўп кўрган билади. Менинг сизга айтадиган гапим кўп. Юринг, хонага кирайлик. Сиз толиққан кўринасиз. Асабингиз ҳам жойида эмасга ўхшаяпти, — деди амаки пилдираб олдинга тушаркан.

Қоровулнинг орқасидан эргашдим. Эшмурод амаки айтганидек ҳолдан тойгандим, оёғимни зўрға кўтариб босардим. У менга алоҳида хонага жой қилиб бермоқчи бўлди. Хоҳласангиз, люкс хонада ётишингиз мумкин, деди ерга тикилиб. Сўнгра у ерга фақат биринчининг энг ҳурматли меҳмонлари қўйилишини қўшиб қўйди.

— Сизга малол келмаса, иккимиз гурунглашиб ётсак, — дедим.

— Мен билан шофёрлар, майда-чуйда олиб келадиган одамлар ётишарди. Сиз бўлсангиз, юқоридан келган туппа-тузук одамсиз... Қалай бўларкин? Тағин мени эртага директор қойиб юрмасин, — деди у хонасини наридан-бери йиғиштирган бўлиб. Сўнг хонадаги бўш сим каравотга жой қилиб берди.

— Уйга борсам, доим отам билан ётаман. Отам ҳам сизга ўхшаб дала қоровули, — дедим бўғзимга тиқилиб келган йиғи аралаш, хўрликка ўхшаш ҳисни босиб.

Амаки менга ғалати тикилди. Негадир унинг одамга қараганда худди гапирадиганга ўхшаш кўзларига узоқ тикилиб бўлмасди. Амакини Гулбулоқда Эшмурод партизан дейишарди. Урушдан кейин ҳамма овулга ҳарбий кийимда қайтганда, у жанг қилиб юрган партизанлик уст-бошида келгандан буён шу лақабни олган, бу унга узукка кўз қўйгандек мос тушган эди. Ҳеч кимга гапини бермайдиган, ҳар қандай кишини юзингда кўзинг бор демай қилмишини бетига айтадиган бу одамга бошқа лақабни ўйлаб топиб бўлмасди. Болалар уни «Партизан амаки» деб чақиришарди. Ўтган йили ғалаба байрами кунида район газетасида у киши ҳақидаги очерким чиққан эди. Шу боис амаки менга ҳурмат назари билан қарар, ҳеч кимга айтмайдиган гапларини айтгиси келарди. Лекин пайтини топиб, кайфиятига қараб гапга солиш керак эди. Хаёлимни Усмоновнинг аянчли ҳикояси бўлаётганини ва оқсоқолнинг чарчаганини ҳисобга олмаганда, ҳозир айни пайти эди.

Ўшанда мени райкомга чақириб, нега бу одам ҳақида ёзганлигимни сўраб-суриштиришган ва тилхат олишган. Кейинчалик билсам, Эшмурод партизан кўпчиликнинг ўртасида «райкомдагилар ҳам, райижрокомдагилар ҳам порахўр, менга қолса ҳаммасини тўплаб, Ленининнинг ҳайкали олдидан сазойи қилиб олиб ўтардим», деган экан.

— Жуда зўр гап-ку, — дегандим ўшанда мен билан «гаплашиб» қўймоқчи бўлган, ҳатто суҳбатлашганда ҳам қоғозга қараб гапирадиган райком секретари Акрамовага. — Бу ҳаммамизга тегишли. Ҳозирда ўз функциясини ҳалол, покиза бажарадиган одам анқонинг уруғи. Ўзича ҳамма ақлли, лекин иш йўқ. Ҳамма нарса юқоридан қуюндек босиб келадиган кўр-кўрона кўрсатмалар ва қоғозбозликка мослашган. Бўйинбоғни танғиб олиб, ўзимиз моҳиятига тушуниб етмаган нарсалар ҳақида эскиларига қараб ахборот ва справкалар ёзиб жўнатаверамиз. Сиз эса нима ёзилганини тузук-куруқ ўқимай қўл қўясиз. Гўё бу нарсани ҳаммадан яхши биладигандек имзо чеккунга қадар жумлаларни таҳрир ҳам қилиб, қайта ёзишни буюрасиз. Шу тариқа қоғозбозлик ва тўралик машинасининг моторига ёғ қуясиз! Керак пайтда эса, азалдан шу ишларга қарши бўлиб келган одам ва раҳбар қиёфасига кирасиз. Лекин актёрлигингиз муваффақиятсиз чиқади. Кишилар, оддий халқ олдида уқувсиз масхарабоз сифатида гавдаланасиз ва сиз билан мулоқотда бўлган одамлар хотирасида ҳам шу қиёфада қоласиз. Мен сизга ҳамдардлик билдираман...

У менинг фикрларимни англаб етмаган бўлса-да, ҳар қалай, яхши гап эмаслигини ҳис этиб турарди. Қаримсиқ ва сўник, вақт-бевақт илжаяверганидан тиришиб кетган юзида ачиниш ифодаси зоҳир бўлганди. У менинг эс-ҳушим бутунлигига шубҳа билан қараётганлиги аниқ эди. Кейинчалик мен ҳақимда у редактордан «учёт-пучётда турмайдими», деб сўрабди.

Эшмурод партизан урушда снайпер бўлган. Партизанлар отрядида ҳам узоқ вақт жанг қилган. Уруш азоб-уқубатларидан дийдаси қотиб, гоҳида терслик қилса, гоҳида бола-чаъл одамга айланиб қоларди. Уруш ҳақида гапирганда боладек қизариб кетар, сабаби анчайин қуролдош тенгқурларининг ҳикояларида бўлмаган гаплар ҳам учраб турарди. Шу боис одамлар ростни ёлғонга йўйишмасин деб, индамасди.

— Китобларда, газеталарда урушдаги тирикчиликнинг мингдан бирини ҳам ёзишмаган, — деди бошини оқ сурп рўмол билан танғиган амаки кўкиш кўзларини шифтга қадаб ётаркан. — Уруш бўлаётган жойда анчамунча нарсани олдиндан мўлжаллаб иш юритиш мушкул. Ўша пайтда ҳамма нарса эсингдан чиқиб, кўзингга ўлимдан бўлак ҳеч нима кўринмай қолади. Қаршингда сени ўлдираман деб турганларни қандай бўлмасин кўпроқ ўлдиришинг керак, вассалом. Акс ҳолда мушкулинг осон бўлмайди. Фурсатни бой бердингми, тамом, у сени тинчитади. Қирқ учинчи йилда биз Смоленскда тўхтаб қолдик. Немислар фронт линияси бўйлаб одам ўрмалайдиган жой борки, тузоқ қўйишганди. Пиёда одам ётиб, судралиб ўтса бўларди. Лижа кийган сапёрлар ҳам ўта оларди. Қиш куни ўликлар ойлаб қолиб кетарди. Устини қор билан беркитиб қўярдик. Кунлар илиб, ер юмшагач, кўмардик. Одам ўлгандан сўнг танаси ситилиб ёрилгунча соч-соқоли, тирноқлари ўсаверарканг. Қор қалинлигидан ойлаб ерни кўрмасдик, нонни белкурак билан синдириб еб, совуқ урган картошка ва карам солинган муздек боршчни ярим кечада ичардик. Шунда ҳам дала ошхонаси бизгача етиб келолса. Бир соатгина қуруқ жойда ётиб ухлаш ҳатто тушга ҳам кирмасди. Белкуракка ўтириб, автоматни пешонага тираб, бир-биримизга қараганча кўзимиз очиқ ҳолда ухлардик. Шу кун кўплик қилганлар ҳам оз эмасди. Шунинг учун ҳаммасига чидаш, жанг қилиш керак эди. Тавба, бировга айтсанг ишонмайди, битлар майиздек-майиздек бўлиб кетган эди. Чап юзим ва чап елкамдан ўқ еб, госпиталга тушдим. Олти ой ётдим. Шундоқ ёнгинамда мунди кўзага ўхшаб икки оёғи ва икки қўли йўқ ўзбек йигити ётарди. Уни олиб кетиш учун хотинини чақиришди. Ишонасизми, ўғлим, хотини уни алдаб, ташлаб кетиб қолди. Ўзимизнинг ўзбек аёл-а?! Уни ҳамширалар аравачада ҳовлида айлантиришарди. Бир кун боши билан аравачадан ўзини бетон ариқнинг қирғоғига ташлабди. Шундан сўнг кўринмай қолди...

Партизан амаки уруш ҳақида гапиришни унчалик

www.ziyouz.com kutubxonasi

хуш кўрмасди. Нима ҳам дейсан, боласи отасига қаллиқ ўйнашни ўргатадиган замон бўлди, дерди елкасини қисиб. Уруш бўлди, ўтти-кетди. Лекин қон кечган, бу қиёмат-қойимда ўнлаб, юзлаб, минглаб дўстларини, яқинларини, сафдошларини йўқотган кишилар учун ҳаёт-мамот жанги улар тирик экан давом этади. Умрида бирор қизнинг қўлини ушламай, сочини силамай қаро ер қаърига сингиб кетган, ўн гулидан бир гули очилмаган йигитларнинг уволи самони тўлдириб учиб юргандек, эди назарида.

Собиқ жангчини теварак-атрофида содир бўлаётган инсофсизликлар, одамлар ҳақига қилинаётган хиёнат, кўпчиликнинг нотўғри йўлдан бораётганлиги эзарди. Унинг бу бемаъни сиёсат ва ноҳақликлар ҳақидаги телба-тескари гаплари ҳам ана шундан эди. Уни тушунмаганлар қарияни ақлдан озган деб ўйлашар, тушунганларнинг айримлари эса ими-жимида тегишли органларга хабар беришарди. Икки маротаба район ички ишлар бўлими ходими келиб, у билан суҳбатлашди. Гаплари тўғри келмагач, амаки башанг кийинган оғзи тўла тилла тишли йигитга, «мени тинч қўй, ўғлим. Эшмурод партизан ҳали гапидан адашгани йўқ. Сенга ўхшаган бўйинбоғ таққан силлиқ ватанпарварларнинг кўпини кўрганман. Сендан кўмак керак бўлса олдингга бораман», деди уни бошдан-оёқ кузатаркан, елкаси тиришиб.

— Энди жангни бугун боғни тўлдириб ўтирганларга қарши бошлаш керак, — деди амаки хўрсиниб. — Оддий деҳқон мана шундай маишат қила оладими? Йўқ. У бозор куни харид қилган икки кило гўштни бир ҳафтага етказишни ўйлаб, қатиқли ошу хамир овқат билан тирикчилик ўтказади. У анови қориндорларга ўхшаб кунда уч, бўлмаса икки маҳал биринчи-иккинчи овқат емайди. Кечқурун ўлиб-тирилиб келади-да, ёғлими-ёвғонми бир коса илиқ-иссиғини ичади. Кунда икки марта қозон қайнатишга қурби етмайди. Бозорда бир кило гўшт саккиз сўм. Қанора ёпилгандан сўнг қўлда ўн сўм. Совхозда ишлайдиганларга ойига қанча маош беришини мендан яхши билсангиз керак. Хўш, айтинг-чи, отангиз дала қоровули экан. Ойига неча сўм олади?

— Саксон сўм, — дедим томоқ қириб.

— Ҳа, балли. Оилада неча жонсизлар?

— Жами ўн битта.

— Онангиз ишламасалар керак.

— Ҳа, ишламайдилар.

— Ҳа, балли. Ўша бечора саксон сўмга сизларни ебичиришдан, кийим-кечак олиб беришдан ташқари ўқитиши, уйлантириши, бошпана қуриб бериши керак. Тўғрими?

— Ҳа!

— Ҳа, балли. Ҳамма нарсани тушунадиган йигитга ўхшайсиз. Энди ҳисоб-китоб қилиб кўраверинг. Энига тортсангиз бўйига, бўйига тортсангиз энига етмайди. Бунақада у бечора қандай қилиб боласини ўқитсин. Ўқишга кириш учун ҳам қанча сарф-харажат зарурлигини яхши билсангиз керак. Деҳқон бечора буни қаердан топади? Қисқаси, кўрпасига қараб оёқ узатади-да, боласини ўқитмай қўя қолади? У ҳам отасига ўхшаб, кетмон ёки таёқ кўтариб юраверади. Кимнинг боласи ўқийди? Йўлини қилиб давлатдан, одамлар ҳақидан уриб қолиб пул топган дасти узун юлғичнинг боласи ўқийди. У ҳам беш йил ўқиб, отасидан бешбаттар ўғри ва қаллоб бўлиб чиқади. Қўшнимизнинг ўғли университетда беш йил ўқиб келиб, қишлоқдаги мактабда ярим йил ҳам ишламади. Яна қайтадан юрфак деган ўқишга кирди. Хўш, у бу касбга жуда қизиққанидан ёки халқнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш учун шундай қилдими? Йўқ, албатта! Тўғри ва ҳалол яшай олмаслигидан, барча баробар бўлиб юришга ор қилганидан, тезроқ машина миниб, чўнтаги пулга тўлиши учун шундай қилди. Ўқитувчининг умр бўйи топганини керак бўлса у бир кунда топади. Лекин охир-оқибатда тешиб чиқишини ўйламайди. Мана шу биргина бизнинг совхозни олиб кўринг. Бу совхоз эмас, тўрт-бешта одамнинг шахсий томорқасидай гап. Одам ҳарҳолда, томорқасига қараб туради, совхоз ерининг тақдирини эса ҳеч ким сўрамайди. Унга билганларича экиб-тикиб қонини сўраверишади. Меванинг яхшисини бу кишилар Россия шаҳарларига олиб бориб сотиб келади. Россия ерларини биз ҳам кезгандик. Энди навбат буларга. Биз қон кечган бўлсак, булар энди пул дасталашади. Ана қирқ йиллик тафовут сизга. Биз шунақаларнинг пул дасталаши учун қон тўккан эканмиз. Бундай қарасанг, уларни ҳам батамом айблаб бўлмайди. Кун кўриш учун одам нималар қилмайди, дейсиз. Давлатнинг ўзи адолат ва тартиб-интизом билан ҳосилни қабул қилиб олиб, керакли жойларга етказиб берса, бечора деҳқон қанча чиқимдор бўлиб, милиционерларнинг турткисини кўтариб, шаҳарма-шаҳар кезиб юрмайди. Аслида юқорида тартиб йўқ. План, план деб қичқиришади-ю, шу планнинг ўзи издан чиқиб кетганга ўхшайди. Совхознинг виночилик цехида худонинг олдидан ялангоёқ қочганлардан иккитаси ароқ, армани коньяк ва яна алланималар тайёрлашади. Бу ишнинг бошида бугун сизни машинасига миндириб келган Муҳиддин Раҳимов, тегирмоннинг дўлидан ҳам бутун чиқадиган директоримиз — Турсунбойлар туришибди. Буларнинг ўзи ҳеч кимга бўйсунмайдиган ҳукумат. Уларга қарши бош кўтарган киши узоққа бормайди, иши судга тушади. Директор топган-тутганини қўлтиқлаб, олтин юлдуз олиш илинжида югуриб юрибди. Сизга ўхшаган Тошкентдан, Москвадан келадиган мухбирларни ароғу коньякка чўмилтириб, чўнтагини қаппайтириб жўнатади. Ишқилиб, у ҳақда икки оғиз илиқ гап ёзишса бас. План ҳар йили бир ярим, икки баробар қилиб бажарилянти. Лекин қандай бажарилаётганини ҳеч ким сўрабсуриштирмайди. Ваҳоланки, узум етиштирилиб, давлатга топширилянти, деб планга киритилган боғлар аллақачон йўқ бўлиб кетган. Энг яхши ерлар гектарчиларга бўлиб берилган. Бир гектар ер, сувдан узоқ-яқинлигига қараб уч мингдан беш минггача. Пулини тўлаб, ерни олавер. Пиёз экасанми, одам экасанми бу сенинг ишинг. Бу пулларни директор ёки бош агроном бир ўзи емайди. Райком ҳам, райижроком ҳам уларга шерик. Ишлаган билан ишламаганни ажратиб бўлмайди. Биров кечаю кундуз даладан бери келмайди, лекин ҳовузнинг бўйини танг қилиб кун бўйи ароқ ичиб, меҳмон кутадиган бригадир орден олади. Буни кўриб деҳқон сидқидилдан ишлайдими? Далага чиқса ҳам ўз иши билан овора бўлади. Унга шу бир парча ерда экин-тикин қилгани учун индашмаса бўлди. Ҳамма деворни қулаётган томонига қараб итаради. Хайриятки, тўртта молимиз бор, бўлмаса қандай кун ўтарди, билмайман. Шу бир бош сигир ва иккита тирриқ эчкини ҳам ўз ҳолига қўйишмайди. Хрушчев пайтида эшакларни йўқ қилиб юборишди. Сўнгра отларга ёпишишди. Одамларни мажбурлаб гўшт, сут топширасан дейишди. Ахир, ўзига етиб ортса сен сўрамасанг ҳам топширади, жуда бўлмаса бозорга олиб чиқади-ку. Бозор сероб, халқ сероб деган гап бор...

Амаки бир оз сукут сақлаб, сўнг хўрсиниб қўйди-да, яна гапида давом этди:

— Йигирма йиллик умримни бериб бунёд этган боғни ҳаром қилишди. Ҳаммасини ташлаб кетай десам, дарахтларни кўзим қиймайди. Ҳар бир бута боламдек азиз. Хайрият, бу кеча қолишмади. Дўланасойдаги дачага кетишди. Бировга айтсанг, ишонмайди. Назаримда, бу ҳаромхўрлар фашистдан кўра ҳам хавфлига ўхшай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Фашист билан орани очиқ қилиш мумкин. Лекин булар билан гаплашиш қийин. Мушугини «пишт» деб кўринг-чи?! Биринчи галда давлатнинг ўзи даъвогар бўлиб чиқади. Бу ножинсларнинг касофати халққа урмаса эди. Ўзини икки нафсдан тийганни авлиё деб бежиз айтишмаган. Бир кун келиб бу номаъқулчиликлар ошкор бўлар-ов, лекин биз кўрармиканмиз?..

Мен чурқ этмай тинглаб ётардим. Тонг оқарай деб қолганди. Ҳаяжонланган Эшмурод амаки яктагини елкасига ташлаб, носковоғини олганча ташқарига чиқиб кетди. Бошимда ғужғон ўйнаётган фикрлар тинчлик бермасди. Наҳотки, биз эътиқодларимиздан шунчалик чекинган бўлсак?

Бизда катта бир гуруҳ мунофиқлар пайдо бўлди. Улар алмадорларга хизмат қилишни касб, ҳамду сано айтишни эса беш вақт номоздек фарз қилиб олдилар. Бу тоифа наздида мансабдор пайғамбарга ўхшайди. Унга бир оғиз ширин сўз айтмаса ёки кунда бир салом бермаса егани томоғидан ўтмайди, пора тиқиштирмаса уйқуси келмайди. Улар бу билан ўғрилигини, қилган жиноятининг ярмини ўзидан соқит қилиб ана шу жиноятларнинг юз бермаслигига мутасадди кишиларни ҳам ўргимчакдек тўрларига ўраб ола бошладилар ва жиноят ботқоғига янада чуқурроқ ботмоқдалар. Пашша, албатта, қўланса ҳидли бирор нарсага қўнганидек, улар ҳам юрган йўлларида сўзсиз бир жиноятга қўл урриб юрадилар. Сабаби улар бошқача яшашни хаёлларига келтиришмайди. Ҳайратланарли томони шундаки, уларга қарши курашувчи кучлар негадир кўп ҳолларда ожизлик қилади. Шунда халқ беихтиёр, балиқ бошдан деган иборани ишлатади. Дунёдаги энг катта ноҳақликлар нодонларнинг ақллилар устидан ҳоким бўлишидан келиб чиққан ва чиқади. Биз ўзимизда шундай нусхалар борлигини, бўлганда ҳам жуда кўплигини кўр-кўрона инкор этиб келдик. Улар эса журъатсизлигимиздан, қўрқоқлигимиз ва беғамлигимиздан усталик билан фойдаланиб, бошимизга чиқиб олишди. Энди уларни елкага, ундан сўнг бел баробар тушириш ва ниҳоят кўтариб ерга уриш учун бизда куч-қувват, матонат етармикан?..

— Сизга айтар гапим шуки, ўғлим, — деди амаки қайтиб келгач. — Феъл-атворингиздан Усмоновнинг ҳиди келиб турибди. Эҳтиёт бўлинг. Одамлар ҳақиқат, диёнат дейишади-ю, аслида кўплар ундан илондан қўрққандек қўрқишади. Овлоқ жойда тўнғиз тепага чиққандек сиз билан менинг ҳақиқатгўйлигимдан одамларга наф йўқ. Одамлар марднинг муштидан номарднинг ошини маъқул кўрадиган бўлиб қолишди. Бизда пастдан туриб ҳеч бир иш қилиб бўлмай қолди. Чумчуқ сўйсанг ҳам юқоридан фатво олишинг керак. Ҳақиқат доимо қурбонталаб бўлган. Усмоновга ўхшаб бекорга жувонмарг бўлиб кетиш ҳеч гапмас.

Ҳозирги замонда энг яқинингга ҳам ишониб бўлмайди. Думинг бурилдими, сени сариқ чақага сотишади. Одамларда бурд қолмади. Менинг гапларимни эсингиздан чиқарманг. Ҳар қалай, сиздан кўпроқ кўйлак йиртганман. Ҳаммаси одам боласининг очкўзлигидан. Дунё азалдан шундай чоғи, борлар борига, йўқлар йўғига куяди. Ҳаромхўрларнинг дарёси кундан-кун тошяпти. Ишқилиб, замона зўрники, томоша кўрники бўлиб кетмаса эди...

XVI

Қаршимдаги бесўнақай қорин қўйган, қип-қизил бети кепчикдай, бошининг қоқ тепасидан сочи тўкила бошлаган, кўзидан бирор маънони уқиб бўлмайдиган кишига тикиларканман, кўз ўнгимдан шу тоифадаги жуда кўп, бир-бирига ўхшаш ва ўхшамайдиган одамлар ўтарди. Бундайларнинг атрофимизда кўплигини ҳамиша сезиб юрамиз, бошга ташвиш тушган дақиқаларда юзма-юз келиб, рўбарўмизда турган даҳшатни ҳис этамиз-да, одамларнинг нақадар ноинсоф бўлиб кетганлигидан аюҳаннос сола бошлаймиз. Кийик қувган қуённи пайқамаганидек, ишимиз юришиб, ҳаёт силлиққина кечаётганда эса уларга бефарқ қараймиз, ҳатто улар хизматимизда ҳам бўлади. Ҳар нарсага ўзимизни ураверма сликка тиришиб, ғалвадан узоқроқ юришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаётимиз давомида хайрли ишлар билан бирга аҳмоқона хатоларга йўл қўямиз ва кечириб бўлмас гуноҳлар, жиноятлар қиламиз. Бу билан ўзимиз билиб-билмаган ҳолда энг оддий инсоний муносабатлар замирида бино бўлган табиат ва жамият тартибларини, қонун-қоидаларини бузамиз. Бу жараён бир неча ўн йиллар мобайнида такрорланавериши одамларни эътиқодсизлик касалига мубтало қилганини бугун ҳеч ким инкор этолмайди. Хатоларга йўл қўйган авлодларни танқид қилатуриб, уларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган номақбул ишларга қўл урамиз.

Дунё одамлари бир бўлиб катта, жуда катта ҳақиқат сари интилмоқдалар. Бироқ бу муқаддас кураш йўлида ёнма-ён бораётган кишилар бир-бирининг оёғидан чалади, алдайди, хиёнат қилади. Бу аҳволда ўша манзилга етиш нари турсин, шу пайтгача юриб келган сўқмоғимиздан ҳам ажраламиз. Сўқмоқни эса топишдан кўра йўқотиш осонроқдир...

— Бошимиз бирикмаслиги, бир-биримизни кўролмаслик пайғамбарларимиз қонида бўлган, шунинг учун ҳам мазҳабимиз шиа ва суннийга бўлиниб кетган, — дейди мен гурунглашишни яхши кўрадиган уста Ҳалим.

У кўз ўнгида юз бераётган ножоиз воқеа ва ҳодисаларни ана шу оддий, ўз ақл-идроки даражасидаги фалсафа билан изоҳлайди. Шу билан овунади. Бироқ ўзи эътиқод қўйган исломга тил теккизишни истамаганлиги учун бу гапни ҳаммага ҳам айтавермайди. Унинг учун энг катта бахтсизлик дунёдан имонсиз, эътиқодсиз кўз юмишдир. Балки у қалбининг туб-тубида худо йўқлигини сезар, лекин бунга ўзини астойдил ишонтиригиси келмайди. Худо унга эътиқоддан ҳам кўра кўпроқ овуниш учун керакка ўхшайди. Айниқса, ёши бир жойга бориб, оёғи гўр лабида турганда. Баъзида устани ўзимиз томон оғдирмоқчи бўлиб, эътиқодимиз ва қарашларимиздаги яқинлик, умумийликни тушунтиришга тиришаман. Этикдўз бош ирғаб кўп фикримга қўшилар, оғзини очганча соқолини тутамлаб, ўйга толарди. Бу пайтда гуручи сув кўтармайдиган Ҳалим оқсоқол ўзича мушоҳада қилаётган бўларди. Биз ҳамма масалада ўзаро бир битимга келардик. Фақат худо хусусида... Ғашига тегдим шекилли, охир бир кун кутилмаганда тарғиботимга нуқта қўйди.

— Ё гирди мактаб, ё гирди сарой дейдилар, ўғлим. Сен иккисини ҳам кўрган йигитсан, — деди этикдўз игнасига ип ўтказаркан кўзини олиб қочиб. — Раҳматли бобонгни ҳам кўрганман. Унда биз бола эдик. Ўқимишли, камсуқум одам эди, худо раҳмати. Бир палакдан ҳар хил қовун дегандек, амакиларинг бобонгни бир тукига ҳам ўхшамайди. Отасиз ўсган болаларда ғурур ва ирода сустроқ бўлади. Болалигида кўп қийинчилик кўрган одам учун эсини танигандан сўнг, қорни тўйиб, усти бутлигининг ўзи катта гап бўлиб қолади. Сизлар авлод-аждодларинг билан парвонадек ўзларингни бало-қазога уриб юрасизлар. Болаликларингда сизларга ҳамманинг ҳаваси келади. Бироқ ўттиздан ошгач, суюлиб, айнийсизлар. Қонларинг тез, ичларинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор, аёл деса ўзларингни томдан отасизлар. Ҳаммангни қўлингдан иш келади-ю, дангасасизлар. Дунёнинг борди-келдисига ақлларинг етади. Бировга қолган кунларингни итга ташлайсизлар. Шунинг учун ҳам доимо катталарга ёқмайсизлар. Сизларнинг бахтларинг ҳам, омадсизликларинг ҳам ана шунда. Сенга айтар гапим шуки, мени тинч қўй. Оёқ-қўлимни узатиб ўлишимга ҳалақит берма. Мен нима қилишни биламан. Сени эса яхши кўраман. Биласан-ку, сендан бошқа одамни бу пирхонамга, устахонамга қўймайман. Ҳар қанча иши бўлса ташқарида гаплашаман. Гап авзойингга, қадам олишингга қараганда салгина ўпканг йўқроққа ўхшайсан-ов. Бу сизларга йўргакда теккан. Бирларинг қизиққон, бошқаларинг эса ўлгудек тепса-тебранмас. Лекин уруғларингдан битта пичоққа илинадиган одам чиқиши керак. Балки бу сенинг чекингга тушгандир. Бошим беғалва юрсин десанг, яқинларингга эҳтиёт бўл. Одам боласи ўзини тиклаб олса бас, ён-веридагилар ундан умидвор бўлаверади. Оч қолганинг билан иши йўқ, лекин тўқ экансан, уларга соянг тегиши керак. Истайсанми-истамайсанми шундай деб ўйлашади. Бўлмаса сени ўзларига қайишмайдиган, беоқибат санашади...

Сўнгра этикдўз узоқ ғимирлаб, ниманидир қидирди.

— Шуни билиб қўй, — деди у овозини баландлатиб, кўзимга тик қараганча. Унинг серажин пешанаси тиришиб, сап-сариқ қошлари учиб турар, овози титрар ва болғача ушлаган қўли билинар-билинмас қалтирарди. — Менга ўхшаган художўй, оми одамларнинг кўпи элга бош бўлиб турган порахўр раҳбарларингдан минг марта ҳалол. Ҳарҳолда, улар худодан қўрқиб, бандасидан уялишади. Бир бурда қотган нон ва бир пиёла сув билан кунини ўтказса ҳам бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди... Тағин одамларга қандай яшашни ўргатмоқчи булар. Сизларнинг номаъқулчиликларинг олдида илгариги бойларнинг ноинсофликлари ҳолва бўлиб қолди. Ҳамма катталар ҳаромхўр эмасдир, ёлғон гапирсам гуноҳим бўйнимга, лекин тўғрисини айтганда, ичида соғи кам. Иложини топса отасидан ҳам бир нима олади. Отанг ёғпунктда ишлаб юрганда, районимизда райком бўлган Маллабековни биларсан. Қирқ йил райком, ижроқўм бўлиб ишлаган одам. Ўтган ҳафта бир маъракада кўрдим. Саватдек саллани ўраб олиб, жаноза ўқиб юрибди. Азбаройи худо, мана сизларнинг авлиёларингнинг тирикчилиги. Буни кўриб-билиб турган халқ, айниқса, ёш-яланг нима деб ўйлайди? Охир-оқибатда сўфи бўлибдими, демак, у шунча йил ўғрилик қилган экан дейишмайдими? Аслида шундай бўлган. Бир пайтлар худди шу Маллабеков калима қайтарган одамни ҳам қувғин қилган. Сталинободга кўчиртириб юборган. Охир бир кун ўзинг ҳам мулла бўларкансан, сенинг фирқалигинг қаерда қолди? Ўша пайтда ҳам унда имону эътиқод бўлмаган, етовга ўрганган итдек ким нима деса шуни оғзига қараб юраверган. Етовга юрган ит эса овга ярамайди. У билиб-билмай кўпларга жабр қилди. Мелиса юбортириб, мана шу дўконни ёптираман деганда, сигиримни сотиб, пулини дўм орқали бериб, зўрға қутулганман. Энди ҳаммани аҳмоқ қилиб юрибди. Бундайлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Лекин ақл ўргатиб, йўл кўрсатишни ўзларига фарз деб биладилар. Мен бундайлардан аллақачон қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман. Ҳазар қиламан. Қорни учун ўғирлик, ғарлик қилганни гуноҳидан ўтиш мумкин, бироқ бундайларни кечириб бўлмайди. Одамлар ишонмай қўйишади. Энг ёмони шу. Тоза, ёш бир авлод етишиб чиқиб, бу аҳмоқчиликларга чек қўймаса, билмадим, ҳали-бери халқни тўғри йўлга солиб бўлмас-ов. Раҳбарлар ўз орқасида халқ борлигини унутиб қўйдилар. Ҳаммаси эртага мансабдан кетгач, илгаригидай тўқ яшашнинг ташвишини чекади. Ҳеч бир ишни қонун-қоидаси билан битириб бўлмай қолди. Мен-ку, чаласавод бир одамман. Фаҳмлашимча, қонун кишиларнинг оғирини енгил қилиши, уни тўғри йўлдан юришига кўмаклашиши керак. Бизда аксинча. Биринчи бўлиб буни қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари бузишади. Одамлар қонунга қарши ўзларининг қоидаларини ўйлаб топишган. Бу аҳволда қонун уларнинг оёғига кишан бўлади. Ҳеч қаерда ёзилмаган ана шу қоидаларни билмасанг, унга амал қилмасанг, ишинг битмайди. Шунақа...

Этикдўз бирдан гапиришдан тўхтаб, мени ҳам унутгандек, ўз-ўзидан хиргойи қила бошлади. Халақит бермаслик учун нафасимни ичимга ютиб, шу пайтгача қулоғимга чалинмаган халқ қўшиғини тинглардим.

Ўсал бўлсанг босарлар,
Ўсар бўлсанг осарлар.
Ўрта бўлғил, ўрта бўлсанг
Эл оғаси ясарлар...

Оқсоқол совиб қолган чойни ҳўплади-да, тикаётган ишини ёруққа тутиб кўрди.

— Кўп ақллиларни кўрганман. Ҳаммаси аввал бошда туппа-тузук бўлади, — деди у сарғиш соқолини силаб қўйиб. — Амалга миниб, чўнтагига пул тушгач, айнийди. Болалигида бир-бирига меҳрибон бўлишади. Қўлидан иш келадиган бўлиб, ўзини тутиб олгач, орадан меҳр-оқибат кўтарилади. Мана шу ўзимизнинг Меров маҳаллани биласан-а?

— Ҳа!

— Нега Меров маҳалла дейишларини ҳам биласанми?

— Қулоғимга чалинган, лекин яхши билмайман.

— Бу калтафаҳмларнинг юритган тирикчилигига ҳозир ҳам ёқа ушлайсан. Пандавақилик қонда бўлса қийин экан, буларнинг авлиёсининг ҳам ҳеч балога ақли етмайди. Уларнинг Берди деган чўпон бобокалони ўтган. У хуржуннинг бир кўзига туз тўлдириб, бир кўзига тош солиб, тоққа қараб жўнайди. Шу тузни икки бўлиб хуржунга солишга ақли етмаган. Йўлда амакиси Жўрабой подачи чиқиб қолади. Йўл бўлсин, дейди у Бердига. Қўйларга туз олиб кетяпман, деб жавоб қилади Берди. Э-э, оғайни, туз ташиб овора бўлиб юрасанми? Яхшиси, эрта кўкламда Яссиқўтонни ҳайдаб, туз экиб қўй, сурув ялаб ётаверади, деб маслаҳат беради Жўрабой. Берди чўпон нега шу пайтгача шундай қилмадим-а, деб ўйлаб, баҳор келиши билан қўш қўшиб ерни ҳайдаб, бир пуд туз сепади. Ёзгача кутадики, қани энди туз униб чиқса. Қайтамга ўсиб турган кўкатлар қуриб қолади. Шу-шу буларни Меров маҳалла деб аташади. Бошқа бирининг қилмиши ундан ҳам ошиб тушади. Иброҳим хира деган бир одам қозининг олдига бориб, «ўзим қазиган ариқдан сув ичсам бўладими?» деб сўрабди. «Тушунтириброқ гапиринг, нима гап?» дебди қози. «Ўғлим қазо қилганди, мол-мулки мусодара бўлмасин девдим, келинимга уйланишимга рухсат берсангиз» дебди Иброҳим хира. «Э, падарингга лаънат, меров» дебди қози. Ўша Берди чўпон Шувоқсойдан қуриган қамишни ўриб, байталига ортибди. Қамиш узун бўлганидан отнинг устида яхши турмабди. Учини сал енгиллатсам, тўғри туради деб ўйлаб, қамишнинг учини ёндирмоқчи бўлибди. Гугурт чақиши билан қуруқ қамиш гуриллаб ёниб кетибди. Ҳурккан байтал ёнаётган юкни кўтариб чопибди. Берди чўпон эса отга қараб: «Эй, байтал, ақлинг бўлса ўзингни сойга ташла!» деб қичқирармиш. Бечора от жардан учиб, ҳаром ўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

экан. Одамгарчилик, фаҳм-фаросат инсон боласининг қонида бўлсин, йўқса минг йил ўқитсанг ҳам бефойда. Билсанг, бу қишлоқда Шодибек ўнбоши билан Хонназар тегирмончидан кейин ёши катта менман...

Этикдўзнинг ўқлари мўлжалга бехато теккан эди. У юзимга қарамай, гўёки одатдаги ҳангамани давом эттираётгандек, чавандозлар улоқ чопганда киядиган тагчарми қалин этикка тўқиллатиб мих қоқарди.

Ҳалим бобо қуймақулоқ одам эди. Ким нима деганини бир неча йилдан сўнг ҳам оқизмай-томизмай айтиб берар ва бирда-ярим ўзидан воқеага жон киргизувчи гапларни қўшиб ҳам қўярди. Устанинг очилганидан фойдаланиш ниятида:

— Мана сиз тўғрисўз, авлиёнинг олдида ҳам тап тортмай айбини бетига айтадиган одамсиз, — дедим унинг шамчироғига ўт қўйиб. — Қишлоғимиздаги қавмларнинг қанақалигини бир айтиб беринг-чи? Менимча, буни ҳеч ким сизчалик билмайди.

— Шундай, — деди мақтовимдан эриган уста Ҳалим бош сермаб. — Ҳеч ким менчалик билмайди. Менинг олдимга уларнинг бешикдаги боласидан тортиб, мункиллаган чолигача келади. Одамларимиз мард, бировдан бир бурда нонини аямайди, қўлидан келса яхшилик қилади. Ҳаммамиз йиқилган томонимизни бермаймиз. Муштга мушт, тошга тош билан жавоб қайтариш бизга отамерос. Авлод-аждодимизни лашкарбоши ўтган дейишади. Гапнинг индаллосини айтганда, яхшилигимиз ўзимизга.

Эдикдўз ҳамон тўқиллатиб мих қоқарди. Чуқур нафас олиб унинг кўзларига қарадим. Кўзлари гўёки хонадаги ҳамма нарсани бирданига кўраётгандек. Қорачиқлари тинмай ўйнаб турарди. Қип-қизил ва ялпоқ юзига мос бу кўзларда «менга бари бир» деган ифода акс этганди... Бундай одамлар ҳақида қандай қилиб ёзиш керак?

Биз ҳақлик ва ноҳақлик ўртасидаги мувозанатни бузиб қўйдик. Ҳалоллик ва тўғрилик эзгуликка хиёнат олдида чекинди. Жиноятлар қаҳрамонликка айлантирилди. Биз гўё тўғри ва ҳалол яшаётгандек эдик. Ўзимизни ҳар қачонгидан кучли ва ақлли ҳис этардик. Тўғриликка хоинлик қилганимизни сезган ва айтган одамларни учоворадан чиқариб ташладик. Керак бўлса танобини тортиб қўйдик. Бу билан биз аслида абадий ҳақиқатга хиёнат қилдик. Энди жиноят ва хатоларимизнинг жасади устида йиғлаб ўтирарканмиз, ўзимизни янада ақлли ва кўпни кўриб, кўзи пишган одамдек ҳис қилмоқдамиз. Йўқ, бу билан ишимиз бирдан ўнгланиб, тўғри йўлга тушиб кетмайди. Чунки биз очиб бораётган йўлда ҳали тоғ-тошлар кўп. Бу йўлдан манзилга етиб бориш учун тоғ ошишни тасаввур этган одамга узоқроқ бўлса-да, тоғни айланиб тинчгина ўтиш маъқул кўринади. У узоқ йиллардан бери, ҳатто яқин-яқинларда ҳам бизнинг оғзимиздан бошқа гапларни эшитганди. Энди эса бунинг аксини эшитмоқда. У бу қадар овсар эмас, бир имо-ишора билан ортингдан эргашиб кетавермайди. У кўп маротаба баландпарвоз сўзларингга ишонади ҳам. Бечорани Амударё лабига етаклаб бориб, сувсиз қайтариб олиб келдинг. У энди чарчаган. Уни ўз ҳолига қўй. Унга яхшилик қиламан десанг, кўзига кўринма. Худо хайрингни берсин. Азал-азалдан юртга фалокатни тасодифан эл бошига чиқиб қолганлар келтиришган. Тасодифий улуғларга эса фақат аҳмоқ ва ўткинчилар ихлос қўйганлар. Уларга ким бўлишидан қатъи назар тепаларида ҳайкалдек турадиган, улар кўкларга кўтариб мақтайдиган ва шу мақтовлардан эриб, жиноятга йўл очиб берадиган сардор керак. Бундай оломонни истаган пайтда топиш мумкин. Улар қадим-қадимдан мавжуд эдилар, ҳозир ҳам яшамоқдалар. Барча қатори Бобо қуёш ва Она заминдан баҳраманд бўлиб, сиз билан мендан (ўзларича) яхши яшайверадилар. Бундайларни одамлар орасидан бирданига ажратиб ололмайсан. Улар сени жоним-жоним деб туриб, жонингни оладилар, жойингни соладилар. Сен кўнгилчанлик қилиб, унга раҳминг келади. Шафқат қиласан. Ахир, бу бечора ҳам одам-ку, беш қўл баравар эмас-ку, деб ўйлайсан. У эса сени худди шу ожизлигинг билан тузлайди. Сенга ку[illegible]чи етишини сезгач, оёғингдан ушлаб туриб ерга ура[illegible]. Бироқ шундан сўнг ҳам, жўнаб кетмайди. Ҳамма ишини йиғиштириб, бошингда жонинг чиқишини томоша қилиб ўтираверади. Чалажон бўлиб ётсанг, яна олиб деворга уради. Ниҳоят, чин дунёга риҳлат қилганингдан сўнг барча баробар кўзида ёш, қалбида қуёш билан иззатингни жойига қўйиб, энди ҳеч қачон унинг йўлига ғов бўлмаслигинг учун яратганга минг қатла шукр қилиб, устингга меҳр-муҳаббат билан тупроқ тортади...

Ариқларда зулуксимон бир ҳашарот бўлади. У мутлақо ҳаракат қилмайди. Қанча масофага оқиб бормасин на бошини, на думини қимирлатади. Шу кетишда у далаларга оқиб чиқиб, сувсизликдан нобуд бўлади. Бир хил одамлар ҳам шундай: эрталаб туради, овқат ейди, ўрганган иш жойига боради, яна овқат ейди, уйига қайтиб келади ва топар-топмасини еб, тун бўлганлиги учун ётиб ухлайди. Улар ўлимни ҳам ҳеч қандай қаршиликсиз, лом-мим демай, худди шундай бўлиши керакдай қабул қилаверадилар...

XVII

... — Ахир, айтган жиноятларингизнинг барчасига ўзингиз ҳам шериксиз-ку? Булар фош этилгудай бўлса сиз ҳам у билан баб-баравар, тик туриб жавоб берасиз, — дедим бўғиқ овозда ҳафсалам пир бўлиб ҳам[illegible] суҳбатим Шокир Шариповга.

— Мен буларни ишингизни енгиллатиш, уни чўчитиб қўйиб, инсофга чақиришингиз учун айтдим, вей, укажон, — деб жавоб қилди у йиғига ўхшаш овозда. — Сиз оқ-қорани таниган, диёнатли йигитга ўхшайсиз. Керак бўлса, сиз учун калламни кесиб бераман. Ака-ука тутинайлик. Агар менинг оғиримни енгил қилсангиз, бир умр дардингизга малҳам бўламан, то абад қулингизман. Ранг кўр, ҳол сўр дейдилар. Қаранг, қандай ажойиб, самимий инсон экансиз. Биз ҳам дунё кўрган одаммиз. Катта охурдан ем еб юрган чопқир отларданмиз. Қандай бўлмасин, улоқни чортоққа ташлаб келганмиз, вей. Худо хоҳласа, бундан буён ҳам ташлаймиз. Сиздек укалар ёнимизда «Ҳа-ҳа»лаб турса бас. Керак бўлса, улоқни Парижга ҳам элтиб ташлаймиз. Чопқир отнинг орқасини яғир қилма деган гап бор. Арзимаган майда-чуйда деб оёқ ости бўлиш одамга алам қиларкан. Бояги гаплар эса орамизда қолади, албатта. Худо ҳаққи, ёрдам беринг. Оиламиз бузилмасин. Беш боламни эсласам, дунё кўзимга тор кўриниб кетади. Иложи бўлса, у мочағар билан бошлиғингиз гаплашсин. У кишига ўзингиз ётиғи билан тушунтиринг. Киши дасти узун бўлганда қўли калталарни қўллаши керак. Мансабни ҳам бир умрга боғлаб бериб қўймайди, акаси, вей. Амал, бу — амаллаб тургин, сўнгра бировга топширасан дегани. Фалакнинг гардиши янтоқфурушни подшо қилибди. Ўша «ГАЗ-24» нинг орқа ўриндиғида ялпайганча тўқликдан кекириб ўтирган, чиройли хотинлардан кўз узолмайдиган амалдорлардан бизнинг қаеримиз кам? Камчилигимиз тўрт-беш сўм топган бўлсак, пешана тери билан топганмиз. Биламиз, овоз ақл эмас, лекин аҳмоқ ҳам эмасмиз. У ёғини сўрасангиз юрфакни сиртдан тугатганман. Дунёда одам боласининг бир-бирига қилган яхшилиги қолади. Ўлмасак ҳали кўз-кўзга

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушади. Гоҳо пирдан, гоҳо муриддан дегандек, биздан ҳам қайтар... Хоним фақат амалдорлардан ҳайиқади. Сиз билан менга ўхшаганларни оёғининг учи билан кўрсатади. Филармония директорининг бурнидан ип ўтказиб олган. Милиция ходимларию терговчилар билан ош-қатиқ. Ҳаммаси бир бўлиб менга зуғум ўтказишяпти. Мана сиз, журналист, гуманист одамсиз. Бир бегуноҳ совет граждани эзилаётганини, азоб чекаётганини кўриб туриб, чидай олмайсиз, албатта. Лекин бу милиция билан судларнинг бағритош. Ҳаммаси бузилиб кетган. Зари ёки зўри бор билан ҳисоблашади. Аввал боплаб ошингни, сўнгра бошингни ейишади. Эҳ, уларга сарф қилган пулларим. Улаб чиқса, экваторга белбоғ бўларди... Бизда қўшиқчи дегани маҳалланинг тобутидек гап. Одамларга кунига эмас, кунида керак бўлади.

У ўзини диван суянчиғига ташлади. Жиққа ҳўл рўмолчаси билан терлаётган пешонасини, қизариб кетган бўйнини артди. Ўрганиб қолган шекилли, тез-тез бошининг тепакал жойини сочи билан беркитиб қўярди. Шунда беихтиёр область раҳбарларидан бири ҳикоя қилиб берган воқеа ёдимга тушди. Бу раҳбарнинг укаси оближроком раиси Ахтамовнинг хизмат машинасини ҳайдарди.

...Қўшни областга отарга кетган Шарипов кутилмаганда тонгга яқин уйига қайтди. Меҳмонхонадаги стол турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташланган, бўшаган «Наполеон»ларнинг шишаси беҳаё ғарб фильми қўйиб қўйилган видеонинг ёнида думалаб ётарди. Ётоқхонадаги қимматбаҳо араб диван-каравотидан телеэкран яққол кўринар, эр-хотин гоҳида суюқ фильмларни қўйиб, унга тақлидан «ишқ» билан машғул бўлишарди.

Одам шовурини сезган Раҳимахон ярим-яланғоч ва ҳиракайф ҳолда меҳмонхонага чиқди. Эр қўлига илинган нарсани олиб, хотинига ҳезланди.

— Жим-м! Икром Ахтамович, — деди аёл кўрсаткич бармоғини лабига босиб.

Шариповнинг дами ичига тушиб, шаштидан қайтди. Ахтамовнинг хурраги баралла эшитилар, у очилиб қолган қўл ва оёқларини керганча донг қотиб ухларди.

— Нега оёқлари очиқ? — деди тилига келган сўзни қайтаролмай Шокиров паст овозда. — Ёпиб қўйсанг бўлмайдими?

— Ҳозир! — дея Раҳимахон ётоқхонага кириб, эшикни беркитди ва қайтиб чиқмади.

Залда нима қиларини билмай серрайиб туриб қолган Шарипов Ахтамовнинг стул суянчиғига ташлаб қўйган костюмининг чўнтакларини титкилаб, тахи бузилмаган элликталикни қўйнига урдию ғойиб бўлди...

— Бардош беролмайман! Яшашдан чарчадим! Ўзимни бирор кори-ҳол қилиб қўйишим мумкин, укажон! Ёрдам беринг! — деди Шарипов кафтларини ёзганча кўзини юмаркан.

— Ўзингизни босинг. Ўлиш қочмайди, — дедим унинг хатти-ҳаракатидан ғашим келиб. — Мен масалани ўрганиб чиқай, сўнг яна бафуржа гаплашамиз. Филармонияга қўнғироқ қилиб сизни топаман. Ўзингизни ҳар ёққа ураверманг.

— Филармонияга қўнғироқ қилиб овора бўлиб юрманг. У ерда ҳеч ким мени яхши демайди. Тополмайсиз ҳам, — деди у қизариб-бўзариб.

— Нега? Сиз у ерда ишлайсиз-ку?

— Ишлардим. Ҳозир йўқ... — дея дудуқланди у.

— Қаерда ишлаяпсиз бўлмаса?

— Сиз сўраманг, мен айтмай, укажон...

— Тушунмадим?

— Қурилиш материаллари комбинатидаман. Керамзит-бетон заводида мажбурий хизматни ўтаяпман.

— Ие, шунақа денг... Нега?

— Энди бўйингиздан, укаси, бу ёғини суриштирманг. Мен заводда ишлаб ёлчитармидим. Ҳаммаси ҳўжакўрсинга. Остимда машина, комбинат катталари билан чойхонама-чойхона маишатда юрибман. Вақтида хизматни қилиб қўйганман-да! Ҳатто чақалоғи туғиладиган куни туғруқхонада тонггача хизматда бўлганман. Бировга яхшилик қилсанг, бир кун келиб олдингдан чиқаркан. Бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Ўлмасмиз. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Бош ёриғи дўппи остида, деб юрибмиз. Ўша отарчини бир тарсаки урганимга икки йил беришди. У манжалақи район прокурори билан ҳам дон олишиб юради. Мен уларга ҳалақит бераман. Шунинг учун мени тинчитишди. Ҳақиқатни қарор топтирмай қўймайман. Керак бўлса ҳали Москвагача бораман. Уни «Человек и закон»да фельетон қилдираман. Ўз болаларининг отасини қаматди-я, ноинсоф. Урсам мен уни яхши бўл, одам бўл деб урганман. Хотинига қўл кўтарганни ушлаб қамайверса, ер юзида эркак зоти қоладими? Калтак еб турса хотин семиради, дейдилар. Тўғри, янги топган эрчасининг «Жигули»сини ҳам болта билан чопиб ташладим. Ўзини ҳам тилка-пора қилмаганимга шукр қилсин у лўливачча. Кўрар куни бор экан. Менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Ўша қўнғизмўйловни кўчада тутиб олиб айтдим, илтимос қилдим. Хотинимни қайтариб бер, оғайни, дедим. Ўзингдан йигирма ёш катта кампирни эна қиласанми? Оиламни бузма, беш боламни тирик етим қилма, укажон, дедим. Аёл дегани ахмоқ бўлади. Ширин гапириб, елкасини қашисанг, мушукдек миёвлаб, оёғингни орасига кириб кетаверади. Бу йўлдан қайт, эртага мендан бешбаттар аҳволга тушиб, шўрингга шўрва тўкилиб қолмасин деб, қайта-қайта айтдим. Қайда? Гапга қулоқ соладиган болага ўхшамайди. Кўзи каламушнинг кўзидек бўлиб, безрайиб тураверaркан. Унга Раҳимахоннинг пули керак. Мўлжалдаги пулни ишлагунича «оҳ дедим-у, остонангга йиқилдим», деб юраверади. Жонига теккан куни бир баҳона топадию жуфтакни ростлайди. Бирор нарсасини ўғирлаб ҳам кетади. Охир-оқибат кимга қийин, менга. Сохта ошиғидан ажралиб, кўз ёши қилиб ўтирган Раҳимахонни алдабсулдаб яна мен юпатишим, дардига малҳам бўлишим керак. Ўзим олдингизга келаман, укажон. Мени қидириб овора бўлиб юрманг. Унинг адреси эса хатда бор. Телефон номери ҳам. Редакцияданман десангиз бўлди. Лекин барча айтганларим орамизда қолсин. Унинг тирғаклари катта. Мени-ку, бўларим бўлган. Тағин сиз ҳам бошингизга бир ғурбатни сотиб олиб юрманг. Иложи бўлса, у билан ишончли бир гувоҳ иштирокида гаплашинг. Туҳматдан тоймайди у. Қўлидан ҳар бало келади.

У гапдан тўхтаб, эшик тарафга олазарак қараб қўйди.

— Мен мулоҳазали, бағри кенг одамман. Бирдаярим у ёшлик қилиб, чакки қадам босганда ҳам кечирганман. У бировга қанчалик тез шайдо бўлиб қолса, шунчалик тез кўнгли совийди. Энди номи чиққан қўшиқчилардан бирига ошиқу беқарор бўлиб қолиб, тун бўйи йиғлайдиган одат чиқарганда мижжа қоқмай, қўшилишиб йиғлабман, вей. Кўнгли бўшлик ҳам шунчалик. Ҳа, энг оғир пайтларда дардига малҳам бўлганман. Инсофга чақирганман. Вей. Эртадан-кечгача хизматида бўлсам, дунёнинг нариги бурчагига деса ҳам олиб борсам, кириб кетган эшигига кўз тикиб кўчакўйда тонг оттирсам, ичиб ҳушини йўқотганда кўтариб машинага миндириб, опичлаб уйга қайтсам, ювиб-тараб жойига ётқизиб қўйсам... Бир эр шунчалик бўлар, ахир. Вей. Мендек эрни у тушида ҳам кўрмайди. Дунё шунақа экан, доимо яхшиликка ёмонлик. Мен бундан буён ҳам кечиримли, кенг ўйли бўламан. Унинг қилмишлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни юзига солмайман. Илгаригидек севаман, оёғини ерга теккизмайман, кафтимда олиб юраман. Айтинг-чи, бошқа нима қилишим керак? Вей...

У диванга суяниб, бошини деворга тираганча кўзини юмди, юрагини ушлади ва шу орада кўз қири билан мени кузатди.

— Юрак чатоқ, — деди у бир оздан сўнг ўзига келган бўлиб. — Микроинфарктни бошдан ўтказдик. Дўхтирлар ичкиликдан дейишади. Ичкилик эмас, изтиробдан. Бу врач дегани ҳам милициядан бешбаттар бузилиб кетган. Ўзимизнинг область касалхонасида битта ўрин эллик сўм, Тошкентда юз, Москвада эса уч юзбеш юз сўм атрофида экан. Жиянимизнинг буйрагини операция қилдирганда, ўз қўлим билан бердим. Доридармонию қараганига алоҳида тўлайсиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шунча азоб-уқубатни ичмай енгиб бўладими? Ҳали ҳам иродам метин экан. Ўрнимда бошқа одам бўлганда, аллақачон чорчўпга узала тушиб, Хўжамозорга бориб турарди. Лекин бўш келиш йўқ. Дунё қўлидан иш келганники. Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди дейдилар, вей, ука. Насиб қилса, яхши кунлар ҳали олдинда. Бизнинг кўчаларда ҳам байрамлар бўлиб қолар, вей...

— Бўпти, хабарлашамиз, — дедим унинг гапини бўлиб ўрнимдан турарканман. — Демак, ўзингиз хабар оласиз. Бирор ҳафталардан сўнг.

— Сиз нима десангиз, бизга қонун, укажон. Лекин у билан осмондан келиб гаплашинг. Сал паст келсангиз, шаддодлик қилиб, бошингизга чиқиб олади, — деди у эшик олдида тўхтаб. — Бирга тушлик қилсак бўларди. «Лисая гора»даги ресторанга, тандир кабобга олиб борардим. Бошлиғингизни ҳам...

— Раҳмат, бошқа вақт, — дедим унинг юзига қарамай.

— Бизга ҳар қандай хизмат бўлса, тортинмай айтаверинг.

— Раҳмат. Кўмагингиз керак бўлса айтаман, — дедим унинг тезроқ кетишини истаб.

— Саломат бўлинг. Акбар Ҳакимовичнинг бир хизматлари бор эди. Шунга боришим керак. Хўп...

У нимагадир ошиқаётгандек тез-тез юриб чиқиб кетди. Таассуротлардан хаёлим қочиб, бўшашганча ўтирардим. Сўнгра димиқиб кетган хона эшигини очдим. Ҳамма тушликка чиққан, фақат редактор қабулхонасидан машинканинг чиқиллаётгани эшитиларди. Илгари Қўшшаев ўтирган ва эндиликда бизга теккан хона бўм-бўш, деразадан кўриниб турадиган «Ватан» кинотеатри радиокарнайидан кунига бир неча марта қўйиладиган қўшиқ эшитиларди.

Лаълихон қайда қўйингни боқаман,
Лабларингда писта-бодом чақаман...

Сен кутган одам ўтмагандан кейин кўчаларнинг ҳам таровати қолмас экан, дея ўйлардим одамларни совуққина кузатиб. Улар эса қаёққадир шошишади. Бугундан эртам яхши бўлади деб ўйлашади ва бунга астойдил ишонишади. Бундай олиб қараганда, шунинг ўзи ҳам катта гап. Одам боласи бари бир дунёнинг тубига етолмайди, лекин бир ҳисобда уни чуқур англамай ўтгани ҳам маъқулмикан? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! Акс ҳолда ҳаёт бу қадар ривожланмас ва инсоният бугунгидек тараққиётга эришолмасди! Кураш ва меҳнат! Бусиз дунёни ва инсон ҳаётини тасаввур этиб бўлмайди.

Область газетасида ишлаш менинг орзуим эди. Илгари, районда ишлаб юрган кезларим, область газетаси редакциясининг ходимлари қарийб пайғамбардек кўринарди. Улардан битта-яримтаси районга келиб қолса, оёғини ерга теккизмай олиб юрардик ва фахрланиб меҳмон қилардик. Айримлари бизга, сенлар ҳам журналистман деб юрибсанлар-да, дегандек паст назарда муомала қилишгач, улар районга келгудек бўлса, ўзимизни билмаганга оладигандек бўлдик. Инсоннинг бир-бирига меҳр қўйиши учун жуда кўп нарса керак. Бу меҳрнинг совишига шунчаки бир хатти-ҳаракат кифоя.

Ишга келган кунларимдан бошлабоқ редактор ўрнибосари Қўшшаевга ёқмадим. У мен билан истар-истамас, сен олифтани ким топди экан, деган оҳангда гаплашарди. У менинг очиқлигимни, ҳаётга ташналигим ва дадиллигимни ҳазм қилолмасди. Назаримда, ҳаммасидан кўра, ишим юришиб кетишидан кўпроқ чўчирди. Биз ҳеч қачон тил топиша олмаслигимиз кўз-кўзга тушгандаёқ аён бўлганди.

Бу пайтда почаси кенг шим ва чакка соқол қўйиш модадан қолган, лекин бошқа кўчалик шимим йўқлиги сабабли, ўша эски шимни кийишга мажбур эдим. Бахмалда қиш совуқ бўлгани учун сочимни олдирмаганимдан чакка соқолим ўсиб кетганди.

— Редакцияда безоринусха кишилар ишламайди. Афт-башарангизни эпақага келтириб олинг, — деди у хотинчалиш овозда юзига сохта жиддий тус бериб. — Область газетасида ишлаш осон эмас. Мен ҳам районда ишлаганман. Деворий газета чиқаргандай гап. ЎзТАГнинг бюллетенига обуна бўлиб қўйилса бас. Қолганини марказий нашрлардан кўчириб, бир кунда тўртта газета чиқарса бўлади.

Мен бундай ҳақоратомуз сўзларга жавоб қайтаришга тайёр эмас эдим. Бошимни эгганча, индамай чиқиб кетдим. У мен ёзган ва тайёрлаган ҳар бир мақолани барча ишини йиғиштириб қўйиб, ўзича таҳрир қилар, билимдонлигини исботлаш учун, «аммо» сўзини «бироқ» тарзида ёки «ва» боғловчисини «ҳамда» қилиб ўзгартирарди. У бир менга эмас, бошқа ходимларга ҳам шундай муносабатда бўлар, шу боис соғлом фикрлайдиган барча ходимлар уни ёқтиришмасди. Муғомбир Шокиров унинг тилини биларди. Шунингдек у тегирмоннинг дўлига тушса ҳам бутун чиқадиган Норматовдан ҳайиқарди.

Дастлабки кунларданоқ қандай қилиб бўлмасин, менинг ковушимни тўғрилаб қўйишини ўйлаётганини унинг совуқ кўкиш кўзларидан ва тиришган пешонасидан англаш мумкин эди. Жонимга фақат Жобиров ора кирар, материалларим ланж масъул котиб ва мижғов ўринбосарининг столида туриб қолаётганлигидан аччиғи чиқиб, мақолаларни ўзи ўқиб босмахонага туширирб юборарди. Бу эса Қўшшаевга баттар алам қилар ва ўзича мени Жобировнинг одами деб ўйларди. У атрофидаги одамларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ақл бовар қилмас ғалати ва жиддий хулосалар чиқарарди. Унинг фикрича ҳар бир сўзни ўйлаб гапириш ва ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак эди. У кабинетида тунаш учун кўрпа-ёстиғини кўтариб келганди. Бирор ҳафта редакцияда ётиб юрди-да, яна ғойиб бўлди. Шариф Расо бунинг сабабини сўраганда: «Бу шаҳар энг катта шкаладаги сейсмик зонага киради. Редакция биноси эса туртиб юборсанг ҳам қулайди. Агар ухлаб ётганда ер қимирласа том остида қолиб кетиш ҳеч гапмас», дебди. Ҳазилкаш Норматов буни шунақанги ғаройиб латифага айлантирдики, эшитганнинг ичаги узиларди.

Бир кун командировкадан кечаси соат иккида қайтдим. Йўловчи машинадан редакция олдида тушиб қолдим. Қоровул Фармон амакидан бўлак ҳеч ким бўлмаса керак деб ўйлагандим. Бироқ Қўшшаевнинг хонаси ёруғ эди. Командировка ҳужжатларига бугун қўл қўйдирсам, эртага пулини оларман деган ўйда унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

www.ziyouz.com kutubxonasi

хонаси томон юрдим. Коридорга кирганимда, унинг телефонда гаплашаётгани эшитилди. Қўшшаев илгари қўшни область газетасида ишлар ва область марказида яшарди. Бу ерга кўчиб келишга хотини кўнмаган шекилли, у ялиниб-ёлворарди.

— Сизсиз мен бу ерда яшолмайман, Санобархон! Сиз янги уйимизни бир кўрсангиз эди. Шундоққина обкомнинг ёнида, раҳбарлар яшайдиган, алоҳида экспериментал лойиҳа билан қурилган муҳташам бино! — Газета тили билан гапирарди у куйиб-пишиб. — Тўрт хонали, қўш балконли квартира. Ошхонаси сиз яшаётган уйнинг залидан катта! Боғча, мактаб икки қадам! Универсам шундоққина ёнида! Ҳамма шароит бор! Мени айтди дерсиз, қўлингизни совуқ сувга урмайсиз. Обкомнинг хоздворидан озиқ-овқатлар олишни гаплашиб қўйдим. Қариндош-уруғлар йўқлаб туришибди! Ҳамма ишингизни ўзлари қилишади! Сиз фақат йўл-йўриқ кўрсатиб турсангиз бас! Қолганини ўзимга қўйиб бераверинг! Орамизда бўлиб ўтган яхши-ёмон гапларни унутинг! Мен бир умр сиздан қарздорман ва оёғингизга бош уриб яшашга тайёрман! Буни ҳаёт дейдилар, юрганда ҳатто тўрт оёқли от қоқилади-ю, икки оёқли одам нима деган гап! Мен энди жиддий одамман ва бўлар-бўлмас ишларга вақтим йўқ! Вақт одамни мулла қиларкан! Қолган ҳаётимни сизга, оиламга ва халқ ишига бағишлайман! Мени шарманда қилманг, Санобар! Сиздан бошқа инсон билан тирикчилик қилишни ақлимга сиғдиролмайман! Ахир, фарзандларимиз!..

У боладек бурнини тортиб йиғларди. Қўшшаев аслида оила ва бола-чақасини эмас, мабодо хотини билан ажрашгудек бўлса, бу нарса ўзининг вазифасига ҳамда келажагига таъсир этишини ўйларди, холос. Чамаси, хотини ҳам буни яхши биладиганга ўхшарди.

— Жума куни тунги поезд билан бўлса ҳам етиб бораман! Сизларни соғинганман! — деди у овозини ўзгартириб.

Хотини «ўтган ҳафта келувдингиз, овора бўлиб юрманг», деди шекилли:

— Нима, мени ҳафтада бир марта кўришга ҳам тоқатингиз йўқми? — деди у ўксиниб. — Майли, сиз менсиз яшашингиз мумкин! Бироқ мен сизсиз яшай олмайман. Агар сиз, бу ерга келмайман десангиз, мен яна қайтиб бориб, оддий ишчи бўлиб ишлашим ҳам мумкин!..

Мен ўзимни ноқулай сезиб ҳовлига чиқдим. Бир оз айланиб қайтиб келганимда Қўшшаевнинг овози тинганди.

— Мумкинми? — дедим эшикни қия очиб.

У креслога оғир чўкканча, ердан чиқдингми, осмондан тушдингми дегандек ҳайрон бўлиб қаради. Ҳеч қандай жавоб бўлмаса ҳам унинг олдига келдим.

— Ҳозир коридор эшигини очган сизмидингиз? — деди у қовоғини уюб.

— Ҳа, мен эдим. Телефонда гаплашаётганингизни эшитиб, қайтиб чиқиб кетдим. Мана буларга қўл қўйиб беринг. Топшириқларни бажардим, эртага тушгача материални тушираман, — дедим командировка қоғозларини стол устига қўйиб.

— Иш вақти кечаси соат учгача эмас! — деди у қоғозларни юзимга қараб ирғитаркан. — Эрталаб олиб келинг!

Қоғозлар сочилиб кетди. Нима қиларимни билмай, бир зум каловланиб туриб қолдим. Сўнг орқамга қайтдим-да, эшикни беркитдим. Авзойимни кўрган Қўшшаев қўрққанидан ўрнидан туриб, ҳазилни ҳам тушунмайсизми деган маънода куйган калладек ёқимсиз жилмайди. Мен эса тўппа-тўғри келиб унинг ёқасидан олдим-да, орқа томондаги голланд печига калласини ура бошладим. Одатда жаҳлим чиққанда қулоғим том битиб қолади. У нима деб ялиниб-ёлворганини эслай олмайман. Юзимни тирнаганини ҳам сезмабман. Кўзи ола-кула бўлиб, боши чап томонга оғаётганини кўриб ўзимга келдим. Шундагина уни креслога ўтирғизиб қўйдим-да, кута бошладим. Кўп ўтмай, у кўзини очди.

— Мени кечиринг, Нурзоджон! — деди бошини зўрға тиклаб хириллоқ овозда. — Айб мендан ўтди! Асаблар тамом бўлибди! Ўзи бу дунёда юргилигим қолмабди!..

Юзимнинг тирналган жойига кафтимни босганча хонадан чиқдим. Эрталаб нашриёт кассири командировка пулларини келтириб берди.

Шу воқеадан сўнг муносабатимиз анча ўнгланди. Бироқ у кутилмаганда очиқ партия мажлисида бир неча ходимга, жумладан менга ҳам ташланиб қолди. Фамилияларимизни қайд этиб, тушлик вақтида спиртли ичимликлар ичишимизни айтди. Бу гапга шериклариздан ҳеч ким эътироз билдирмагач, ниҳоят мен сўз сўрадим.

— Ўртоқ Қўшшаевнинг гапи тўғри, — дедим ўрнимдан туриб. — Бундай ҳолатлар бўлган. Бундан буён такрорланмайди. Бироқ биз билан бирга тушлик қилганларида ўзлари ҳам ичардилар. Бу гапни ўзимизга айтсалар ҳам бўларди. Лекин мен кўпдан буён ўйлаб юрган фикримни айтмоқчиман. Буни фикр алмашиш учун шу ерда ўтирган айрим ўртоқларга айтганимда, улар ҳам қўшилишган эди. Айни пайтда улар ўша фикрларида қолишганми ёки пластинканинг иккинчи томонини қўядиларми — буни айтолмайман. Ўртоқ Қўшшаев редактор ўринбосари лавозимига номуносиб. Ҳатто у киши оддий мухбирликни ҳам эплай олмаса керак. Албатта, газета ташкил этилаётганда, редакциянинг раҳбар ходимларини танлаш билан область партия комитети шуғулланган. Бироқ редакторимиз Адҳам Жобирович ўз муовининнинг интеллектуал даражасини билиши керак деб ўйлайман. Инсон ва журналист сифатида шаклланмаган кишининг бизга раҳбарлик қилишга маънавий ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Бу масалани навбатдаги партия мажлисларидан бирига қўйилишини сўрайман!

Гапимни эшитиб биров кулди, биров ҳазилга йўйди, бошқаси жиддий тортди. Жобиров вазиятни юмшатган бўлиб, бир-биримизни ҳурмат қилишимиз лозимлиги ва инсоний маданият ҳақида гапирди.

— Оддий одамийлик йўқ жойда коммунистик ахлоқ ҳам бўлмайди, — деди у одатига кўра сўзининг охирида Сухомлинскийдан мисол келтириб.

Қўшшаевнинг оёқ олишимдан чўчиганича бор эди. Орадан кўп ўтмай, область партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимига матбуот ишлари бўйича инструктор қилиб тайинландим. Кадрлар масаласида гап кетганда, обком секретарига область босмахонасига директор қилиб вақтинча Қўшшаевни ўтказишни таклиф этдим. Лекин у ерда ҳам унинг кўнгилдагидек ишлай олмаслигини, бирор матбаачи мутахассис топилгунга қадар фойдаланиш мумкинлигини писанда қилдим. Секретарь бундан ҳайрон бўлиб елка қисди. Сўнгра бу масала билан шуғулланишни ўзимга топширди. Энди мавжуд тартибга кўра, у билан дастлаб мен суҳбатлашишим керак эди...

XVIII

Гапини ҳеч ким икки қилмайдиган номдор Акбар Ҳакимов кўнглига ёққан кишиларга ўзининг қандай раис бўлганини мароқ билан сўзлаб берарди. У билан танишбилишлик ёки унга яқинлик маълум бир одамнинг обрўсини, ўрни ва даражасини белгиларди. Одамларнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

назарида, унга қариндош-уруғ, ошно бўлиш пайғамбарзодалик билан баробар эди. У атрофидаги кимсанинг бурни қонашига йўл қўймас, область миқёсидаги бирон-бир тадбир ёки иш унинг йўл-йўриғи, аралашувисиз ҳал бўлмасди. Одамларнинг ўзлари уни шунга ўргатиб қўйишган, эндиликда Ҳакимовга алоқаси бўлмаган нарсаларга ҳам унинг инон-ихтиёрисиз қўл урилмасди.

Мен областга келган марказий газетанинг республика бўйича мухбирига ҳамроҳ бўлиб юрганимда Ҳакимов билан танишгандим. Ҳакимов деса кўнгли айнийдиган редакторимиз обком секретарининг шахсий топшириғини менга оширди.

— Ҳакимов билан яхшилаб танишиб олинг. Керак бўлиб қолади, — деди у акса уравергандан қизариб кетган кўзларини артиб.

Куз кираверишида билан унинг аллергияси бошланарди. Врачлар буни ғўза орасида ўсадиган қандайдир ўсимликнинг гуллаши билан боғлиқ дейишарди, бироқ даволай олмасдилар.

Журналистнинг айтишича, у республика раҳбарларидан бирининг шахсий кўрсатмаси бўйича Ҳакимовнинг бирлашмаси ҳақида мақола ёзиш учун келган экан. Улар эски таниш чоғи, қучоқлашиб кўришиб, ўпиша кетишди. Уларнинг чўлпиллатиб ўпишишларидан кўнглим айниб, юзимни тескари бурдим. Ҳакимов мен билан қўл учида кўришиб қўйди. Унга кўзим тушиши билан хаёлимда бу муғомбир одам ўзини ҳаммадан ақлли деб ўйлайди деган фикр кечди. Биз хўжаликда икки кун бўлдик. Ҳакимовнинг ўзи рулга ўтириб, бизни айлантирди. Эндиликда колхоз аграр саноат бирлашмаси деб аталар ва ўнга яқин совхоз, саноат корхоналари унга қарарди. Юз минг гектардан ортиқ тоғ участкасининг ҳар бир баҳаво ва хушманзара жойида шинамгина шийпончалар, ғоят ҳурматли меҳмонлар учун ҳашаматли меҳмонхоналар қурилганди. Ҳар жойда бизни иззатикром билан кутиб олишар, бир жойда каклик гўштини димлашса, иккинчи жойда зиғир ёғига хонбалиқ қовуриб олиб келишарди.

— Мана бу меҳмонхонамизда Шариф Ғафурович икки ой бурун бўлгандилар, — дерди Ҳакимов фахр билан ёзувчига жавраб, биринчи раҳбардан бошлаб республика раҳбарларини номма-ном тилга оларкан. — Янаги келишларига анави ерда битта ажойиб дам олиш зонаси қурамиз. У киши пайғамбар...

Сочи тиккайган, торпешона ва ҳар бир хатти-ҳаракатидан каттазанглиги сезилиб турадиган, ёши бир қорага етган бўлса-да, ёлчитиб бирор нарса ёзолмаган, бироқ икки гапнинг бирида «биз ёзувчилар» деб гапирадиган тошкентлик меҳмон дамба-дам сўйлоқ тишлари орасидан чирсиллатиб туфурар, қўлини ҳар хил ҳолатда ияги ёки пешонасига тираганча ўзини доно ва мулоҳазакор киши қиёфасига солиб, Ҳакимовнинг ҳикоясини тингларди. Бу сохта жиддийлик унинг чўмичбурунли бир бурда юзидаги бачканаликни янада бўрттирарди. Гап орасида эса бот-бот Ҳакимов ҳақида катта асар ёзаётганини эслатиб қўярди. Дуч келганга йўл кўрсатиб, ақл ўргатаверишга одатланиб қолган Ҳакимовни эса тўхтатиб бўлмасди.

— Мен сизга айтсам, ҳозирга келиб бирлашманинг майдони Хоразм областининг территориясидан уч баробар катта, — деди у пачоқ жуссасига ярашмаган ҳолда елкаларини кериб ва ёзувчининг боши оша қояларга мағрур тикилди. — Бирлашмани бутун бошли бир давлат деса бўлади. Ҳамма нарсани ўзимиз етиштириб, ўзимиз ишлаб чиқарамиз. Мен сизга айтсам, уйимда ўнта қўйим ва иккита сигирим бор. Ўзим деҳқончилик ҳам, чорвадорлик ҳам қиламан. Ҳовлимга инсон боласининг бир дона чўп олиб келишига йўл қўймайман. Порахўрликнинг илдизига болта уриш керак. Одамлар бузмакор, оғзи бедарвоза қанча... Ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни тарқатаверишади. Масалан, мен ҳақимда ҳам нималар дейишмайди. Биз эса иғволарни ҳалол меҳнат билан енгамиз. Калнинг ёмони кўприкнинг тагига кириб от ҳуркитганидек, бундай гаплар умри бино бўлиб, ерга ёлчитиб кетмон урмаган, туғилганда оғзи билан ерга тушиб, тили билан юрадиган нокаслардан чиқади. Уларга ишла десанг кўзига балодек кўринасан. Ишласанг ўзинг учун, бола-чақанг учун ишлайсан-ку, ноинсоф, биринг икки бўлади-ку. Мен сидқидилдан ҳалол меҳнат қилмаган одамнинг бир пиёла сувини ҳам ичмайман, даласига ҳам бормайман. Қачон илғорлар қаторига қўшилади, шунда ўша бригадир ёки бош чўпон билан гаплашаман. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, егулигимни машинага солиб олганман. Рулда ҳам ўзим. Ваҳоланки, мен икки сменада шофер ишлатишим керак. Кечаю кундуз тиним йўқ...

— Балки бу методингиз унчалик тўғри эмасдир, Акбар ака, — деб унинг гапини бўлди меҳмон. — Ўша қолоқ бригадир ёки чўпонга раҳбар сифатида маслаҳатингиз, кўмагингиз керак бўлар...

— Мен сизга айтсам, оғайни, илғор тажриба, қулай метод, бало-баттар деганларининг ҳаммаси қуруқ гап. Эшакдек ишлаш керак, вассалом. Ота-бобомиз ҳеч қанақа методсиз миллион йиллардан бери экин экиб, мол боқиб келган. Керак бўлса ўша чўпон ёки бригадир ўз ишини мендан ўн баробар яхши билади. Лекин астойдил ишлашга бўйни ёр бермайди. Чунки чўнтаги тўла пул, остида «ГАЗ-24» ёки «Жигули». Ҳафтада бир марта шаҳарга тушиб, хотинбозлик ҳам қилади. Шунда унинг ишлагиси келадими?

— Шу пайтгача раислару директорлар қилиб юрган ишнинг ҳавосини энди бригадирлар ҳам олди денг, — деб мийиғида кулди ёзувчи.

— Э-э, қизиқ экансиз-ку, ўртоқ ёзувчи. Хотин билан гаплашишга вақт тополмайсиз, — дея қизариб-бўзариб илжайди Ҳакимов. — Мен сизга айтсам, у пайтлар ўтиб кетди. Неварали бўлдик, ахир.

— Сизни назарда тутиб айтаётганим йўқ, — деди ёзувчи ўзини ноқулай сезиб. Сўнг гапни бурди. — Яхшиси, мана бу журналист укамизга қандай қилиб раис бўлганингизни бир айтиб беринг.

— Вах-ҳа-ҳа! Бор экансиз-ку! Илгарироқ шуни айтмайсизми! Укамиз ҳам ўзимиздан шекилли, — деди Ҳакимов менга муғомбирона тикилиб. — Мен сизга айтсам, жа қизиқ бўлган. У пайтларда бир йилда ўн марта раис алмашарди. Эллигинчи йилларнинг боши эди, чамамда. Сталин тирик. Районга бешбулоқлик Болтабоев деган ўпкасини қўлтиқлаган одам биринчи секретарь бўлиб келди. У пайтда мошин қайда дейсиз. Райком секретари ҳам, райижроком раиси ҳам отда юради. Ҳозир «Волга» обрў бўлгандек ўша пайтда от обрў эди. Бешбулоқликлар Болтабоев Москвани битириб келса, марказқўмга секретарь бўлиб, елкамизга офтоб тегади деб, ҳар келганда жомадонлаб пул йиғиб беришаркан. У эса бу пулга эртадан-кечгача ичаркан. Ўша одам ўқишни битириб, тўппа-тўғри бизнинг районга биринчи бўлиб келса бўладими. Бир суткага саккиз марта бюро чақирарди. Бюрога келолмай қолганларни ярим тунда бориб бўлса ҳам устидан кўрпасини тортиб олиб ўзини уйғотар, «Ҳамма социализм қуриш учун кеча-кундуз ишласа-ю, сен хотининг билан ётасанми?» деб роса сўкар ва масаласини бюрога қўйиб, ишдан бўшатар, гап қайтарганларни партиядан ўчирарди. Жа қизиқ замонлар эди-да, ўшанда. Одамлар нима қилишни билмасди. Раҳбарман деган калласига неки келса шуни буюрарди. Болтабоевнинг саман оти бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Доим райкомнинг олдидаги садақайрағочга боғлоқлик турарди. Бу жонивор учун тўрт отбоқар овора. Болтабоев ишини йиғиштириб қўйиб, кунда уч-тўрт марта от миниб, айлантириб чоптириб келарди. Одамлар ҳам содда бўлган-да. Унинг қирдан қирга от чоптиришини томоша қилиб, «Э-э, бу райком зўр экан. От чоптиришини қара», дейишарди бир-бирига. Ўша йили биринчи маротаба биз тарафларга Россиядан чўчқа келтирилди. Қани энди бу махлуқни боқадиган инсон зоти топилса. МТСда ишлаб юрадиган иккита ўрисга худонинг зорини қилдик, кўнмади. Кунига аллақанча ароқ ваъда қилишса ҳам рози бўлишмади. Мен ғаллада ҳисобчи эдим. Болтабоевнинг кўзи менга тушиб қолса бўладими.

— Бўлди, бўлди. Мана бу йигит боқади. Жуда тиллижағлига ўхшайди, — деди мени ёнига чақириб.

— Боқмайман! — дедим қизариб-бўзариб.

— Боқасан! Қани боқмай кўр-чи! Ё бу ердан кўчиб кетасан, ё керакли жойга тиқдириб қўяман, — деди у пўписа қилиб.

— Тиқдиролмайсан! Сен айтган даврлар ўтиб кетди! — дедим бўш келмай. — Керак бўлса, Сталингача бораман! — деб қўшиб қўйдим Сталиннинг кимлигига унчалик ақлим етмаса ҳам.

У жилмайганча қамчисини ўйнатиб олдимга келди. Қамчилаб қолса керак деб, мен ҳам ҳозиримни кўриб турдим. Бир уриб ағдариб, қочишни ҳам мўлжаллагандим. У индамай келиб, билагимдан ушлади-да, одамлардан четроққа олиб чиқди.

— Мард йигит экансан. Ҳеч нимадан қайтмайдиган йигитларни яхши кўраман. Беш-ўн йил бурун мен ҳам сендек ўт-олов эдим. Йигит шунақа бўлиши керак. Бўлмаса унинг қиз боладан нима фарқи қолади. Энди иккимиз келишайлик. Сенга меҳрим тушди. Пешонанг ярқираган йигит экансан. Одамларнинг олдида сўзимни қайтармай чўчқачилик бригадирлигини ол, бир-икки ой боқ. Сўнгра шу колхозга раис қилиб қўяман. Келишдикми?

— Алдасангиз-чи? — дедим ишонқирамай.

— Алдасам худо... э-э, кечирасан, она сутим ҳаром бўлсин! — деди у «худо» деганимни ҳеч ким эшитмадими деган ўйда атрофга аланглаб. — Айтганимни қилсанг, ака-ука тутинамиз. Айтганинг айтган, деганинг деган бўлади. Гап орамизда қолсин. Икки кундан кейин ҳеч кимга билдирмай олдингга бораман. Бўйни узундан беш-ўнтасини булоқнинг кўзига ташлаб қўй. Бир отамлашамиз.

Қўл олишдик. Мен бригадирликни қабул қилдим. Қани энди ишлайдиган одамни топиб бўлса денг. Бугун чўчқанинг гўштини дори деб ейдиган одамларнинг ўша пайтда устимдан кулганини кўрсангиз. Кўпчилик мен билан саломлашмай қўйди. Мен сизга айтсам, чўчқадан ифлос ва сассиқ махлуқ бўлмас экан. Ҳиди одамнинг баданига ўтириб қоладими, хотиним ҳам ёнимга йўламайди. Мен билан оғзига рўмолини тутиб гаплашади. Болаларни ҳам эркалатолмайман. Мунча сассиқсиз, дада, дейишади бақрайишиб. Одамнинг аччиғи келаркан. Сен итваччаларни боқаман деб шу кўйга тушдим, деб хотинга дўқ-пўписа қиламан. Чўчқабоқарликка ҳеч кимни кўндиролмагач, эртаси куни яна Болтабоевнинг олдига бордим. Бўлган гапни айтдим.

— Одам борми ўзи? — деб сўради у гир айланиб отини томоша қиларкан.

— Бор. Қишлоқ тўла одам. Кап-катта эркаклар ҳам ўспиринларга қўшилиб чиллак, подаловлов[1] ўйнашади, бироқ чўчқа боқишга кўнишмаяпти, — дедим фиғонимдан тутун чиқиб.

— Ничево. Йўли бор, оғайни, парво қилма, — деди Болтабоев отга минишга чоғланиб.

Эгарга ўтиргач, мени орқасига миндириб олди. Тўппа-тўғри мелисахонага келдик. Ўша пайтда районда бор-йўғи тўртта мелиса бор эди. Улар Болтабоевни кўриб кўчага югуриб чиқишди. Болтабоев ўрисча билан ўзбекчани аралаштириб гапирарди. Сўкинганда эса албатта русчаларди. Бўлмаса одамлар тушуниб қолиб ёқасидан олиб кетишарди-да!

— Изначит, гап бундай, — деди у пилдирашиб чиққан икки бақалоқ мелисага. — Мана бу йигит билан бирга қишлоғига борасанлар. Сенларга икки кишини кўрсатади. Улардан чўчқа боқасанми-йўқми, деб сўрайсизлар. Хўп деса, Чувоқсойдаги чўчқахонага элтиб қўйиб келасизлар. Йўқ деса, олиб келиб, мелисахонага қамаб, менга хабар берасанлар. Есть вопросов? — деди у жиловни далага қараб бураркан ва отини қуюндек учириб кетди.

Қишлоққа етиб боргач, тўппа-тўғри Маннап ўтинчиникига ўтдик. Унинг ҳўкиздек бақувват Аҳрорқул ва Асрорқул деган ўғиллари бор эди. Тоғдан шох-шабба кесиб келиб, отасига қарашиб юришарди. Мелисаларни кўриб ўтинчи бечора шайтонлади-қолди.

— Майли, ўғилларим ит боқ десаларинг ҳам боқади. Фақат бурнимизни қонатманглар! Мусулмонлар! Худо хайрингизни берсин! — дейди бечора ёлвориб.

«Ҳа-а, чўчқа боқмайсан-а, боқмайсан» дейман ичимда. Хуллас, бригадада иш юришиб кетди. Димоқ ёрилгудек бўлиб, чўчқа боқа бошладик. Ҳар ҳафта, ўн кунда отини учиртириб олдимга Болтабоев келиб қолади. Қийқиртириб ароқни ичамиз. Болтабоев ўрисчалаб ашулани қўяди. Биз ҳам бўш келмаймиз. «Ёр-ёр, ёрона»ни оламиз. Ароққа чўчқанинг ёғидек яхши газак бўлмас экан. Буни бизга Болтабоев ўргатди. Жониворнинг ичидаги ёғи кўкйўталга даво экан. Ҳар келганда, унга ваъдасини эслатаман. Ўша пайтдаги колхоз раиси Мансур сатанг ернинг остида илон қимирласа биладиган, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган, бироқ ўлгудек хасис одам эди. Этигим ейилади деб иложи борича пиёда юрмасди. Болтабоев уни қулатиш йўлларини анча изларди. Шунда раиснинг отаси қазоланиб қолди. Ундан аввал қизини етим бир жиянига берган эди. Шартта хат уюштирдик. «Шундай омон-омон замонда коммунист бўлатуриб, қизини севмаган одамга зўрлаб, қалин олиб берди. Отаси ўлганда жаноза ўқитди». Қарабсизки, райком бюроси Мансур сатангни ишдан олиб турибди. Пирқа бўлмасак-да, биз ҳам бир юмалаб раисга айланиб қолдик. Раис бўлишга бўлдик, аммо қўлда муҳр йўқ эди. Мансур сатанг борган одамларга печатни бермабди. Ҳосилот, бош бухгалтер ва Аҳрорқул билан Асрорқулни эргаштириб унинг уйига бордим. Мансур сатанг аламидан ароқни уриб олибди, кайфи зўр. Бизни таранг қилиб сўкди. Печатни сўрашимни биламан, ён чўнтагидан чиқазди-да, резинкасини ёғочидан ажратиб олиб, икки буклаб ютиб юборса бўладими. Шундан кейин кўринг томошани. Уч кун уни ҳожатхонага йўлатмай, бўшанишини пойладик. Аҳрорқул билан Асрорқулни кечаси қоровулликка ташлаб кетаман. Эрталаб хўроз қичқирмай яна ҳосилот билан етиб келамиз. Хуллас, бир амаллаб печатни олдик. Мана шунга ҳам йигирма беш йил бўлибди. Умр оқарсувдек ўтиб кетди. Мен сизга айтсам...

Яйраб гурунг бераётган Ҳакимов тердан ранги ўнгиб кир босган шляпасини қўлдан қўймасди. У турганда ҳам, ўтирганда ҳам шляпасини дам кийиб, дам олиб қўяр, хуллас, доим бесаранжом, жонсарак эди. Назаримда, унинг феълида донғига яраша вазминлик, босиқлик ва сермулоҳазалик етишмасди. Наҳотки, ҳамма Меҳ-

[1] Чавгоннинг қишлоқда ўйналадиган тури.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нат Қаҳрамонлари шундай бўлса (областда унга ўхшаганлар бармоқ билан санарли) деб ўйлардим. Биз эса ёшларга шу тоифадаги одамларни ибрат қилиб кўрсатамиз...

— Аммо Болтабоев жуда мард, танти одам эди, — деди Ҳакимов терлаган пешонасини артиб қўйиб, тизгасига шапатиларкан. — Ўшанда кўп хат-саводлилар камалиб, ур-сур бўлиб, амалдорлик сатта ялангоёқларга қолганди. Каганович колхозининг раиси ҳам ҳафтада алмашиб турарди. Гоҳида кичкинагина бир қишлоқда раис бўлмаган одам қолмасди. Қишга бориб, лоп этиб шу колхозга Ўринбой тақачи раис бўлибди денг. Бюрога барча раислар келади-ю, тақачидан дарак йўқ. Болтабоев столни муштлаб ўшқиради. Охири бир кун у отини учиртириб, Ўринбойнинг олдига борибди.

— Нега райком чақирса бормайсан? — дея қамчини кўтариб ўдағайлабди.

— Кўзинг кўрми, қара, ялангоёқман, қандай қилиб мажлисга бораман?— дебди тақачининг ҳам елкаси тиришиб.

— Чориғинг ҳам йўқми?— дебди Болтабоев.

— Йўқ!— дебди раис товонлари тарс-тарс ёрилган оёқларини яширган бўлиб.

— Кавуш-повушинг ҳам йўқми?— деб сўрабди Болтабоев шаштидан тушиб.

— Йўқ!— дебди у.

— Бўпти, эртага райкомга мажлисга бор. Мен сенга этик олиб қўяман, тополмасам ўзимникини бераман,— дебди Болтабоев отининг жиловини буриб, изига қайтаркан.

Бюрога келган раислар тўпланишиб, Болтабоевнинг олдига кирмоқчи бўлиб тургандик. Бир чоғи отини йўрттириб, Ўринбой келиб қолди. Икки оёғини хуржунга тиқиб олган.

— Болтабоевни бу ёққа чақириб юбор!— дейди менга қараб отдан тушмай. Мен раислар ичида энг ёши эдим. Шунинг учун улар тап тортмай майда-чуйда ишга буюришаверарди.

— Нима, ўлгинг келяптими? Болтабоевнинг қаҳрига учрамаган сен қолувдинг ўзи!— дедим ҳайрон бўлиб.

— Кеча бориб, этик ваъда қилиб кетувди. Айт, шуни олиб чиқсин!— дейди ҳамон хуржундан оёғини чиқармай.

Бир пайт Болтабоев қўлида этик билан хонасидан чиқиб қолди. Ўринбой буни кийиб хурсанд бўлганини кўрсангиз.

— Раислигингни кеча бердинг, эртага олсанг керагов, лекин шу этигинг учун қуллуқ сенга, Болтабоев,— дейди оғзи қулоғига етиб.— Барака топ!

— Аломат одам эди, Болтабоев,— деб қўйди Ҳакимов қирилган бошини силаганча чой ҳўпларкан. Болаларига ҳам ғалати-ғалати исмлар қўйганди: Октябрь, Инқилоб, Коммуна, Тельман, Колхозой. Зап одам эди-да, бояқиш...

Унинг ҳикоясини эшитиб, кула-кула ичагимиз узилди. Ҳакимов эса тишининг оқини ҳам кўрсатмай шу қадар мароқли ҳикоя қилиб бердики, қойил қолмай иложинг йўқ эди.

У кўзларини қисиб тоғларга тикилганча ҳикоясини тугатди. Унинг бу қарашидан ҳамма нарсанинг уддасидан чиқаман, истасам мана шу тошдан иборат тоғда гул ундираман. Бироқ худонинг ношукр ва нокас бандалари бари бир қадримга етишмайди, деган маънони эса бўларди.

Унинг нигоҳида ва гап авзойида ҳаётдан мамнунлик, айни пайтда бу омонат бахтиёрликни қўлга киритиш учун қилинган турли найранг ва жиноятлардан ҳадиксираш ифодаси ҳам йўқ эмасди. Назаримда, у ўзича буларни ўйламасликка тиришар, бироқ қанчалик ўзини чалғитишга уринмасин, бу фикрлар шунчалик кўп ва тез айланаверарди. Бу нохуш ўйлардан халос бўлмоқ учун у ишга шўнғиб, ўзини одамларга яхшилик қилаётгандек кўрсатар, ён-веридаги катта-кичик ҳар бир кишини эътиборсиз қолдирмасликка уринарди. Оддий одамлар бу саховатдан ийиб кетар, топган-тутганини олдига қўйиб меҳмон қилишарди. Фақат зийрак ва доно одамгина унинг бу сохта хатти-ҳаракатлари замиридаги маънони пайқар ва ўша заҳотиёқ ундан ҳафсаласи пир бўларди.

Ҳаёт тажрибаси йўқ, борди-келдига эндигина аралашаётган биздек ёшлар ҳам ўша дамда беихтиёр, ҳақиқий инсон ва коммунист ана шундай бўлиши керак деб ўйлардик. Биз мактабда ўқиб, Ҳакимовнинг довруғини эшитиб юрганда ҳам айнан шу фикрда эдик. Ўқитувчиларимиз ҳам шундай дея таълим беришарди. Мен Ҳакимов билан учрашиб, ўзимча унинг шахсини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилган дастлабки кунларимданоқ, Пушкин айтган ва Чехов куйиб-ёниб исботлаган «бизга мингта ҳақиқатдан кўра, руҳимизни кўтарувчи алдов қимматлироқ» эканини беихтиёр англай бошладим.

XIX

Коридорда оёқ товуши эшитилди. Хонага калитини ўйнаганча Жобиров кириб келди.

— Қалай, ўртоқ ёзувчи? Ҳангама қуюқ бўлди, шекилли? Тушлик қилмаймизми?— деди соатига қараб.— Жуда ғалати одамми?— деди йўлда кетаётиб.

— Бунақасини ҳеч учратмагандим,— деб жавоб қилдим ҳамон ўзимга келолмай.

— Бирор нарса чиқадими?

— Билмадим. Қийин-ов...

Пиёда юриб редакциядан анча наридаги ошхонага бордик. Жобиров шу ерда овқатланишни яхши кўрарди. Таниш официант бизни девор тарафдаги қатор хоначаларнинг охиргисига таклиф этди. Овқатга эндигина қўл чўзгандик, қулоғимизга чалинган овоздан, ҳангу манг бўлиб, бир-биримизга тикилиб қолдик. Шундоққина қўшни хонадан ўша жабрдийда одамнинг таниш овози эшитиларди. Редактор савол назари билан ишора қилди. Мен елкамни қисдим. Аллақачон томоғини қизитиб олган шекилли, танишимиз ҳамсуҳбатига гап бермасди.

— Мени биласан-ку!.. Ҳеч қачон, ҳеч кимга мирлаган эмасман. Бундан кейин ҳам мирламайман. Мени Шариф каттаоғизнинг ўғли дейдилар. Бировга ҳақимни едирмаганман. Мана, ҳозир кўрдинг-ку, бош редакторнинг ўзи қўярда-қўймай хонасида эрталабдан тушгача, роппа-роса тўрт соат олиб ўтирди. Бўлмаса, қабулхона одамга тўлиб кетганди. Секретари олдимизга пашшани ҳам йўлатмади. Ҳатто обкомдан телефон қилганларга ҳам «редактор банд» деб жавоб берди. Эшикни қулфлаб қўйиб, элликтадан виски қуйди. Жа зўридан экан. Тортиб турувди-ю, у ерда ичиш ноқулай-да. Бир неча марта илтимос қилиб ўрнимдан турганимдан сўнг ноилож рухсат берди. Бир кўрпада тепишиб катта бўлганмиз. Ўшандаёқ босиқ, бўладиган бола эди. Мен эса ундан ҳам тилли-жағли эдим. Ҳаммасини бошини қовуштириб юрардим. Сени ишингни ҳам гаплашдик. Парво қилманг, тўғрилаймиз, деди. Атаганимизни астагина столга қўйиб, устига газета ёпиб қўйдим. Ҳар қанча хизмат қилса арзийдиган, тилла одам. Майда-чуйда хизматлар чиқса, айтиб туринг дедим. Акалари билан ҳам қалинман.

— Раҳмат, Шарифжон ака! Мен сизни акам де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганман! Ўла-ўлгунча хизматингизда бўламан!— деб хириллади унинг суҳбатдоши.— Ахир, газета билан ҳазиллашиб бўладими?

— Тинчитиб юборамиз, оғайнингизга айтиб қўйинг, бизнинг ходимларга қўполлик қилмасин, деди. Сен ҳам каллаварам экансан-да, харидорларнинг уст-бошига, афт-башарасига қараб муомала қилмайсанми?! Ким айтади сени ўн йилдан бери савдода ишлайди деб.

— Қаердан билай унинг редакцияда ишлашини. Ўлгудек исқирт кийинган киши эди...

— Қўявер бу ҳарфхўрларни. Журналист деганнинг бари шунақа бўлади. Бировларга ақл ўргатишади-ю, ўзлари одамга ўхшаб кийиниб юришни ҳам билишмайди. Сизники маъқул, акажон, хизматингиз бош устига дегин, кейин билганингни қилавер. Уларни алдаш осон. Каштасини келтириб ҳўкиз туғибди, десанг ҳам ишонишади. Ўлгудек мижғов ва пасткаш одамлар бўлишади. Саккизта пайғамбардан битта худо афзал. Шунинг учун ҳам пачакилашиб ўтирмай, бошлиғи билан гаплашиб қўя қолдим. Энди у ходимини чақириб, ўзинг бир нимадан умидвор бўлгансан деб зиқновга олади. Кўрасан, ҳали келиб, сендан кечирим ҳам сўрайди. Ғиди-биди деса, шунча пул сўровди, беролмагандим. Шунинг учун мен билан қасдлашиб қолганди, дейсан. Газетанинг обрўсини ўйлаб, ишни бости-бости қилишади. Парво қилмай юравер.

— Борингизга шукр, ака! Маладес! Апсанка! Ҳў, апсанка! Арманскийдан битта опке! Сизнинг соғлигингиз учун ичаман, ака! Бахтимга доимо омон бўлинг! Сиздек акалар бор экан, биз доғда қолмаймиз!..

— Кўрасан ҳали, Раҳимахонни ҳам пириллатиб учиртириб келиб, кафтимга қўндираман...

— Э-э, қўйсангиз-чи, ўша Раҳимахонингизни! Энди у сизга хотинлик қилармиди? Кўчада дуч келган одам судраб юрибди. Сизга қилган шунча жафосидан кейин ҳам Раҳимахон дейсиз-а?..

— Гапни бўлмай турсанг-чи! Уни яна хотин қилиб мен ҳам миямни еганим йўқ! Ундан йигирма ёш кичик қайлиғим, иккита болам борлигини ҳамма билмаса ҳам сен биласан-ку. Бир марта ростини гапирсам, дастлабки хотинимдан бўлган болаларимни ҳам ўшанинг кучи билан оёққа қўйдим. Сўнгги оиламни ҳам Раҳимахоннинг орқасидан тебратиб турибман. Миниб юрган машинам ҳам ўшанинг пулига келган. Хайриятки, ўз вақтида укамнинг номига ўтқазиб қўйган эканман. Унинг қанжиқ хотини қачон уйига миниб борсам, машинага тармашади. Бир кун бола-чақаси билан йўлга ётиб олса бўладими. Бу дунёда жигаргаям-дигаргаям ишониб бўлмас экан. Ёмон бўлса ҳам Раҳимахоннинг борлигига шукр қиламан. Қизиқ, ундан ажралдиму ёш хотиннинг кўзига ҳам муттаҳамдек кўриниб қолдим. Хушторлар ҳам мендан қочадиган бўлишди. Кичик хотин жаҳлга минса борми, Раҳимахоннинг зуғумлари ҳолва. Унга зиёним тегмаса бўлди, мен билан иши йўқ эди. Буниси эса на тинч юрганимга, на бирор тирикчилик қилганимга қўяди. Билмайдики, қозонини қайнатаётган мен эмас, Раҳимахоннинг овози. Агар Раҳимахон ярашса, бунисини қўйиб юборардим. Бировга гуллаб юрмагин-у, ундан ажрасам ҳолим хароб. У менсиз болаларни одам қилади. Менинг эса усиз куним ўтмаслиги мумкин. Нима қилай, шундай ҳаётга ўрганиб қолганман. Сен билмайсан отарчиликни. Бу қимордай гап. Даврага бир тушгандан кейин чиқолмайсан. Мавсум авжига чиққанда, кунига ўн мингдан кам ишламасдик. Қани энди у пуллар? Бошқа бир тирикчиликка бўйин ёр бермайди. Очиғи қўлимдан ҳам келмайди...

Сўнгра улар аллақандай тўй хусусида гаплашишди.

— Энди, акахон, тўйимизга ўзингиз бош бўласиз. Ҳозирча топганимизни олиб туринг,— деб овозини пасайтирди нотаниш киши.— Бу ўзингизга. Қанча кетса ҳам ўша артистни гаплашиб берасиз. Майли, оғзига сиққанча олсин. Вақтига қараб, тўйни қайси кунга деса, шунга тўғрилаймиз. Гаштакжўраларга катта кетиб қўйганман. Буёғини ўзингиз тушунасиз.

— Биттами?— деди у хириллаб.

— Ҳа.

— Закалад бериб қўйиш керак олдидан. Яна битта олиб келасан, оғайни? Бўлмаса бўлмайди.

— Бўпти, бўпти!..

Жобиров чўнтагидан калитларини олар ва яна қайтариб соларди. Хаёли қочганидан лабига пиёлани қандай олиб борганини билмас, қўли қалтирарди. Еганимиз ичимизга тушмади ҳисоб. Наридан-бери тамадди қилиб, кўзғалдик. Ошхонадан чиққанимизда, у сутранг «Волга»сини ўт олдириб, олд ойнасини артарди. Редактор дуч келган кишидан сигарета сўради. Одатда у қаттиқ ҳаяжонланганда чекарди. Чап қўли билан чўнтагидаги калитини тутамлаганча, босиб-босиб тортарди.

— Энди бирор нарса чиқиб қолар,— дедим анча юрганимиздан сўнг.

Редактор ялт этиб менга қаради.

— Да-а,— деди сигаретасини ташлаб, калитни қўлига оларкан. Да-а,— деди яна чўзиброқ шаҳарнинг кунботиш тарафидаги дов-дарахтсиз тақир тоғларга ғамгин тикилиб. Жобиров биров билан очилиб гаплашмоқчи бўлганда шундай қиларди. Сўнгра менга қарамай калитни ўйнаганча гапира бошлади.— Аблаҳ... Эҳтиёт бўлинг, у сизга қарши ҳужум режасини ҳам аллақачон тузиб қўйган. Унга қайишмасангиз, фалончи мухбир шунча сўровди, шунча бергандим, норози бўлибди номард, дея гап тарқатади ёки пистончига пул берганман деб туриб олади. Ана унда кўрасиз томошани. Табиий, самимий ва ерга яқин одамларгина ўз омадсизлик ва хатоларини эзгуликка хизмат қилдира оладилар. Бутун катта ишлар қилиш учун яратилган кишилар ўзгалар бахти учун яшашни жуда эрта ҳис этадилар. Улар одамларга ва атроф-муҳитга келтираётган катта-кичик ҳаётий ва маънавий фойдаларидан лаззатланиб, ҳатто маст бўлиб яшайдилар. Лекин улар ҳеч қачон кишилар ўзларини тушунмаганларидан, ўз орзу-умидлари эҳтиёжига жавоб топа олмаганларидан нолимайдилар. Улар болаликдаёқ одамлар бир-бирларининг энг юксак инсоний туйғуларига, олижаноблиқларига ҳали тайёр эмасликларини, бунинг учун инсоният ҳали тараққий топиши кераклигини биладилар. Улар ақллиликнинг ортида жоҳиллик яширинишини ҳам тушунадилар. Дунё учун ядро хавфи мавжуд бўлса, биз учун энг катта хавф жоҳиллик, одамлар бошининг бирикмаслигидир. Жоҳиллик кўпроқ саводсизлик ва маданиятсизликдан келиб чиқади. Имоним комилки, бояги одам умрида бирор китоб ўқимаган. Унинг онгида халқ ва давлат манфаати деган ибора ҳақида ҳеч қандай тушунча йўқ. Лекин биз қоғозларда уни, олий маълумотли, коммунизмнинг фаол қурувчиси, деб ёзамиз. Ваҳоланки, жамиятнинг ашаддий емирувчиси, деб ёзишимиз керак. Ҳай, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қўшиб ёзиш маълум нарса. Ин-қилобдан сўнг кўп раҳбарлар революциянинг ғалабаларини бўрттириб кўрсатиш учун шундай қилишган. Буни ҳар ҳолда тушунса ва изга солса бўлади. Лекин маънавий қўшиб ёзиш, аҳмоқ ва ўғриларни, худбин ва муттаҳамларни ниқоб кийгизиб кўрсатишнинг кимга кераги бор? Ахир, улар ниқобнинг ичида устимиздан

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулиб турибди-ку! Эрта-индин ўзимизнинг орқамизга тепиб, маймундек қилиб ўйнатади-ку! Уларнинг ақлидроки ўзларининг шахсий имкониятларидан бошқа нарсага етмайди. Улар шу доирадан ташқарига чиқа олмайдилар. Ўзлари манфаатдор бўлмаган нарсалардан нари қочадилар. Ҳақиқатдан ҳар қадамда кўз юмадилар. Бундайлар ҳатто бирор нохуш воқеанинг шоҳиди бўлиб азоб чекмаслик учун яқин кишиларининг мотамидан ҳам ўзларини тортадилар. Бошқа бир тоифадагилар эса бировларнинг бахтсизлигига гувоҳ бўлганда кўзига ёш олиб ачинишади. Гўё ўзини азоб чекаётгандек кўрсатади. Бироқ остона ҳатлаб кўчага чиқиши билан бу қайғу бирпасда унинг ёдидан кўтарилиб кетади. Биз гоҳида ўзгаларнинг бахтсизлигидан ўз саодатимизга пойдевор ясамоқчи бўламиз ва кўп ҳолларда бунга эришамиз ҳам. Ҳашаматли меҳмонхонада ёлғиз ўзи ғинғиллаб учаётган, истаса стол устидаги асалга ёки қора кишмишга қўниб, олд ва орқа оёқчаларини бир-бирига ишқалаб, ҳузур қилаётган пашшадек иложи борича ҳаракат доирамиз кенгайишини, атрофимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар бизнинг аралашувимизсиз ҳал бўлмаслигини, ён-веримизда чумолидек ғимирлашиб юрган одамларнинг тақдири қай йўсиндалигидан қатъи назар ўзимизга боғлиқлигини ҳис этиб туришдан кўнглимиз беихтиёр роҳатланади. Аҳмоқона донолигимиздан виждонимизни ором олдирмоқчи бўламиз. Улуғ ишларга бел боғлаган киши эса вақт ва виждон оромини истамайди. Ўша урғочи пашша ҳузур-ҳаловатда яшаётган меҳмонхонага кирган одам ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, қўлига илинган нарса билан уни ўлдириш пайига тушади. У дам олиш ёки китоб ўқиш ниятида бўлса, хонада пашша борлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Уни кўрмайди ёки эътибор бермайди. У бирор ишга жиддий киришсагина пашша халақит бераётганини ҳис этиб, ундан қутулиш пайига тушади. Охир-оқибатда уни йўқотади-да, бундан ўзи ҳам маза қилади. Калта ўйлашимиз боис кўпчилигимиз ҳаётда ана шу пашшанинг ҳолига тушамиз. Бироқ эсимизни таниб, қўлимиздан иш келадиган бўлгандан бошлаб, ҳақиқатнинг юзига лой чаплаганимизни, унинг кўзи кўр, қулоғи кар дея ўйлаб, истаган томонга букишга интилганимизни, бир кишининг кўнглини оламан, унга яхшилик қиламан деб, бошқаларнинг ҳақига хиёнат қилганлигимизни, табиат, она замин, мерос ва маданиятимиз тақдирига, халқимизнинг келажагига лоқайд қараганимизни ўйлаб кўрмаймиз. Менимча, жиноят кодексига «халқнинг маънавий даражасини пасайтиргани, кишилар дунёқарашининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатганлиги учун» деган модда киритиб, қалбаки ёзувчиларни, суюқ қўшиқчиларни, адабиёт ва санъатнинг қулоғида турган саводсиз тўраларни, мактабда ўқувчиларга тўғрилик, ҳақиқат ҳақида ваъз айтиб, боласига оғзидаги нонини олдирмасликни, ҳеч кимга ҳақини едирмасликни ўргатадиган ўқитувчиларни, институтларда ўқишга киришнинг баҳосини белгилаб қўйган олимларни, тарихимизни шу пайтгача бузиб ёзган, халқни ўз тарихи, миллий анъана ва удумларидан ажратиб қўйганларни жиноий жавобгарликка тортиш керак. Кишининг ўз қилганига бўлган меҳри унинг имони билан ўлчанади. Очиғини айтганда, ҳозир бизда имондан ноёб нарса йўқ. Бизда виждонга нисбатан жиғилдон шу қадар ҳатталашиб кетганки, баъзи бировларникини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Уни фақат тупроқ билан тўлдириш мумкин, тупроқ билан! Улар учун жиноят ва адолат, хиёнат ва диёнат ўртасидаги чегара тикланмайдиган даражада бузилиб кетган. Улар худди бойўғлидек эзгуликнинг харобаси устида ўзларига қасрлар қурадилар. Дунёда энг мўътабар жонзот эканликларини исботлашга ҳаракат қилиб, бор истеъдодларини ишга соладилар. Улар қолдирган хиёнат ва худбинлик уруғлари вақти-соати етиб кўкаради.

Яхши билан ёмон деган тушунча ўртасидаги мувозанат ҳам бизда Навоий айтмоқчи Астробободнинг ҳавосидек гап. Бирор нарсани тўғри деганимизда, уни ўзимиз учун маъқул ва номаъқуллигини назарда тутиб, хулоса чиқарамиз. Бизга ёқадиган тирикчилик бўлса, у албатта қонуний ва тўғри. Биз ёқтирган одам ҳам ҳеч қачон номаъқул иш қилмайди. У бўлмағур иш қилиши мумкин эмас деб ўйлаймиз. Мабодо унинг жинояткорона қилмишлари бўлса ҳам йўлини топиб хайрли тарафга буриб юборишади. Биз уни ҳимоя қилаётганда, аслида ўзимизни ўйлаётган бўламиз. У қармоққа илингач, ўзимиз ҳам тўрга тушмаслик учун куйиб-пишиб уни фариштага чиқара бошлаймиз. Биздан кўра жиддийроқ фикрлайдиган, камчилигимизни кўриб турган ва таназзулнинг муқаррарлигидан огоҳ этаётганларнинг фикри билан ҳисоблашгимиз келмайди. Кўнглимизга сиғмайдиган ва ақлимиз етмайдиган ишга кўр-кўрона қарши чиқамиз. Дунёда, ақл-фаросатимиз доирасидан ташқарида ҳам ҳаёт ва одамлар мавжудлиги, балки улар бизга нисбатан юз баробар катта ҳақиқатларни яратаётганликлари, яратишлари мумкинлигини ё тасаввур этолмаймиз, ёки тан олгимиз келмайди. Гўё биз ҳамма ишни тўғри ва оқилона уддалашни она қорнидаёқ ўрганиб тушгандекмиз. Бу калтафаҳмлик оқибатида бир умр бошимизни тошга уриб юрамиз. Чунки оёқ бир этикка тиқилгандагина ахмоқона мардлик билан айбимизни бўйнимизга оламиз. Шундай қилсак, гўё гуноҳимиз ювиладигандек. Ўзимизни ҳар қандай қийинчилик ва оғир ишларни уддалашга тайёрдек кўрсата бошлаймиз. Танҳо қолганда эса қандай қилиб бўлмасин сувдан қуруқ чиқиш йўлларини ўйлаймиз. Ҳамиша бизга паноҳ ва соябон бўлиб келганлар ҳузурига чопамиз. Уларга сажда қиламиз. Бироқ уларнинг ҳам тагига сув кетганлигини сезиб қоламизу йўлбарсга дуч келган кийикдек сачраб қотамиз. Шубҳа уйғотмаслик учун иғво юки ортилган қирчанғи байталга ҳамманинг олдида кўз-кўз қилиб, илғорлар қаторида бир неча қамчи урамиз. Бу билан ўзимизнинг холислигимизни кўрсатмоққа тиришамиз. Аксинча, эс-ҳуши бутун одам бундай пасткашлик ва иккиюзламачиликни кўриб ҳайратдан ёқа ушлаб турган бўлади. Биз эса бетимизга чарм қоплаб, ҳамтовоқларимиз қатори бир амаллаб бошимизга не-не маломатлар келтирган оёғимизни қилмишларимизнинг жирканч ботқоғидан суғуриб оламизу энди нима номаъқулчилик қилсам экан, дея ўйлай бошлаймиз. Ҳали қўлимиздан бирор ишни уддалаш келаркан, айланиб-ўргилиб, ўша ўзимизнинг нопоклигимиздан ҳосил бўлган балчиққа яна ағанаганимизни сезмай қоламиз. Қўлимиздан ҳеч бир иш келмай, ҳолдан тойиб, таёқ тўқиллатар ёшга етганда эса бирдан, ғоят қисқа фурсатда мўмин-мусулмонга айланамиз. Ўғри қариса сўфи бўлар дегандек, шунда ҳам жим ўтирмаймиз. Дуч келганнинг ёқасидан ушлаб, ҳалоллик, меҳнатсеварлик ва тўғрилик ҳақида узунданузоқ насиҳат қиламиз. Бу насиҳатгўйнинг саводи шаклланган ҳолатида қотиб қолган бўлади. У фақат кўриб эшитганини гапиради, холос. Уни ҳеч қандай куч билан жойидан жилдириб бўлмайди. Унга раҳм қилинг. Ҳеч бўлмаса, ўша ўзи ихтиро қилган қора балчиқдан қабри устига ҳайкал қўйинг. Йўқса, унинг икки қўли ёқангиздан кетмайди!..

— Бизда истеъдодли одамлар кўп, — деди Жобиров

www.ziyouz.com kutubxonasi

анча сукутдан сўнг паст овозда. — Лекин шу ноёб нарсани камол топтириш ўрнига умрларини ҳуда-беҳудага ўтказадилар. Ёшликдан тўғри йўналиш берилмагани туфайли кўплар ҳаётининг илк бошиданоқ бошқа касб танлаб қўйиб, бор қобилиятини ҳам бой беради. Ундан ташқари бизда киши ўзлигини тўла-тўкис намойиш эта олиши мушкул. Бу йўлда жуда кўп аҳмоқона тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Қийинчиликка дуч келавергач, охир-оқибатда ҳамма нарсадан безиб, ўзини ўтга-чўққа уравермайдиган, жонининг ҳузурини ўйлайдиган бўлиб қолади. Бизга Айтматовдек ёзувчи ёки Гагариндек фазогир эмас, кечаю кундуз дори сепаётган самолётнинг остидан бери келмай, ўлгантирилганига қарамай ишлайдиган, кўкрагидаги орден-медалларни шалдиратиб, мажлисма-мажлис юриб, биров ёзиб берган жумлаларни ношуд тўтидек такрорлайдиган, нимани буюрсанг роботдек бажариб кетаверадиган пахтакор ёки ўз ёнидан кетса ҳам қўзи олиш ва жун тайёрлаш планини бажарадиган чўпон керак. Қалби нурсиз, шуурсиз, тўқимтабиат кишилар билан бирга ишлаш ва мулоқотда бўлиш — азоб! Шундай пайтларда юрагим тарс ёрилгудек ҳолатга тушаман...

Мен Жобировнинг кўзларини бу қадар ёниқ ва безовта ҳолда ҳеч кўрмаган эдим. У ҳаяжонланиб гапирган сари елкалари титрар, лаблари учиб тушарди. Редакцияга яқинлашган сари ўзини босишга уринаётган Жобиров тўхтаб, қаршидан келаётган кишидан сигарета сўради. Сигаретани биринчи тортишдаёқ юзидаги ҳаяжон йўқолиб, қиёфаси ҳамма нарсадан тўйган, бундан буён яшашнинг қизиғи қолмаган одамдек лоқайд ва ғамгин тус олди. Биров билан камдан-кам очилиб гаплашадиган Жобировнинг кутилмаган фикрларидан ҳайратга тушиб, жимгина келардим...

Токи ер юзида инсон зоти яшаркан, у ўз орзу-умидларини рўёбга чиқармоққа йўл излайди. Биров бу йўлни топади, биров тополмай ўтиб кетади. Кўплар бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Улар учун туғилиш, оила қуриш, фарзанд кўриш ва болаларини ҳам ўзлари каби яшашга ўргатиш умр мазмунидан иборат. Албатта, уларнинг бу ҳақиқатига эътироз билдириш ножоиздир. Ҳаётда ҳаммага бирдек энг юксак умуминсоний туйғулар замиридаги талабларни қўйиб бўлмайди.

Лекин чуқурроқ назар ташласак, инсон дунёга фақат тирикчилик ўтказиш учун келмайди. Йўқса, бугунги кунда бизни ҳайратга солаётган, ота-боболар маънавий ва ахлоқий дунёсининг инъикоси бўлиб қалбимизда эзгулик ва адолат ҳиссини уйғотадиган буюк мерос яратилмасди. Айни пайтда ундан руҳланиб яшамаган ва яратиш ишқида ёнмаган бўлардик.

Дунё ривожи ва инсоният камолотининг ҳар бир дақиқасида шахснинг чексиз имконияти ҳақида ўйлайсан, киши. Жаҳон тақдирини, инсоният тақдирини баъзан аблаҳлигини одамлардан яшириб юрган бир бағритош ҳам ҳал қилиши мумкин. Одамлар эса доимо ўз ташвишлари билан бўлиб, жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этадиган тарихий шахсларнинг нобоп ҳаракатини кўпинча пайқамай қоладилар. Қачонки унинг бирор воқеа ёки ўлими боис ҳақиқий башараси очилганда, ҳамма ўз ишини йиғиштириб қўйиб, ўша одам ҳақида баҳс юритиб, бош қотирадилар. Турли ёлғон-яшиқларни тўқиб чиқарадилар-да, бора-бора бунга ўзлари ҳам чиппа-чин ишонадилар. (Аслида ҳеч қачон воқеанинг асл моҳиятини билмайдилар ва билолмайдилар.) Тупла-тузук одам эди, уни амал, бойлик ёки хотини бузди, дейишади. Бу одам эсини танибдики, қонида кезиб юрган ғайриинсоний ҳисларни яшириб келганлигини, бир кун келиб, албатта, туйғулари юзага чиқишини ўйлаб кўрмайдилар. Одамлар фақат бугун содир бўлган воқеанигина мушоҳада қиладилар ва ўзларича ҳукм чиқарадилар. Бунинг туб моҳиятига эса камдан-кам кишиларгина етадилар. Қобилият авлоддан-авлодга ўтиб, қонда яшаса-да, барча одамларни болалигида беғубор ва беозор бўлган деб ҳисоблаш қийин. Инсон она қурсоғидаёқ авлод-аждодига хос бўлган бағритошлик ва жоҳилликни олади. Бу туйғулар у ўқимишли, одамлар наздида фозил кимсага айланганда ҳам қонида оқаверади. Айримлар эса дунёни танигандан бошлаб ҳаётга эзгулик кўзи билан боқадилар. У теварак-атрофида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб, одамлар ўзини алдаётганини, юксак инсоний туйғуларга хиёнат қилаётганини фаҳмлаб, беихтиёр, ундан ҳимояланиш ниятида ўзи ҳам шундай қила бошлайди ва болалигининг пок, гўзал соҳилларидан узоқлашаверади. Шу тариқа унинг инсон сифатида инқирози бошланади. Ҳаётининг гуллаган дақиқаларида у буни сезмайди. Қачонки умри бир қорага етиб, ҳаёт билан ҳисоб-китоб қилиш онлари яқинлашгач, у бирдан ўша — алданмаган болага айланмоқни истайди. Ўша унутилган соҳилларга қайтмоқчи бўлади. Кимлардир кеч, ғоят кечикиб бўлса-да, ана шу соҳилга қайтиш бахтига эришади. Бироқ унда бу соҳиллар емирилган ёки нураган бўлади. Шундагина у мана шу соҳилларнинг емирилмаслиги учун курашмаганини ҳамда курашганларни қадрламаганини англайди.

Инқироз худди ана шундай кишиларнинг инсон сифатида тўла шаклланмаганидан ёки шаклланган шахсларнинг ўз қадрини топмаганлигидан, ҳақиқат учун курашиб ноҳақликнинг қурбони бўлиб кетганидан бошланади. Буни кўриб-билиб турганлар эса жанг майдонига ўзини урмай, оқимга қараб иш қилишга ўрганадилар. Оқибатда катта мақсадлар йўлидаги кураш сусаяди, одамлар аста-секин ўзлигини йўқота борадилар. Қанчалик тубан кетганлари сари ҳақиқат ва эзгулик кўзларига олабўжидек кўрина бошлайди. Улар асл қиёфалари, фожиа ва ожизликларини лаганбардор ҳамда иккиюзламачилар панасига яшириб, ақли етган катта-кичик ҳаётий ташвишларга нописандлик билан қарайдилар. Бир кун келиб ҳаёт уларнинг барча тоат-ибодатларини бир пул қилиб, шафқатсиз ҳукм чиқаради...

Бой бўлмоқ ҳам, ботир бўлмоқ ҳам бошдан деган гап ҳақ. Ўз туйғуларини изга сололмаган одам ўлгунга қадар ҳақиқатгўй бўлолмайди. Ҳақиқатпарвар бўлиш нари турсин, ҳатто оддий воқеа ва ҳодисаларга ҳалол муносабат ҳам билдиролмайди.

Бутун оламни ўз измига солиб турган инсон гоҳида ўзи ўйлаган фикрга ёпишиб олиб, қанчалик мукаммалликка яқин шахс бўлмасин, кўп ҳолларда шундоққина кўз олдидаги ҳақиқатни кўрмайди. Бу нарсага ақли етиб туради-ю, хаёли бандлигидан, ҳаёт ташвишларидан чарчаганидан уни пайқамайди. Шундай дақиқалар келадики, илгари сезмаган нарсаларнинг ҳайратланарли қирраларини кўриб оласан ва наҳотки, шу пайтгача уни илғамаган бўлсам, дея ёқа ушлайсан.

Вужудига она сути билан кирган, табиат ато этган поклик ва ҳалолликни, соддаликни ва самимийликни одам нега сақлаб қололмайди. Нега у ўз имкониятини намоён эта бошлагач, бу туйғулар ҳаёт икир-чикирлари олдида чекинади. «Ген» сўзи туркча «қон» сўзидан келиб чиққан. Одамнинг қонида эзгуликка ташналик бўлмас экан, у ҳеч қачон олижаноб ва фидокор инсон бўлолмайди.

Киши қалбида озгина бўлса-да, сирли бир донолик, яширин бир ҳикмат яшамоғи керак. Шундагина уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

биров севади. Шундагина у одамларнинг жонига тегмайди. Шундагина унга интиладилар.

Эзгу ишларимизнинг тимсоли бўлиб, она Қуёш чиқаверади, номаъқул ишларимизнинг акси каби қора тунлар юрагимизга ғулу солиб такрорланаверади. Инсон эса яхшилик ва ёмонликдан бино бўлган ҳаёт аталмиш ўғдаги ёлғизоёқ йўлда ўзи тасаввур этган ҳақиқатни изоб бораверади. Бораверади. Бораверади...

Ҳаёлга толганча сигарета бурқситиб, ичида ўз-ўзи билан гаплашиб келаётган Адҳам Жобиров босиқ ва ҳорғин овозда шундай деди:

— Сезиб турибман. Менинг сўзларимдан ҳайрон бўляпсиз. Бунақа очилишимни кутмагандингиз. Ҳали бафуржа гаплашамиз. Чин юракдан суҳбатлашадиган одамни топиб бўлмай қолди, ука. Вақт ўтиши билан болаликдаги дўстларинг билан ёшликдаги ўйинқароқликдан бўлак нарсани гаплашолмайдиган бўлиб қоларкансан. Биров билан умрнинг охиригача дўст тутиниш учун фикрлар ҳам баробар ривожланиши керак шекилли. Эллик йиллик ҳаётим мобайнида бир нарсага ишонч ҳосил қилдимки, бизда кишиларнинг қадр-қиммати ва обрўсини мансабга қараб ўлчайдилар. Мана шунинг ўзи ҳам халқимизнинг маънавий даражасини белгилайди. Ақл-идроки бутун бўлмаса, у шу лавозимга ўтирармиди, деб ўйлашади. Бироқ унинг бу ерга қандай йўллар ва қанча пул билан келганига ақллари етмайди. Одамларимизнинг имонидан путур кетяпти, оғайни. Яқинда ўн беш йил кўришмаган курсдошим уйга келди. У билан беш йил бирга ўқиб, вақтида бир бурда нонни бўлиб еб, бир шимни алмаштириб кийганмиз. Ҳозир қурилишда шофёрлик қиларкан. Тақдирнинг тақозоси билан олий маълумотли адабиётчининг шофёр бўлиб ишлаши менга таъсир қилди. Болаларқа билан югуриб-елиб, унинг кўнглини олиш учун ўлиб-тирилдик. Кўзимга эгнидаги кийими ҳам нобопроқ кўринди чоғи, бир-икки кийган костюм-шимимни ўраб қўлтиғига қистирдим. Йўқлаб келганидан бошим осмонда эди. Бироқ курсдошим хайрлашаётганда бу қувончдан асар ҳам қолмади. Ўзимни одам эмас, қандайдир бир маълум вазифани бажарадиган роботдек ҳис эта бошладим. Назаримда, одамлик қиёфасини йўқотгандек эдим. Кишиларнинг майда-чуйда илтимосларини, ўзлари ҳал қилолмаган юмушларини бажариб берадиган ўткинчи бир темиртан эдим. Мен буни ўша курсдошим Мирза Азимов келиб кетгач, чуқурроқ англай бошладим. Нега илгарироқ бу ҳақда ўйлаб кўрмадим дея бошимга муштлайман. Қани менинг инсонлик қиёфам? Мен кишилар назарида кимга, нимага айланиб қолдим? Эртага, редакторликдан кетганимдан сўнг бошқалар кўзига қандай қарайман? Улар менга қайси кўз билан қарашади? Одамлар орасида қандай юраман? Курсдошим кетар чоғи нима сабабдан келганлигини айтди. У ишлаётган ташкилотда раҳбарлик ўрни бўш экан, курсдошимга ёрдам бериб юрадиган ўринбосарни эса нима сабабдандир қўйишмаяпти экан. Мен бир оғиз оближроком раисининг қурилиш ва транспорт бўйича муовинига ёки райижроком раисига айтсам, бу иш амалга ошиб кетаркан. Сўнгра ўша одам ўла-ўлгунча менинг хизматимни қиларкан. Курсдошимнинг ҳам елкасига офтоб тегиб қоларкан. Агар мен инсон бўлсам, дўстларимга қўлим билан бўлмаса-да, йўлим билан ёрдам беришни истасам шундай қилишим керак эмиш. У ҳар эҳтимолга кўра, икки пачка йигирма бешталик олиб келганини, керак бўлса яна шунча келтиришини айтганда, мен тахта бўлиб қолдим. Оддий бир шофёрнинг қўлидан шунақа ишлар келади деб ким ўйлабди, дейсиз. Тавба дейман ёқамни ушлаб. Одамлар ҳеч нимадан тортинмайдиган бўлиб кетибди-а? Биз эса ҳақиқат учун фақат қоғоз ва босмахона бўёғи билан курашиб юрган эканмиз. Сўзимиз одамларнинг юрагига етиб боряптими, йўқми, бу ҳақда чуқур ўйлаб кўрмаган эканмиз. Курсдошим мени ҳақоратлаб, топтаб, ер билан битта қилган эди. Дунёда сени озми-кўпми билган кишининг ҳақоратидан ёмони бўлмас экан. Авзойимдан мендан ҳеч гап чиқмаслигини пайқаган курсдошим, сен илгари ҳам гўр эмасдинг нон емас, дегандек совуққина хайрлашиб жўнаб қолди. Кўчада ҳайкалдек қотиб қанча турганимни билмайман. Шундан буён уйдан илтимосчиларнинг оёғи узилган. Курсдошим ишини битириб берадиган одамни топибди. Суриштириб билдим. Порахўрлик бизни четлаб ўтиб, ишини қилаверади...

Сигаретаси тугаши билан Жобиров гапдан тўхтади. Менга қандай қилиб бир дона сигарета топсак экан-а, дегандек ғалати тикилди. Мен яна ўткинчилардан сигарета сўрадим. Тутатилган сигаретани тортаётган Жобировнинг юзи жиддий тус олди. Одатда ходимларнинг ишидан норози бўлганда у шундай қиёфага кирарди. Лаблари учиб, қовоғини уйиб оларди.

— Бусиз ҳам бизда гап кўп, кўмир оз,— деди у бошқача оҳангда. Назаримда у бояги Жобировга ўхшамасди.— Ҳозирча ўқувчиларнинг юрагига бориб етадиган одоб-аҳлоқ мавзусидаги мақола билан чекланамиз. Бадиий асар ёзишга шошилманг, ўртоқ ёзувчи. Бугунги кунда уни ҳеч қаерда бостиролмайсиз, сизни жамиятга қарши киши сифатида айблашади ва кутилмаганда номақбул шахсга айланиб қоласиз. Ҳали мени айтди дерсиз. Буни ёзадиган ва чоп эттирадиган вақт келади...

Эртаси куни ишга келганимда Тошбуви опа редактор бир неча марта сўраганини, олдига ҳеч кимни қўймаётганини айтди. Хонага кирганимда ранги докадек оқарган Жобиров креслога ялпайганча дераза тарафга маъюс тикилиб, сигарета чекарди.

— Саҳифаларни Қўшшаев ўқисин! — деди у жаҳл билан орқамдан газетанинг тайёр бўлган саҳифасини олиб кирган корректорга ва саломимга эшитилар-эшитилмас алик олиб, ўтирган жойида қўл узатди. Сўнг нигоҳи билан ўтиришга ишора қилди. У бундай пайтларда дилтанглиги тарқамагунга қадар ҳеч ким билан гаплашмас, хонасига қамалиб олиб, у ёқдан бу ёққа юраверарди. Очиққандагина елкасини қисиб коридорга чиқар ва дуч келган ходимни эргаштириб, бирор ошхонада тамадди қилгани отланарди. Ҳеч кимни кўнгли хушламаганда эса машинасида уйига кетарди. У астойдил очиқмаса тушликка чиқмас, Тошбуви опа берган бир бурда нон ва колбасани егач, кечгача эринмай чизғилаб материал ўқирди. У катталар билан мажлислар масаласида келишолмасди. Обком ва оближрокомдаги ҳар бир раҳбар ўзи ўтказган мажлисда редактор қатнашишини талаб қиларди. Ҳафтанинг ҳар кунида эса бирорта мажлис бўлар, бу унинг тинкасини қуритарди. У баъзан йиғилишларга муовин ёки бўлим мудирларини юборар ва бундан норози бўлганлар уни анча турткилашарди. Жобировни эҳтиёткорлиги асраб турар, бўлмаса аллақачон думини тугишарди. У фақат газета учун яратилганди. Бошқа бирор иш қилишни ўйлаб ҳам кўрмас, ундан яхши редакторни топиб ҳам бўлмасди.

— Ишлар қалай? — деб сўради ниҳоят Жобиров.

— Бир нави,— деб жавоб қилдим қандайдир жиддий гап борлигини сезиб.

— Да-а, шундай денг.

— ...

— Кечаги иш нима бўляпти?

— Ҳозирча тинчлик. Номер материаллари билан бўлиб, ҳали шуғулланганим йўқ. Бугун-эрта хотинини

www.ziyouz.com kutubxonasi

чақирмоқчиман. Ҳайронман, хотини ҳам ўзидан кам бўлмаса керак. Чақириб унга нима дейиш мумкин? Хуллас, буни атрофлича ўйлаб кўриш керак.

— Ҳали чақирганингиз йўқми?

— Йўқ.

— Яхши, бўлмаса чақирмай қўя қолинг.

— Нега? Усиз масала ойдинлашмайди-ку?

Жобиров бир зум гапини ўнгголмай, оппоқ ва ингичка бармоқлари билан пешонасини силаганча ўйланиб қолди. Ниҳоят, қошларини чимириб, лабини чўччайтирди-да, хона бурчагига тикилиб:

— Хуллас, гап бундай оғайни, — деди гуноҳкорона оҳангда. Унинг овози ўзгарди. Пешанаси тиришиб, кўзларида ҳадикка ўхшаш бир ифода жонланди. — Бу иккимизнинг орамизда қолсин! Ўйлайманки, аҳволимни тушунасиз. Сизга ўзимдан ҳам кўпроқ ишонаман. Сиздек ҳаётда аниқ мақсади бор одамларга ҳавасим келади. Бундайлар эртами-кечми, албатта, ёриб чиқади. Кеча энди уйга жўнай деб турсам, оближроком раиси Ахтамов қўнғироқ қилиб қолди. Бир гап бор, олдимга келасизми ёки айтаверайми, дейди. Айтаверинг, дедим. Олдингизга Раҳима Шарипованинг эри арз қилиб борибди. Жуда шилта, энасининг эмчагини қирққан одам. Эҳтиёт бўлинглар, тағин газетада бирор нарса чиқиб кетмасин. Гап бор, обкомдагилар ҳам бундан хабардор. Ҳали кўришганимизда айтарман. Эртага мен эр-хотинни чақириб, яраштириб қўяман. Шаҳар маданият бўлимига бир йилдан бери одам топилмаяпти. Балки эрини шу ерга жойлаб қўярмиз. Унинг қўлидан иш келади, деди. Бор гап шу. Оближрокомнинг органимиз. Оғиз очиб бир нима деёлмадим...

Жобировнинг юзига термулиб, хўрсиндим. У эса мендан нигоҳини олиб қочиб, деразага тикилганча, юпқа лаблари гезариб, сигарета тортарди. Таралмаган сарғиш сийрак сочлари уни янада ғариб ва ожиз кўрсатарди.

— Кеча унинг кимлигини билдингиз-ку, — дедим ошхонадаги суҳбатни эслатиб.

— Биламан, — деди Жобиров чуқур нафас оларкан, ғамгин қиёфада. — Лекин у билан тенг бўлиш ярамайди. Хотинини менинг ўйнашимга чиқариб, мени ҳам, газетани ҳам шарманда қилади.

У шундай дедию қулоғигача қизарди. Кечаги фикрларининг аксини гапираётгани, менинг олдимда ўзининг бор қиёфаси билан гавдаланиб тургани учун бурнининг усти терлаб, хижолат бўларди. Уни бу ноқулай ҳолатдан халос этиш учун Жобировнинг юзига қарамаслигим керак эди.

— Шарипов келса нима дейман? — дедим стол устидаги газеталарни йиғиштирган бўлиб.

— У билан ўзим гаплашаман, — деди овози товланиб Жобиров.

Орадан бир кун ўтди. Қабулхона деразаси олдида Норматовдан илон воқеасини тинглаб, кулишиб тургандик. Тошбуви опа деразани очиб, мени редактор чақираётганини айтди.

— Ҳазил ҳазил билан, лекин эҳтиёт бўл. Қўшшаев йўлини топиб, думингни тугишни мўлжаллаб юрибди, — деди Норматов кўзимга тик қараб.

— Ёмон ишламаяпман-ку, ишимдан редактор ҳам рози, — дедим бу гап мен учун янгилик эмаслигини билсам-да, ҳайрон бўлиб.

— Икки хил шароитда ходимлар раҳбарларга ёқмайди, — деди ернинг тагида илон қимирласа сезадиган Норматов қошини чимириб. — Ёмон ишласанг, нўноқ ходим сифатида ҳайдашади. Яхши ишласанг, бир кун келиб ўрнини эгалламаслигинг учун тинчитишади. Шунга қараб тирикчилик қилаверинг, укам.

— Нима қилишим керак бўлмаса?

— Ўртада юриш керак. Олдинга ҳам ўтиб кетмаслик, орқада ҳам қолмаслик керак.

— Мен ўртада юролмайман.

— Бўлмаса ўйиндан чиқариб юборишади. Сени ҳеч қандай суянчиғинг йўқ. Гапингга ҳеч ким қулоқ солмайди.

— Чиқаришиб бўпти.

— Кўрамиз. Мен сенга яхшилик тилаганим учун бор гапни айтяпман. Қанча редакцияларда ишлаб, сендек интилувчан, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган болани учратмагандим. Сен ё зўр одам бўласан, ё белинг синиб кетади. Ўртада юрсанг олдиндан ҳам, орқадан ва ён томондан ҳам сенга тиғ тегмайди. Бундайларни батамом қоралай олмайдилар ва пешқадамлар сафига ҳам қўшмайдилар. Вақти-соати етиб пешқадамлар ўққа учади ёки ўйиндан чиқади. Орқадагилари эса уқувсизликдан ярим йўлда қолиб кетади. Ниҳоят, одамларнинг куни ўзини замоннинг ҳар қандай шамолларидан асрай билган, эҳтиёткор ва қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган — ўша ўртада юрганларга қолади. Сен ҳаётга катта талаблар қўйиб яшайдиган одамга ўхшайсан. Бундайлар умр бўйи атрофидаги ноҳақлик ва аҳмоқликлардан азоб чекиб яшайдилар ҳамда ўзгаларнинг дардини юрагига яқин олавериб, ҳаётдан эрта кўз юмадилар.

— Мен ҳар қандай тақдирга тайёрман. Фожиага ўчлик бизнинг қонимизда бор. Назаримда менинг ёшлигимдаёқ кўзим очилиб қолгандек.

— Бу — ҳам яхши, ҳам ёмон.

— Биламан.

— Шунга қараб ишингни қилавер бўлмаса. Бор, шеф кутиб қолмасин. Кейинги пайтда сени кўп йўқлатадиган бўлиб қолди.

— Жанжалли бир иш... Шунга бўлса керак.

— Хабарим бор. Шокир Шарипов оғзига ип ўлчамаган сен билан Жобиров қолувди. Сизларга ҳам навбат кепти, шекилли. Билиб қўй. Ҳукмдорлар олисдан меҳри билан илитиб, яқинлашсанг ёндириб юборишади.

— Суқрот бўлиб кетинг-е, — дедим унинг билагидан тутиб. — Сизнинг ҳар бир гапингиз одамга дунёни, ҳаётни чуқур тушунмаслигини, қанча билган сари шунчалик билиб бўлмаслигини эслатиб туради. Сиз билан гаплашсам яшагим келади...

— Яшаш фойдали, — деди у менга муғомбирона кулиб.

— Бу масалада кўнглингиз тўқ бўлсин, — дедим мен ҳам кулиб.

— Бўпти. Шефнинг олдига кир.

Жобировнинг қиёфасида ҳайрат билан нафрат қўшилганда ҳосил бўладиган ифода қотиб қолганди. У гап-сўзсиз сигарета ушлаган чап қўли билан стол устидаги газетага ишора қилди.

Беихтиёр газетанинг биринчи бетидаги фармонга кўзим тушди. Унда республикада қўшиқчилик санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун область филармониясининг солисти Раҳимахон Шариповага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилгани эълон қилинганди.

— Энди мақолага узил-кесил аза тутамиз. Эртаиндин эрига халқ артисти унвони бериб юборишмоқчи эди, — деди Жобиров столининг тортмасидан бир сигарета қутисини олиб очаркан. — Ишингизни қилаверинг...

XX

Карим Усмонов район марказига кўчиб келгач, ярим йил чамаси узлуксиз даволанди. Қўш инфарктданми

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёки толиққаниданми ўзига келиши қийин бўлди. Ухлаганини ҳам, ҳушидан кетганини ҳам англамай, кунига ўн-ўн беш соатлаб ҳуд-беҳуд ётарди. Хотини оҳиста ва беозор оҳангда бунчалик кўп ётиш соғлиқ учун зиён эканлигини таъкидлар, кўнглини кўтаришга уринарди. Доктор эса кўпроқ пиёда юришни уқтирарди.

— Қандай қилиб кўчада юраман, — дерди Усмонов хотинига боладек термулиб. — Ҳамманинг кўзи менга ҳалаётгандек туюлаверади.

— Сиз ўзлигингиздан чекинманг, Каримжон ака! Ҳақиқат бари бир рўёбга чиқади. Шунча азобларга дош берган одам энди оқланган пайтда ўзингизни панага оласизми? Сизни ўша балоларга гирифтор қилганларга қасдма-қасд яшаш керак.

— Улар билан беллашишга энди менда имкон йўқ. Ўзбекистонда бўлаётган жиноий ишлар Москва билан боғлиқ. Москвага қилган мурожаатларим натижасиз қолди. Улар Ғофуровдан ўтиб, ҳеч нима қилишолмайди. Бу одам тирик экан, елкамизга офтоб тегмайди. Шуни ўйлаб, руҳим тушиб кетади...

— Бу дунёда ҳеч ким осмонга устун бўлмаган. Қачонлардир оқни оқ... дейдиган одам шундай катта мамлакатда топилар ахир...

— Топилар, ҳамма нарса ўрнига ҳам тушар-ку, лекин мен... — Усмонов бундай суҳбатлар чоғида кўпинча ўзини йўқотиб қўядиган хотинига азоб бермаслик учун гапни бошқа томонга бурди. — Бугун олдимга ўрмон хўжалигининг директори Худойберди Эсонов келади. Бир иш қилмоқчиман. Сизга ҳам маъқул келади, — деди табассум билан ўзини тетик кўрсатишга уриниб.

Сўнгра беихтиёр хаёлига жарбулоқлик подачи билан бўлган илк учрашув ва унга ёрдамлашадиган бола келди. Қийналмаслик учун бу гапни хотинига айтмаган, ҳалашга юраги тоб бермайдигандек эди.

Усмонов ўзини тетикроқ сезган дастлабки кунларнинг бирида болалигида пода боққан дараларга отланди. Кунора бўлмаса-да, икки кунда бир марта тоғ айланишни одат қилди. У бу дақиқаларда ҳамма нарсани унутиб, ўзининг машаққатли болалик йилларига қайтар, бўз ерни оҳиста босганда вужуди ором олар, виждони ҳам уни қийнаб келаётган азоблардан халос бўлгандек туюларди.

У авжи кўклам кезлари, даштларга яшил ранг югуриб, баҳор тоғ этакларида яшаётган, қизғалдоқлар ёниб очилганда ҳар куни Жарбулоқ дараси томон жўнарди. Юракни ўйнатгудек алвонранг дарага армонли тикилганча қотиб қоларди. Айниқса бу Дунётепадан шу қадар гўзал ва бетакрор кўринардики, ҳатто қалби сўқир одам ҳам тоғ этагини қоплаган манзарага бефарқ қарай олмасди. Баҳор қуёшидан қорайиб кетган Усмонов адирлардаги сўнгги қизғалдоқ сўлмагунча одатини тарк этмасди. Қорайиб кўринадиган бедапоялар эса юраги тубида чўкиб ётган дардларини ёдига соларди. Фақатгина баҳор ёмғиридан сув ичадиган бу лалми бедазорлар саратон яқинлашиши билан сомон рангига кирар, Сангзор дарёси бўйларидаги, у ўтмишда келажаги билан илк бор учрашган соҳилларгина яшнаб турарди.

Жарбулоқнинг подасини элликларни қоралаган, қорачадан келган, қийиққўз, чайир одам боқарди. Ўн икки ёшлар чамасидаги камгап ва тортинчоқ бола унга ёрдамлашарди.

Дунётепадан туриб энтикканча қизғалдоқларга термулиб ўтирган Усмоновнинг юраги ҳаприқиб, дарага тушди. Бедапоянинг ўнг тарафидаги камарга подани ташлаб, қатлоғи тутиб, думини кўтарганча қишлоққа қараб чопадиган молларни уриб-сўкиб қайтарадиган подачилар камарнинг пастини олиб ётишарди. Моллар тоғ ва ён тарафни ўраб турган тепалик томон қочмас, чопмоқчи бўлганлари ҳам қирнинг ярмига бормай қайтиб тушарди. Қаталоғи тутган мол борки, қишлоқ кўриниб турадиган сойлик томон ўзини урар ва подачиларнинг ирғай таёғига дучор бўларди.

— Ассалому алайкум! — деди Усмонов подачига яқинлашгач.

— Алайкум ассалом! Салом алайкум! — деб жавоб қилди подачи.

Усмонов улар билан илиқ сўрашди.

— Танишиб қўяйлик, менинг исмим Карим ака, юқори қишлоқданман...

— Менинг отим Эгамқул, буники Абдукарим, — деди подачи ҳамсуҳбатига диққат билан тикилиб ва: — Сиз Карим Усмонов эмасмисиз? — деб сўради ҳаяжонини босолмай.

— Ҳа, — деди Усмонов ерга боқиб.

— Ростдан ҳам Карим Усмонов сизмисиз? Биз Хизрга дуч келдик, Абдукарим. Бу киши ўша — ўзимиздан чиққан обком Усмонов. Бизни кечиринг, танимабмиз. Танимасни сийламас, дейдилар. Буни қаранг-а?!

Шошиб қолган Эгамқул подачи ўрнидан туриб, қайтадан Усмоновнинг қўлини олди. Довдираганча хуржунини титкилаб, дастурхон ёзишга тутинди. Абдукарим подани ёриб чопиб келаётган ғунажинни қайтариш учун югурди. Усмонов подачини гапга солди.

— Бу боланинг отасини танисангиз керак, — деди Эгамқул овозини пастлаб. — Гулбулоқда райком бўлиб, пахтанинг жанжали билан қамалган Исломов. Мол-мулки мусодара қилингач, бола-чақаси қишлоққа кўчиб келди. Энг катта фарзанди шу. Жилови соз бола экан. Буюрган ишингизни қилиб кетаверади. Ҳеч ким бунинг отаси райком бўлган деб ўйламайди. Кун бўйи мол боқиб, кечаси билан укаларини ёнига олиб ғишт қуяди. Мендан эрта чиқиб, подани йиғади. Бир кам дунё дегани шу экан...

Эгамқулнинг сўзларини тингларкан, юрагининг туб-тубида нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Қизғалдоқнинг қуёшида қорайган, лаблари ёрилган подачига, унинг содда нигоҳига термулганча хўрсиниш аралаш ютинди. Одамларнинг отаси ҳақида сўраб-суриштираверишларидан безиб қолган бола эса ўзини поданинг нари тарафига кўз-қулоқ бўлганга солиб, қайтиб келмади.

Усмонов Жарбулоқдан хомуш қайтди. У ўзининг ўтмиши билан юзма-юз келган ва бу воқеа дийдираб турган юрагини ларзага солган эди...

Бўйдор ва қотма Эсонов келганда Усмонов гулларга сув сепиб юрарди. Негадир унинг руҳи тетик, дили равшандек эди. Тоққа тикилиб, энтикар, ўзича ҳазин бир куйни кўкайида куйларди.

Усмонов номдор одам эди. Уникига илк бор кириб келган Эсонов ҳам ўзини боладек ҳис этди. Кўпни кўрган, синчков Усмонов суҳбат давомида соддагина қишлоқи болага айланиб қолар ва бундан таъсирланган ҳамсуҳбати ҳам юрагидагини тўкиб соларди.

— Енабулоқ яланглиги икки юз гектар келадими? — деб сўради Усмонов Эсоновга маънодор тикилиб.

— Ҳа, лекин сув чиқиши қийин-ов. Ариқни ҳам техника билан қазиб бўлмаса керак, — деб жавоб қилди Эсонов дарров унинг фикрини англаб.

— Ариқни қўлда қазиймиз. Сув чиқариш йўлини ҳам маслаҳатлашамиз. Энди асосий гапга ўтсак. Мен сизнинг номингизга ариза ёзиб қўйганман. Мени ўрмон қоровули қилибми, боғбонликками ишга олсангиз. Уйимга чақириб айтганлигим учун узр. Аслида кабинетингизга бориб дардимни сўйлашим керак эди. Сиз қўлласангиз, ўша Енабулоқда бир ажойиб боғ қилсак...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Негадир Усмоновнинг овози титраб, бўғилиб қолди. Кўзларида ғилтиллаган ёш оқиб тушмаслиги учун мижжа қоқмай оёқ остида шилдираб оқаётган ариқчага тикилди. Сўнгра йўталган бўлиб, рўмолчаси билан лаб-лунжини ва кўзларини артди...

— Муҳиддин Раҳимович ҳам айтгандилар. Боғмозор участкасига бошлиқ бўлсангиз девдик, — деди ниҳоят Эсонов ҳаяжонини босиб.

— Раҳмат, ука. Бошлиқлик планини бажариб бўлганмиз. Одамдай ота-боболаримиз қилган ишларни соғинибман. Усиз ҳам оғир ишга ярамайман. Сизнинг ёрдамингизга кўз тикиб, бунга журъат этдим. Гап кўчатларни топиб, вақтида экиб олишда. У ёғи юришиб кетади.

— Ҳаммасини ўзимиз қиламиз. Бизга бош-қош бўлиб турсангиз, бас, Карим Усмонович. Сиз билан ёнма-ён ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Менинг бошимни осмонга етказдингиз. Олдингизга келишга тортиниб юргандим. Йўқлаганингизни эшитиб, тун бўйи ухламадим! Мана, партбилетимни ҳам олиб келганман! Унда имзонгиз бор, сизнинг қўлингиздан олганман! Сиз менга ўхшаган жуда кўп одамларнинг юрагидасиз!..

Эсоновнинг гапи бўғзига тиқилиб қолди. Ҳаяжонланиб кетган Усмонов партбилетга тикилганча, нима дейишини билмай ўйга толди. Унга қаттиқ ҳаяжонланиш мумкин эмасди. Ўзини босиш учун ҳовли бўйлаб юра бошлади. Эрининг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмайдиган Раъно Мардоновна югуриб келганда, Усмоновнинг юзида «ишингизни қилаверинг, ҳаммаси жойида» деган ифода зоҳир эди. Аёл изига қайтди.

«Одамлар тириклигимдаёқ мен учун кўз ёши тўкмоқдалар, — деб ўйлади Усмонов. — Улар орасидан кетганимдан кейин нима бўларкин? Бари бир одамнинг тириклигидаги баҳо нисбий. Инсон юзи иссиқ. Кишилар бир-бирларининг айбларини ҳамиша бетга солавермайдилар. Андиша деган гап бор. Лекин элни бошқариш, одамларга йўл кўрсатиш, катта ишлар қилиш учун андиша қўл келмайди. Андишани ҳам ақлли, фаросатли, дунё кўрган одам тушунади. Халқда аҳмоқни урма, сўкма, ишга сол деган гап бор. Лекин бу уни элбоши қилиб қўй дегани эмас. Инсон сурувдаги қўй эмаски, ҳаммага бир кўз билан қараб, теппа-тенг ем-емиш берсанг. Ҳар бир одамга қадам олишидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш, имконият ва қобилиятига яраша вазифа юклаш керак. Биз эса калтабин ва қўрқоқлигимиз боис ярим ақллилардан сохта даҳо ясаб қўйиб, сўнгра унинг соясига салом бериб, орқамизга тепки есак ҳам индамай юраверамиз. Қани энди одамларнинг истеъдоди ва ақл-заковатини аниқ кўрсатиб берадиган механизмлар бўлса. Жуда кўпларнинг асл қиёфаси очилиб, аломат бир тирикчилик бўларди. Бизда оддий ва одатий ҳаёт меъёри издан чиқиб кетди. Эрталаб уйидан, бугун халққа қандай фойдам тегаркан, кишиларнинг янада бахтлироқ бўлиши учун нима қилсам экан, дея чиқадиганлар камайиб кетяпти. Бугун давлатдан, одамлардан нима ундириб олсам экан, уйимга нима олиб келсам экан дея остона ҳатлаб чиқувчиларни эса истаганча топиш мумкин. Харидорларнинг йигирма тийин ҳақига хиёнат қилган сотувчи судланиб мажбурий хизмат олади. Бироқ давлатнинг миллионлаб сўмини беҳудага (бунинг маълум қисмини йўлини қилиб ўзи ўзлаштиради, лекин тафтиш органлари буни ҳеч қачон унинг бўйнига қўйиб беролмайди) исроф қилган одамга огоҳлантириш ёки ҳайфсан берамиз. У бу жазони худди мукофот олгандек қабул қилади ва ҳатто ташаккур билдириб чиқиб кетади. Ҳаёт шунақа, одамнинг лақмаликдан бошланган кўр-кўрона соддалиги аҳмоқликка айланганлигини туппа-тузук кишилар ҳам сезмай қоладилар. Бундайлар доимо ўз имкониятига ортиқча баҳо бериб, бошқалардан ҳам шуни кутиб яшайдилар. Миянгга ўрнашиб қолган кераксиз, гоҳида зарарли фикр ҳам сени умр бўйи чалғитиши мумкин. Ҳали ҳам бизда кўплар ҳақиқатни қоғоз ва минбарлардан излашади ва бу йўлда ота-боболаримиз амал қилиб келган оддий ҳақиқатларни топтаб ўтадилар. Катта ҳақиқатларни айтиш учун эса катта майдон ва аҳил халқ керак. Қай бир соҳада адолат изласанг, бориб бошингни тошга уриб оласан. Буларни кўриб азобланиб юргандан кўра, ўлиб кетган ҳам маъқул деб ўйлайсан гоҳида. Лекин инсоннинг, қудратли инсониятнинг мўъжизакор кучи қани?»

Усмонов ўз хатолари ҳақида ҳам кўп ўйларди. Киши мансабга мингач, энг яқин одамлари ва дўстлари билан чин юракдан очилиб-сочилиб гаплашолмайдиган бўлиб қоларкан. Унинг халқдан узоқлашиши ҳам аслида худди шундан бошланади. Халқ ҳам ғалати барометр. Юқоридагилар оқни қора, қорани оқ деса, шулар бир гапни билар, ахир, деб ишониб яшайверади. Шундай улуғ мартабали одамлар халқни алдайдими, деб ўйлашади. Амалдорми, демак, у тўғри гапиради. Бизда одамлар энг аввало оқни оқ, қорани қора дейишни ўрганишлари керак. Шундан сўнг кишилар маънавий оламида инқилоб ясаш мумкин. Акс ҳолда ўзимизнинг кимлигимизни билмай ўтиб кетаверамиз. Бир куни деҳқонларнинг эллик даражали иссиқда меҳнат қилишини кинога туширишга ёрдам сўраб машҳур кинорежиссёр келганди. Ҳавонинг иссиқлиги эса бу пайтда ўттиз беш-қирқ даражалар атрофида эди. Шунда у даладаги меҳнатни суратга олиш учун прожекторлар иссиғидан фойдаланиб, симоб устунини эллик даражага етказган ва бу топқирликдан қувонишиб, ёлғон кўрсаткични операторлар лентага туширишганди. Шунда ҳамма унга қойил қолган. Усмонов эса негадир хомуш тортиб, номдор киночидан ҳафсаласи пир бўлган. Бу оддий ва кичкина найрангбозлик бизнинг ҳаётимиз учун ғоят типик воқеа. Бу пайтга келиб барча соҳаларда шу хилдаги маънавий ва иқтисодий қаллобликлар одат тусига кирди.

Шаҳарга туташ ўша совхозда содир бўлган яна бир воқеа унинг юрагида муҳрланиб қолди. Область газетасида минг гектардан ошиқ майдонни дефолиация қилган механизаторнинг сурати босилиб чиқди. Бу одамнинг ғалати қиёфаси ва телбанамо кўзлари Усмоновни ўйга толдирди. Эртаси куни эса хўжаликка бориб, Мансур тракторчини суриштирди.

Директор, райком секретари Қамбаров ҳамроҳлигида уни дала бошига олиб борганда қаршиларида кўзлари теварак-атрофга ва келганларга олазарак боқадиган, қарийб ақлдан озаётган одам турарди. Унинг икки кўзи директор билан бригада бошлиғида эди.

— Ҳорманг, Мансур ака! Саломатлик яхшими? — деди Усмонов унинг қўлини қисиб.

— Ўғлим миняпти. Мукофотга Запорож беришди. Раҳмат, — деди у чийиллаган овозда.

— Соғлиқ қалай, соғлиқ? — деб сўради Усмонов овозини баландлатиб.

— Ҳосил яхши бўлади. Худога шукр. Тракторим билан бир ўзим дефолиация қилиб ташладим. Олтита ўғлим бор. Биттаси ҳам ўқишга киролмади. Ёрдам беринг...

Тракторчи мўлтираган кўзларини Усмоновга тикиб турар, ўнг қўли кўкрагида эди. Усмоновнинг тили калимага келмай тракторчининг елкасига қўлини қўйганча қотиб турарди. Анчадан сўнг, ҳаяжонини ичига ютиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

боши билан «хўп» ишорасини қилди. Тракторчининг юзи ёришиб, ғалати илжайди. Сўнгра қувонганидан телбаларча кула бошлади.

— У ҳам мен билан ишлайди. Ҳозир опкеламан ўғлимни, — деди ғайритабиий баланд овозда ва боладек ирғишлаб пайкал томон югуриб кетди.

Тўрт киши — обком секретари, райком секретари, директор ва бригада бошлиғи бир-бирининг юзига қарамай серрайганча туришарди.

— Сизларни қанча жазоласа ҳам кам! — деди овози титраб Усмонов. — Ҳаммамизни, мени ҳам жазолаш керак! Турган-битгани заҳар дорини биз халқнинг бошидан сепяпмиз!

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Қандай қилиб бир ўзи шунча майдонни дорилайди? — деб сўради Усмонов бригадирдан.

— Ҳидни билмайди. Противогаз ҳам киймайди, — деди бригадир тутилинқираб. — Туппа-тузук эди. Кейинги икки йилда эшитмайдиган бўлиб қолди. Гапи ҳам телба-тескари. Даволан десак, йўқ дейди. Тўрт мучаси соппа-соғ...

— Машинани мукофотга бердиларингми ёки ўз пулига?

— Мукофотга — пулига...

— ...

Усмонов райком секретари билан директорга «Ўзингни ос», дегандек қараб қўйди.

— Ўғли нима иш қилади?

— Отасига ёрдамлашади.

— У ҳам ҳидни билмайдими?

— Йўқ, билади. Отаси доридан шунақа бўп қолди...

— Қамбаров! — деди Усмонов райкомнинг биринчи секретарига қараб. — Уни шу бугуноқ касалхонага ётқизиш керак. Айтинг, облсовпартактивнинг шифохонасига қабул қилишсин. Шахсан бош врачга менинг топшириғим эканлигини тайинланг! Шу одамнинг соғлиғи учун боши билан жавоб беради! Ўнинчини битирган ўғли ёки қизи бўлса, ўзимизни институтга жойлаш керак. Ахир порасиз ҳам битта-яримта одам ўқишга кириши керак-ку?! Техникумлар бор. Хуллас, бу масалани мен сиздан сўрайман. Биласизми, умуман, мана шу оилани бир ўрганиб чиқайлик. Шундай қилинг, райкомнинг навбатдаги бюро йиғилишларидан бирида шу оиланинг аҳволини бир кўриб чиқайлик. Масалани бизни ходимлар билан бирга тайёрлайсизлар. — Усмонов директорга юзланиб гапида давом этди. — Полизнинг қоровули ҳам ҳосилни ўтган-кетгандан қўрийди. Сиз бутун бошли совхоз одамларига мутасаддисиз! Сизга инсон эмас, пахта, сохта шуҳрат керак! — Усмонов бригадирга қаради. — Қодир ака! Бу одамнинг аҳволини кўриб туриб нега индамадингиз? Бўйнига галстук тақиб, қорин қўйганларнинг нега ёқасидан бўғиб олмайсиз?! Эртага ўзингиз ҳам шу аҳволга тушмаслигингизга ким кафил?!

Усмонов бошқа гапиролмади...

Лекин бу масала райком бюросига қўйилмади... Ва гап охири Ғофуровгача етиб борди. Ғофуров эса телефонда Усмоновни жеркиб ташлади. Усмонов бу масала унинг оғриқ жойи эканлигини яхши биларди. Худди шу воқеадан сўнг у қора рўйхатнинг бошига тушди ва воқеаларнинг интиҳоси сиз азиз ўқувчига маълумдир!..

Бироқ Мансур тракторчи тузалиб кетмади. Усмонов икки марта ўзи путёвка олиб бериб, уни бир врач ҳамроҳлигида марказий санаторийларга ҳам юборди. Ўтган-қайтганда оиласининг аҳволидан хабардор бўлиб турди. Охирги марта уни кўргани...

Усмонов районга чиқиб кетаётганда йўл бўйидаги эски қабристонни текислашаётганига кўзи тушиб қолди. Тўхтаб нима гаплигини суриштирди. Беш гектар чамаси келадиган эски қўйиндини қарийб текислаб бўлган бульдозерчи машина тўхташи билан ҳаллослаб чопиб келди. Усмонов чопишидан уни таниди. Бу Мансур тракторчи эди...

— Ассалому алайкум, обком бово! — деди у ҳансираб. — Соғ-саломат юрибсизми? Ман ўла-ўлгунча сиздан миннатдорман. Бошингиз тошдан бўлсин...

— Нима гап? — деди Усмонов.

— Директор айтди. Текисла, пахта экамиз деди, — кўзларини Усмоновга қадаганча қалдираган овозда гапирарди тракторчи. — Трактор катта лаҳадга тушиб кетди. Зўрға чиқардим. Битта гўрдан уч-тўрттадан одамнинг суяги чиқяпти. Ҳаммасини самосвалга ортиб олиб кетишяпти...

Усмонов серрайганча уни тинглаб, уст-бошига тикилиб турарди. У ранги ўнгиб кетган солдатча тринка кўйлак, галифе шим ва размери каттароқ кирза этик кийганди. Чопганда этик ғўлқиллаб, ғалати товуш чиқарди. У кейинги пайтларда армиядан қайтган солдат борки, эшигига ётиб олар, токи бирорта кийимини олмагунча ҳоли-жонига қўймасди. У кўча-кўйда ўз-ўзича гапириниб, солдатчасига шахдам қадам ташлаб юрар, болалар унга эргашишарди. Бироқ ҳеч кимга зиёни тегмас, очиққанда дуч келган уйдан егулик сўрар, унинг емиши нон билан сув эди. Одамлар қўл уришга журъат этолмайдиган неки иш бор, бирор-бир мозорни суриб ташлаш ёки мачит гумбазидаги ярим ой шаклини суғуриб олиш каби даҳрий ишларни унга буюришарди.

Унга эса нима иш буюришмасин бари бир эди. Ишқилиб, ниманидир бажарса, бола-чақасини боқиш учун ойлик беришса бўлди. У буюрилган ҳар қандай ишни ўзича шараф деб билар ва илҳом билан бажарарди. Гоҳида ўзича хиргойи ҳам қилиб қўярди. Тракторчи бетиним ишлар, негадир унинг ғайри-табиий қиёфасини ишсиз тасаввур этиб бўлмасди.

Ўшанда Усмонов юзида сунъий миннатдорчилик билан унинг елкасига қоқиб қўйди-да, ишингиз бўлса боринг, дегандек, имлаб шаҳар тарафни кўрсатди. Мансур тракторчи ўзида йўқ хурсанд эди. Усмоновнинг ичидан эса тўлиб-тошиб йиғи келарди.

...Улар Раъно Мардоновна келтирган ош устида деярли гаплашишмади. Ҳамсуҳбатлар ўз-ўзидан жимиб, мақсади бир, қиладиган ишлари аниқ кишилардек сукут сақларди. Одатда бир-бирини чуқур тушунган одамлар ўзларини шундай тутадилар.

Усмоновнинг дарз кетган юраги куз кеч кирган тоғ этакларидаги сарғайган боғлардек дардчил ва армонли эди. Эсонов билан гаплашиб, бир қарорга келишгач, юрагининг тубида умид учқунлари милтиради.

— Эртадан бошлаб ишга киришамиз. Ерни ҳозир ҳайдаб қўйсак, баҳоргача ҳузур қилиб қор остида ётади, — деди чой ичишаётганда Усмонов. — Ёнабулоққа ҳайдов трактори чиқолмаса керак-а?

— Хашак ўримида бир амаллаб ўроқ машинасини олиб чиқувдик. Йўл қилмасак қийналамиз, — деб жавоб қилди Эсонов ичида нега шу фикр хаёлимга илгари келмади дея ўйларкан. — Бор техникани ташлаб, узоғи билан уч кунда йўлни созлаймиз. Керак бўлса, сельхозтехникадан оламиз.

— Мен эрталаб соат тўққизларда тепаликнинг этагидаги толзорга бораман. Вақт топсангиз ўтинг. Ўша ерда бафуржа маслаҳатлашамиз.

— Уйда ўтира туринг, келиб машинада олиб кетаман.

— Раҳмат. Пиёда, секин чиқиб бораман, — деди

www.ziyouz.com kutubxonasi

майин жилмайиб Усмонов. — Сиз эртага техника етиб боришининг йўлини қилаверинг. Бу ишни амалга оширсак қандай яхши бўларди. Боғдан бери келмасдим, — деб болаларча энтикди Усмонов. — Умр ҳам кутиб турмайди. Тер чиққандан жон чиқмас, дейдилар.

Эсонов эътироз билдиролмади.

— Ҳа, яна, бир гап, — деди Усмонов. — Менга барча билан баробар муносабатда бўлинг, илтимос. Мени деб бошқа ишчиларга ортиқча топшириқ берманг. Астасекин ҳаммамиз тил топишиб оламиз. Иш ҳам ўз-ўзидан изга тушиб кетади.

Эсонов жўнагач, Усмонов эски қадрдони, боғдорчилик институтининг директорига хат ёзишга ўтирди. Эрта баҳорда ўрмон хўжалигидан хат олиб боришини айтиб, тоғ иқлимига мос кўчатлардан ажратиб қўйишни сўради. Кўпроқ ёнғоқ ва чинор кўчатлари кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг, деярли ҳар куни ўтган-кетган одамлар Усмоновни Ёнабулоқ дарасида кўрадиган бўлишди. Тепаликка сув чиқариш учун қум солинган хуржунни эшакка ортиб, тепага қараб ҳайдашди. Тўқима хуржуннинг тешигидан тўкилган икки қатор қум чизиғи бўйлаб ариқ олишди. Шу дақиқаларда Усмоновнинг кўнгли ёришиб, бир неча кун ўзича маст бўлиб юрди. Эрта баҳорда Ёнабулоққа экилган кўчатлар орасидан тиниқ сой суви жилдираб оқаётганда қувончдан энтикиб, кўзига ёш қалқди. Кўз ёшлари юзини қитиқлаб ерга тушар, сармаст Усмонов ҳеч нимани кўрмас ва эшитмасди. У шу давр мобайнида, деярли ҳар дақиқада бир нарсани — одамлар уни аяётганликларини, ҳаётнинг энг оғир азобларига бардош бериб, охири ўз она қишлоғидан, уни ёшлигидан бери биладиган кишилар орасидан паноҳ топган болафеъл Усмоновнинг оғзидан чиққан бир гапини улар икки қилишмасди. Қандай бўлмасин Усмоновнинг кўнглини олишга тиришишар, ўзаро гурунгларда Усмонов бирорта қадимий тансиқ таомнинг номини айтиб қолса, эртасигаёқ пишириб келишар ёки меҳмонга айтишарди. Усмонов хижолат бўлар ва ўша кишига қайта-қайта миннатдорчилик билдирарди. Одамлар уни меҳмондорчиликка айтиб, қўй сўйишар ва устига тўн ёпишарди. У ташриф буюрган уй байрам тусини оларди. Отақул махсум айтганидек, оёғи узангида турганида қишлоқдошларидан ҳол сўрашга ҳам вақт тополмаган Усмонов бу иззат-икромлардан ўзини ноқулай сезар, унинг кўнглини олиш учун кун бўйи бола-чақаси билан елиб-югураётган кишилардан кечирим сўрагиси, бирма-бир бағрига босиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди.

Ана шу дамларда у ўзи ҳаётда йўл қўйган энг катта ва биринчи хатони англаб етди. Киндик қони тўкилган тупроқдан узоқлашган инсоннинг ови юрса ҳам дови юрмас экан... Сенга шундай кенг ва гўзал дунёни тақдим этган она заминни унутган одамда Ватан туйғуси тўла-тўкис бўлиши мумкин эмас экан! Жуфти ҳалолидан бевақт айрилганига дош беролмай умри эрта хазон бўлган ва олисдаги ўғлининг отасига ўхшаган қош-қоқоларига сўнгги бор тўйиб-тўйиб тикилолмай, армонда кўз юмган онасининг вафотидан кейин қишлоққа камқатнов бўлиб қолганди. Энди бу хатони у жон билан тўғрилайди. Унинг хоки-туроби мана шу азиз ва мўътабар заминга қўшилиб кетади. Айни дамда бу ҳам негадир унинг кўзига бахтдек кўринди. Ҳаётингнинг сўнгги дамларида бахтсизроқ яшаганинг маъқул, шекилли, шунда ўлмоқ ҳам унчалик алам қилмайди дея ўйлай бошлади. Кутилмаганда хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам ҳайрон бўлди.

Усмонов яна бир нарсани, Аминовга берган ваъдасини ҳам ўйларди. Шу пайтгача икки марта унинг одамлари келиб, «оқсоқол»дан салом айтиб кетишди. Унинг жазосини енгиллатишнинг фақат битта йўли бор эди. Олий суд ва Иттифоқ прокуратураларига ёзиш, адвокатларга мурожаат қилиш бефойда. Усмонов Ҳакимовнинг олдига бош эгиб бориши ва дастлаб ўзини халос қилгани учун қуллуқ қилиши, сўнгра Акрам Носировични тезроқ чиқариб олишга бош-қош бўлишни сўраши керак эди. Бу иш Усмонов учун ўлим билан баробар эди. Акбар Ҳакимов эса бари бир Усмонов тавба-тазарру қилиб олдимга келади деб кутиб юрарди.

Лекин одамлар олиб келаётган хабарларга қараганда, Аминов илгариги гапга қулоқ соладиган Аминов эмас, ҳар балога ақли етадиган Усмонов унга бўлиб ўтган ғавғолар моҳиятини, Ҳакимовнинг бу ердаги тулкилигини яхшилаб тушунтирган бўлиши керак. Қамоқдан эрта чиқиб келса, ҳали-бери дови қаримайдиган Аминов Ҳакимов билан ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Бунинг нима билан тугашини Ҳакимов яхши биларди. Ҳакимов ҳамма ишни режа бўйича жуда пухта олиб бораётганди. Орада бир нарсани — Аминовни Усмонов жазони ўтаётган лагерга ўтказилганини пайқамай қолди. Акс ҳолда бунга йўл қўймасди. Улар ҳамюрт, бари бир бугун бўлмаса эртага тил топишиб кетишлари мумкин. Ҳакимов Аминовнинг кўнглини олиш учун ҳеч нарсани аямади. Учрашувларда қамоқдан чиққач, бир-икки йилда қайта партияга ўтказиб, илгаригидан ҳам каттароқ ишга жойлаштириб қўйишни қайта-қайта таъкидлади.

Ҳеч кимга мирламайдиган Акбар Ҳакимов орадан беш йил ўтиб, Аминовга берган ваъдасининг устидан чиқди.

Усмонов ўрмон хўжалигининг Каттасой участкаси қоровули Тошмурод тоғбеги билан Ёнабулоқдаги янги бодомзорни оралаб юришганди. Этакда Эсоновнинг машинаси кўринди. У Ёнабулоқ томон учиб келарди.

— Тинчликмикан? — деди тоғбеги қуёшда қорайиб, ёрилиб кетган қўлини тиришган пешонасига соябон қилиб машинани кузатаркан.

Усмонов индамади. Машина боғ четига етганда, ундан отилиб чиққан Эсонов боладек улар томон чопди. Унинг бу қадар хурсандлигидан Усмоновнинг ғаши келди. У гап нимадалигини дарров пайқаганди.

— Карим Усмонович! Карим ака! — деди Эсонов салом-аликни ҳам унутиб. — Сизни ҳурматли Шариф ака чақиряптилар! — дея республиканинг биринчи раҳбари номини эътиқод билан тилга олди. — Ҳаммалари сизни кутиб ўтиришибди. Машинага ўтиринг, кетдик!

Усмонов бир зум нима қиларини билмай ўйланиб қолди. У ўзича, қачонлардир бари бир шундай учрашув юз беришини кўнгли сезиб юрса-да, бунчалик тез содир бўлишини кутмаганди. Ҳамма нарсадан ва ҳатто соғлиқдан ҳам ажралгач, энди учрашиб нима қилардик, дея ўйлади хит бўлиб. Эсонов унинг оғзини пойлаб турарди. Тошмурод тоғбеги эса Хизрга дуч келган девонадек хурсанд эди.

— Шундай қилсак, Худойберди Эсонович! — деди жиддий оҳангда Усмонов директорнинг қошлари туташган жойга тикилиб. — Бориб Усмоновни тополмадим десангиз. Бизнинг гаплашадиган гапимиз йўқ. Ҳаммасини гаплашиб бўлганмиз. Қайтамга ҳаяжонланиб, мазам қочиб қолмасин.

Эсонов ҳам, Тоғбеги ҳам ағрайганча унга тикилиб турарди. Усмонов эса ҳеч нима эшитмагандек босиқ ва мулойим эди.

— Пайғамбарнинг ўзи йўқлаб турганда йўқ деманг, сизни баҳонангизда биз ҳам қўлларини олиб келамиз, — деди Эсонов кайфи учиб ҳайрати тарқамасдан. — Хўжалигимизнинг иши ҳам юришиб кетарди. Йўқ деманг, жон ака! Ҳеч қурмаса, бизни ўйланг!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Боринг, йўқ деманг, Карим ака. Уят бўлади. Шундай улуғ одам катта бошини кичик қилиб йўқлабди. Яхши эмас, — деб гапга аралашди тоғбеги. — Бориш керак.

Шу дақиқада Усмонов фикрини тушунтира олмаслигини, улар буни тушунмаслигини англади. Агар ҳозир у ерга бормаса, эртага бутун район ва областда «Ўзи бу Усмонов дегани ўлгудай ношукр, елка томири тиришган одам, илгари ҳам гўр эмасди. Шундай улуғ киши ҳурмат кўрсатса-ю, сен ноз қилсанг. Итнинг бошини товоққа солса...» дея турли гап-сўзлар бошланишини ўйлади. Эҳ, одамлар, одамлар... Раҳбарларнинг муносабатига қараб сен билан салом-алик қилишади. Ўзлари сиғинадиган ўша раҳбарларнинг асл қиёфасини қаёқдан билсин булар. Усмонов бир фикрга келди шекилли, хўрсиниб, Тошмурод тоғбегининг қўлидан олиб машина томон юрди. Эсонов унга бу кишини қўйинг, ишини қилаверсин, демоқчи бўлди-ю, журъат этолмади. Йўлда эса Усмонов беихтиёр асабийлаша бошлади.

Ўрмон хўжалигига туташ совхоз марказида одам ғуж-ғуж эди. Нураб, эрта-индин қулаб тушадиган девор ва бостирмалар оқланиб, ҳамма жойга шиорлар осиб қўйилган, атроф байрам либосида эди. Меҳмон совхоз боғида экан. Одамлар эски рақибларнинг учрашувини сабрсизлик билан кутишарди. Кўнгли тортмаган ишга қўл урганда асабийлашадиган Усмоновнинг юраги ўз-ўзидан тошга айланиб қоларди. Шунда етим кўзининг маъраганига ҳам кўзи ёшланадиган Усмонов эканлигига ўзи ҳам ишонмасди. Ҳозир айнан шу ҳолатда эди. Уни кутиб олган оближроком раиси Ахтамов ва райкомнинг биринчи секретари Муҳиддин Раҳимов билан совуққина кўришиб, ҳурматли меҳмон, обкомнинг биринчи секретари Шомирзаев ва яна бир неча киши ўтирган шийпон томон юрди. Усмоновга кўзи тушган меҳмон ўрнидан туриб, шийпон зинасидан пастга тушди-да, биринчи бўлиб салом берди. Усмонов унинг кўз қарашлари ва қўл қисишидан сенинг хато ва жиноятларингни кечиришим мумкин эди, лекин менинг шахсимга нисбатан айтган гапларингни кечиролмадим. Энди ҳаммасини унут. Мени гина-кудуратдан бўлак ишларим ҳам кўп, деган маънони укди.

— Карим Усмоновичнинг партия масаласини тезда ҳал қилиб, янги очилаётган республика миллий паркига директорликка тавсия этсак. Мен министрга айтиб қўяман, — деди Ғофуров Шомирзаев билан Раҳимовга қараб.

Улар қимиз ичишиб, совуққина гурунглашишарди. Ҳамма Ғофуровнинг оғзига тикилиб ўтирарди. Фақатгина Усмонов ерга боққанча, тез-тез чап қовоғини силарди.

— Шаршарада болалар ва оналар учун ўн беш қаватли санаторий қурамиз. Зомин ва Ойқор тоғларида жами ўнта дам олиш уйи қурилади. Супада эса СССР Фанлар Академиясининг фазони ўрганиш маркази бўлади. Яқинда президентнинг ўзи келмоқчи, қурилишга пойдевор қўямиз.

Ғофуров бу гапларни Шомирзаев билан қўшни Зомин райкомининг биринчи секретари Назаровга қараб айтди. Улар тантанали кунга тайёргарлик кўришлари керак эди. Сўнгра гап айланиб яна пахтага келди.

— Ҳадемай, Зомин сув омборини қуриб битказамиз. Шундан сўнг район тарихида биринчи марта пахта экамиз, ҳурматли Шариф Ғофурович, — деди терлаб-пишиб Назаров. — Ерларни аллақачон тайёрлаб қўйганмиз.

Ғофуровнинг чеҳраси ёришди.

— Раҳмат сизга! Бу ишни шу баҳордан қолдирманг. Мен сув хўжалиги министри Тўрабековга айтиб қўяман. Нима ёрдам зарур бўлса беради. Ёзиб қўйинг, — деди ёнида ўтирган тепакал ёрдамчисига. — Дастлабки йили қанча ҳосил олиш мумкин?

— Беш мингни мўлжаллаб турибмиз. Сувнинг кўпайишига қараб, бу кўрсаткични эллик мингга етказамиз, — деб жавоб қилди Назаров.

— Отангизга раҳмат! Мана бу ҳақиқий коммунистнинг иши бўлади. Сизларнинг ажойиб меҳнатларингизни партия ва халқ ҳеч қачон унутмайди. Раҳмат сизга!

Ғофуров ҳол-аҳвол сўрашгандан буён жим ўтирган Усмоновга «Сиз нима дейсиз» дегандек савол назари билан қаради.

— Бу гап яхши-и, — деди Усмонов чўзиқ оҳангда. — Бироқ мен тоғларни келажак авлодлар учун асл ҳолатда асраш керак деб ўйлайман. Бусиз ҳам республикада табиатнинг бундай хилват жойлари қолмади. Ҳар хил бинолар қуришавергач, тоғ оёқ ости бўлиб, ҳайвонот дунёси ҳам ўз-ўзидан йўқолади. Зомин районига пахта экиш масаласига келсак, бу нотўғри. Тоғ районларида боғдорчилик билан чорвачиликка эътибор керак. Ғаллаорол райони бунга мисол. Устига-устак республиканинг пахта майдони асоссиз ва ер агротехникасига зид равишда кўпайтириб юборилган. Вақти-соати келиб, бу майдонларни боғ ва деҳқончиликнинг бошқа соҳаларига қайтаришга тўғри келади...

Ошга пашша тушди. Усмоновнинг кутилмаган гапидан Ғофуровнинг атрофидагилар типирчилаб қолишди.

— Сиз бугунги кунни эски вақтнинг гази билан ўлчаманг, Карим Усмонович, — деди қўлларини пахса қилиб Шомирзаев эътироз билдираркан. — Биз ер ўзлаштириб, одамлар учун санаторийлар қурсак, сиз қаршимисиз? Мен сизни тушунмадим.

Шомирзаев даврадагиларнинг фикрини айтганди. Бошқалар ҳам шундай улуғ инсоннинг гапини қайтаргани учун уни гап билан боплаб ўйиб олишга тайёр эди.

— Ҳеч қандай катта иш қаршиликсиз амалга ошмаган. Халқ учун қилинган иш қолади, — деди ранги ўзгариб, таъби тирриқ бўлган Ғофуров ва турамиз деган маънода ўнг кафтини тиззасига уриб: — Раҳмат сизларга! — деди.

Меҳмон ҳамма билан бирма-бир хайрлашиб, қўшни районга йўл олди. Ҳурматли раҳбарни яхши кутиб, кўнгилдагидек кузатган мезбонлар боғни танг қилиб, меҳмон шарофати билан сўйилган ширвозлар гўштини еб, ароқни Новқа булоғининг сувидек симиришди. Усмонов Тошмурод тоғбеги билан Эсоновнинг машинасида Ёнабулоққа қайтди. Боғдагилар бўлиб ўтган гапдан бехабар Усмоновни пайғамбарни узатгандек кузатиб чиқишди. Одамларнинг ўзига муносабати ўзгарганидан Усмоновнинг ғаши кела бошлади. Ўйлаб салом берадиганлар энди уни директорлик билан табриклар, ёқимсиз илжайишарди.

У бир нарсани — партияга қайта тикланишинигина ўйларди, холос. Партияга қанча хизмат қилиб, шунчаки ўлиб кетишни юрагига сиғдиролмасди.

Райком ва обкомдагилар узоқ маслаҳатлашиб, Усмоновни партия аъзолигига тиклашни эмас, қайта қабул қилишни лозим кўришди.

Масала нега бунчалик чўзилаётганини суриштирганда, райкомдагилар устидан юқори органларга имзосиз хатлар тушаётганлигини, шу боис бир оз шошмай туриш кераклигини айтишганда, қалбининг тубида нимадир чирт узилгандек бўлди...

— Омадсизнинг шўри қурсин, — деди Усмонов ғамгин жилмайиб райкомнинг партиявий-ташкилий ишлар бўлими мудирига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёзнинг илк кунлари эди. Усмонов тонг қоронғисида Ёнабулоққа чиқиб кетиб, эл ётар маҳалида қайтарди. Ўша куни эрталаб ишга отланаётганда Раъно Мардоновна қўшниникига сутга чиққанди. Эшик олдида хотинини бироз кутди-да, келавермагач, ўрлаб кетди. Ёнабулоққа етгунча, беихтиёр, хотини билан хайрлашмагани, тоққа кетаётганини айтолмаганини ўйлайверди. Сўнгра кўкрак чўнтагидаги Уставни олиб, ёд бўлиб қолган жумлаларга кўз югуртирди. Ёнабулоққа етганда, нариги сойдан отлиқ Тошмурод тоғбеги чиқиб келди. Боғ ораלаши билан юрагидаги хижиллик тарқаб, вужудида кўнгилни эритувчи осуда бир ҳис, анчадан буён туймаган сархуш сокинлик пайдо бўлди.

— Офтобада бир чой қайнатиб ичайлик,— деди Усмонов тоғбегига меҳр билан тикилиб. — Мен ўтин тераман. Сиз сойга тушиб сувнинг кўпириб турган жойидан бир офтоба олиб келмайсизми?

Усмоновнинг юраги куярди. Тошмурод тоғбеги булоқдан офтобани тўлдириб келганда, муздек сувдан ҳузур қилиб симирди. Тоғбеги яримлаб қолган офтобани тўлдириб келиш учун яна сойга тушди. Соясида иккита одам ўтирса бўладиган самбиттол остига эски жулпатни тўшади. Қоровулхонадан ёстиқ олиб чиқди. Белбоғини ёзди. Усмонов тегирмонда тортилган жайдари буғдой унидан қилинган нон ва бир ҳовуч парвардага тикилиб турганда, кўзи тиниб ёнбошлади. Юраги беҳуд бўлиб, оёқ-қўли бўшашди. У юрагини ҳовучлаб кутиб юрган учинчи инфаркт бошланаётган эди. Чуқур нафас олиб, чалқанча ётганча кўзининг сўнгги нурлари билан осмонга, оппоқ ва чексиз осмонга тикилган Усмонов бошида гирдикапалак бўлаётган тоғбегига охирги сўзларини айтди.

— Раъно опангиз билан хайрлаша олмадим. Яна юз йил яшасам ҳам унинг меҳри олдида... Айтинг, мени отам билан онамнинг ёнига қўйишсин! Жой бор!..

Тошмурод тоғбегининг фарёдидан Ойқор ларзага келди. Далани тўлдириб чуғурлашаётган кулранг тоғ чумчуқлари гуриллаб, Усмоновнинг очиқ кўзлари қадалиб қолган самога кўтарилди...

Карахт бир ҳолатда таъзияга етиб бордим. Қишлоққа етгунга қадар хаёлан у киши билан гаплашиб кетдим. Халойиқнинг кўплигидан оёқ босиб бўлмасди. Йиғилганларнинг кўпчилиги Усмоновнинг ҳамқишлоқлари, кейинги бир неча йилда у билан ишлаган ва эгарда юрганда ундан яхшилик кўрган оддий одамлар эди. Улар орасида Усмоновнинг бошига етганлар ҳам беозоргина қўл қовуштириб туришар, унинг одамийлиги ҳақида паст овозда гапиришарди...

Дарвозахонада мунғайиб ўтирган, соч-соқоли ўсиқ Мансур тракторчи ўтиб-қайтаётганларга мўлтираб термулар, гоҳ қиқирлаб кулиб, гоҳ йиғларди...

Эртаси куни республика газеталарида партия ва ҳукумат раҳбарлари имзоси билан Усмоновнинг халқ олдидаги хизматлари қайд этилган таъзиянома босилиб чиқди...

Ойниса холанинг айтиб йиғлагани ҳали-ҳали қулоғим остида акс-садо беради...

Хоин бўлмадинг, жигарим,
Қонинг челакка томмади.
Ботир бўлган жигарим-ей,
Қонинг юракка томди-ей...

Абдулла Қўшбоқ



Орол

Кўзини тутдими бевақт ғафлат, хоб,
Келдими алдоқчи хаёл ўйига.
Бевафо чиқдими,
Чиқдими нобоп —
Икки ўғил бормай қўйди уйига.

Уй эса йўл қараб чекар пинҳон дард
Бағрига босганча нолаларини.
Наҳотки унутиб қўйди икки мард
Қоракўз, ширинсўз болаларини.

Уй тўзир,
Хатарлар санчар тиғини,
Оталар армонда, шоирлар ҳалак.
Бировнинг иккита суянчиғини
Йўлдан урганларга имон бер, фалак.

Сир

Алпомиш жўнади қалмоққа
Кулсин деб мусофир ғариблар.
Бир хоин шу сирни сотди. Сўнг
Юртимни талади араблар.

Кейинги сафар ҳам сотдилар
Алпомиш зиндонга тушганин.
Телбадай қувониб Чингизхон
Қанот излаб қолди учгани.

Унутма мозийнинг сабоғин,
Руҳингда аламлар ўлмасин.
Сир берма,
Алпомиш йўқлигин
Бугунча ҳеч кимса билмасин.

Мусича

Мусича тушунмас қасосни,
Аламдан йиғлашни билмайди,
Ин қурар жўнгина хас-чўпдан,
Бу инни қўриқлаб бўлмайди.

Боласи ўғрилар қўлига
Кўп марта ўтиши тайиндир.
Аввало келажак авлоди
Олдида мусича хоиндир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лаънатлар тамғасин боссам ҳам,
Отсам ҳам шеъримни ўқ қилиб,
Қаршимда бир гала мусича
Турибди кўзларин лўқ қилиб.

Айтарлар, мусича беозор,
Тўладир ҳикмат ва ақлга.
Ишонар бечора бу қушлар
Мушуклар тўқиган нақлга.

Ёмон ҳолат

Жонинг узилганда умринг кузида,
Бандидан узилган бир япроқсимон,
Эртага қабрингга гул экадиган
Севимли одаминг бўлмаса ёмон.

Ўқ ебми,
Бошқа бир сабабми бўлиб,
Илдизи кесилган бир дарахтсимон
Йиқилсанг,
Миннатсиз кўтарадиган
Севимли тупроғинг бўлмаса ёмон.

Яшасанг муҳаббат қийноқларисиз,
Дўстсиз ҳам судралиб, ўрмалаб, омон.
Ҳаттоки ўқига арзитадиган
Бирорта душманинг бўлмаса ёмон.

Чўққилар

Тоғлар қучоғида куйладим ўлан,
Лофлар сўйлайвердим ҳар бир тошимга.
Сескандим: не бўлар бирон тош билан
Чўққилар тушириб қолса бошимга.

Мен билдим, аслида қалбим соғ эмас,
Унда на тилак бор, ва на-да ғам бор.
Оёғим тагида ўлик тоғ эмас,
Тиззаси букилиб турган оғам бор.

Чўққилар устида қимтинди лабим,
Чўққилар устида дуч келдим хунга.
Чексиз осмон юки етмаган каби
Менам ўлигимни ортдимми унга?!

Ахир, енголмаган ёвлар қилиб шахд,
Дунё чўққилардай мардни кўрмаган.
Дўстлар, ишонманглар, бу тоғлар ҳеч вақт
Бировга елкасин тутиб бермаган.

Чўққилар билганлар:
Курашдан тўйсанг,
Мағлуб баҳодирдай термулсанг синиқ,
Кимгадир ён берсанг, елкангга қўйсанг
Бир кун чиқиб олар бошингга аниқ.

Қачондир юз бериб сеҳрми, риё,
Чўққилар айрилган забонларидан.
Шундан қараб ётар гунг каби гўё
Дунёнинг ўткинчи замонларига.

Мушт

Кўз олдимда бир дунё қотган
Мисли жонсиз, мисоли сурат.
Бешта бармоқ оралиғида
Қуролланиб турибди журъат.

Тугилмаса агар шу қўлим
Балким сенга ўхшаб ўтардим.
Қара, бешта бирдам бармоқни
Байроқ қилиб кўкка кўтардим.

Хавотирга тушаркан кимдир
Қўлларимни тилгиси келар.
Бешта бармоқ оралиғида
Не борлигин билгиси келар.

О дўстгинам,
Ахир беш бармоқ,
Тугилмасди сабаб бўлмаса.
Унинг ноҳақ тугилмаганин
Исботлайман агар ўлмасам.

Ғаройиб кўзгу

(Ривоятга кўра ғаройиб кўзгу бўлиб, гуноҳи бор одам қараганда унинг юзи қорайиб кетар экан.)

Гар сезилмас камингиз,
Қорнингиз-ку тўқ, деди.
Орангизда не учун
Юзи оқлар йўқ, деди.

Унга таъна қилдилар,
Тош отдилар бетиним.
(Тескари қил, о ҳаёт
Ўшаларнинг бетини.)

У ҳайқириб чиқувди
Ҳақиқатни чора деб.
Камситдилар ўзини
Асли юзи қора деб.

Аммо кўзгу қайтмади,
Қилаверди кўзгулик.
Қучоғида зор қақшаб
Йиғлаб турди эзгулик.

Энди йўқдир бардошим,
Асаблари тарангман,
Бугун ўша кўзгуни
Тополмасдан гарангман.

Аммо бошқа кўзгуни
Келтирганлар ўғирлаб.
Боқсанг, қийшиқ юзни ҳам
Кўрсатади тўғрилаб.

Омон бўлса бу кўзгу
Парчаланмай, тилинмай
Катта-катта гуноҳлар
Кетаверар билинмай.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўрқут ота китоби

Эпос

Муҳаммад Солиҳ таржимаси

Хазрати Расул алайҳиссалом замонига яқин, Баёт наслидан Қўрқут Ота деган эр дунёга келди. Ул киши Ўғузнинг тамом билгувчиси эди, Ўғуз ичида унинг бор кароматн зоҳир бўлмиш эди, на деса бўларди, ғойибдан турли хабар сўйларди, яратганнинг ўзи унинг кўнглига илҳом соларди.

Қўрқут Ота дейдики: охир замонда хонлик яна Қойи қавмига тегар, қиёмат қўпгунча ҳеч ким тортиб ололмас.

Бу одамлар Усмон наслидур, ишида давом этур.

Ва яна шунга менгзар неча сўз айтди.

Қўрқут Ота Ўғуз қавмининг мушкулини ҳал этарди; ҳар не иш бўлса Қўрқут Отадан бемаслаҳат кўрилмасди; ҳар ким унинг буюрганини бажарарди.

Бир куни Қўрқут Ота жўшиб, Ўғуз беклари ичинда сўз сўйламиш, насиҳат йўсинда сўйламиш, кўрайлик-чи, Хоним, на дер экан.

Қўрқут Ота айтур:

Ҳақни ҳақ демагунча ишлар ўнгмас: ҳазрати қодир мухтор бермагунча эр бойимас; ёзуқда ёзилмаса қул бошига қазо келмас; ажал ваъда бермагунча кимса ўлмас; ўлган одам тирилмас, чиққан жон қайтиб келмас. Бойлик йиққан Қоратоғ тепасидай йиғар, аммо насибасидан ортиғини ея билмас. Ўрлашибон сувлар тошса, денгиз бўлмас. Такаббурлик айлаганни ҳеч ким севмас. Кўнглини юксак тутган эрда бойлик бўлмас. Ёт ўғилни асрасанг, ўғил бўлмас, бўйи етса ташлар-кетар, сани кўрдим демас. Кўл тепалик бўлмас, куёв ўғил бўлмас. Қора эшик бошига аста урсанг, ўжар бўлмас, Қорабошга[1] тўн кийдирсанг, хотин бўлмас. Ёға-ёға қорлар ёғса, ёзга қолмас. Илк майсалар, кўк чаманлар кузга қолмас. Эски пахта бўз бўлмас. Хотин душман дўст бўлмас. Бедов отни қийнамасанг, йўл олинмас. Қора пўлат қиличингни сермамасанг, душман ўлмас. Эр молини кўзи қиймаса гар оти чиқмас. Қиз онадан кўрмагунча ўгит олмас. Ўғил отадан кўрмагунча суфра чекмас: ўғил отанинг сиридир, икки кўзининг биридир. Давлатли ўғил кетса, ўчоқдан бир чўғ кетар, ўқдондан бир ўқ кетар. Давлатсиз ўғил қўпса ўчоғингнинг кулидир: ўғил яна найласин, ота ўлиб, моли қолмаса, ота молидан на фойда, бошда давлат бўлмаса... Хоним ҳей, Бегим ҳей.

Қўрқут Ота яна бир гап айтмиш, кўрайлик, нима деркин:

Асов отга номард йигит мина билмас — минганидан минмагани яхши. Бир ҳамлада чопар қилич — муҳаннаслар чопганидан чопмагани яхши. Чопишни биладиган йигитга ўткир қилич эмас, тўқмоқ ҳам бўлаверади. Қўноқ қўнмас қора уйлар йиқилса яхши. От емайдиган аччиқ ўтлар битгандан битмагани яхши. Одам ичмас сассиқ сувлар оққандан оқмагани яхши. Ота отин юритмаган ўғил ота белидан унганидан унмагани яхши; она қорнига тушганидан тушмагани яхши; ёлғон сўз бу дунёда бўлганидан бўлмагани яхши; тўғри ниятларинг юз ёшина тўлса яхши. Юз ёшингиз тўлсин. Ҳақ сизни ёмон кўрмасин; давлатингиз пойидор бўлсин, Хоним-эй.

Яна Қўрқут Ота сўйлабди, эшитайлик-чи, нима деркин:

Агар кетсанг: юрт тупроғини йиртқич босар, жаннат боғлар роҳатини қулон кўрар, айри-айри йўллар изин туя кўрар, етти дара бўйларини тулки ҳидлар. Тун ила карвон кўчкисини тўрғай билур; ўғил кимдан бўлганини она билур; йигит оғирин от билур; юк оғирин — хачир билур. Қаери оғришини бемор билур. Ғофил бошнинг оғришини идрок билур. Элдан элга қўбиз кезар, бекдан бекка бахши кезур; эр жўмардини, эр нокасини бахши билур; рўпарангда куйлаётган бахши бўлсин, шошиб келган қазоингни Ҳақ қайтарсин, Хоним-эй, Бегим-эй.

Қўрқут Ота тилидан шоир айтур:

Аёллар тўрт турлидир: бириси уйнинг умуртқасидир, бириси шумшук сўрган чўпдир, бириси шишган тўпдир, бириси уйдаги таянчдир, бириси гапирсанг тушунмас — аянчдир. Шоир, уй таянчи шулдурки, қирдан ё ёбондан уйга бир қўноқ келса, эр одам уйда бўлмаса, уй таянчи едирар, ичирар, авайлаб-эъзозлаб кутар қўноқни. У Ойша Фотима авлодидандир. Хоним, унинг болалари бўлсин, рўзғорингга шундай аёл буюрсин.

Сўлган чўпдай кампир улким, тонг отганда ўрнидан туриб, қўлин-юзин ювмасдан тўққизта нонни ва бир кўза қатиқни кўзлар, қорни ёрилгунча ер ва қўлини сонларига артиб дер: бу уй хароб бўлар, эрга тегиб тўймадим, юзим кулмади, оёғим

---

[1] Қорабош — насли қул бўлган одам.

Расмларни Р. Зуфаров ишлаган

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошмоқ, юзим яшмоқ кўрмади. Оҳ, найлайин, бу эр ўлсайди, бошқасига тегардим, яхши ёр топардим дер. Унинг, Хоним, болалари бўлмасин, рўзғорингга бундай аёл битмасин.

Тўлган тўпдай кампир улким, у тонгда уйқудан уйғониб, оёққа қалқар, қўлин-юзин ювмасдан элнинг ул бошидан бу бошига, бу бошидан ул бошига чопар, ғийбат қилар, миш-миш этар, тонгдан кечгача шундай юрар. Сўнгра уйига келиб кўрса, ўғри кўппак уйин талон-тарож этмиш, товуқ — товуқхонада, сигир — молхонада чир айланмиш. У бўлса қўшниларни чақириб, мен ўлмакка кетмагандим, ётажак ерим вайрон бўлибди-ку; найлайин менинг уйимга бир лаҳза боқмабсизлар, қўшничилик ҳаққи, дея жаврамиш. Бу кабининг болалари бўлмасин, рўзғорингга бундай аврат битмасин.

Сўйласанг англамас аянч хотин шулким, агар уйига ёзиқ[1]дан, ёбондан қўноқ келса, уйда эркак одам бўлиб, у айтсаки, овқат келтир, биз ҳам ейлик, қўноқ ҳам, пишган овқатнинг бекоғаси бўлмас, емак керакдир деса, хотин айтар: найлайин, бу йиқилажак уйда ун йўқ, элак йўқ, туя тегирмондан келмади, дер. Ким келса, менинг сағримга келсин, дея, қўлин думбасига урар, чўнтагини қоқиб, эрига терс қарар, минг сўйламанг, битта боқмас, эр сўзига қулоқ қоқмас. Ул Нуҳ пайғамбарнинг эшаги наслидандур. Ундан сизни оллоҳ сақласин. Хоним, уйингизга бундай офати келмасин.

Дирса хон ўғли Бўғоч хон баён этар, Хоним ҳей

Бир кун Комхон ўғли хон Бойинтур оёққа қалқди. Чодирлари ер юзини, ола соябони кўк юзини тўсди. Минглаб ипак ғали[2]-лар ерга тўшалди. Хонлар хони хон Бойинтур йилда бир марта тўй бериб, Ўғуз бекларини чақирарди. Бир кун тўйда отдан — айғир, туядан — бўғро, қўйдан — қўчқор сўйдирди. «Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга қўндиринг, кимнингки ўғли-қизи йўқ бўлса, қора ўтовга ўтказинг, қора кигиз тўшанг, олдига қора қўйнинг сонидан қўйинг, егани есин, емагани кетсин. Ўғли-қизи бўлмаганни эгам қарғагандир, биз ҳам қарғармиз», деди у.

Ўғуз беклари бирин-кетин келиб, йиғила бошлади. Аммо, Султоним, Дирса хон деган бекнинг ўғил-қизи йўқ эди. Эшитайлик-чи, Хоним, нима деркин. У айтмиш:

Салқин-салқин тонг еллари эсганида
Соқолли бўз тўрғай бир сайраган чоғда
Соқоли узун Тот эри азон айтганда
Бадавий отлар изин кўриб йиғлаган онда,
Оқу қора ранглар ажралган пайтда,
Кўксув, гўзал тоғларга кун текканда
Бек йигитлар, баҳодирлар бир-бирига ҳамла қилганда...

Дирса хон тонг отар-отмас, ўрнидан туриб, қирқ йигитни ёнига олиб, Бойинтур хоннинг зиёфатига жўнади.

Бойинтур хоннинг йигитлари Дирса хонни қаршиладилар, келтириб қора ўтовга қўндирдилар, қора қўйнинг яхнасидан олдига қўйдилар. Бойинтур хоннинг буйруғи шул, Хоним, дедилар.

Дирса хон деди: Бойинтур хон мандан на ўксуклик кўрди? Қиличимданми, дастурхонимданми? Мендан паст кишиларни оқ ўтовга қўндирди, манинг хатом надирким, қора ўтовга ўтқазди?

Унга айтдилар, Хоним, бугун Бойинтур хон ўз буйруғида кимнинг ўғли-қизи бўлмаса, уни биз ҳам қарғаймиз, деган.

Дирса хон сапчиб туриб: қалқинг, йигитларим, ўрнингиздан тезроқ туринг, бу қаро айб ё мандадур ё хотиндадур, деди.

Дирса хон уйига келди, хотинини ёнига чақирди ва унга қараб бир сўз айтди. Эшитайлик, Хоним, на деган экан:

Бери келгин, бошим бахти, уйим тахти,
Уйдан чиқиб, юрганида сарв бўйлим,
Тўпиғига чирмашгунча қора сочлим,
Эгилган ёй мисол, кел, қора қошлим,
Қўша бодом сиғмайдиган тор оғизлим,
Куз олмасига менгзар ол ёноқлим
Хотиним, тиргагим, шарафлим, келгил.

[1] Ёзиқ — қир, дала.
[2] Ғали — гилам.

«Қўрқут Ота китоби» ҳақида

Дўстлик, биродарлик ҳамма замонлар учун муқаддас тушунчалардан бўлиб келган. Пайдо бўлибдики, барча жамиятларда оддий бир шахсдан тортиб, буюк мутафаккиргача, кичик бир қишлоқдан то бутун мамлакат доирасигача бани инсоният дўстликка топиниб, дўстликка сиғиниб, дўстликни улуғлаб келади.

Лекин одамзот тирикчилигининг қизиқ ўйинларини қарангки, ўзаро икки киши муносабатидан тортиб, каттаю кичик давлатлар аро доимо худди шу муқаддас нарсанинг етишмовчилигидан озор чекамиз. Борлари кўзларга тўтиё, йўқлари дилларга армондир.

Шундай экан, дўстликни, қардошликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳар қандай иш эъзозлидир.

Таржимачилик — қўшқанотли ҳодиса. У бир томондан халқлар аро дўстликни мустаҳкамлайди, иккинчи томондан янги таржима шу асарга эга бўлган халқнинг миллий онгини, маданиятини янада ривожлантиради. Шу маънода ҳар қандай босқичдаги цивилизацияда таржимачиликнинг роли каттадир. Ким билсин, мутаржимларнинг камтарона ва хокисор меҳнати таъсирисиз Ғарбу Шарқдаги Уйғониш даврлари вужудга келармиди, йўқми!

Таржима асарлар шунчаки ўз-ўзидан пайдо бўлмай, бунинг учун ниҳоятда муҳим субъектив ва объектив факторлар, шарт-шароитлар бўлиши зарурлигини ҳам таъкидлаш керак. Биринчидан, жаҳон адабиётининг, айтайлик, мукаммал ва нодир асарини ўз она тилига таржима этмоқ учун, авваламбор, мутаржим ўзидаги ижодий салоҳият нуқтаи назаридан бу ишни амалга ошира олиш даражасига етган бўлиши керак. Иккинчидан, таржима қилинаётган асардаги дард билан таржимон дардлари бир нуқтада учрашган ва уйғунлашган тақдирдагина бу асар янги заминда ўзига хос машъала бўла олади. Учинчидан, бу асар таржима қилинаётган халқ учун муайян хоҳишлар ҳосиласигина эмас, бамисли аслиятдаги каби эҳтиёж фарзанди бўлгани чоғдагина кутилган натижаларни бериши мумкин.

Таниқли шоиримиз Муҳаммад Солиҳ ўзбек тилига ўгирган мазкур «Қўрқут Ота китоби» жаҳон халқлари оғзаки ижодида «Манас», «Алпомиш», «Калевала»лар билан бир сафда туради. Ҳозирги озарбойжон, туркман, турк халқларининг аждодлари бўлмиш Ўрта асрлардаги ўғузлар ҳаёти, тарихи бадиий акс эттирилган бу асарда Ўрта Осиёнинг бошқа туркий халқлари ҳаётига муштарак бўлган манзаралар, элементлар ҳам мавжуд.

IX-XIV асрлар мобайнида яратилиб, XV асрда тартиб берилган, ўн икки ҳикоятдан ташкил топган мазкур асарда бу даврдан аввалги босқичларга, хусусан, исломгача бўлган тарихга оид туркий халқларнинг ҳаёти, этник ҳодисалар ҳам ўз ифодасини топган.

Достон бошидан охиригача қаҳрамонлик пафоси ҳукм суради. Шу маънода у қўрқоқлик, ношудлик, сотқинлик, худбинлик ва ҳар қандай зўравонликларга қарши айбномадай ўқилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биласанми нелар бўлди? Хон Бойинтур қалқмиш, бир жойга оқ ўтов, бир жойга қизил ўтов, бир жойга қора ўтов тиктирмиш. Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга, ўғли-қизи бўлмаганни қора ўтовга қўндиринг, қора кигиз тўшаб, қора қўй яхнасидан олдига қўйингиз, еса есин, емаса кетсин, кимнингки, ўғли-қизи бўлмаса, эгам уни қарғагандир, биз ҳам қарғармиз, демиш. Ман борсам, мани қаршилаб, қора ўтовга киритдилар, қора кигизни тўшадилар, қора қўйнинг яхнасини олдимга қўйиб, ўғли-қизи йўқларни биз ҳам қарғармиз, шуни билгин, дедилар. Қани айт-чи, сандами, мандами айб, қодир эгам бизга бир ўғил бермас, деди. Ғазаб билан хотинига яна бир сўз айтди:

Хон қизи, ўрнимдан турайинми,
Ёқангдан, бўйнингдан тутайинми,
Оғир ўкчам[1] остига солайинми,
Пўлат қиличим қўлга олайинми,
Гавдангдан бошингни узайинми,
Жон ширинлигин кўрсатайинми,
Ол қонингни ер юзина тўкайинми,
Хон қизи, сабаб на, гапир манга
Қаттиқ ғазаб сочарман энди санга.

Шундай дегач, Дирса хон хотинининг қаҳри келди, қора қийма кўзларига қонли ёш тўлди ва деди: Хоним, на мандандир, на сандан, устимизда қойим турган ёзиқдандир деб, бир сўз сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан: Ҳей Дирса хон, манга ғазаб этма, инжилиб аччиқ сўзлар айтма. Қалқибон, о, Дирса хон ўрнингдан тур, ола чодирларинг тик ер юзига; отдан — айғир, туядан — бўғро, қўйдан — қўчқор сўйдир, Ич Ўғуз, Таш Ўғуз бекларини чақир; оч кўрсанг тўйдир, яланғоч кўрсанг кийинтир; қарздорнинг қарзидан қутқаргил, тепадай гўшт йиғ, кўл каби қимиз соғдир; катта тўй бер, ҳожат айла, ўйлаким, бир оғзи дуолининг олқиши-ла эгам бизга бир ўғлон берар, деди.

Дирса хон заифанинг сўзи ила тўй берди, ҳожат тилади. Отдан — айғир, туядан — бўғро, қўйдан қўчқор сўйдирди. Ич Ўғуз, Таш Ўғуз бекларини уйига чақирди; оч кўрса тўйдирди, яланғоч кўрса кийинтирди; қарздорни қарзидан қутқазди, тепадай гўшт йиғди, кўл каби қимиз соғдирди. Эл тўпланиб, ҳожат тилади, бир оғзи дуолининг олқишига қодир эгам бир жужуқ берди, хотини ҳомила бўлди.

Бир неча муддатдан сўнгра бир ўғлон туғилди, уни дояларга беришди, тарбиялашди. Отнинг оёғи машҳур, шоирнинг — тили: ойлар, йиллар кеча ўғлон ўсар; ўғлон беш ёшига кирди, ўғлоннинг отаси бир кун кўчиб, Бойинтур хон ўрдасига қўшилди. Лекин, Хоним, Бойинтур хоннинг бир буқаси ва бир асов туяси бор эди, ул буқа қаттиқ тошни тепса, тош унга айланарди. Бир ёзда, бир кузда ул буқа билан ўша туяни уриштирар эдилар. Бойинтур хон азамат Ўғуз беклари ила томоша қилишарди, сайр этишарди.

Шундай қилиб, Султоним, ёз келиб, буқани саройдан чиқардилар. Уч киши ўнг ёнидан, уч киши сўл ёнидан темир занжир ила буқани тутган эдилар. Опкелиб, майдон ўртасига қўйиб юбордилар.

Шунда, Султоним, Дирса хоннинг ўғли ва яна учта бек ўғли майдонда ўйнаб юрган эди. Буқани қўйиб юборганлар ўғилларга қоч дейишди.

Ул уч ўғлон қочди. Дирса хоннинг ўғли қочмади, оқ майдоннинг ўртасида боқди, турди.

Ўғлон буқанинг манглайига қаттиқ урди.
Уриб-уриб майдон четига чиқарди.
Буқа билан ўғлон яна жангга кирди.
Хон Бойинтур томоша қиларди.

Буқанинг икки кураги ўртасидан кўпик чиқди, на ўғлон буқани енгди, на буқа ўғлонни.

Ўғлон фикр айлаб, бир сўз айтди: бир уйга тиргак тирарларким, тиргак таянч бўлур, агар тиргакни олсалар, бу уй йиқилур, деди ва буқанинг манглайидан муштини олган эди, буқа оёқ устида туролмади, гурсиллаб йиқилди.

Ўғлон пичоғига қўл урди, буқанинг бошини кесди.

Ўғуз беклари келиб, ўғлонни ўраб олишди, таҳсин ўқишди.

Қўрқут Ота келсин, бу ўғлонга от қўйсин, бирга бориб,

[1] Ўкча — пошна.

Эпоснинг рус тилидаги тўла нашри 1962 йилда машҳур рус олими В. В. Бартольд қўлёзмалари асосида совет академиклари К. М. Жирмунский ва А. Н. Кононовлар томонидан амалга оширилган. Озарбойжонда эса, «Қўрқут Ота китоби» 1939 йилдан бери нашр этиб келинади.

Китобда юқори синф манфаатларини ҳимоя қилувчи ғоялар, ислом дини идеологиясини тарғиб қилувчи фикрлар, мусулмонларнинг ғайри-динларга қарши курашини ва юришини ҳамда бунинг аксини тасвирловчи эпизодлар оз эмас. Бу нарсаларни ҳозирги ўқувчи асар яратилган давр ва унинг мафкурасидан келиб чиқиб баҳоламоғи, уларга тарихийлик нуқтаи назардан муносабатда бўлмоғи керак. Зеро, китобнинг қимматини улар белгиламайди.

Асарнинг айрим саҳифаларида «ғаюр», «ғайридин», «алайҳиссалом» каби диний терминлар ва сўзлар учраши табиий. Бундан ислом ғоялари тарғиб қилиняпти, деган маъно келиб чиқмаслиги керак. Асло бундай эмас. Эпоснинг бош мақсади қаҳрамонликка чорловдир. Зеро, академик Ҳамид Орасли таъкидлаганидек, «Бу достонда ислом динининг таъсири оздир... Унда инсонлар оллоҳдан кўра табиатга иноний, табиат кучларига эътиқод боғлаганлар». Асарда асосан Ўғуз ўғлонлари билан бир қаторда аёлларнинг ҳам журъат ва жасоратларини кўрсатишга, оила ҳамжиҳатлиги ва муҳаббат адоларининг гўзаллигини куйлашга асарда алоҳида эътибор берилади.

Қўрқут Ота китобнинг бош қаҳрамони эмас. Лекин унинг фикрлари, фикрларининг тимсоли, жами ҳодисалар ва қаҳрамонлар тақдирида тутган ўрнига кўра у бутун асарни бирлаштириб турувчи қаҳрамон ролини ўйнайди. Қўрқут Ота хон, бекларгина эмас, халқнинг ҳам доно маслаҳатчиси. У бамисоли адолат тимсоли, рўёбга чиқажак орзулар даракчиси, бахт ва бахтсизликни олдиндан айтиб берувчи закий. Шу маънода у Шарқ ва Ғарбдаги жаҳон халқлари оғзаки ижоди қаҳрамонлари Хизр ва Эзопни хотирамизга келтиргандек бўлади. Эзопга ўхшаб Қўрқут Отани ҳам айрим тарихчи олимлар тарихий шахс бўлганини айтадилар. Ҳатто унинг ҳозирги Қозоғистон территориясидаги қабри туширилган фотосуратлар мавжуд. Айрим манбаларда уни ҳатто деярли уч юз йил яшаган тарихий шахс деб кўрсатадилар. Рашидиддин, Абулғози сингари машҳур тарихчилар, Навоий сингари буюк санъаткорлар у ҳақда ҳаяжонли фикрлар айтишган.

Мазкур китобда ҳам Қўрқут Отанинг ўзи ўлмас, абадий ҳаёт қолувчи қаҳрамон сифатида талқин қилинади. Бу аслида мазкур асарни яратувчи халқ орзуларининг ифодасидир.

Қўрқут Ота — шоир, бахши. Шуниси эътиборлики, халқ ўзининг энг муқаддас орзу-умидларини шоирга, бахшига топширади, унга ишонади. Муаммоларга жавобни хондан, бекдан эмас, асосан, шоиридан кутади. Бу асарни яратувчи халқ тушунчасича, бахши — муқаддас одам. Қўрқут Ота ўғузлардан чиққан биринчи оқин, у билмаган нарса йўқ, неки айтса вожиб бўлурди, деб деярли илоҳийлаштирилиши сабаби шундан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

отасидан ўғлонга беклик сўрасин, тахт олиб берсин дейишди. Шундай қилиб, Қўрқут Отани чақирдилар, у келиб, ўғлонни отасининг ёнига олиб борди.

Қўрқут Ота ўғлоннинг отасига сўйламиш, эшитайлик-чи, на сўйламиш: Ҳей Дирса хон, ўғлона беклик бергил, тахт бергил — у лойиқдир; бўйни узун бадавий от бер бу ўғлона, отли бўлсин — ҳунарлидир; бир туман қўй бер бу ўғлона, қўйлиқўзили бўлсин — ишбилармондир; бир қизил туя бер ўғлона, юкли бўлсин — тадбиркор у; олтин туғли уй бер бу ўғлона, сояли бўлсин — у лойиқдир; қуш расми битилган жубба тўн бергил бу ўғлона, кияр бўлсин — савлатлидир. Бойинтур хоннинг майдонида бу ўғлон жанг қилмишдир, бир буқани ўлдирмишдир, санинг ўғлинг оти Бўғоч хон бўлсин. Отини ман бердим, ёшини эгам берсин, деди.

Дирса ўғлига беклик берди, тахт берди. Ўғлон тахтга чиқиб, отасининг қирқ йигитига ёқмади. Ул қирқ йигити ҳасад билан дедилар: Бу ўғлон майдонга чиқиб, Дирса хоннинг бизга назари ўксук бўлди. Келинглар, бу ўғлонни отасига ёмонлайлик, ўйлаким, бебош бу ўғлонни ўлдирар. Шундан сўнг иззатимиз, ҳурматимиз унинг отаси олдида ортиқ бўлажак.

Бу қирқ йигитнинг йигирмаси бир ёнга, йигирмаси иккинчи ёнга ажралиб, икки гуруҳга бўлиндилар. Аввал биринчи гуруҳ бориб, Дирса хонга шундай хабар етказди: Билармисан, Дирса хон, налар бўлди? Ёримасин,ёлчимасин санинг ўғлинг — нонкўр чиқди, ярамас чиқди; қирқ йигитни ёнига олиб, ғўч ўғузларнинг устига ҳужум қилди. Қаерда яхши нарса бўлса тортиб олди. Оқ соқолли хўжанинг оғзига сўкди. Оқ сочли кампирнинг сочини юлди... Хуллас, оққан тоза сувлардан хатар кечиб, эгри-бугри тоғлар оша хабар етса, хонлар хони Бойинтурга, «Дирса хоннинг ўғли ярамас бидъат ишлар қилмоқда», десалар, санинг беклар ичида тирик кезганингдан, ўлганинг яхши, дедилар. Бойинтур хон сани чақирар, ғазабига дучор бўласан, дедилар. Бундай ўғил санга на керак, бундай ўғилнинг бўлганидан бўлмагани яхши, ўлдирсанг-чи, дедилар. Дирса хон, боринг, опкелинг ул ўғлонни, ўлдираман, деди. У номардлар айтур: Бу санинг ўғлингни қандай келтирамиз, санинг ўғлинг бизнинг сўзимизни олмас, бизнинг айтганимиз билан бу ёққа келмас, дейишди. Шундан кейин, Хоним, ўша номардларнинг қолган йигирмаси пайдо бўлди. Улар яна бир мишмиш етказдилар. Улар айтур: Дирса хон, санинг ўғлинг бош кўтарди. Кўксув — гўзал улкан тоққа овга чиқди. Ов овлади, қуш қушлади. Онасининг ёнига олиб келди. Қирмизи шаробингни олди, ичди. Онаси билан суҳбат айлади, отасига қасд айлади, қўл кўтарди, санинг ўғлинг, нонкўр чиқди, ярамас чиқди. Эгри-тўғри тоғлар оша хабар кечар, хонлар хони Бойинтурга хабар етар; Дирса хоннинг ўғли ёмон ишлар қилганмиш, деб айтар. Бойинтур хон санга қаттиқ ғазаб айлар. Бундай ўғил санга нега керак, ўлдирсанг-чи, дейишди.

Дирса хон айтур: Боринг, келтиринг, ўлдирурман, бундай ўғил манга керакмас, деб. Дирса хоннинг навкарлари айтур: Биз санинг ўғлингни қандай келтирурмиз? Санинг ўғлинг, бизнинг сўзимизни олмас, бизнинг гапимиз ила келмас. Қалқибон санинг ўзинг оёққа тур, йигитларингни тўпла, ёнингга ол, ўғлингни аврагил, у билан бирга овга чиқ, қуш учириб ов овлаб, ўғлингни ғафлатда қолдиру ўлдир. Агар шундай ўлдирмасанг бошқача ўлдиролмайсан, билиб қўйгил.

Салқин-салқин тонг еллари эсганида
Соқолли бўз тўрғайлар сайраганида
Узун соқол Тот эри азон айтган чоғда
Бадавий от изин кўриб йиғлаганда
Оқу қора ажралган бир ғира-ширада
Кўксув, гўзал тоғларга кун текканда
Бек йигитлар, баҳодирлар
Бир-бирига от қўйган онда...

Тонг маҳали Дирса хон оёққа турди. Ўғлини ёнига олиб, қирқ йигити билан овга чиқди.

Ов овладилар, қуш қушладилар. Ул қирқ номардларнинг бир гуруҳи ўғлоннинг ёнига келиб айтдилар: Отанг кийикларни қувиб, манинг ёнимга келсин ва кўз олдимда уларни отсин. Ўғлимнинг от суришин, қилич чопишин, ўқ узишин кўрайин, севайин, қувонайин, деди. Ўғлон на билсин, уларнинг сўзини тўғри тушунди. Кийикни қувиб, отаси томонга йўналди. Отаси-

---

Асардаги ҳикоятларда хон ва бекларнинг юришлари, овга чиқиш эпизодлари, катта-катта зиёфатлар тасвирига кенг ўрин ажратилади, халқ ҳаётини, унинг ичидан етишиб чиққан оддий кишиларни кўрсатиш оз. Лекин бундан қатъи назар, биз мазкур манзараларга халқ нигоҳи орқали қараш имкониятига эга бўламиз. Зеро, бу эпизодлар халқни эзиб келган юқори синф ҳаётининг тантанавор картиналари ҳақида анча тўлиқ тасаввур беради.

Китобда халқ вакили мутлақо кўрсатилмаган, дейиш ҳам унчалик ўринли эмасдир. Масалан, асарда душманга қарши курашда садоқат, ватанпарварлик ва жасорат намуналарини кўрсатган чўпон образи бор. Бек душманни шу чўпон бўлмаганда енголмас экан-да, деб ўйламасинлар учун уни ўринсиз жазолаш эпизодида айниқса халқнинг бекка ва ўз ичидан чиққан қаҳрамонига муносабати очиқ кўринади.

«Қўрқут Ота китоби» наср ва назмда ёзилган. У халқ бадиий ижодининг ёдгорлиги сифатидаги қимматидан ташқари, туркий халқлар прозаси ва поэзиясининг Ўрта асрлардаги дастлабки муҳим манбаларидан биридир. Унда «Девони луғатит-турк» ва «Қутадғу билиг»даги поэтик фикрлаш услубининг маълум излари сезилади. Воқеалар баёни асосан насрда, қаҳрамонлар эмоцияси, нутқи эса, назмда берилишига кўра «Қўрқут Ота китоби»нинг яратувчилари асар структурасида эпик ва лирик асоснинг ўрни ва аҳамиятини чуқур, нозик тушунганлар, деган хулосага келиш мумкин. Наср қўлланилган ўринларда ҳам ўқтин-ўқтин саъж санъатига мурожаат этилиши асар поэтикасидаги таъсирчанликни янада оширади. Китобдаги шеърий парчаларда қофияга доим ҳам амал қилинавермаслик, асосан, фикрга урғу берилиб, бўғинлар саноғидаги эркинликка интилиш ҳозирги сарбаст шеърларимиз илдизини фақат ғарбдан эмас, туркий халқлар маданияти тарихидан ҳам излаш мумкинлигини кўрсатади.

Китобнинг ҳам наср, ҳам назмда қўлланган ихчам, қисқа ва лўнда, ортиқча тайёргарлик ва экспозицияларсиз фикрлаш услуби таржимоннинг ўз услубига ҳам айнан мос келади. Бу эса, таржима муваффақиятини белгилашга замин бўлади. Таржимада Муҳаммад Солиҳ энг асосийси, давр руҳини, аждодларимизнинг фикрлаш йўсинидаги ўзига хосликларни адекват беришга муваффақ бўлади. Тўғри, таржимада баъзан ҳозирги англанилиши қийин, эски туркий сўзлар қўлланилиб, шу эпизодларни тушунишни бир оз қийинлаштиради, баъзан эса, шу куннинг ниҳоятда оддий сўз ва ибораларига берилиб кетиб, тарихий муҳит бирмунча жўнлашгандек тасаввур қолдиради. Лекин бу камчиликлар таржимага яхлит характерли эмас.

Шу нуқтаи назардан қаралганда «Қўрқут Ота китоби»нинг ўзбек тилига таржимаси муваффақият билан бажарилган. У умуман, ҳозирги таржимачилигимизнинг жиддий ютуғи сифатида баҳолана олади.

Бахтиёр Назаров

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг кўзи олдида кийикка ўқ ота бошлади. Отам от чоптиришимни кўрсин, қувонсин, ўқ отишимга боқсин, севинсин, қилич олишимга қарасин, шодлансин, деб ўйларди ўғлон.

Ул қирқ номарднинг бири Дирса хонга айтур: Дирса хон, кўряпсанми ўғлонни? Қирда ё боғда кийикни қувар, санинг ёнингга келтирар. Ғофил бўлма, кийикни отган каби, сени отиб ўлдирар. Ўғлинг сани ўлдирмасдан бурун сан ўғлингни ўлдириб қўяқол.

Ўғлон кийикни қувиб, отасининг ёнидан олиб ўтди. Дирса хон кийик томиридан ясалмиш ип тортилган ёйни қўлига олди, узангига оёғини тираб, ип тортди, ўқ узди, ўқ ўғлоннинг икки кураги ўртасига бориб қадалди, қизил қон тўкилди, қўйни қонга тўлди, бадавий отининг бўйнини қучоқлади, ерга тушди.

Дирса хон ўғлининг устига келиб ҳўнграб йиғлади. Ул қирқ номард тарқалди. Дирса хон отининг жиловини буриб, ўрдасига йўл олди.

Дирса хоннинг хотини ўғлининг илк ови шарафига отдан — айғир, туядан — бўғро, қўйдан — қўчқор сўйдирган эди. Азамат Ўғуз бекларини бир тўйлайин, деганди... Ҳовлиқиб ўрнидан турди. Қирқта гўзал қизни ёнига олиб, Дирса хон истиқболига чиқди. Киприкларини кўтариб, Дирса хон юзига боқди. Ўнгига, сўлига қараб, ўғлини излади, ўғлини кўрмади. Қора бағри эзилди, юраклари ўйнади, қора қийма кўзига қонли-қонли ёш тўлди. Нола чекиб Дирса хонга сўйлар, эшитайлик, Хоним, не сўйлар.

Айтур:

Бери келгил,
Бошим бахти, уйим тахти
Хон отамнинг куёви.
Хон онамнинг суйгани,
Отам-онам бергани
Кўзим очиб кўрганим
Кўнгил бериб севганим
Дирса хон
Қалқубон ўғил билан оёққа турдинг
Қора ёлли қозилик отинг бутун миндинг
Кўксув — гўзал, улкан тоққа овга чиқдинг
Икков кетиб, бир келдинг, болам қани!
Чиқсин манинг кўрар кўзим, О, Дирса хон, ёмон учар,
Кесилсин ўғлон эмган сут-томирим — ёмон «жиз»лар.
Сариқ илон чақмади-ку, таним шишар
Елғиз ўғлим кўринмас-ку, бағрим ёнар.
Қуриб қотган ерларга сувчи солдим,
Қора тўнли дарвишга назир бердим
Оч кўрсам тўйдирдим, ялангочни кийинтирдим,
Тепадайин гўшт йиғдим,
Кўл мисоли қимиз соғдирдим
Тилак ила тангридан бир ўғил олдим
Елғиз ўғил хабарин, о, Дирса хон, етказ манга.
Анов ётган ола тоғда бир ўғил учирдик,
Югурук оққан сувга бир ўғил оқиздик, дегил манга
Арслон ила қоплонларга бир ўғил едирдик, дегил манга
Қора тўнли, ғайри динли ёғийларга
бир ўғил олдирдик, дегил манга
Хон отамнинг ёнига ман борайин,
Хазина ва катта лашкар олайин.
Ғайри динли ёғийларга юрайин,
Яраланиб отимдан тушмагунча,
Қизил қоним буткул оқиб бўлмагунча
Парча-парча бўлиб йиқилгунимча
Елғиз ўғлим йўлларидан кетмаяжакман
Елғиз ўғил хабарин, о, Дирса хон, етказ манга
Қора бошим қурбон бўлсин бу кун санга,

дея зор йиғлади. Лекин Дирса хон хотинига жавоб бермади Дирса хоннинг ўша номард қирқ йигити хотинга жавоб айтдилар: Ўғлон соғдир, омондир, овдадир, эрта тонготарда келар, қўрқма, қайғурма, бек сархушдир, шунинг учун жавоб бермас.

Дирса хоннинг хотини ўзини босди, уйга кирди. Аммо қаноатланмади, қалқиб қирқ инжа қизни ёнига олди, бадавий отга миниб, ўғлини излаб кетди. Қирқта инжа қиз-ла қишинёзин қори, музи эримас қозилик тоғига етиб келди. Пасту баландларни кезиб чиқди. Қараса, бир даранинг устида қарғақузғун айланарди, қўнар ва яна кўтариларди.

Бадавий отни ниқтаб, ўша томонга чопди...

Магар, Султоним, ўғлон ўша дарада отдан йиқилганди. Қарға-қузғун қон кўриб, ўғлон устига қўнмоқ истарди. Ўғлоннинг икки кучуги бор эди. Улар қарғаю қузғунни ҳайдаб турардилар. Ўғлон анда йиқилганда яшил тўнли, бўз отли чол ўғлон қошида пайдо бўлди, қўли билан уч қатла ярасини силади. Қўрқма, ўғлон, санга бу ярадан ўлим йўқдир, тоғ чечаги-ла онанг сути ярангга малҳам бўлар, деди ва ғойиб бўлди.

Шу пайт ўғлон ётган жойга онаси етиб келди. Қарасаки, ўғли қизил қонга беланиб ётур, она фарёд этиб ўғлига сўйлар, эшитайлик-чи, Хоним, на сўйлар экан. Айтур:

Қора қийма кўзларинг уйқу олмиш, очгил, болам
Ўн икки инжа суягинг яраланмиш, боғла, болам
Тангри берган тотли жонинг сайрондамиш, ерга тушир,
Гар гавдангда жонинг бўлса, ўғил,
Хабар бергил манга
Қора бошим қурбон бўлсин, ўғил, санга,

деди.

Яна сўйламиш:

Оқар санинг сувларинг қозилик тоғи,
Оқар экан оқмас бўлсин.
Битар санинг майсаларинг, қозилик тоғи,
Битар экан битмас бўлсин.
Қочар санинг кийикларинг, қозилик тоғи
Қочар экан қочмас бўлсин, тошга дўнсин!
Қайдан билай, ўғил, қайдан билай
Арслонданми, қоплонданми келди
Қайдан билай,
Қайдан келди бу қазолар, ўғлим, санга
Гав гавдангда жонинг бўлса, ўғил,
Хабар бергил манга
Қора бошим қурбон бўлсин, ўғил, санга
Ўз тилингдан бир калима айтгил манга,

деди.

Шундай дегач, ўғлоннинг қулоғига сас эшитилди, ўғлон бошини кўтарди, кўзини очди, онасининг юзига боқди. Ва сўзлай бошлади, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур:

Бери келгил,
Оқ сутин эмдирган меҳрибон онам,
Оқ сочли, иззатли жоним онам
Оқаётган сувларни ҳеч қарғамагил,
Қозилик тоғин сувларида гуноҳ йўқдир,
Бу кўкарган ўтлоқларни қарғамагил
Қозилик тоғида айб йўқдир
Қочаётган кийикларни қарғамагил
Уларда ҳам гуноҳ йўқдир
Арслонни, қоплонни қарғамагил
Қозилик тоғининг ҳеч айби йўқ.
Қарғасанг сан отамни қарға
Бу гуноҳ отамдандир,

деди.

Ўғлон яна айтур: Йиғламагил, жоним онам, манга бу ярадан ўлим йўқдир. Қўрқмагил, бўз отли чол манга келди, уч карра ярамни силади, бу ярадан санга ўлим йўқдир, тоғ чечаги, онанг сути санинг ярангга малҳамдир, деди.

Шундай дегач, қирқ инжа қиз ёйилдилар, тоғ чечаги опкелдилар. Ўғлоннинг онаси эмчагин бир сиқди, сути келмади, икки сиқди — сути келмади, учинчи гал қаттиқ сиқди — қони келди, яна сиқди — сут ила қон қоришиб келди.

Тоғ чечаги билан сутни ўғлоннинг ярасига қўйдилар, боғладилар, уни отга миндирдилар, олиб ўрдага кетдилар. Ўғлонни ҳакимларга топшириб, Дирса хондан яширдилар.

Отнинг оёғи чаққон, шоирнинг — тили, Хоним, шундай қилиб, қирқ кунда ўғлоннинг яраси битди, қирқ кунда соппа-соғ бўлди. Ўғлон отга миниб, қилич ушлайдиган бўлди, ов овлаб, қуш қушлайдиган бўлди.

Дирса хоннинг хабари йўқ, ўғлим ўлди деб ўйлар.

Ул қирқ номард ўғлоннинг тириклигини билишди. Бир жойга тўпланиб маслаҳат қилишди: Дирса хон ўлди деб билур, энди нима қиламиз, Дирса хон ўғлонни агар кўрар бўлса, жим тур-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас, бизнинг ҳаммамизни қириб ташлар, дейишди. Келинглар, Дирса хонни ушлайлик, оқ қўлларини боғлайлик, жун чилвирни оқ бўйинга солайлик, олибон душман элларига борайлик, дея, Дирса хонни мастлигида тутдилар, оқ қўлларини ортига боғладилар, жун чилвирни оқ бўйнига солдилар, оқ этидан қон чиққунча сиқдилар. Дирса хон яёв, ўзлари отда юриб, узоқ ғайридинлар элларига қараб йўналдилар.

Дирса хон тутқун бўлиб кетар.

Дирса хоннинг тутқун бўлганидан Ўғуз бекларининг хабари йўқ.

Магар, Султоним, Дирса хоннинг хотини ўғлининг ёнига бориб, бундай сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима сўйлар экан: Кўрурмисан, ой ўғил, нелар бўлди? Чўнг қоялар қилт этмас, ер ўпирилар; элда ёғий йўқ эди, санинг отанг устига ёғий келди. Ул қирқ номард отангнинг йўлдошлари, отангни тутдилар, оқ қўлларини ортига боғладилар, жун чилвирни оқ бўйнига солдилар, ўзлари отда, отангни яёв юритдилар, уни олибон узоқ элларга кетдилар. Хоним ўғли, қалқиб ўрнингдан тургил, қирқ йигитни ёнингга ол, отангни қутқар, бор ўғлим, отанг сани қийса ҳам, сан отангни қиймагил, деди.

Ўғлон онасининг сўзини тинглаб, қабул этди, оёққа турди, Бўғоч бек йўлга отланди: қора пўлатдан ясалган ўткир қиличини белига тақди, оқ қайиндан ясалган ёйини қўлига олди, олтин занжирини эгнига ташлади, бадавий отини эгарлатди, минди; қирқ йигитни ёнига олиб, отасининг ортидан йўртиб кетди, номардларнинг изидан отди, улар кўзга ташлангач, қирқ йигитни пистирмага қўйди, номардлар бир жойга қўниб, роса шароб ичардилар, Бўғоч хон от чоптириб келди.

Ул қирқ номард Бўғоч хонни кўрдилар, бироқ танишмади ва: Келинг, ўша йигитни ҳам тутайлик, иккисини бир қилиб, ғайридинлар элига элтайлик, ўлдирайлик, дедилар.

Дирса хон буни эшитиб, айтур: Қирқ йўлдошим омон, ҳақнинг бирлигига йўқдир гумон. Манинг қўлимни ечинг, қўбизимни қўлимга беринг, ул йигитни ман чақирай, сўнгра, майли, ўлдиринг, керак бўлсам ўлдирманг.

Дирса хоннинг қўлини ечдилар, қўбизни бердилар.

Дирса хон ўз ўғлини танимай, унга қараб бир сўйламиш, эшитайлик, Хоним, не дер экан.

Дирса хон айтур:

Бўйни узун бадавий от кетар бўлса, маникидир,
Сенинг-да мингинг келса, гўзал йигит, айтгил, манга.
Савашмадан, урушлардан олиб берай, айлан, буёққа,
Туман қўйлар кетар бўлса, маники кетар.
Қўй-қўзи керак бўлса, айтгил манга
Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа
Қайда агар қизил туя кетар бўлса, маникидир
Сенинг-да юклашга юкинг бўлса, айтгил манга
Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа.
Олтин туғли бон уйлар кетар бўлса, маникидир
Сенинг-да дам олгинг келса, айтгил манга.
Савашлардан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа.
Оқ юзли, ола кўзли келинлар ҳам манга тобе
Сенинг-да танлаганинг бўлса, йигит, айтгил манга.
Савашмадан, урушлардан олиб берай, айлан буёққа.
Оқ соқолли хўжалар ҳам манга қарар.
Оқ соқолли отанг бўлса, йигит, дарров айтгил манга
Савашлардан, урушлардан қутқарайин, айлан буёққа
Манинг учун келдингиз-а, гўзал йигит,
Ман ўғлимни ўлдирмишам.

Йигит, манга гуноҳкорсан демоқ учун, айлан бу ёққа, деди.

Унинг ўғли Бўғоч хон отасига қараб сўйлабди, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур:

Бўйни узун бадавий отлар кетар бўлса, саникидир.
Манингда от минмоқ истагим бор.
Қолдирмайман қирқ номардга.
Қай томонда қизил туя юрса, саникидир
Манинг-да юклашга юкларим бордир.
Қолдирмайман қирқ номардга.
Туман қўйлар юрар бўлса, саникидир
Манинг-да шишлик егим келар
Қолдирмасман қирқ номардга.
Оқ юзли, ола кўзли келинлар санга тобедир
Манинг-да ичида танлаганим бор
Қолдиргим йўқ қирқ номардга.
Олтин бошли бон уйлар ҳам саникидир
Манинг-да уйларда ўлтиргим бор
Қолдирмасман қирқ номардга.
Оқ соқолли хўжалар ҳам санга тобе
Манинг-да ичимда бир ақли шошган,
Хаёли қочган бир қари отам бордир
Қолдирмасман қирқ номардга,

деди.

Кейин йигитларига имо қилиб, қўл силтади.

Қирқ йигит бадавий отларини ўйнатиб, Бўғоч хон ёнида пайдо бўлдилар.

Ўғлон қирқ йигитга қўшилиб, отга минди. Жанг ва саваш бошлади. Кимнинг бўйнини кесди, кимни тутқун қилди. Отасини қутқарди. Орқасига қайтди. Дирса хон ўғлининг тириклигини энди билди. Ота билан ўғил бир-бирини қучишиб, йиғладилар, бир-бири билан суҳбатлашдилар, сўнгра ўбаларига қайтдилар. Хон қизи йўлга чиқиб Дирса хон билан ўғлини бирга кўрди. Ҳақ таолога шукр этди, қурбонлик айтди, очларни тўйдирди, садақалар берди, ўғлини бағрига босиб, кўзларидан ўпди. Хонлар хони — Бойинтур ўғлонга беклик берди.

Қўрқут Ота бўй бўйлади, сўз сўйлади. Бу Ўғузномани тузди, қўшди, бундай деди: Улар бир дунёга келди-кетди; карвон каби қўнди, кўчди. Уларни ажал олди, ер гизлади . Фоний дунё кимга қолди? Келимли-кетимли дунё, сўнгги учи ўлимли дунё. Қора ўлим келганида йўл беришсин: оқ имондан айирмасин.

Айтганим келсин, Хоним, юксак тоғларинг йиқилмасин. Кўлкаси кенг гужумларинг кесилмасин. Тўлиб оққан шаффоф сувинг қуримасин. Қанотларинг учлари қирқилмасин. Чопар экан, оқ бўз отинг мункимасин. Тортганингда, пўлат қиличинг кертилмасин. Олишганда байроғинг таёғи синмасин. Оқ сочли онанг жойи беҳишт бўлсин. Оқ соқолли отанг жойи осмон бўлсин. Ҳақ ёндирган чироғинг ёнингда турсин. Қодир мухтор сани номардга муҳтож этмасин, Хоним-эй!

Салор Қозоннинг уйи талон-тарож бўлганлиги хусусида баён

Бир куни Улош ўғли, эрларнинг арслони, турли қушнинг эркаси, йўқсул мискин умиди, Амит Суюннинг арслони, Қорачўғнинг қоплони, қўнғир отнинг эгаси, хон Ўрознинг оғаси, Бойинтур хоннинг куёви, ўғузларнинг давлати, ожиз йигитларнинг суянчи Салор хон Қозон ерида турар эди. Тўқсон бошли бон уйларни қора ер узра тиктирган эди. Тўқсон жойга ола ғали, ипак тўшатган эди. Саксон ерда қозонлар кўмилган эди. Олтин аёқлар[2], биллур шишалар тизилган эди. Тўққизта қора кўзли, хўп сувратли, сочи ортига ўрилган, кўксида қизил тугмали, қўллари хинали, бармоқлари нигорли, гўзал ғайридин қизлар улуғ Ўғуз бекларига аёқ тутиб, шароб ичирардилар.

Ичиб-ичиб Улош ўғли Салор Қозоннинг боши айланди. Баҳайбат тизини букиб, сўз бошлади: Гапим англанг беклар, сўзим тингланг беклар; ёта-ёта ёнбошимиз оғриди, тура-тура белимиз қуриди. Юринглар, эй, беклар, ов овлаймиз, қуш қушлаймиз, кийик отамиз, кейин ўтовимизга қайтиб еймиз, ичамиз, маишат қиламиз.

Қиён Салжуқ ўғли Дали Дундор айтди: Балли, хон Қозон, тўғри айтдинг.

Қора Кўна ўғли Қора Будоғ айтди: Оғам Қозон, тўғри айтдинг.

Улар шундай дегач, отоғизли Ўроз Хўжа чўккалаб ўтириб: Оғам Қозон, тўғри айтдинг, аммо бўлак динли элнинг нақ оғзида ўтирибмиз, ўрдангда ким қолади, деди.

Қозон айтур: Уч юз йигити билан ўғлим Ўроз менинг уйимни қўриқласин. Сўнгра қўнғир отини минди, ёнида улуғ Ўғуз беклари ҳам отга миндилар.

Манглайи қашқа отига Дундор минди.

Кўк бадавий отини эгарлатиб, Қозон бекнинг қариндоши Қора Кўна минди.

Оқ бедовини эгарлатиб, Бойинтур хоннинг ёғийсини енгган Шер Шамсиддин минди.

Борасорин Бойбурт ҳисориндан порлаб учган бўз отига минди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қўнғир отли Қозонга ўзини бағишлаган бек Яганак тўриқ айғир минди.

Санай берсам адо бўлмас, улуғ Ўғуз беклари минди.

Ола тоққа ола лашкар ила Қозон овга чиқди.

Улар изидан ғаюрларнинг жосуси борди, душманлар бошлиғи Шўқли Маликка хабар етказди.

Кафтанининг орти очиқ, қора сочи ўртадан очиқ, ғайри динли, олача отли етти минг қорача аскар отга минди. Тун ярмида Қозон бекнинг ўрдасига келди. Олтин бон уйларини ғайридинлар чопишди, қор мисоли оппоқ қиз ва келинларини фарёд чекдирдилар. Қатор-қатор шаҳбоз отларга минишди. Қатор-қатор қизил туяларни тутишди, оғир хазинасини, кўплаб ақчасини талон-тарож этди. Қирқ инжабелли қизлари-ла узун бўйли Бўрла Хотун асир кетди. Қозон бекнинг қариган онаси қора туя бўйнига осилиб кетди. Хон Қозоннинг ўғли Ўроз бек қирқ йигити билан қўли боғлиқ, бўйни боғлиқ асир кетди. Эйлик Хўжа ўғли Сариқ Қулмош Қозон бекнинг уйи учун шаҳид бўлди.

Қозоннинг бу ишларидан хабари йўқ.

Ғайридин такбир айтур: Беклар, Қозон учун ажаб иш бўлди; моли-мулкини, уйини, ўғлини, ўрма сочли қари онасини биз қўлга киритдик; қатор-қатор шаҳбоз отларини миндик, олтин ақчасини таладик; қирқ йигити билан ўғли Ўрозни тутқун этдик, саф-саф туяларини олдик, қирқта инжабелли қизга қўшиб Қозоннинг ҳалолини олдик, Қозонга биз шундай жабр ўтказдик.

Бир ғаюр айтур: Қозон бекка яна бир зулм этайлик. Шўқли Малик сўрар, яна нима қолди, деб. Ёғий айтур: Қозоннинг Қопилар Дарбенди олдида ўн минг қўйи бор, шу қўйларни ҳам ола кетсак, Қозонга катта зарба бўлар эди.

Шўқли Малик айтур: Олти юз киши борсин, шу қўйларни ҳайдаб олиб келсин.

Олти юз отлиқ дарров йўлга отланди, қўйлар турган жойга борди. Кеча ётиб, Қарочиқ чўпон бир қайғули туш кўрди, уйқусидан уйғонди, сапчиб турди. Қиён Кучу, Дамир Кучу деган икки қариндошини ёнига олди, оғилнинг эшигини бекитди, уч ерга тепадай тош уйди, қўлига палаҳмонини олди.

Ногаҳондан Қорачиқ чўпон қаршисида юз отлиқ ғайридин пайдо бўлди. Бири айтур:

Қоронғи оқшом тушганда қайғули чўпон
Қор ила ёмғур ёққанда чакмонли чўпон
Сути ва чўраги қаймоқли чўпон.

Тунда бориб, биз Қозон бекнинг олтин бон уйларини йиқдик, қатор-қатор шаҳбоз отларини миндик, саф-саф қизил туяларини бўлиб олдик, қари онасини қўлга туширдик, оғир хазина, бор ақчаларини биз талон-тарож қилдик; қорга менгзар қизу келинларини биз асир этдик, қирқ йигити билан Қозоннинг жигарбанди бўлмиш Ўроз бекни тутқун этдик; қирқта инжабелли қизлар бирла Қозоннинг ҳалоли бўлмиш Бурла Хотунни тутиб олдик. Ҳей, чўпон, йироғингдан-яқинингдан бери келгил, бош эгиб, бағир босгил, бизга салом бергил, сани ўлдирмасмиз, Шўқли Маликка сани олиб борамиз, санга беклик олиб берамиз, дедилар.

Чўпон айтур:

Йироғингдан яқинингдан бери келгил, йигитларинг кучин кўргил. Душманлар буни эшитган замон, кутилмаганда от қўйдилар, ўқ уздилар.

Мардлар марди Қарочиқ чўпон палаҳмонига тош солди, отди. Бир отди, ғайридиннинг иккисини йиқди, икки отди, учтаси, тўрттаси йиқилди. Ғаюрларнинг кўксига қўрқув тушди. Қарочиқ чўпон ғайридиннинг уч юзтасини палаҳмон тоши ила ҳалок этди. Икки қариндошига ўқ тегиб, шаҳид бўлдилар.

Қарочиқ чўпоннинг тоши тугади. Қўй демай, эчки демай, палаҳмонига солиб отди ва ҳар отганда ёғийларнинг тўрт-бешини қулатди. Ғайридиннинг кўзи қўрқди, олам кўзига қоронғи бўлди. Айтдилар: Еримасин, ёлчимасин бу чўпон, бизнинг ҳаммамизни қириб ташлайди-ку, дея, изига қарамай қочдилар.

Қарочиқ чўпон шаҳид қариндошларининг ўчини олди. Ғайридинлар лошидан бир катта тепа қилди, унинг ўзи ҳам яраланган эди, бўркасининг бир парчасини олиб, чақмоқ чақиб қуйдирди. Қурумини ярасига босди. Йўлнинг канорида йиғлади, сиқтади. Айтур:

Салор Қозон, бек Қозон, ўликмисан, тирикмисан, бу ишлардан хабаринг борми, дебди.

Аслида, Хоним, бу тарафда у кеча улуғ Ўғузнинг давлати,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бойинтур хоннинг куёви Улош ўғли Салор Қозон бек ухлаб ётиб бир ёмон қайғули туш кўрди, қўрқиб, ўрнидан турди. Айтур:

Беклар, қора-қура туш кўрдим, билурмисан Қора Кўна, тушимда нени кўрдим? Қора қайғули воқеа кўрдим. Қўлимда менинг шоҳон қушим талпинар кўрдим; кўкдаги оқ йилдирим менинг бон уйим узра чиққанини кўрдим, тим қора булут уйимнинг устига қўнганини ва ёмғир ёққанини кўрдим, кутурган бўрилар уйимни талаганини кўрдим, қора туя энсамдан тишлаганини кўрдим, манинг қалин қора сочим узайганини кўрдим, узайиб кўзимни ёпганини кўрдим, қўлимдаги ўн бармоғимни қонда кўрдим, кейин ухламадим, шундан бери ақлим ўзимда эмас. Хоним, бу тушимни таъбирлаб бергил, деди.

Қора Кўна айтур: Қардош, қора булут деганинг санинг давлатингдир; қор ила ёмғир деганинг санинг лашкарингдир; соч — қайғудир; қон — тақдирдир, қолганини йўрай билмасман, эгамнинг ўзи йўрасин.

Шундай дегач, Қозон айтур: Манинг уйимни бузма қардош, доғийма қардош; ман бугун отга минарман, уч кунлик йўлни бир кунда кечарман, юртимга етиб борурман. Агар уйим тинч бўлса ман яна қайтиб келурман. Ўрдам тинч бўлсин десанглар, сиз ҳам ўз чорангизни кўринг, ман кетдим деди, қўнғир отини қамчилади. Қозон бек йўлга тушди. Юра-юра юртига етиб келди, кўрдиким, юртида қушлардан фақат қузғун қолмиш, санқиб юрган тозилар қолмиш.

Қозон бек юртидан ҳол сўраб, сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан.

Қозон айтур:

Қавм қабилам манинг, азиз юртим
Қулон ила кийикларга қўшни юртим
Олача отли ғаюрлардан четда юртим
Санга ёғий қайдан келди гўзал юртим.
Оқ чодирим тикилганди, ўрни қолмиш,
Қари онам ўтирган уй ўрни қолмиш.
Ўғлим Ўроз ўқларидан нишон қолмиш
Қора қозон қурилган-у, ўчоқ қолмиш.

Бу ҳолни кўрган Қозон бекнинг қора кўзларидан қонли ёш оқди, томирларида қон қайнади, қора бағри эзилди, ғаш юраги ўйнади, қўнғир отини ниқтади, ғаюр кетган йўлга чиқди.

Қозон бекнинг олдидан сув чиқди. Қозон бек айтур: Сув Ҳақ дийдорини кўрар, ман бу сувга ўз аҳволимни сўзлаб берай, деди.

Эшитайлик, Хоним, нима дер экан. Қозон бек айтур:

Шилдир-шилдир қоялардан оққан сув
Улкан ёғоч кемаларни ўйнатган сув
Ҳасан ила Ҳусаннинг ҳазрати сув
Боғлар билан бўстонларнинг зийнати сув
Шаҳбоз отлар ташналигин қондирган сув
Оқ қўйларнинг теварагин ўраган сув
Ўрдамнинг хабарин билармисан, айт манга
Қора бошим қурбон бўлсин сувим санга,

деди.

Ва сувдан жавоб кутмай, йўлида давом этди. Шу пайт йўлда бир бўрига дуч келди. Бўрининг юзи муборакдир, у билан бир дардлашай, деди. Эшитайлик-чи, Хоним, нима дард экан. Қозон айтур:

Қоронғи оқшом тушганда куни туққан
Қор ила ёмғир ёққанда эр каби турган
Қорабайир отни кўрса кишнайтирган
Қизил туяларни кўрса, бўкиртирган
Қўйни кўрса, думини қамчидай урган
Эркагин, семизин олиб қочган
Ўмрови-ла берк оғилнинг ортин тешган
Семиз қўйни тутиб олиб,
Қуйруғин узиб олиб, «чап-чап» ютган
Овози кўппакларга қўрқув солган
Ўт ёқтириб чўпонларни зир югуртган
Жунлари юлинган ҳей, кулранг бўри
Ўрдамнинг хабарин биласанми, айтгил манга
Қора бошим қурбон бўлсин бўрим, санга,

деди.

Ва бўрининг ҳам жавобини кутиб ўтирмай, йўлида давом этди. Йўлда Қарочиқ чўпоннинг қора кўппаги дуч келди. Қозон бек уни ҳам сўроқлаб, бошлади. Айтур:

Қоронғи оқшом тушганда «вов-вов» ҳурган
Аччиқ айрон тўкилганда «чак-чак» ичган
Кеча ўғри келганда ғавғо этган
Тунги орсизларга қўрқувлар солган
Ўрдам хабарин билармисан, айтгил манга
Қора бошим соғ бўлса, яхшилик этарман санга,

деди.

Кўппак Қозон бекнинг оти оёғига суйкалар, «ғинг-ғинг» ғингшир. Қозон кўппакдан аччиқланиб, уни бир хивич билан урди. Кўппак ғингшиганча ортга ташланди ва қаёққадир кета бошлади.

Қозон кўппакнинг ортига тушди, уни қувлаб Қарочиқ чўпоннинг ёнига келди. Қозон Қарочиқ чўпонни кўриб, ҳол-аҳвол сўради. Эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Қозон айтур:

Қоронғи оқшом тушганда қайғули чўпон
Қор ила ёмғир ёққанда чақмоқли чўпон
Овозим англа, сўзим тингла
Олача отли қорача ғаюр ўрдамни талабди-ку
Бундан ўтдими у, кўрмадингми!
Оқ бон уйим шундан кечмиш
Кўрмадингми, айтгил манга
Қора бошим қурбон бўлсин чўпон санга,

деди.

Чўпон айтур: Ҳой, ақли шошган, давлати қочган, қора қайғулар бошига тушган, ўликмидинг, тирикмидинг, о, Қозон, қаердайдинг? Қайси томонларга кетдинг? Қаерларда юрибсан, Қозон? Олача отли, қорача ғайридин оқ бон уйинг талаб кетмиш; узун бўйли Бурла Хотунни асир этмиш; жигарранг, умринг ҳосили Ўроз ўғлингни тутқун қилмиш; бундан бир кун олдин оқ бон уйинг шу ердан ўтди; қари онанг қора туя бўйнида осилиб кетди, қирқ инжабелли қиз ила ҳалолинг бўлмиш бўйни узун Бурла Хотун ғаюрнинг кўзи олдида йиғлай-йиғлай шундан ўтди; қирқ йигити билан бекзодалар ичинда кўркли, кўзинг олдини ўғлинг Ўроз бўйни боғлиқ, боши очиқ, оёқяланг ғайридинларнинг қўлида асир кетди. Қатор-қатор шаҳбоз отларингни ғайридин минмиш; саф-саф қизил туяларингга ғайридин чиқмиш, олтин ақча ва хазинангни ғайридин олмиш, кўрдим, деди.

Чўпон шундай дегач, Қозон оҳ урди. Ақли бошидан учди. Дунё кўзига қоронғи бўлди. Айтур: Оғзинг қурсин чўпон, тилинг чирисин чўпон, тангри санинг пешонангга лаънат ёзмиш, чўпон.

Қозон шундай дегач, чўпон айтур:

На азоблайсан мани, оғам Қозон,
Ёки кўкрагингда йўқмидир имон!!

Олти юз ёғий устимга бостириб келди. Икки қариндошим шаҳид бўлди. Уч юз ғайридинни ўлдирдим, маҳв этдим. Санинг оғилингдан бирор қўйни уларга бермадим. Уч еримдан яраландим. Қора бошим айланди, ёлғиз қолдим йўлингда, гуноҳим шумидир, деди.

Чўпон айтур:

Қўнғир отинг, оғам Қозон, бергил манга,
Олтмиш тутам туғлигингни бергил манга
Оп-олача қалқонингни бергил манга
Қора пўлат шамширингни бергил манга
Садоқдаги саксон ўқинг бергил манга
Ипи оқ ипакдан камонинг бергил манга
Ёғийга ман борайин
Янгидан туққанин ман ўлдирайин
Енгим билан қизил қоним ман қуритайин
Ўлар бўлсанг, ўрнингга ман ўлайин
Оллоҳ таоло асраса
Борайин, ғаюрдан уйинг олайин.

деди.

Чўпон шундай дегач, Қозоннинг қаҳри келди, олдга қараб кетаверди.

Чўпон яна Қозоннинг изидан етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозон қайрилиб қаради, деди: Ўғил чўпон, қайга юрурсан?

Чўпон айтур: Оғам Қозон, сен уйингни қутқармоққа, мен қариндошларим ўчини олмоққа борурман, деди.

Шундай дегач, Қозон айтур: Ўғил чўпон, қорним очдир, бирор нарсанг борми емакка, деди.

Чўпон айтур: Балли, оғам Қозон, кеча бир қўзини қовурган эдим, марҳамат қил, мана шу дарахт тагида ўшани ейлик, деди.

Ўтирдилар, чўпон чарм тўрвасидан гўшт чиқарди, Қозон чўпон билан уни еди...

Қозон фикр айлади: Агар чўпон билан ғайридиннинг устига борсам улуғ Ўғуз беклари мени шарманда қилар, чўпон билан бормаса уларни ололмасди, деб маломатга қўяди, деб ўйлади. Қозоннинг ғайрати қўзиди. Чўпонни бир баҳайбат оғочга қаттиқ боғлади ва йўлга отланди.

Чўпон айтур: Оғам Қозон мани нега боғлаяпсан, деди.

Қозон айтур: Уйимни қутқарайин, сўнгра сени қўйвораман, деди.

Кейин бақирди: Ҳой, чўпон, қорнинг очиб, силланг қуримасдан аввал, кўз олдинг қоронғилашмасдан туриб, бу оғочни қўпоришга урин, йўқса, сани бўрилар, қушлар еб кетади, деди ва кета бошлади.

Қарочиқ чўпон бир юлқинди, баҳайбат дарахт ер билан бирга суғурилиб чиқди, уни орқалаганча, Қозон бекнинг изидан тушди.

Қозон бек ўгирилиб кўрдики, чўпон оғочни орқалаб келур. Қозон айтур: Ҳей, чўпон, бу оғоч на оғочдир?

Чўпон айтур: Оғам Қозон, бу оғоч шундай оғочдирким, сан ғайридинни босганингда қорнинг очиқар, ман санга бу оғочни ёқиб овқат пиширурман, деди.

Қозонга бу гап хуш келди. Отидан тушди, чўпоннинг қўлларини ечди, манглайидан ўпди. Айтур: Парвардигор манинг уйимни қутқармак учун сани манга тайинлабди, деди. Ва икков бирга йўлга тушдилар.

Шўқли Малик эса шан-шодумон маишат қилиб ўтирарди. Айтур: Беклар, Қозонни яна қандай ҳақорат қилиш мумкин, биласизларми? Қозоннинг хотини бўйи узун Бурла Хотунни опкелиб, бизга шароб узаттириш керак, деди. Шу орада Бурла Хотун қирқ қиз ва ўғли Ўроз билан бир жойда ҳибсда эди. Бўйи узун Бурла Хотун ғайридиннинг бу сўзларини эшитди. Юрак-бағрига ўтлар тушди. Қирқ кокилли, ингичка белли қизларининг орасига кириб, ўгит берди. Айтур: Қайсингизга ёпишиб, Қозон хоннинг хотини санмисан, десалар, қирқ жойдан овоз бериб, «ман», деб жавоб беринглар.

Шўқли Маликдан одам келди. Қозон бекнинг хотини қайсингиз, деб сўради. Қирқ бир жойдан «ман», деган овоз келди, билмадилар. Хукмдорга хабар бердилар. Бирига ёпишдик, қирқ бир жойдан овоз келди, қайсиниси — билолмадик, дедилар.

Малъун ғайридин айтур: Борингглар, Қозоннинг ўғли Ўрозни олинг, чангакка илинг, этини қийма-қийма қилиб қовуринг ва қирқта бек қизларига улашинг, ким еса унинг онаси эмас, кимки емаса, Бурла Хотун ўшадур — уни олиб келинг, бизга шароб қуйсин.

Бўйи узун Бурла Хотун буни эшитди, ўғлининг ёнига келди. Нола қилиб, ўғлига сўйлар, эшитайлик-чи, Хоним, на дер у:

Ўғил, ўғил, ой ўғил,
Бегим ўғил, кўзим ўғил
Билармисан нелар бўлди!
Сўйлашдилар пичир-пичир
Ғаорнинг ниятин туйдим.
Кечаси олтин бон уйимнинг қабзаси ўғил
Қорга менгзар келинимнинг чечаги ўғил
Ўғил, ўғил, ой ўғил,
Тўққиз ой тор қорнимда кўтарганим ўғил.
Ун ой деганда дунёга келтирганим ўғил
Дўламаси олтин бешикка белаганим ўғил
Билармисан нималар бўлмоқда ўғил
Ёғийлар энди терс боқмишлар бизга.

Қозон ўғли Ўрозни ҳибсдан чиқариб, бўғзидан осинг, икки курагидан чангакка илдиринг, оқ этини қийма-қийма қилиб, қора қовурдоқ пиширинг, қирқ бир бек қизларига улашинг, ким еса тегманг, кимки емаса, ўша Қозоннинг хотинидир. Уни опкелинг, тўшагимизга ўтирсин, бизга шароб узатсин, дейишди. Не дерсан, ўғил, санинг этингдан еяйинми, йўқса, бошқа динлининг тўшагига кирайинми? Оғам Қозон бекнинг номусини синдирайинми, на қилайин ўғил-эй, деди.

Ўроз айтур: Оғзинг қурсин она, тилинг чирисин, она! Она ҳаққи, парвардигор ҳаққи бўлмасайди, қалқибон ўрнимдан турар эдим, ёқангдан тутар эдим, оғир ўкчам остига ташлардим сани, оқ юзингни қора ерга белардим, оғзинг ила бурнингдан қон оқизардим, жон ширинлигини кўрсатардим. Бу на гапдир? Эҳтиёт бўл, она, манинг ҳузуримга ортиқ келмагайсан. Ман учун йиғламагайсан. Майли, она, мани чангакка илдирсинлар, майли, этимдан узсинлар, қора қовурдоқ пиширсинлар. Қирқ бек қизларига улашсинлар. Улар бир бўлак еганда, сан икки бўлак егил, токи сани ўзга динли душманлар билмасинлар, сезмасинлар. Токи ўзга динлининг тўшагига бормагайсан, шаробин сузмагайсан; отам Қозон номусин ерга урмагайсан, эҳтиёт бўл, деди ва йиғлади.

Ўғлон шундай дегач, кўзининг милдир-милдир ёшлари равон бўлди.

Бўйи узун, бели инжа Бурла Хотун ўғлини қучди. Кейин куз олмаси каби ўзининг ол ёноғини тимдалади, қоп-қора сочларини юлди, ўғил дебон йиғлади, фарёд чекди. Ўроз айтур:

Она!
Қаршимга келиб на йиғлаюрсан
Нега бўзлаюрсан, кўз ёш тўкарсан,
Бағрим, юрагимни на доғлаюрсан
Бошга тушган кунни на эслатурсан
Ҳей, она
Араби отлар бўлган жойда
Бир қулуни бўлмасми, бўлур!
Қизил туялар бўлган жойда
Бўталоғи бўлмасми, бўлур!
Оппоқ қўйлар бўлган ерда
Бир қўзиси бўлмасми, бўлур!
Сан соғ бўл, она
Отам соғ бўлсин
Бир манинг каби ўғлингиз бўлмасми, бўлур!

деди.

Шундай дегач, онасининг қарори қолмай, йиғлай-йиғлай ўз жойига кетди. Қирқ инжабелли қизларнинг даврасига кирди. Ғайридинлар Ўрозни тутиб, катта ёғоч остига олиб келдилар.

Хон Ўроз айтур:

Ҳой ғайридинлар, омон беринг, омон
Буюк ҳақнинг бирлигига йўқдир гумон.

Қўйинг мани, шу катта ёғоч билан бир сўйлашайин, деди. Ўроз хон ҳайқириб ёғочга сўйламиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур:

Ҳасан билан Ҳусаннинг бешиги оғоч
Эркакми, аёлми қўрқуви оғоч.
Бошингни кесиб қарар бўлсам, бошсиз оғоч
Тагингдан қирқар бўлсам, тагсиз оғоч
Мани санга осарлар, кўтармагил, оғоч
Гар кўтарсанг, йигитлигим тутсин сани, оғоч
Бизнинг элда керак эдинг оғоч —
Қора ҳинди қулларимга буюрардим,
Сани парча-парча чопардилар оғоч,

деди.

Кейин айтур:

Қатор-қатор боғланган отларга эвоҳ
Қардош дея йиғлаган йўлдошимга эвоҳ
Юмруғимда талпинган шаҳин қушимга эвоҳ
Етиб, энди тутганда тозига эвоҳ
Бекликка тўймадим, ўзимга эвоҳ
Йигитликка етмадим, жонимга эвоҳ,

дея даргоҳи ҳаққа юзини буриб, юм-юм йиғлади, жигарини доғлади.

Шу маҳалда Султоннинг отаси Салор Қозон билан Қарочиқ чўпон келиб қолдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўпон палаҳмонининг тошдони уч яшар бузоқ терисидан тикилган эди, арқони эса учта эчки жунидан ўрилган эди. Ҳар отганда ўн икки ботмон тош отарди. Отган тоши ерга тушмас, агар тушса парча-парча бўларди, ўчоқдай ўпириларди. Тушган жойида уч йилгача ўт кўкармасди. Семиз қўй, ориқ тўқли қирда қолиб кетса, бўри тегмасди — палаҳмондан қўрқарди.

Шундай қилиб, Султоним, Қарочиқ чўпон ғайридиннинг ўрдасини кўриб, ихтиёри қолмади, палаҳмонни ишга солди. Кунё ғайридиннинг кўзига қоронғи бўлди. Қозон айтур: Ҳой, Қарочиқ чўпон, сабр эт, онамни ғаюрдан сўраб олай, от оёғи остида қолмасин, деди.

Отнинг оёғи, бахшининг тили машҳур, дерлар. Қозон ғайридинни чақириб, онасини кўрмоқ истаб, бир сўз айтмиш, эшитайлик-чи, Хоним, нима дер экан. Айтур: Ҳой Шўқли Малик, кечаси бориб олтин бон уйимни олиб кетдинг, майли, санга бошпана бўлсин; оғир хазинам, кўплаб ақчаларимни олдинг, майли, санга харжлик бўлсин; қирқта инжабелли қиз билан Бурла Хотунни олдинг, майли, санга асир бўлсин; қирқ йигити билан ўғлим Ўрозни тутқун этдинг, майли, қулинг бўлсин; қатор-қатор шаҳбоз отларимни ҳайдаб кетдинг, майли, саники бўлсин; саф-саф туяларимни олдинг, майли, санга буюрсин; қари онамни тутқун этдинг, ҳай, ғаюр, оқ сут берган ўрма сочли қари онамни бергил манга, савашиб уришиб ўтирмай, ортга қайтайин, кетайин, деди.

Малик айтур: Ҳой Қозон, тунда бориб олтин бон уйингни бунга опкелдик, ўй бизники; қирқ инжабелли қиз ила бўйи узун Бурла Хотунни опкелдик, улар бизники; қирқ йигитга қўшиб Ўрозни келтирдик, у ҳам бизники; қатор-қатор шаҳбоз отларинг, саф-саф туяларинг ҳайдаб келдик, улар бизники; қари онангни келтирдик, у ҳам бизники, санга бермасмиз, уни Яйҳон Кашиш ўғлига берармиз. Онанг Яйҳондан ўғил туғар, биз Яйҳонни сенга қариндош қиламиз.

Шундай дегач, Қарочиқ чўпоннинг аччиғи тутди, дудоқлари титради.

Ўғузнинг дўлини олмоқдан ҳузур қилсанг, қора кўзли қизингни келтир, Қозон бекка бер, ҳой аблаҳ, санинг қизингга ўғил туғдирсин, шу билан Қозон бекка қариндош бўласан, деди.

Шу пайт Қозон бекнинг аҳволини эшитган Ўғуз беклари келиб қолишди, Хоним кўрайлик-чи, кимлар келган экан: Қора Дара оғзинда қодир эгам берган, қора туя териси ёпуғлик бешикда улғайган, аччиғи келса қора тошни кул айлайдиган, мўйловини етти жойдан тугиб олган эрлар эри, Қозон бекнинг қариндоши Қора Кўна етиб келди: Чал қиличингни, қардош Қозон, келдим, деди.

Унинг орқасидан кимлар келган экан, Хоним кўрайлик-чи: Дарбанднинг темир эшигини тепиб очган, олтмиш тутам туғи учида душманни бўкиртган, Қозон каби паҳлавонни уч марта отдан йиққан Қиён Салжуқ ўғли Дали Дундор етиб келди. Чал қиличинг, оғам Қозон, келдим деди.

Ундан кейин ким келган экан, Хоним, кўрайлик-чи:

Ҳамид Мардин қалъасини тепиб йиққан, темир ёйли Қипчоқ Маликни қон қусдирган, Қозоннинг қизига уйланган, Ўғузнинг оқ соқолли хўжалари таҳсинига сазовор бўлган, кийган алвон чалвори ипак, минган отининг ёллари ипак Қора Кўна ўғли Қора Будоқ етиб келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, келдим деди.

Ундан кейин ким келибди, кўрайлик-чи, Хоним:

Бойинтур хоннинг ёғийсин енгган, олтмиш минг ғаюрни қон қусдирган, оқ бўз отин ёлларини ҳилпиратиб, Ғафлат Хўжа ўғли Шер Шамсиддин келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, мен етиб келдим, деди.

Унга қорама-қора яна ким келди, Хоним, кўрайлик-чи:

Фарасаннинг Бойбурд қалъасидан париллаб учган, олача чодирларга қарши чиққан, етти қизнинг умиди, Ўғуз беклари-нинг ардоғи, Қозон бекнинг иноғи, бўз айғирлик Байрак келди. Чал қиличинг, оғам Қозон, ман келдим, деди.

Унинг изидан яна кимлар келди, Хоним, кўрайлик-чи:

Чой[1]га боқса чалимли, чолқора қушдай олимли, кумуш камар боғлаган, олтин исирға таққан, Ўғуз беклари бир-бир отидан йиққан Қозилик Хўжа ўғли бек Яганак етиб келди. Чал қиличингни, оғам Қозон, ман келдим, деди.

Унинг изидан, кўрайлик, Хоним, ким келган экан:

Олтмишта серка терисидан пўстин тикса тўпиғига етмаган, олти серка терисидан кулоҳ кийса, қулоғига етмаган, қўли, бўйни ингичка, бўйи узун ва инжа Қозон бекнинг дойи[1]си, отоғизли Ўроз Хўжа етиб келди. Чал қиличингни бегим Қозон, ман келдим, деди.

Унинг изида яна ким келди, кўрайлик-чи:

Бориб пайғамбарнинг сиймосин кўрган, келиб Ўғузда саҳобаси бўлган, аччиғи тутганда мўйловидан қон томган Бугдуз Омон етиб келди. Чал қиличинг бегим Қозон ман келдим, деди.

Унинг изида яна ким келди, кўрайлик-чи:

Бединларни ит думига боғлаган, элдан чиқиб Ойғир кўзлар сувида от суздирган, эллик етти қалъанинг калитини олган, Оқ Малик қизини никоҳлаб қўйган, Софу Сондол Маликни қон қусдирган, қирқ жубба кийиб, ўттиз етти қалъа бегининг маҳбуб қизларини олиб, бир-бир бағрига босган, юзи, дудоқларидан ўпган Айлак Хўжа ўғли Алп Эран етиб келди. Чал қиличингни оғам Қозон, ман келдим, деди.

Санайверсанг, Ўғуз беклари адо бўлмас, ҳаммаси етиб келишди. Такбир айтиб, бетакаллуф душман устига от қўйдилар, қилич солдилар. Гумбур-гумбур ноғоралар чалиниб, олтин ҳалқали тунж карнайлар чалинди. Ул кун жасорати бўлган эр йигитлар майдонга чиқди. Ул кун қўрқоқлар тинч ер кўзлади. Ул кун бир қиёмат саваш бўлди, майдон тўла бош бўлди. Бошлар юмалади тўп каби; шаҳбоз-шаҳбоз отлар югурди, тақаси тушиб тақ-тақ юрди; ола-була байроқлар йиқилди; қора пўлатдан бўлган ўткир қиличлар сермалди, ўтмаслашди. Уч қиррали ўқлар отилди, учлари синди, санжоқлар кўтарилди, лашкарбошилар савашдилар; қиёматнинг бир куни бўлса, ўша кун бўлди; бек навкаридан, навкар бегидан айрилди.

Ўша жангда Таш Ўғуз беклари билан Дали Дундор ўнгдан зарб айлади. Чилосун бек йигитлари билан Қора Кўна ўғли Дали Будоқ чапдан урди. Ич Ўғуз беклари билан Қозон ўртадан ҳужум қилди. Шўқли Маликка дуч келди, уни бўкиртириб отдан йиқди. Унинг ғофил бошини шартта кесди. Қақшатиб қизил қонини ерга тўкди.

Ўнг тарафда Қора Такбур Маликка Қиён Салжуқ ўғли Дали Дундор қарши келди, уни қиличлади, ерга йиқди. Сўл тарафда Бугажиқ Маликка қарши Қора Кўна ўғли Дали Будоқ пайдо бўлди, олти қиррали гурзи билан бошига урди, чалди, жонини жаҳаннамга солди; бединнинг кўзига дунё қоронғи бўлди, от бўйнини қучоқлаб, ерга йиқилди.

Қозон бекнинг қардоши ғайриларнинг туғи билан санжоғини қиличлади, ерга отди. Дараларда, тепаларда ғайридинга қирғин келди, лошига қузғун қўнди. Ўн икки минг беэътиқод қиличдан ўтди, беш юз Ўғуз йигитлари шаҳид бўлди.

Буюк Ўғуз беклари ўчини олдилар.

Қозон бек ўзининг ўрдасини, ўғлини, онасини, хотинини қутқариб, ҳасратлари қовушди, бойлигини, хазинасини олди, изига қайтди. Қозон бек олтин тахтига яна ўтирди, қайта уйини тиклади, Қарочиқ чўпонни бош отбоқар қилиб тайинлади. Етти кун, етти кеч ейишма-ичишма бўлди. Қозон бек қирқ бош қул ва қирқ хотинни ўғли Ўрозга садақа сифатида озод қилди. Паҳлавон ғўч йигитларга ер-сув берди, шалвор, жубба, чакмон берди.

Ком Бўра бек ўғли Бомси Байрак достонин баён этар, хоним-эй

Бўз отли Ком Ган ўғли хон Бойинтур ерида яшар эди. Қора ернинг устида оқ бон уйини тиккан эди, ола соябони кўк юзини қоплаган эди, ипак гиламлари минг жойга тўшалган эди.

Ич Ўғуз, Таш Ўғуз Бойинтур хоннинг суҳбатига чақирилган эди. Бой Бўра бек ҳам Бойинтур хонникига келган эди. Бойинтур хоннинг ёнида Қора Кўна ўғли Қора Будоқ камонига суяниб турар эди. Хоннинг сўл ёнида Қозилик Хўжа ўғли бек Яганак турарди.

Бой Бўра бек уларни кўриб оҳ тортди. Бошидан ақли учди. Дастрўмолини қўлига олди, юзини бекитди, ҳўнгир-ҳўнгир йиғлади.

Буни кўриб, буюк Ўғуз суянчиғи, Бойинтур хоннинг куёви Салор Қозон тиз букиб, ерга чўкди, қиё туриб Бой Бўра бек-

[1] Чой — Ўғуз шевасида, калхат.

[1] Дойи — Ўғузча, тоға демак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг юзига боқди. Айтур: Бой Бўра бек, нега йиғлаб бўзларсан?

Бой Бўра бек: Хон Қозон, нечун йиғламайин, нечун бўзламайин, ўғилдан меросхўрим йўқ, қардошдан таянчим йўқ. Оллоҳ таоло мани қарғабдур. Беклар, ман тожим-тахтим учун йиғлайман. Бир кун ўлиб қолсам, еримда, юртимда бирор кимсам қолмаяжак, деди.

Қозон айтур: Сабаб шуми?

Бой Бўра бек айтур: Бали, сабаб шудир. Менинг ҳам ўғлим бўлса, хон Бойинтурнинг қошида юрса, унга қуллуқ айласа, ман унга боқиб қувонсам, шодлансам.

Шундай дегач, буюк Ўғуз беклари юзларини кўкка тутиб, қўл кўтардилар.

У замонда бекларнинг олқиши — олқиш, қарғиши — қарғиш эди. Дуолари мустажоб бўларди.

Бой Бижон бек ўрнидан туриб, бир сўз айтди: Беклар, манинг ҳам ҳаққимга бир дуо айлангким, бир қиз кўрайин, деди.

Буюк Ўғуз беклари қўл кўтариб, дуо айладилар. Қодир эгам санга бир қиз берсин, дедилар.

Бижон бек айтур: Беклар, қиз кўрар бўлсам, сизлар гувоҳ, манинг қизим Бой Бўра бек ўғлига бешикданоқ ёвуқли бўлсин, деди. Бир неча замонлар ўтди. Бой Бўра бекнинг хотини ҳомила бўлди, муддат тўлиб, эгам унга бир ўғил берди. Бой Бижон бекка бир қиз берди. Буюк Ўғуз беклари буни эшитдилар, шод бўлиб, севиндилар.

Бой Бўра бек базиргонларини ёнига тўплаб, буйруқ айлади: Ҳой, мулозимлар, манинг орзуим ижобат бўлди. Боринг, Рум элига, манинг ўғлим учун яхши армуғонлар келтиринг, совғалар келтиринг, токи ўғлимга лойиқ бўлсин, деди.

Базиргонлар, ё хоним, дея йўл яроғини тайёрлаб, сафарга чиқишди. Кеча-кундуз йўртиб Истамбулга келдилар. Ажойиб ва тансиқ нарсалардан олдилар. Бой Бўра ўғли учун насли денгиз отидан бўлмиш бўз айғир олишди, қайин пўстлоғи билан қопланган катта ёй олдилар, олти қиррали гурзи олдилар ва яна бир яхши қилич олиб, изига қайтдилар. Улар қайтгунча йиллар, ойлар ўтди. Бой Бўра бекнинг ўғли беш ёшидан ўтиб, ўн ёшга тўлди. Ўн ёшдан ўн беш ёшга кирди. Беклар ичинда чойга боқса чалимли, чолқора қушдай олимли бир гўзал, қиличдай йигит бўлди.

Бой Бўра бекнинг ўғли отланди, овга чиқди. Ов овлар экан, отасининг суруви юрган жойга келиб қолди. Уни амири-охур бошлиғи қаршилаб, отдан туширди, меҳмон қилди, еб-ичиб ўтирдилар.

Айни шу замонда Бўра бекнинг базиргонлари сафардан қайтаётиб, Қора Дарбанд ғори оғзида нафас ростлаш учун қўнган эдилар. Еримасин, ёлчимасин, Эвнўк қалъасининг ғайридинлари уларни пайқаб қолишди. Базиргонлар ётганида беш юз ғайридини тўсатдан бостириб келдилар, чопдилар, таладилар. Мулозимларнинг каттаси қўлга тушди, кичиги қочароқ Ўғузга келди. Зеро, Ўғуз яқин ерда эди. Қараса, Ўғуз ерининг чегарасида бир ола соябон тикилган, ичида бир мирза йигит ўтирар ва унинг ўнгу сўлида яна қирқта йигит бор. Базиргон Ўғузнинг бир яхши йигити шекилли, борай, мадад тилай деб, бош эгиб, салом берди. Базиргон айтур: Йигит, йигит, бек йигит, сан манинг ҳолим англа, сўзим тингла, йигит. Ўн олти йилдирким, Ўғуз ичида бўлмадик. Ажойиб, тансиқ ғайридин молларини Ўғуз бекларига олиб келяпмиз. Қора Дарбанд деган жойда дам олиб ётган эдик. Эвнўк қалъасининг беш юз ғайридини устимизга бостириб келди, қардошим асир тушди, ризқимизни талаб кетдилар. Қора бошим кўтариб, санга келдим. Қора бошим садақа йигит, мадад бер манга, деб йиғлади.

Бу кез ўғлон шароб ичаётиб, ичмас бўлди, олтин қадаҳи қўлидан ерга тушди. Айтур: Айтганимни эндирдинг, кийимим билан шаҳбоз отимни келтиринг, ҳей, мани севган йигитлар, отга минсинлар, деди.

Базиргон енгил тортди, йўл кўрсатувчи бўлди.

Ғайридин ҳам энди отдан тушган эди.

Шу маҳал эрларнинг арслони, паҳлавонларнинг қоплони Бўз ўғлон пайдо бўлди. Бир-икки демади, ул ғайридинлар устига от солди, қилич сермади. Қочмаган ғайридиннинг бошини олди, ўч олди, базиргонларнинг молини қутқарди, ортига қайтди.

Базиргонлар айтур: Бек йигит, сан эрлик қилдинг, мардлик айладинг, кел, энди, яхши кўрган нарсангни ол, деб совғаларни кўрсатишди.

Йигитнинг кўзи ўша насли денгиз отидан бўлган бўз айғирга тушди, кейин олти қиррали гурзи, кейин қайин пўстлоғи қопланган катта камон ва қилични кўзлади. Шу тўртта нарсани ёқтирди. Айтур: Ҳей, мулозимлар, мана шу ёй, мана шу гурзи ва мана шу қилични манга беринг, деди.

Шундай дегач, базиргонлар жим бўлиб қолдилар.

Йигит айтур: Ҳей, мулозимлар, ман кўп сўрадимми, деди.

Базиргонлар айтишди: Хайрли султоним, бу тўрт нарсани сан ёқтирибсан, биз берар эдик, аммо бизнинг бир бегимизнинг ўғли бордир, бу тўрт нарсани унга армуғон сифатида олиб бормоғимиз керак эди, дедилар.

Ўғлон айтур: Бегингиз ўғли кимдир?

Айтурлар: Бой Бўра бек ўғли бордир, отини Бомси дерлар, дейишди.

Йигит бармоғини тишлаб, ўйлади: Бунда миннат билан олмоқдан кўра, унда отамдан миннатсиз олганим яхши. Отини қамчилади, йўлга тушди. Базиргонлар унинг ортидан қараб қолишди. Валлоҳ, яхши, мурувватли йигит экан, дедилар.

Бўз Ўғлон отасининг уйига келди, бўлган воқеа ҳақида индамади. Отасига эса хабар етди, кўп йиллар аввал кетган мулозимларингиз қайтиб келишди, дея. Отаси севинди, мажлис чақирди, чодир ўтов, ола соябон тиктирди, ипак гиламлар тўшатди, келиб ўтирди. Ўғлини ўнг ёнига ўтқазди, ўғлон базиргонлар хусусида ҳеч нарса гапирмади, ғайридинларни қирганини айтмади. Тўсатдан базиргонлар кириб келдилар. Бош эгиб салом бердилар. Кўрдиларким, ул йигит, ўша бош кесган, қон тўккан йигит Бой Бўра бекнинг ўнг томонида ўтирибди, базиргонлар ерга бош уриб, йигитнинг қўлидан ўпдилар.

Уларнинг ҳаракатини кўриб, Бой Бўра бекнинг аччиғи келди. Базиргонларга айтур: Ҳой калтабин зурёди калтабинлар, ота туриб, ўғилнинг қўлини ўпадими?

Айтурлар: Хоним, бу йигит санинг ўғлингмиди?

Бек айтур: Ҳа, манинг ўғлимдур.

Айтурлар: Энди инжилма, Хоним, аввал унинг қўлини ўпганимиз учун. Агар, Султоним, санинг ўғлинг бўлмасайди, бизнинг молимиз душман элига кетарди, ҳаммамиз асир тушардик, дедилар.

Бой Бўра бек айтур: Манинг ўғлим ёғий билан жанг қилдими, зафар қучдими, деди.

Ҳа, Султоним, жанг қилди, дедилар.

Бу ўғлонга энди от қўйсак бўладими, деди.

Балли, Султоним, айни пайти, дедилар.

Бой Бўра бек дарров буюк Ўғуз бекларини чақирди, меҳмон қилди. Ўғлининг бошидан кечирганини сўйлаб берди, жумла беклар мароқ билан тингладилар, кейин Қўрқут Ота келди, ўғлонга от қўйди, кўрайлик-чи, нима деган экан. Ота айтур:

Арзим тингла, сўзим тингла, Бой Бўра бек,
Яратганнинг ўзи санга бир ўғил бермиш, ўсаверсин,
Оғир санжоқ кўтарганда дўст-ёрларинг таянч бўлсин.
Қарши ётган қорли қора тоғлардан ошар бўлса,
Яратганнинг ўзи санинг ўғлингга сўқмоқ берсин.
Қонли сувлардан кечар бўлса, кечит берсин
Ғуж-ғуж ғаюр шоширганда,
Ҳақ таоло санинг ўғлингга фурсат берсин.
Сан ўғлингни Бомсим дея эркаларсан,
Унинг оти бўз айғирли Бомси Байрак бўлсин,
Отини ман бердим, ёшини эгам берсин,

деди. Ўғуз беклари қўл кўтардилар. Бу от бу йигитга қутлуғ бўлсин, дея унинг шарафига Ўғуз бекларининг ҳаммаси отга миниб, овга кетдилар. Бўз айғирин келтириб, Байрак ҳам минди, Ола Тоққа ола лашкар овга чиқди. Ногаҳондан Ўғуз ерида бир сурув кийик пайдо бўлди. Бомси Байрак биттасини қувлади. Қува-қува бир жойга келди, не кўрган бўлса, Султоним, кўрди: яшил яйлов ўртасида бир қирмизи чодир тикилганини кўрди. Бориб бу ўтов кимники бўлади, деди. Хабари йўқ-ку, чодир ола кўзли қизники эди. Унинг ёнига боришга андиша қилди, кейин айтди: Не бўлса, бўлсин, ман ҳам овимни овлаб кўрай, деди. Ўтовнинг ёнига яқин келди. Ушлаган кийигининг оёқ томирини кесиб, ерга қўйди.

Бу ўтов Бой Бижон қизи бону Чечак ўтови бўлиб, у бир пайтлар Бомси Байракнинг ўзига аталган қиз эди.

Бону Чечак ўтовдан қараб турарди. Ҳой, доялар, бу ярамас отанинг ўғли бизга қаҳрамонлик кўрсатиш учун келганга ўхшайди. Боринг, ундан кийикни сўранглар, нима дер экан, деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қисирча янга деган бир хотин йигитнинг ёнига бориб, ҳой, йигит, бизга овингдан ҳисса бер, деди.

Байрак айтур: Хўп, янга, ман овчиман, бек ўғли бекман, овим сизга, аммо сўраш айб бўлмасин, бу ўтов кимникидир.

Қисирча янга айтур: Бек йигитим, бу ўтов Бой Бижон бек қизи бону Чечакнинг ўтовидир.

Буни эшитиб Хоним Байракнинг қони жўш урди, одоб билан секин-аста ортига қайта бошлади.

Қизлар кийикни ичкарига киритдилар, гўзаллар маликаси бону Чечакнинг ёнига келтирдилар. Бону кўрдики, кийик гўзал ва жуда катта эди.

Бону Чечак айтур: Ҳой қизлар, бу йигит кимдир?

Қизлар айтур: Валлоҳ Султоним, бу йигит юзи ниқобли яхши йигитдир. Бек ўғли бек эмиш.

Бону Чечак айтур: Ҳей, ҳей доялар, отам манга «сани юзи ниқобли Байракка бераман», дер эди. Ўша бўлмай ким бўларди, чақиринг, келсин, хабарлашайин, деди.

Чақирдилар, Байрак келди. Бону Чечак юзини беркитди, аҳвол сўради, айтур:

Йигит, келишинг қайдан?
Байрак айтур: Ич Ўғуздан.
Ич Ўғузда кимнинг ўғлисан?

Байрак айтур: Бой Бўра бек ўғли Бомси Байрак дейдилар мани.

Қиз айтур: Не маслаҳат билан келдинг йигит?

Байрак айтур: Бой Бижон бекнинг бир қизи бор эмиш, уни кўрмак учун келдим.

Қиз айтур: Ул қиз санга кўриниб, қандай одам бўлади. Аммо ман бону Чечакнинг доясиман, кел, сан билан овга чиқайлик, агар санинг отинг манинг отимдан ўзиб кетса, Бону отидан ҳам ўзасан; яна сан билан ўқ отишайлик, мандан ўтсанг, Бонудан ҳам ўтарсан; сан билан курашайлик, мани йиқитсанг, уни ҳам йиқитарсан, деди.

Байрак айтур: Хўш, энди отланайлик.

Иккиси отландилар, майдонга чиқдилар, от чоптирдилар. Байракнинг оти қизнинг отидан ўтиб кетди. Ўқ отишди, Байракнинг ўқи қизнинг ўқини парчалайди.

Қиз айтур: Ҳой, йигит, манинг отимдан бирор кимса ўзгани йўқ, ўқимни ҳеч ким парчаламаган эди, бек йигит, энди сан билан курашамиз, деди.

Тезда Байрак отдан тушди, курашдилар. Икки паҳлавон бўлиб, бир-бирини сермашдилар. Байрак қизни кўтариб, ерга урмоқ истаса, қиз Байракни кўтариб ерга урмоқ истар.

Байрак ўйлади: Бу қиздан йиқилар бўлсам, буюк Ўғуз ичинда бошимга надомат ёғилиб, уятдан пушаймон бўламан, деди. Ғайрати келди. Қизнинг белбоғидан олиб, маммасига қўл урди, қиз чекинди. Шу кез Байрак қизнинг нозик белига кирди, илиб олиб тепага кўтарди ва ерга урди.

Қиз айтур: Йигит, билки, Бой Бижон қизи бону Чечак мандирман. Байрак уч ўпди, бир тишлади. Совға қутлуғ бўлсин, хон қизи, дея бармоғидан олтин узугини чиқарди, қизнинг бармоғига кийдирди, ўртамизда бу нишон бўлсин, хон қизи, деди.

Қиз айтур: Модомики, шундай бўлган экан, энди бир-биримизга яқин бўлмоғимиз керак.

Байрак, янада яхши, Хоним, бош устига, деди.

Улар ваъдалашиб, ажралишдилар. Байракка отаси қарши чиқиб, айтур: Ўғил, бу яхши кунда Ўғузда нима кўрдинг?

Байрак: Ва кўрардим, давлатим ота, ўғли борлар уйлантирмоқда, қизи борлар чиқармоқда, деди.

Отаси айтур: Ё сани ҳам уйлантириш керакми?

Бали, оқ соқолли азиз ота, уйлантириш керак, деди.

Отаси айтур: Ўғил, Ўғузда кимнинг қизини олиб берайин, деди.

Байрак айтур: Ота, манга бир қиз олиб бер, токи ман ўрнимдан туролмасам, у турсин; ман учқур отимга минолмасам, у минадиган бўлсин; ман қирғинга кирмаган кун, у бош келтирадиган бўлсин. Шундай бир қиз олиб бер, ота.

Отаси Бой Бўра хон: Ўғил, сан қиз демаяпсан, сан ўзингга бир йўлдош ва орқадош истаяпсан. Ўғил, сан сўраётган қиз Бой Бижон бек қизи бону Чечак бўлади, деди.

Байрак айтур: Балли, оқ соқолли азиз ота, манинг истаётганим ҳам ўшадир, деди.

Отаси айтур: Ой ўғил, бону Чечакнинг бир дали қариндоши бор, оти Дали Қорачар, қизга ким совчи бўлиб борса, ўлдиради.

Байрак айтур: Бўлмаса, нима қиламиз?

Бой Бўра бек айтур: Ўғил, буюк Ўғуз бекларини уйимизга чақирайлик, нима маслаҳат қилсалар, шунга кўра иш тутайлик.

Буюк Ўғуз бекларининг ҳаммасини чақиришди, уйига йиғдилар, меҳмон қилдилар. Едилар, ичдилар, сўз очдилар, маслаҳат солдилар. Бу қизга совчиликка ким боради, дедилар. Қўрқут Ота борсин, деган фикрга келдилар.

Қўрқут Ота айтур: Ёронлар, мани борсин дедингизлар, кўндирдингизлар, аммо билурсизким, Дали Қорачар қиз қариндошига ким совчи бўлиб борса, ўлдирур. Шунинг учун Бойинтур хоннинг қўрасидан икки шаҳбоз, югурук от келтиринг: бир качибошли қочар айғири, бир тўқлибош тўриқ айғири келтиринг. Агар қочиш-қувиш бўлса, бириси чарчаса, иккинчисига минаман, деди.

Қўрқут Отанинг сўзи мақбул келди. Бордилар. Бойинтур хоннинг қўрасидан икки от келтирдилар. Қўрқут Ота бирини миниб, иккинчисини етаклади. Ёронлар, сизни ҳаққа топширдим, дея йўлга тушди.

Бу пайт, Султоним, Ўша Дали Қорачар оқ бон уйини, оқ ўтовини тикиб, йўлдошлари билан нишонга ўқ отиб турар эди. Қўрқут Ота уларга яқин келди, бош эгиб, тилидан бол томиб, саломлашди.

Дали Қорачар оғзини кўпиклантирди, Қўрқут Отага тикилди. Айтур: Ваалайкум ассалом, феъли чошган, ақли қочган, қодир мухтор манглайига ўлим ёзган оёқлилар ҳали бу ерга келгани йўқ, оғизлилар бу сувимдан ичгани йўқ. Санга на бўлди? Ақлингми озди, феълингми чошди? Ажалингми етди? Бу ерларда на қилиб юрурсан, деди. Қўрқут Ота айтур:

Қарши ётган қора тоғингни ошмоққа келмишам
Оқиши кўркли сувингдан кечмоққа келмишам
Кенг этагингга, тор қўлтиғингга сиғиш учун келмишам.

Фалакнинг буйруғи, ернинг қабули ила ойдан орли, кундан кўркли қиз қариндошинг бону Чечакни Байракка тилаб келдим, деди.

Қўрқут Ота шундай дегач, Дали Қорачар: Ҳой, йигитлар, манга қора айғиримни келтиринг, деди.

Қора айғирни яроқлари билан келтиришди, Дали Қорачарни миндиришди.

Қўрқут Ота тўқлибош тўриқ айғирга минди, турмади, қочди.

Дали Қорачар изига тушди, қоча-қоча тўриқ айғир чарчади, Қўрқут Ота качибошли йўрға айғирга минди.

Отанинг ҳуши бошидан учди, кўкка сиғинди.

Дали Қорачар қиличини қўлига олди. Қўрқутнинг тепасига келиб, ҳамла қилди, Дали бек Отанинг бошини олмоқчи бўлди.

Қўрқут Ота: Чопар бўлсанг, қўлинг қурисин, деди. Ҳақ таолонинг амри ила Дали Қорачарнинг қилич тутган қўли ҳавода қолди. Қўрқут Ота бир вали киши эди. Тилаги қабул бўлди.

Дали Қорачар айтур: Мадад омон, эл омон, имон бирлигига йўқ гумон. Ота, сан манинг қўлимни соғайтир, элнинг истаги-ла, қиз қариндошимни Байракка берайин, деди. Уч карра оғзидан иқрор бўлди, гуноҳи учун тавба айлади.

Қўрқут Ота дуо қилди, Далининг қўли ҳақ амри билан соппасоғ бўлди. Дали айтур: Ота, қиз қариндошим эвазига нима сўрасам берармисан, деди. Ота айтур: Берамиз, кўрайлик, нима сўраркансан?

Дали Қорачар айтур: Минг бўғро туя келтирингким, улар урғочи туяни кўрмаган бўлсин; минг айғир келтиринг, токи бия кўрмаган бўлсин; яна мингта қўй кўрмаган қўчқор келтиринг; мингта қулоқсиз, қуйруқсиз кўппак келтиринг; кейин минг дона йирик бурга опкелинг. Агар бу деганларимни келтирсанг яхши бўлади. Аммо келтирмасанг, манинг кўзимга кўринма, бир марта ўлдирмадим, янаги сафар ўлдирарман, деди.

Қўрқут Ота қайтди, Бой Бўра уйларига келди.

Бой Бўра айтур: Кўрқут Ота шан келурми, саҳт келурми, кўрдикки, кула-кула келур. Ота, ўғлонмисан, қизмисан? Бўримисан, қўймисан, деди. Ота айтур: ўғлонман, бўриман.

Ишлар қандай бўлди? Қандай қутулдинг ул Дали Қорачарнинг қўлидан, деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эгамнинг ўзи қутқарди, дея бўлган воқеани сўйлайверди.

Ота айтур: Қодир мухторнинг иноятн, элатдошларимнинг ҳиммати бўлди, валҳосил қизни олдик.

Байрак, унинг онаси ва қиз қариндошлари яхши муждадан севиндилар, шод-хуррам бўлдилар.

Бой Бўра бек айтур: Дали қанча мол сўради?

Қўрқут Ота айтур: Ёримасин, ёлчимасин Дали Қорачар шундай кўп мол сўрадики, илоҳим буюрмасин.

Бой Бўра бек айтур: Айт, қани.

Ота айтур: Минг айғир сўрадиким, бия кўрмаган бўлсин; минг бўғро туя сўради, токи урғочи туяни кўрмаган бўлсин; минг қуйруқсиз, қулоқсиз кўппак сўради; яна мингта йирик бурга берасан, деди. Бу айтганларимни келтирсанг қиз қариндошимни бераман, келтирмасанг кўзимга кўринма, йўқса сани ўлдирурман, деди.

Бой Бўра Бек айтур: Ота, ман учта шартни бажарсам сан иккисини бажарармисан?

Қўрқут Ота айтур: Бали, хоним, бажарурман.

Бой Бўра бек: Энди, Ота, кўппак билан бургани сан топ, деди. Ва ўзининг қўрасига бориб, мингта айғир ажратди; қатор-қатор туяларининг ёнига бориб, минг бўғро нор ажратди; қўй қўрага кириб, мингта қўчқор танлади.

Қўрқут Ота ҳам мингта қуйруқсиз, қулоқсиз кўппак билан мингта бурга топди. Бой Бўра бекнинг уйига келди, кейин ҳаммасини олиб, Дали Қорачарникига кетди.

Дали Қорачар уни кўриб, қаршисига келди, кўрайлик, айтганимни олиб келганмиканса, деди. Айғирларни кўриб, қувонди, туяларни кўриб қувонди, қўчқорларни кўрди, қувонди; кўппакларни кўриб қаҳқаҳа отиб кулди, айтур: Ота, қани манинг бургаларим?

Қўрқут Ота ҳамма бургаларни бир уй ичига қамаб қўйган эди. Ҳей, ўғил Қорачар, бурга дегани одамга ўч бир ёвуз жонивордир, ҳаммасини бир жойга қўйибман, кел, кўрайлик, семизини танлаб ол, ориғини қўй, деди.

Дали Қорачарни бир бургали уйга киритди. Дали Қорачарни гап билан ечинтирди. Оғилга киритди. Мана, ёққанини ол, ёқмаганини қолдир, деди. Ота эшикни беркитди, оч бургалар Дали Қорачарга ташландилар. Дали додлаб бўкирур, зорланиб ўкирур, мадад бер, Ота, дея чақирур. Қараса, эшикни очмаяпти, Дали яна: Мадад, Ота, карам айла, эшикни оч, чиқайин, деди.

Қўрқут Ота айтур: Ўғил Дали Қорачар, на қарғанурсан? Бу санга ваъда қилинган нарсадур, нега ўзинг сўрадинг? Ғавғони қўй, бир тўда бурга бор, келтирдим, ол, кейин ундайбундай деб юрма, семизини тутиб ол, ориғини қолдир, деди.

Дали Қорачар айтур: Ҳей, Султон Ота, бунинг семизини ҳам, ориғини ҳам ер ютсин, Ота, эшикни оч, чиқайин, деди.

Ота айтур: Кейин биз билан гина-низо этарсан, тағин ўйлаб кўр.

Дали Қорачар дик-дик сакраб, шап-шап урар экан, мадад бер, Отажоним, дея фарёд чекканида, Қўрқут Ота эшикни очди. Дали Қорачар ташқари чиқди, бургалар чирт-чирт учарди, кун совуқ. Ота кўрдиким, Далининг жонидан ўтмиш, бошига қайғу тушмиш, гавдаси бургадан кўринмас, юзи-кўзи билинмас эди.

Отанинг оёғига йиқилиб, мани қутқар, деди.

Қўрқут Ота, бор ўғил, ўзингни сувга ур, деди.

Дали Қорачар сакраганча бориб, сувга тушди. Дали жон ҳалпида музли сувга бўғзигача ботди, бургалар ҳужумидан қутулди. Отажоним-эй, бурганинг ориғидан-да, семизиданда ўзинг асра, деди. Кийимини кийди, уйига кетди. Катта тўйнинг тайёргарлигини кўрди.

Ўғуз замонида қоида шул эдики, бир йигит уйланса, ўқ отар эди, ўқ қаерга тушса, ўша ерда чодир тикарди. Байрак хон ҳам ўқ отди, тушган ерга чодир тикди.

Аталган қизидан куёвлик қирмизи кафтан келди. Байрак кафтанни кийди. Йўлдошларига бу ёқмади, хафа бўлдилар. Байрак айтур:

Нега хафа бўлдингизлар?

Айтдилар: Нега хафа бўлмайлик, сан қизил кафтан киярсан, биз оқ кафтан кийиб юрибмиз, дедилар.

Байрак йўлдошларига: Бундай нарсадан нечун хафа бўласизлар, бугун ман кияман, эртага ноибим кийсин. Қирқ кунгача навбат биланкийингиз, ундан кейин бир дарвишга берайлик, деди. Уларнинг кўнгли жуда хуш бўлди.

Қирқ йигити билан еб-ичиб ўтирардилар. Ёримасин, ёлчимасин, душманнинг жосуси уларни бузади, бориб Бойбурт қалъасининг бегига хабар берди: Нега ўтирибсиз, султоним, Бой Бижон бек ўша санга беражак қизини бўз отли Байракка берди, деди. Бу кеча чодирга кирур, деди.

Ёримасин, ёлчимасин, ул малъун тезда етти юз ғайридин билан йўлга тушди. Байрак оп-олача чодири ичинда еб-ичиб ўтирар эди. Тун уйқусида душманлар ўтовга бостириб келди, булар-чи, ғофил.

Ноиби қиличини суғурди, қўлига олди, маним бошим Байракнинг бошига қурбон бўлсин, деди. Ноиб пораланди, шаҳид бўлди. Теран бўлса ботирур, ола-тасир қўрқитур; оти бор эр овунар; яёв эрнинг умиди бўлмас. Уттиз тўққиз йигити билан Байрак асир тушди.

Тонг отди, кун туғди, Байракнинг отаси, онаси қараб кўрсаларки, ўғлининг чодири кўринмаяпти. Оҳ этдилар, ёқаларини чок этдилар, ақллари бошларидан учди. Кўрдиларким, қанотлидан қузғун қолмиш, ерда изғиб този қолмиш. Чодир йиқилиб, ерга тушмиш, ноиб шаҳид бўлмиш.

Байракнинг отаси кийимини ечиб ерга урди. Тортди, ёқасини йиртди, ўғил, ўғил дебон ўкирди, зор қилди. Чакка сочи оқарган онаси ҳўнгир-ҳўнгир йиғлади; кўзининг ёшини тўкди, аччиқ тирноғини оқ юзига ботирди, ол ёноғига тортди; қарға каби қаро сочини юлди; йиғлабон-сиқтабон уйига келди. Бой Бўра бекнинг тунлик бон олтин уйига ғамнок кирди. Қизи, келини қаҳ-қаҳ кулмас бўлди. Қизил хино оқ қўлина ёқмас бўлди. Байракнинг етти қиз қариндоши оқни ечиб, қора тўнлар кийдилар. Вой, бегим қариндош, мурод-мақсадингга етмаган ёлғиз қариндош, деб йиғладилар, бўзладилар.

Байракнинг ёвуқлисига хабар бўлди. Бону Чечак оқ кафтанини чиқарди, қора кийди. Куз олмаси каби ол ёноғини тирнади, йиртди.

Вой ол ўртугим эгаси
Вой манглайимнинг умиди
Вой шоҳ йигитим, вой шаҳбоз йигитим
Тўйгунча юзина боқмаганум, хоним йигит
Қайга кетдинг мани ёлғиз қўйиб жоним йигит
Кўз очибон кўрдигим,
Кўнгул ила севдигим
Бир ёстиққа бош қўйдигим,
Қўлингда ўлдигим, қурбон бўлдигим.
Вой, Қозон бекнинг иноғи
Вой буюк Ўғузнинг таянчи хон Байрак,

деб зор-зор йиғлади.

Буни эшитиб, Қиён Салжуқ ўғли Дали Дундор оҳ тортди, қора кийди. Байракнинг ёр ва йўлдошлари оҳ уриб, қоралар кийишди. Буюк Ўғуз беклари Байрак учун катта аза тутдилар, умид уздилар.

Бундан кейин ўн олти йил ўтди. Байракнинг ўлигин-тиригин билмадилар. Охир бир кун қизнинг қариндоши Дали Қорачар Бойинтур хоннинг ҳузурига келди, тиз букиб, айтур: Давлатли хонимнинг умри узун бўлсин, Байрак тирик бўлса, ўн олти йилдан бери ё хабари, ёки ўзи келар эди. Бир йигит бориб, ундан хабар келтирса, бир чорғаб[1] олтин ақча берар эдим, ўлганининг хабарини етказса қиз қариндошимни берардим, деди.

Шундай дегач, ёримасин, ёлчимасин. Ёлғончи ўғли Ёлтожиқ айтур: Султоним, ман борайин, ё ўлик, ё тирик хабарин келтирайин, деди ва кетди. Бир неча кундан кейин — унга Байрак кўйлак бағишлаган эди, уни киймай, асраб қўйганди, ўша кўйлакни қонга-қунга белаб олиб келди. Бойинтур хоннинг ёнига келди.

Бойинтур хон айтур: Бу не кўйлакдир?

Айтур: Султоним, Байракнинг кўйлагидир, Байракни Поросорнинг қора Дарбандинда ўлдирмишлар, мана нишони, Султоним. Ўғуз беклари ичинда ёлғон йўқ эди, унга ишониб, кўйлакни кўрган беклар ҳўнгир-ҳўнгир йиғладилар, зорландилар. Қозон бек таянчим Байрак дея йиғлар, Қора Кўна йиғлар, Қора Будоқ мусоҳибим Байрак дея йиғлар. Бойинтур хон айтур:

Ҳой, нега йиғлайсизлар? Биз бу кўйлакни танимаймиз,

---

[1] Чорғаб — бош ўртиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

аталганига элтайлик-чи, кўрсин, у яхши билур, ўзи тиккан бўлса, ўзи таниб олур, деди.

Бордилар, бу кўйлакни бону Чечакка элтдилар. Кўрди, таниди, ўшадир, деди. Тортди, ёқасини йиртди, аччиқ тирноғини оқ юзига ботирди, куз олмаси каби ол ёноғини тирнади.

Вой, кўз очиб кўрдигим,
Кўнгул бериб севдигим,
Вой, ол ўртугим эгаси
Вой, манглайимнинг умиди хон Байрак,

дея йиғлади.

Унинг отасига, онасига хабар бўлди. Оп-олача чодирига ғамгин кирди, оҳ тортди. Қора кийдилар. Буюк Ўғуз беклари Байракдан умид уздилар.

Елғончи ўғли Елтожиқ қизни олар бўлди, кичик тўйини қилди, катта тўйига ваъда берди.

Байракнинг отаси Бой Бўра бек яна базиргонларини чақириб, кўзим ойдини Байракнинг ўлик-тиригини билиб келингиз, хўпми, деди.

Базиргонлар тайёргарлик кўришди. Кеча-кундуз тинмай юрдилар. Ногоҳ Поросорнинг Бойбурт қалъасига келдилар. Худди шу куни душманнинг асир кунлари эди, ҳаммаси емакда, ичмакда эди. Байракни яна опкелиб, қўбиз чалдириб ўтирардилар.

Байрак бир юксак чордоқда ўлтирарди, иттифоқо мулозимларни кўрди, билди. Уларни кўриб хабарлашди, Хоним, эшитайлик-чи, нима дейди. Айтур:

Олонг ясси ҳаво ердан келган арғиш[1]
Бек отамнинг ва онамнинг совғаси арғиш
Оёғи узун шаҳбоз отга минган арғиш
Товшим англа, сўзим англа, арғиш,
Буюк Ўғуз ичинда Улош ўғли Салор Қозонни
Сўрар бўлсам соғми, арғиш
Қора Кўна ўғли Қора Будоғни
Сўрар бўлсам соғми, арғиш!
Оқ соқолли отамни, оқ сочли онамни
Сўрар бўлсам соғми, арғиш,
Кўз очибон кўрдигим, кўнгил бериб севдигим
Бой Бижон қизи бону Чечак
Уйдами ёки кимгадир тегдими арғиш!
Айтгил, манга.
Қора бошим қурбон бўлсин санга,

деди.

Мулозимлар ҳам сўз сўйлади, кўрайлик, Хоним, нима дер экан, айтур:

Соғмисан, эсонмисан, жоним Бомси!
Ун олти йилнинг ҳасрати бегим Бомси
Буюк Ўғуз ичинда Қозон бекни сўрар бўлсанг
Соғдир, Бомси.
Қиён Салжуқ ўғли Дали Дундорни
Сўрар бўлсанг, соғдир, Бомси.
Қора Кўна ўғли Будоғни
Сўрар бўлсанг, соғдир Бомси.
Ул беклар оқ ичиб, қора кийди санинг учун, Бомси.
Оқ соқолли отангни сўрар бўлсанг, соғдир Бомси.
Оқ сочли онангни сўрар бўлсанг, соғдир, Бомси
Оқ ечиб, қаро кийди санинг учун, Бомси.
Етти қиз қариндошингни
Етти йўл айрисида йиғлар кўрдим, Бомси.
Куз олмаси каби ол ёноқларин тирнар кўрдим, Бомси.
Кетди, келмас оғам дея йиғлар кўрдим, Бомси.
Кўз очибон кўрдигинг,
Кўнгил бериб севдигинг Бой Бижон қизи бону Чечакнинг
Кичик тўйи бўлди.
Катта тўйига ваъда берди.
Елғончи ўғли Елтожиққа тегар кўрдим.
Жон Байрак,
Поросорнинг Бойбурт қалъасидан чиқиб кўргил
Оп-олача чодирингга бориб кўргил
Бормас бўлсанг Бой Бижон қизи
Бону Чечакни қўлингдан олдирдинг, билиб қўйгил,

[1] Арғиш — карвон. —

дедилар.

Байрак бу аччиқ сўзларни эшитиб қалқди, йиғлай-йиғлай ўттиз тўққиз йигитининг ёнига келди, ғамга ботиб, ерга урди. Айтур: Ҳей, манинг қирқ йўлдошим, билурмисиз, нелар бўлди? Елғончи ўғли Елтожиқ манинг ўлимим хабарини етказмиш. Отамнинг тунлиги олтин бон уйига мотам кирмиш. Қорга менгзар қизи келини оқ чиқариб, қора киймиш. Кўз очибон кўрдигим, кўнгил бериб севдигим бону Чечакни Елғончи ўғли Елтожиқ олар бўлмиш.

Шундай дегач, қирқ йигит ғамга ботдилар, ерга урдилар, бўкириб йиғладилар. Зорлик этдилар. Магарам, душман бегининг бир бикир[1] қизи бор эди, ҳар куни Байракни кўрмакка келарди. Ўша кун яна кўришга келди. Кўрди — Байрак хафа.

Қиз айтур: Нечун хафасан, хоним йигит? Келганингдан буён сани бундай кўрмагандим, ўйнар эдинг, энди на бўлди?

Байрак айтур: Нега хафа бўлмайин. Ун олти йилдирким, отангнинг асириман, отага, онага қавм-қариндошга ҳасратман. Яна бир қора кўзли ёвуқлим бор эди, Елғончи ўғли Елтожиқ деган бир кимса бориб ёлғон сўйламиш, мани ўлди дея хабар бермиш, ул қизни ўша кимса олур бўлмиш, деди.

Шундай дегач, қиз Байракни янада яхши кўриб қолди. Айтур: Агар сани қалъадан пастга арқон билан туширсам, отанг-онангга соғ-омон етиб борсанг, мани бу ерга келиб, ҳалолингга қабул қилиб олурмисан, деди. Байрак онт ичди: Қиличимга тўғрилайин, ўқимга санчилайин, ер каби кертилайин, тупроқ каби соврулайин, агар соғ бориб Ўғузга, келиб сани ҳалолимга олмас бўлсам, деди.

Қиз арқон келтириб, Байракни қалъадан пастга туширди. Байрак пастга боқиб, ўзини ер устида кўрди. Тақдирга шукр айлади, йўлга тушди. Йўлда душманнинг йилқисига дуч келди, бир от тутсам, минайин, деди. Боқди, кўрди, ўзининг ўша денгиз қулуни бўз айғири ўтлаб юрибди. Бўз айғир ҳам Байракни кўриб таниди, икки оёғини баланд кўтариб, кишнади. Байрак бу орада бўш айғирни мадҳ эта бошлади. Кўрайлик, Хоним, не дер экан:

Очиқ-очиқ майдона менгзар санинг манглайинг
Иккита гавҳарга менгзар санинг кўзларинг
Нафис ипакка менгзар санинг ёлларинг
Икки қариндошга менгзар санинг қулоқларинг
Эрни муродига етказар санинг эгаринг
От демасман сани, қариндош дерман
Қариндошдан яхши,
Бошим баробари,
Бошимга иш тушди, йўлдош, дерман
Йўлдошимдан яхши,

деди.

От бошини виқор тутди, бир қулоғини чимириб, Байракка қарши келди. Байрак отнинг кўксини қучоқлади, икки кўзларидан ўпди, минди. Қалъанинг дарвозасига келди. Ўттиз тўққиз йўлдошини чақириб, ғайридинни ҳақорат айлади.

Қирқ нафар душман отландилар, ортидан тушдилар, қувладилар, етолмадилар, қайтиб кетдилар.

Байрак юра-юра Ўғузга келди, боқди, кўрди, бир ўзан[2] кетаётибди. Ҳой, ўзан қаёққа кетяпсан, деди.

Ўзан: Бек йигит, тўйга кетяпман, деди.

Байрак айтур: Ўзан, тўй кимники?

Ўзан айтур: Елғончи ўғли Елтожиқ деган бир кишиникидир.

Байрак айтур: Кимнинг қизини оляпти?

Ўзан: Хон Байракнинг отоқлиси бону Чечакни оляпти, деди.

Байрак: Ҳой, ўзан, қўбизинг манга бергил, отимни санга берай. Отни асра, кейин баҳосини тўлаб, оламан, деди.

Ўзан айтур: Овозим қирилмай, товушим бўғилмай, қўбизим чалинмай бир от қўлимга кирди, майли, сақлайман.

Ўзан қўбизни Байракка берди.

Байрак қўбизни олди, отасининг ўрдасига яқин келди. Боқди, кўрди, қандайдир чўпонлар йўлнинг ёқасида туриб йиғларлар ва тош йиғарлар.

Байрак айтур: Ҳой, чўпонлар, биров тош кўрса, четга отар, сиз нега тошларни йиғяпсиз, тош йиғиб йиғлаяпсиз, деди.

[1]. Бикир — эрга тегмаган.

[2] Ўзан — бахши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чўпонлар айтур: Сан ҳеч нарса билмассан, бизнинг ҳолимиздан хабаринг йўқ.

Байрак айтур: Нима бўлди ҳолингизга?

Чўпонлар: Бизнинг бегимизнинг бир ўғли бор эди, ўн олти йилдирким, ўлиги-тиригининг хабарини кимса билмайди, ёримасин-ёлчимасин. Ёлғончи ўғли Ёлтожиқ унинг ўлганлигидан хабар келтирди, унга аталган қизни оладиган бўлди, у шу ердан ўтади, уни урмоқчимиз, қиз унга тегмасин, ўз тенгига тегсин, дедилар.

Байрак айтур: Юзингиз оқ бўлсин, оғангиз нони сизга ҳалол бўлсин.

Кейин отасининг ўрдасига келди. Уйлари ўнгида бир катта оғоч бор эди, ул оғоч тагида бир булоқ бор эди. Байрак боқди, кўрдиким, кенжа қиз қариндоши булоқдан сув олмоққа келур, қардош Байрак дея йиғлар, бўзлар эди. Тўйинг тугуни қора бўлди, дея йиғларди.

Байракнинг қаттиқ хўрлиги келди, чидолмади, милдирмилдир кўзидан ёши равон оқди. Байрак чақирибон сўйлар, кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан:

Ҳой, қиз
На йиғларсан, на бўзларсан, оғам, дея
Ёнди бағрим, куйди ичим
Санинг оғанг йўқ бўлибдир
Юрагингга қайноқ ёғлар қуйилибдир
Қора бағринг санинг сарсилибдир —
Оға, дея на йиғларсан, на бўзларсан
Ёнди бағрим, куйди ичим, ҳой қиз.
Қарши ётган қора тоғни
Сўрар бўлсам, кимникидир.
Совуқ-совуқ сувларни
Сўрар бўлсам, ким ичмакда!
Қатор-қатор шаҳбоз отларни
Сўрар бўлсам, кимлар минар!
Қатор-қатор туяларни
Сўрар бўлсам юк кимники!
Қора, мовий ўтовлар,
Сўрар бўлсам, соя кимники!
Чин дилдан, қиз, хабар бер манга
Қора бошим қурбон бўлсин, қиз, санга,

деди.

Қиз айтур:

Чалма, ўзан, айтма ўзан,
Ортиқ дард ман қизга керак эмас, ўзан.
Қарши ётган қора тоғни сўрар бўлсанг,
Оғам Байракнинг яйлови эди,
Оғам Байрак кетдию яйловлар бўм-бўш.
Совуқ-совуқ сувларни сўрар бўлсанг,
Оғам Байрак ичгучи эди,
Оғам Байрак кетдию яйловлар бўм-бўш.
Совуқ-совуқ сувларни сўрар бўлсанг,
Оғам Байрак ичгучи эди,
Оғам Байрак кетдию ичадиган йўқ,
Қатор-қатор шаҳбоз отларни сўрар бўлсанг
Оғам Байрак минар эди,
Оғам Байрак кетдию минадиган йўқ.
Қатор-қатор туяларни сўрар бўлсанг,
Оғам Байрак юк ортар эди.
Оғам Байрак кетдию юклайдиганим йўқ.
Оғилдаги оқ қўйларни сўрар бўлсанг,
Оғам Байракнинг зиёфати учун эди
Оғам Байрак кетдию зиёфатлар йўқ.
Қора, мовий ўтовларни сўрар бўлсанг,
Оғам Байракникидир,
Оғам Байрак кетдию кўчиш йўқдир,

деди. Яна қиз айтур:

Ҳой, ўзан, қарши ётган қора тоғдан
Кечганингда, ўтганингда
Байрак отли бир йигитни кўрмадингми!
Тошқин-тошқин сувларни
Кечганингда, ўтганингда
Байрак отли бир йигитни кўрмадингми!
Оғир отли шаҳарлардан ўтганингда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Байрак деган бир йигитни кўрмадингми!
Ўзаним-эй, кўрган бўлсанг, айтгил манга
Қора бошим қурбон бўлсин санга.

Бир оздан сўнг қиз яна айтур:

Қарши ётган қора тоғим йиқилибдур,
Ўзан, санинг хабаринг йўқми!
Кўланкали чинорларим кесилибдур,
Ўзан, санинг хабаринг йўқми!
Юрагимда қора бағрим тилинибдур,
Ўзан, санинг хабаринг йўқми!
Бу дунёда бир қардошим тутилибдур
Ўзан, санинг хабаринг йўқми!
Чалма ўзан, куйлама ўзан.
Ортиқ азоб мандай қизга нега керак.

Шу яқинда тўй бўляпти, кириб ўтгил ўзан, деди.

Байрак унинг ёнидан ўтиб, катта қиз қариндошлари ёнига келди. Бокди, кўрди, барча қиз қардошлари мотамсаро ҳолда ўтирардилар. Байрак уларга мурожаат айлаб сўзлар, кўрайлик, Хоним, на сўзлар экан:

Эрта тонгда ўрнидан турган қизлар
Оқ ўтовни қўйиб, қорасига кирган қизлар.
Оқ тўнин ечиб, қора тўнин кийган қизлар.
Бағир каби эзилгандан на фойда,
Ориқ ерга экин эккандан на фойда
Уч кундир, йўлдаман, қорним оч, тўйдиринг мани
Уч кун ўтмай ҳақ севинтирсин сизни,

деди.

Қизлар емак олиб келишди, Байракнинг қорнини тўйдиришди.

Байрак: Оғангизнинг бошу кўзи садақаси, кўҳна бир кафтанингиз бўлса беринглар, ман кийиб олайин, тўйга борайин. Тўйда манга кафтан берурлар, сизнинг кафтанингизни шундай қайтариб бераман, деди.

Бориб Байракни ўзининг кафтанини олиб келдилар, унга бердилар, олди, кийди, бўйи-бўйига ярашди, бели-белига, енги қўлига ярашди.

Катта қиз қардоши уни Байракка менгзатди, қора қийма кўзларига қонли ёш тўлди. Қиз қардоши тилга кирди,кўрайлик-чи, Хоним нима дер экан.

Айтур:

Ҳой, ўзан
Қора қийма кўзинг равшан бўлсайди,
Оғам Байрак деяр эдим ўзан санга.
Юзингни қора соқол бекитмаганда
Оғам Байрак деяр эдим ўзан санга.
Йўғон билакларинг ҳолсиз кўринмасайди,
Оғам Байрак деяр эдим, ўзан, санга.
Апил-тапил юришингдан,
Қайрилибон боқишингдан
Оғам Байракка менгзатаман, ўзан, сани
Севинтирдинг, инжилтирма, ўзан мани.

Ва яна сўйлади:

Чалма, ўзан, бир лаҳза айтма, ўзан,
Оғам Байрак кетди, ўзан, келдиги йўқ.
Эгнимиздан кафтанимиз олдиги йўқ.
Бошимиздан кечалигимиз олдиги йўқ.
Шохи бурама қўчқорларнинг олдиги йўқ,

деди.

Байрак айтур: Кўрдингми, бу қизлар бу кафтандан мани танидилар, буюк Ўғуз беклари ҳам танирлар, деди. Кўрайлик-чи, Ўғузда манинг дўстим, душманим ким экан, дея, кафтанни ечди, қизларнинг олдига улоқтирди, на сиз бўлинг, на Байрак бўлсин, бир эски кафтан бердингиз, манинг бошимни айлантирдингиз, деди ва йўлида давом этди, бир эски халта топиб эгнига ташлади ва далли девонага ўхшаб қолди. Сурди, тўйга келди.

Кўрдики, тўйда ўқ отишда қатнашаётган куёв ва Қора Кўна ўғли Дали Будоқ, Қозон бек ўғли Ўроз, беклар боши Яганак, Ғафлат Хўжа ўғли Шер Шамсиддин, қизнинг қардоши Дали Қорачар бор эдилар. Байрак уларнинг ўқ отишини томоша қилиб турди. Қачонки, Қора Будоқ ўқ отса, Байрак: «Қўлинг бор бўлсин!» дер эди. Шер Шамсиддин отса: «Қўлинг бор бўлсин!» дер эди. Ҳар ким отса — «Қўлинг бор бўлсин!» дея олқишларди. Қачонким, куёв ўқ отса: «Қўлинг қурисин, бармоқларинг чирисин, тўнғиз ўғли тўнғиз!» дер эди. Ҳой, тўнғиз ўғли тўнғиз, куёвликка сан қурбон бўл, дер эди.

Ёлғончи ўғли Ёлтожиқнинг аччиғи тутди, айтур: Ҳой калтабин ўғли калтабин, манга шундай сўз сўйламак санга лозимми? Кел, калтабин, манинг ёйимни торт, тортолмасанг сани ўлдирарман, бўйнинг узарман, деди.

Шундай дегач, Байрак яқин келиб, ҳарифнинг ёйини олди, тортди. Ёй қабзаси иккига бўлинди, синди. Байрак уни куёвнинг юзига отди. Тақирда тўрғай отмоққа ярайди, деди.

Ёлғончи ўғли Ёлтожиқ ёйнинг синганини кўриб, қаттиқ жаҳлланди, у айтур: Ҳой, боринг, Байракнинг ёйи бор, келтиринг!

Бордилар, келтирдилар.

Байрак ўз ёйини кўрганида йўлдошларини эслади, йиғлади, ёйни қўлига олиб, уни мадҳ этди, кўрайлик-чи, нима дер экан:

Тул туларга чодирим
Тулардори дуҳорлойи қўйдигим,
Ёғий ўтови қўлимда, қил ипли садоғим,
Айғир бериб олдигим, оқ кўзли манинг ёйим
Буқа бериб олдигим, бўғма камоним
Мунгли ерда ташлаб қайтдим
Ўттиз тўққиз йўлдошим, икки арғишим,

деди.

Кейин Байрак: Ижозатингиз ила беклар, сиз учун тортай бу ёйни, отай, бу ўқни, деди. Улар куёв бекнинг узугини нишон қилиб отар эдилар. Байрак бир ўқ ила узукни урди, поралади. Ўғуз беклари буни кўриб, чапак чалдилар, кулишдилар.

Қозон бек ҳам буни томоша қилар эди. Одам юбориб, Байракни чақирди.

Дали ўзан келди, бош эгди, бағир босди, салом берди. Байрак сўйламиш, кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан. Айтур:

Сабоҳ сафо ерда тикилган оқ бон уйли,
Атлас ила ёпилган кўк соябонли
Қатор-қатор тизилган шаҳбоз отли
Чақирганда «лаббай» деган зўр товушли,
Чайқалганда ёғ тўкилган мўл неъматли
Ожиз йигит таянчи
Мискинларнинг умиди
Бойинтур хоннинг куёви
Туркистоннинг тиргаги
Амит Суюннинг арслони
Қоражиқнинг қоплони
Қўнғир отнинг эгаси
Хон Ўрознинг отаси хоним Қозон,
Товшим англа, сўзим тингла,
Эрта тонгда турибсан,
Оқ ўрмонга кирибсан
Оқ оғочнинг новдасини ҳидлабсан
Ўтовларни қурибсан,
Ўқларни ҳам отибсан.
Ўнгда ўтирган ўнг беклар
Сўлда ўтирган сўл беклар
Эшикдаги иноқлар,
Тўрда ўтирган хос беклар
Тўйингиз қутлуғ бўлсин.

Шундай дегач, Қозон бек унинг ёнига келди. Айтур: Ҳой Дали ўзан, тила мандан, на тилаюрсан? Чодирли ўтовми тиларсан? Қорабош қулми тиларсан ёки олтин ақчами тилаюрсан, берайин?

Байрак: Султоним, мани овқат пишаётган жойга қўйсанг, қорним очдир, тўйсам, деди.

Қозон: Дали ўзан, давлатинг келди. Беклар, бугунги беклигимни ман бунга бердим, қўйинг, нима қилса қилсин, қаерга борса борсин, деди. Байрак емакхонага борди, қорнини тўйдирди, сўнгра қозонларни тепди, ағдарди, овқатларини тўкди. Яхна гўштларни гоҳ ўнгга, гоҳ чапга отди. Ўнгдан учганини ўнгда турган олур, сўлдан учганини сўлда турган олур. Ҳақлига ҳақи тегар, ҳақсизга юзи қоралиги қолур.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қозон бекка хабар етди: Султоним, Дали ўзан бор емакни тўкди, дедилар. Қозон айтур: Майли, на қилса қилсин, қайга хоҳласа борсин. Айтдилар: Энди у қизлар ёнига бормоқ истар.

Қозон: Қизлар ёнига ҳам борсин, деди.

Байракка буни етказдилар. Байрак қалқди, қизлар ёнига борди. Сурнайчиларни қувди, кимини урди, кимининг бошини ёрди, кимини йиқди, кимини сўкди ва хотинлар ўтирган ўтовга келди, ичига кирди, ўтирди.

Буни кўриб, Қозон бекнинг хотини бўйни узун Бурла Хотун аччиқланди. Ҳой аҳмоқ ўғли, санга ким қўйибди бетакаллуф манинг устимга келишни, деди.

Байрак: Хоним, манга Қозон бекдан буйруқ бўлди, мани кимса қайтаролмас, деди.

Бурла Хотун айтур: Хўп, дали ўзан, мақсудинг надир?

Ўзан: Хоним, мақсадим улдирким, эрга тегаётган қиз ўйнасин, ман қўбиз чаларман, деди.

Қисирча янга айтдилар: Қисирча янга, тур, сан ўйна, сани билмайди-ку дали ўзан, дедилар.

Қисирча янга турди: Ҳой, ўзан, дали ўзан, эрга чиқажак қиз мандирман, чал қўбизингни, ўйнайин, деди ва ўйнамоққа бошлади. Байрак бунинг Қисирча янга эканини биларди.

Байрак қўбиз чалди, сўйлади. Кўрайлик, Хоним, на сўйлар экан:

Онт ичмишам, қисир қирчанғига миндигим йўқ.
Минибон ман ғазаотга бордигим йўқ.
Ҳўкиз изидаги сарбонлар санга боқар,
Сани кўзлар, қайси дарага кетди, дея
Изинг излар, қайси ёндан келар, дея боқар
Кўзларининг ёши равон оқар,
Сан уларнинг ёнига боргил
Муродингни улар берар санга, билгил.

Санинг ила манинг ишим йўқ. Эрга бораётган қиз жойидан турсин, қўл солибон ўйин кўрсатсин, ман қўбиз чаламан, деди.

Қисирча янга айтур: Вой-вой, завол келажак, мани бу дали ўзан кўргандай сўйлар, деди. Завол бошига тегиб, жойига ўтирди. Улуғ хонларнинг хотинлари юзини яшмоқларига бекитиб, қаҳ-қаҳ кулдилар. Шундан сўнг Бўғозча Фотма деган бир хотинга айтдилар, қиз қалқ, сан ўйна, дедилар. Ҳай, шу дали ўзан шояд манга ёмон сўзлар сўйламаса, деди у. Унга келиннинг кафтанини кийдирдилар, чал, дали ўзан, эрга бораётган манман, деди, ўйнайман, деди.

Дали ўзан айтур:

Онт ичайин, бу кез бўғоз қизларга
миндигим йўқ,
Минибон ғазовотга бордигим йўқ.
Ҳой, ман сани хўп танирман.
Уйингиз ортида дара бор эдими!
Итингизнинг оти Боражуқ эмасми!
Санинг отинг қирқта ўйнашли
Бўғозча Фотмажиқ эмасми!
Бориб ўрнингга ўтир, ўйнамагил,
Йўқса, яна айбинг очарман, билгил,

деди. Санинг ила манинг ўйиним йўқ. Эрга борадиган қиз ўрнидан турсин, ман қўбиз чаламан, қўл солибон ўйнасин, санга эса айтадиган сўзим йўқ, деди.

Бўғозча Фотма айтур:

Вой-вой бўғмалар чиқар, дали ўзан,
Келиб тотли суҳбатимиз бузган
Шунча айбимизни бошимизга солган
эл ичинда юзимизни қизартган

деб, турган жойига бориб ўтирди.

Сўнгра келинга айтур: Тур, қиз, санинг учун бизга налар бўлди. Дўстлару душманлар ҳаммаси кулди, бориб ўйнасанг ўйна, ўйнамасанг жаҳаннамда қайна, деди.

Бону Чечак, ажаб, манга на дер экан бу ўзан, деб ўйлади. На фикрга бординг, Байракдан сўнг бошингга бу ишлар тушажагин билармидинг, дедилар унга.

Узун бўйли Бурла Хотун айтур: Қиз, қани, ўйна, қўлингдан на келур, ўйна, деди.

Қалқди, бону Чечак қирмизи кафтанини кийди, қўлларини енгига яширди, кўзикмасин дея. Ўйинга кирди, айтди: Ҳой, дали ўзан, чал энди, эрга боражак қиз мандирман, ўйнайин, деди.

Байрак айтур:

Хон қизи сансан, бали,
Ман бу ердан кетган дали,
Даллим, оқ қорлар ёғмиш, тизга етмиш,
Хон қизининг уйинда
Кул қорабош ястанмиш.
Хон қизи совуқда сувга бормиш,
Билагидаги ўн бармоғин совуқ урмиш.
Қизил олтин келтиринг,
Хон қизига бармоқ йўнайин.
Оқ кумуш келтиринг,
Хон қизига тирноқ ясайин —
Бу ҳолда хон қизи эрга тегса айб бўлур,

деди.

Буни эшитган бону Чечак қизишди, айтур: Ҳей дали ўзан, манинг нима айбим борки, манга айб қўярсан, деди. Кейин кумуш каби оқ билагин очди, қўлин чиқарди. Байракнинг кийдирган олтин узуги бармоғида кўринди. Байрак узукни кўриб таниди ва бир сўз айтмиш, кўрайлик, Хоним, на дер экан, Байрак айтур:

Ҳой, хон қизи
Байрак кетгандан бери
Тик тепанинг бошига чиқдингми ҳеч!
Қарманиб тўрт ёнингга боқдингми, қиз!
Қарға каби қора сочинг юлдингми, қиз!
Қора кўздан аччиқ ёшинг тўкдингми, қиз!
Тирноқ уриб, куз олмаси каби ол ёноғинг
йиртдингми, қиз!
Келгандан, кетгандан Байракни сўрдингми, қиз!
Севдигим Бомси Байрак дея йиғладингми, қиз!
Модомики, эрга тегар экансан
Бармоғингдаги узукни бер, маникидир, қиз,

деди.

Қиз айтур:

Байрак кетгандан буён
Тик тепага кўп чиққанман кўп.
Қарға каби қора сочим юлганман кўп.
Келгану кетгандан Байракни сўрадим хўп.
Қора кўздан аччиқ ёшим оқиздим кўп.
Кетди келмас бек йигитим
Севишдигим Бомси Байрак, дея йиғлаганман кўп.
Севишдигим Бомси Байрак, гар сан бўлсанг,
Олтин узук ҳам саники
Олтин узукнинг кўп нишонлари бор,
Ўша нишонларин сўйла.

Байрак айтур:

Эрта тонгда хон қизи еримдан турмадимми!
Бўз айғирнинг белига минмадимми!
Ўтовингнинг олдида бир кийик йиқмадимми!
Сан мани ёнингга чақирмадингми!
Санинг-ла майдонда чопишмадикми!
Санинг отингдан отим ўзмадими!
Ўқ отганда санинг ўқингни маники урмадими!
Курашганда ман сани босмадимми!
Уч ўпиб, бир тишлаб ман
Олтин узукни бармоғингга тақмадимми!

деди.

Шундай дегач, қиз билдиким, бу Байракдир. Жуббасиқ жиҳози ила хон Байракнинг оёғига йиқилди. Байрак эканини хотинлар ҳам англаб, бир-бир бекка суюнчиламоққа кетишди. Доялар Байракнинг елкасига кафтан ташладилар. Дарров бону Чечак отга минди. Байракнинг отасига, онасига хабар етказмоқ-ка кетди. Қиз бориб, қайнотаси ва қайнонасига бир сўз айтмиш:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нураб-нураб қора тоғинг йиқилганди,
Энди юксалди.
Қони қонли сувларинг ҳам қуриганди,
Энди тошди-ку.
Шаҳбоз отинг қариб қолган эди, энди
Қулун туғди.
Қизил-қизил туяларинг қариганди
Кўп буғро туғди.
Оғилдаги оқ қўйларинг қариганди
Қўзи берди.
Ўн олти йиллик ҳасратинг Байрак келди ахир
Қайнота, қайнона суюнчимга на берарсиз,

деди.

Хон Байракнинг отаси, онаси айтурлар:

Тилинг учун ўлайин, келинчигим.
Йўлингга қурбон бўлайин, келинчигим
Елғон бўлса бу сўзларинг, тўғри бўлсин, келинчигим,
Тўғри бўлиб, Байрак соғ-омон келса
Қарши ётган қора тоғлар санга яйлов бўлсин, келинчигим.
Совуқ-совуқ сувлар, санга ичит бўлсин, келинчигим.
Қулим, халойиқим санга қул бўлсин, келинчигим
Шаҳбоз отларимни сан мингил, келинчигим.
Қатор-қатор туяларимга юкинг юклат бўлсин, келинчигим,
Оғилдаги оқча қўйлар санга бўлсин, келинчигим.
Олтин ақчам санга харжлик бўлсин, келинчигим
Тунлик олтин бон уйим санга кўлка бўлсин, келинчигим
Қора бошим қурбон бўлсин санга келинчигим,

деди.

Бу янгиликни эшитган беклар Байракнинг атрофида йиғноқ бўлдилар. Беклар ва хонлар бир бўлиб, Байракни отасининг ёнига олиб келишди. Қозон бек айтур: Суюнчи бер, Бой Бўра бек, ўғлинг келди, деди. Бой Бўра бекнинг ўғли кетгандан сўнг йиғлай-йиғлай кўзлари кўрмас бўлган эди.

Бой Бўра бек айтур: Ўғлим Байрак эканини билмоғим учун у ўзининг жимжилоғини қонатсин, қонини даструмолга тўксин, ман кўзимга суртайин, агар кўзим очилса, бу одам ўғлим Байракдир, деди. Байрак бармоғини кесди. Даструмол кўзига теккач, тангри амри ила, отасининг кўзлари очилди. Отаси, онаси зор йиғлашиб ўзини Байракнинг оёғига ташладилар.

Онаси айтур:

Ўғил, тунлик олтин ўтовимнинг қабзаси ўғил.
Ўғил, сан кетдингу олтин уйга мотам кирди.
Қорга менгзар келинимнинг давлати ўғил.
Қорга менгзар келинчигим оқ чиқариб, қора кийди.
Кўрар кўзларимнинг ойдини ўғил
Тутар белимизнинг қуввати ўғил,
Буюк Ўғуз суянчиғи, жоним ўғил,

дебон кўп йиғлашдилар, қодир мухторга шукрлар айладилар. Отдан, туядан, қўйдан, сигирдан қурбонлик этиб, неча қорабош қулларни озод қилдилар.

Елғончи ўғли Елтожиқ буни эшитди, Байракдан қўрқиб қочди, ўзини Тоносоз қамишзорига урди. Байрак изидан тушди, қува-қува бир бурчакка тиқди. Байрак айтур: Ут келтиринг. Келтирдилар. Қамишзорга ўт қўйишди. Елғончи ўғли Елтожиқ кўрдиким, чиқмаса, ёниб кул бўлажак, қамишзордан чиқди, Байракнинг оёғига йиқилди. Қиличи қўлидан тушди, Байрак унинг гуноҳидан кечди.

Қозон бек: Байрак, кел энди муродингга эриш, деди.

Байрак айтур: Хоним Қозон, йўлдошларимни қутқармагунимча, ғаюр қалъасини олмагунча муродимга етмасман.

Қозон бек Ўғузга қараб бир карра ҳайқирди. Байрак шарафига мани севган йигитлар отига минсин, деди. Буюк Ўғуз беклари отландилар. Бойбурт қалъасига томон «қардошим!» дея от йўрттирдилар. Ғайридиннинг жосуслари бор эди, хабар етказишди. Улар ҳам аскарини жам этиб, қарши чиқдилар. Отларига суворий бўлиб, қиндан қилич суғуриб, такбир айтиб ғаюрга от солдилар. Гумбур-гумбур доиралар чалиниб, бурмаси олтин тунж ноғоралар янгради; юраги борлар ўзини кўрсатди; муханнаслар четга чиқишди; бек навкаридан, навкар бегидан айрилди. Бир қиёмат саваш бўлди, майдон тўла бош бўлди.

Байрак, Яганак, Қозон бек, Қора Будоқ, Дали Дундор, Қозон ўғли Ўроз бек ва қолган беклар жам бўлиб, хон Қозон ёнида қалъага ҳужум этдилар.

Байрак ўттиз тўққиз йигитининг ёнига етиб келди. Уларни соғ ва эсон кўрди. Тақдирга шукр айлади.

Қушнинг ола қонини, ипакнинг аслини, қизнинг гўзалини ва бир жуббани хонлар хони Бойинтурга садақа қилдилар.

Шўқли Маликнинг қизига Байрак ваъда берганди, уни олди, қайтиб келди, оқ бон уйига, оқ ўтовига кирди. Бой Бўра бекнинг ўғли Бой Бижон бекнинг қизига уйланди, тўй бошланди.

Қирқ йигитнинг бир қисмига Қозон бек, бир қисмига Бойинтур хон қиз атади. Байрак ҳам ўзининг етти қиз қариндошини етти йигитга берди. Қирқ ерда ўтов тикди. Ўттиз тўққиз йигитнинг толеига ўқ отди. Уттиз тўққиз йигит бўлажак хотинини билиш учун ўқни излаб кетди.

Қирқ кун, қирқ кеча тўй этдилар. Байрак йигитлари ила мурод берди, мурод олди.

Қўрқут Ота келди, қўбиз чалди, хурсандчилик қилди. Қўшиқ айтди, сўз сўйлади. Ғози бирадарлари бошига не келажагини сўйлади. Бу Ўғузнома Байракка бағишлансин, деди. На деди: Қани, ул ман мақтанган бек ёронлар, дунё маники деганлар? Ажал олди, ер гизлади. Фоний дунё кимга қолди? Келимли, кетимли дунё. Сўнгги учи ўлимли дунё бу.

Қут тилайин, Хоним, қора тоғларинг йиқилмасин, кўлкаси кенг оғочинг кесилмасин. Оқ соқолли отанг ери юксак бўлсин. Оппоқ сочли онанг ери беҳишт бўлсин. Ўғил ила қариндошдан айирмасин. Охирида пок имондан айирмасин. Имон-имон деганлар дийдор кўришсин. Йиғиштирсин, туриштирсин, гуноҳларингизни оти кўркли муҳаммад шарафига эгамнинг ўзи кечирсин, Хоним-эй.

Давоми келгуси сонда

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳринисо Ойдинова

Фронтга кузатиш

У кетар...

Кўзларга ўтириб қолган
Ҳал-ҳал атлас кўйлак кетар у билан.
Ва дилнинг тўрида жизиллаб турган
Чўғдай бир келинчак кетар у билан.

Димоғида кетар сунбул сочлардан
Таралган ёшликнинг анбар бўйлари
Ва чирмашиб борар бўйнига маҳкам
Гулдай келинчакнинг узун ўйлари.

Поезд елар... Осмон йиғлайди юм-юм
Ёр йиғлар... Йигитнинг кўзлари тинди:
Ёр сочин силаган шу қўллар билан
Жангда қандай одам ўлдирар энди?!

Армон

Шу митти вужудни энг сўнгги йўлга
Зор йиғлаб кузатди қадрдон қишлоқ.
Қирқ йиллик соғинчни энди қандайин
Бағрига сиғдирар бу совуқ тупроқ?!
Муштдеккина кампир кўнглидай ғариб,
Қирқ йил интиқликда чўккан бу кулба,
Ҳамон ишонмасдан қора хатларга
Онани кузатди энг сўнгги йўлга...
Уй тўрида осиқ уч тишланган нон —
Уч фарзанднинг маҳтал насибаси ҳам
Узилиб-узилмас умидлар билан
Сағир қолишдилар ўз кулбасида.
Чорлаб ўтди она Уч Хотиротни,
«Келинг, тобутимнинг эгалари» деб
Тобуткаш бўлолмай УЧ азиз АРМОН
Йўлга тушди инграб, қўлларин чўзиб.

* * *

Чимилдиқда ўн саккиз ёшда
Йиғлаб қолган гуллар — фаришта.
Гумонаси ота бетини
Кўрмай ўтган туллар фаришта.

Чақмоқдайин қаро кўзларга
Фироқ селин тўлдиргач уруш,
Вақт топмайин ёниб бўзларга
Қадоқ бўлган қўллар фаришта.

Совумасдан бунда азалар
Қора хатлар келар бирма-бир.
Дилга тўлиб кетди задалар,
Тошдан бўлган бошлар фаришта.

Бугун қирқ йил беридан туриб
Ғалабага айтарканмиз шон,
Фарзандларин бағрига босиб
Ёниб ётган тошлар фаришта!

Зебо Раҳимова

Тасаввур

Кунлар менга келтирар бир кун
Соғинганим жажжи болани.
Узалади унга бор умрим
Йиғиштириб истиҳолани.

Ҳайратимнинг кўзлари қизил,
Қовоқлари йиғидан шишган.
Қўлларимда табаррук нола,
Ширин бола — осмондан тушган...

* * *

Менга фидо бўлишга шошманг,
Қадди букик ёлғон керакмас.
Мен — йилларга эгилмас бошман,
Сиз — йилларга керилган кўкрак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дилингизни оғритдимми мен,
Кўнглингизга ботдими сўзим?
Сизга айтган рост сўздан қайтиб
Азоблайман ўзимни ўзим.

Сиз худбинсиз! Ростини айтинг,
Кўнглингизга тегдими сўзим?!
Мен барибир рост сўздан қайтдим,
Азобладим ўзимни ўзим...

Суратчининг мулоҳазаси

Кўзларингни нуқтага қада,
Нигоҳингни узоққа юбор.
Юзингга бер жиндай жилмайиш,
Кайфиятга жиндайин ғубор.

Қўлларингни хитобга кўтар,
Тишлаб тургин ёки қаламни.
Кўринишинг кўрсатиб турсин
Улуғворлик ва жиндек ғамни.

Ўтиб кетар ҳаяжон-ҳавас,
Қолар сендан фақат суратинг.
Унут ўзни, бир умр эмас,
Бир лаҳзага, етса журъатинг.

Худди шундай... янгилик эмас
Сендай сарсон, унут бандалар.
То тириксан, бутун умрингни,
Ҳаётингни шу кун рандалар...

* * *

Барибир Мен сизга шеърлар айтаман,
Айтаман кўзларга сиғмас дардимни.
Ҳасратда яшаган куним, ойларим,
Ранглари синиққан қадримни.

Кулиб турса кўзим, бу — мен эмасман.
Фақат чучмал сўзлар сўзламаган тил.
Бахтсиз бўлганимдан асло тонмасман
Севгисиз кунларга юкинганда дил.

Сиз сабаб умримдан воз кечар бўлсам
Ҳаёт, ҳеч тинчитма, исмим айт, чақир.
Фақат йўлим тўсманг шеър айтиб ўлсам...
Сиз менинг кимлигим билмайсиз, ахир...

Ахир, кечирарли менинг гуноҳим,
Мен ҳам бахт сўзининг сиғиндисиман.
Хатоли, хатосиз кунлар меники,
Мен ахир шу кунлар йиғиндисиман...

Мақсуда Эргашева

* * *

Қуйди уфқнинг пиёласига
Арғувоний бодасини шом.
Яхши тушлар кўриб ухлайди
Бу бодани симирган олам.

Тушларида дард йўқ, бағрида
Фарзандларин қучиб ётар жим.
Темир қушлар — кумуш семурғлар
Қанотида ташимас ўлим.

Қуримаган денгизлари ҳам,
Фарзандлари кўп апоқ-чапоқ.
Уйғонади негадир чўчиб,
Олам юзи оқарар оппоқ.

* * *

Қачон кечди умримдан не сир?
Ўлтирибман ҳайрона ҳануз.
Кетиб борар мен севган фасл,
Кетиб борар хаёлпараст куз.

Этаклари ёмғирлардан ҳўл,
Босолмасдан титроқларини
Боғлар турар. Кўринмас бир қўл
Узиб отар япроқларини.

Қайга кетди япроқларим деб,
Новдалардан ёш тўкма, эй боғ.
Ҳаммамизни севади бирдек,
Ҳаммамизни тортар бу тупроқ.

* * *

Жигарлар қонига бўялмиш бу ишқ,
Занжир сочлар каби чигалмиш бу ишқ.
Ширин ва Зуҳролар қисмати етмай
Менинг дардим билан тугалмиш бу ишқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Арслон ёли

Ҳикоя

Ҳамид Маллаев

Кўрогон қишлоқларини зир титратган бу воқеа шу шўрқисмат ҳамда умрибоқий... арчанинг тагида рўй берган. Саҳмоновлар Турдини шу ерда калтаклаб кетишган. Чала ўлик ҳолда ётган боёқишни одамлар хариш жийрони билан бирга арчанинг танасига қапишиб ётган ҳолда топишган. Ҳаммасига ёлғиз шу тилсиз дарахтгина шоҳид. Негаки, Турдининг ўзи бўлган воқеани одамларга сўзлаб беришдан бош тортган. Судда ҳам тушуниб бўлмайдиган нарсаларни айтган: «Нимасини сўрайсизлар? Сўрагулик жойи йўқ. Мен айтсам ёлғонга ўхшаб чиқади. Чин гаплар ўша ерда қолиб кетган. Э, чин гаплар бошқа. Ҳаммасини Арслон ёли билади. Ўшандан сўранглар: у гўдакларнинг қўлини, занглаган темирларни кўриб турган эди...»

Арслон ёли эса... минг йиллардан бери безабон!

Дарвоқе, олдин бу сирли арчанинг ўзи ҳақида: у яланг Шувоқли даштининг қоқ ўртасида, Кўрогоннинг энг кўҳна қишлоғи — Теракли йўлида Аймоқлар замонидан бери танҳо қаққайиб туради. Бу ерларга йўли тушган йўловчи, агар, биринчи бор кўраётган бўлса, унинг ёнидан ўтаётиб, беихтиёр тўхтаб қолади. Арчанинг шу бутоқлари тўкилиб моховсифат ҳолига ярашиб тушмайдиган «мағрурлиги» ва «қайсарлиги» ҳам бор эди... Шунинг учун бўлса керак, у ҳар доим ҳам одамда ачиниш ҳиссини қўзғайвермасди. Тағин ҳаёт асари қолмаган қоқ қуруқ, яланғоч танаси бағридан ғалати нидо отилаётгандек туюлаверади. Тоғлар нураши, йиртқич ҳайвонлар ўкириги, қор кўчкиси босиб қолган қишлоқдан чиқаётган бўғиқ фарёдларга ўхшаш бу ваҳимали овозлардан кишининг аъзои баданини титроқ босади.

Унинг атрофидаги ўрмондан — бир замонлар айқаш-уйқаш бўлиб ўсган арчалар ва заранглардан ҳозир ном-нишон қолмаган. Одамлар аллақачон кесиб, тўнкаларигача ковлаб олиб кетишган. Унинг дахлсиз қолгани ажабланарли. Эҳтимол, одамларнинг кори ҳолига ярамагани учундир? Билъакс ўрмонга отланган ўтинчи зоти борки, унинг ҳимоясиз танасига болта уриб ўтган. Яна у даштда бўкирган бўрон ва довулларнинг шафқатсиз забтига чидашга ҳам мажбур: кучли шамол арчанинг метиндек мустаҳкам танасини ҳам ўпириб кетгудек чор тарафга бетиним тўлғайди.

Бу арчанинг танаси эски ва янги «чандиқ»ларга тўлиб кетган, болта изи тушмаган жойи кам, лекин атрофида пайраха кўринмайди. Таги ҳамиша супуриб-сидириб қўйилгандай топ-тоза. Уч-тўртта пайрахани чопони ўнгирига солиб қайтаётган ўтинчи бола: «Мен бугун Арслон ёлидан ўтин олдим», дея бемалол мақтанади. Чиндан ҳам болага қойил қолса арзийди. Негаки, Арслон ёли ойболтанинг ғирт кушандаси. Танаси қаттиқлигидан зарб билан урилган болтанинг ё юзи қайрилиб кетади ё учиб тушади. Ёнғоқлилик машҳур ёғочйўнар Ўмир чол бир вақтлар одамлар билан баҳс бойлашиб арчани ағдармоқчи бўлган ва уч кун уннаб, саккизта болтани синдириб бор-йўғи бир қучоқ пайрахага эга бўлган, холос.

Бошига ёғилган офатлар, турган гапки, Арслон ёлига кўп зиён етказганди. Ҳар сафар янги талафотдан кейин ўнгланмайдигандек кўринар, бир тутам ожиз шувоқдек соғ қолган томирларида базўр танасини тутиб турарди. Аммо серёғин баҳор кунларида зарба еган жойлари чириб, биратўла қулаб тушиш ўрнига яна қаддини ростлаб олар, яшил япроқлари яна Кўрогоннинг муздай шамолида мавжлана бошларди. Одамларни худди мана шу сир — болта, яшин, бўрон ва довуллар кор қилмаслиги ҳайратга соларди.

Арслон ёли тўғрисида тўқилган афсона ва ривоятлар эса анча-мунча ва ҳар қайсиси бир-бирига ўхшамасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Диндорлар уни пайғамбарга ишонмагани, динни қабул қилмагани учун худонинг қарғишига учраган даҳрийнинг арвоҳи дейишади. Яна бировлар бошқача таъбир қилишади: эмишки, одамлар дастлаб кўчиб келгунига қадар бу ерларни макон тутган арслонлардан бири бошқа арслонларнинг изидан тоғнинг орқасига кетишни истамай шу жойда ўлган ва кейинчалик унинг лоши устидан арча униб чиққан.

Теракли қишлоғининг бултур қазо қилган кайвониси Абдураҳмоннинг ривояти бу икки афсонани ҳам рад этади. Унинг нақлича, бу арча дорнинг ёғочи эмиш. Бир замонлар қалин ўрмон орасида дориломон яшаган Туроқ деган қабила ўз маконини Яшил юрт деб атаган. Ниҳоятда зич ўсган арча дарахтлари бу қабилани бўрон, сел, урушқоқ қабилалар босқинидан асрагани учун бўлса керак, парвардигорга эмас, арчаларга сиғинганлар. Улар ҳатто арча ҳақида қўшиқ ҳам тўқишган:

Гуркираган бўйларингдан айланайин, кўк арча,
Қув оғочинг, шохларингга гул ўрайин, кўк арча.
Сен Туроқнинг паноҳисан, оллоҳисан, кўк арча,
Қиёмат кун пойингда тирилайлик, кўк арча.

Бу қўшиқ то аймоқлар босиб келгунча тилдан тушмаган. Мўр-малахдай ҳар тарафдан ёпирилган аймоқлар уларнинг Яшил юртига ўт қўйиб, ботирларини қиличдан ўтказишади. Денгиздай мавжланиб турган арчазор уларнинг қонига чўмилади. Аймоқларда умрбод қулликни қабул қилганларгина омон қолади. Сотқинлар: «Ахир, аймоқлар бизнинг халоскорларимиз!» дея ялтоқланиб, ёниб битган Яшил юрт култепалари узра қичқирадилар. Қулликдан бош тортган биродарларини ўзлари аймоқларга тутиб беришади. Аймоқлар ўзларига қарши қирқ йил курашган Арслон исмли туроқни сўнгги жангда ўлдиргач, қолган туроқлар авлодига ибрат бўлсин учун қирқ жойидан чопилган ботирни мўмиёлаб дорга осиб қўйишади. Орадан уч аср ўтиб, Арслоннинг танаси кукунга айланиб, оламдан Яшил юрт ва Туроқ деган ном ўчгандан кейин бир мўъжиза юз беради: дорнинг ёғочи ерда томир отиб, танасидан куртаклар ёриб чиқади. Шохлари ҳар томонга тарвақайлаб, ям-яшил барглар ёзиб, мана шу сирли арча дарахтига айланади...

Ҳозир одамларнинг кўпчилиги бу ривоятни эсларидан чиқариб юборишган. Тўғри, «даҳрийнинг арвоҳи» деган гап уларни сал-пал ҳайиқтиради. Шу боисдан Турди деганимиз Саҳмоновлар билан жиққамушт бўлиб калтак егандан сўнг арчанинг яланғоч танасини қучиб ётгани ҳаммани даҳшатга солиб қўйди. Тағин ҳаммасига мана шу тилсиз дарахт шоҳид!

Кўрогонликлар Арслон ёли тагида юз берган можаронинг тафсилотини яхши билишади. Турди Кўрогонда отнинг қашқасидай — ҳамма билади; унинг номи эшитилса, бешикдаги бола ҳам йиғидан тўхтайди.

«Садқаи сар, — дейишди судда Турдининг ҳамқишлоқлари. — Арча тугул Тераклининг бир тошига ҳам арзимайди у! Биз ҳў ўшанда, у жувонмарг яланғоч от миниб улоқ чопганда айтганмиз, бу нокас вақти келиб ҳамманинг бошига битган бало бўлади, деб. Айтганимиз келди».

Ҳамқишлоқларининг гапига қараганда, Турди ўн олти ёшидан кўпкари чопишни бошлаб, манаман деган чавандозларга улоқ бермай қўйган. Отаси бунинг охири бахайр бўлмаслигини фаҳмлаб, тагидаги жийрон отнинг эгар-жабдуғини уйга солиб қулфлаб қўйган. Аммо Турди отни улоққа яйдоқ миниб келиб, бош совринни машҳур Шодибек чавандоздан силтаб тортиб олади. Шодибек — Саҳмоновларнинг ишонган чавандози, Саҳмоновлар ўша пайтда ҳам Кўрогоннинг боббрў кишилари бўлган. Турдининг ишига ҳамманинг қаҳри келади. Кўпкари тарқагач, тераклиликлар йиғилиб келиб, унинг отасига: «Бир ёмон тана бутун подани булғайди. Уни бир ёққа йўқотмасангиз, биз қишлоқдан кўчамиз, битта баччанинг касрига ҳаммамиз ёмонотлиқ бўлишни истамаймиз», дейишади. Турди қишлоқдан чиқиб кетади. Ўқишга, кейин Жийдалига ичкуёв бўлиб... Тераклига қайтиб оёқ босмайди.

Лекин унинг хат-саводи борлиги тугул, ақли-ҳуши жойидалигига ҳам одамлар шубҳа қилишарди. Шунга қарамай у ўқишни битириб келгач, ўқитувчиларга: «Ҳамманг нўл, ҳамманг тамом бўлгансан! Қани Кўрогоннинг мактаби?! Қани мени ўқитган чин ўқитувчилар?!» деб шовқин солади. Бу билан ҳам кифояланмай, гўё тоғдаги йўқолиб кетаётган ўрмонни қўриқлайдиган қаҳрамондай ўқувчилардан «яшил патруль» тузиб, қўлларига биттадан дафтар, билакларига яшил лента боғлаб, тош йўлга олиб чиқади. Ёғоч ортилган машиналарни тўхтатиб, браконьерларнинг фамилияларини ёзишни ва жарима солишни буюради. Ана шунда, унинг ўзи айтишича, бу иш биронта ҳам ўқувчининг қўлидан келмаган.

Ушанда у Ёнғоқлидаги ўрмон хўжалиги бошлиғи Одамалиев ўз ходимларига 300 та ёғочни кестириб сотди, унинг бостирмасидан ҳам шунча ёғоч чиқди деб овоза тарқатган. Саҳмонов орага тушиб бости-бости қилмаганида борми, туппа-тузук бир одам бегуноҳ қамалиб кетиши мумкин экан. Турди Тўра жунчини ҳам тинч қўймаган. Тўра жунчи — Ёнғоқлининг оқсоқоли, бўлим бошлиғи Маҳмадиёр Саҳмоновнинг беминнат ёрдамчиси. Солиқми, гўштми, сутми, жунми — барисини одамлардан у йиғади. Ёнғоқлиликлар уни ҳурматлаб, Тўра катта деб аташади. Бироқ Турди уни қўли эгриликда айблаган...

Мактабда эса, Турди барбод бўлган ишни қайтадан тиклайман, деб муаллимларга кун бермаган. Оқибатда, уни икки марта ўласи қилиб уришган. Ҳатто мактабдан ҳайдаб юборишган... Бир куни у ўқитувчиларга тўғридан-тўғри: «Сен баринг мураббий эмас, Саҳмоновларнинг итисан! Ҳамманг қутуриш касалига чалингансан! Ораларингда ишлайдиган тўртта дипломсиз Саҳмонов ҳаммангни қопган. Энди мен ҳаммангни улардан халос қилиб, даволаб, одам ҳолига келтиришим керак!» дебди. Бу гапни ўқувчиларни пахта теримига жўнатиш учун райондан келган вакилнинг ҳузурида айтган ва ўзи болаларга бошлиқ бўлиб пахтага — ҳашарга кетган. Лекин у пахтада муаллим деган номгагина эмас, бутун кўрогонликлар шаънига доғ бўлиб тушадиган ишни қилган: ўз ўқувчиси — Саҳмоновларнинг ўнинчи синфда ўқийдиган синглиси Норсулувни... урган! Шу куни тасодифан уларнинг ҳаммаси шийпонда ҳозир бўлишмаганида, ким билади, яна нималар юз берарди.

Турдининг бу ишини муҳокама қилишаётганда у ҳамманинг гапини оғзига урган. Эмишки, ўша куни қиз «бошим оғриди» деб шийпонда қолган. Турди ташқаридаги сўрида табель тузиб ўтирган. Бир пайт қизлар ётоғига бир шарпа кириб кетган. У аввалига бунга аҳамият бермаган, ҳисоб-китобини давом эттираверган. Бирпасдан кейин ичкаридан ғалати овозлар эшитилган. Бориб эшикни очса, қиз қуроқ кўрпага бурканиб ётганмиш. Худди шу дақиқада унинг ёнида турган бир йигит ланг очиқ деразага ўзини урибди. Йигит зум ўтмай қочиб пахта пайкалидан ўтиб кетибди. Шу пайт қиз устидаги қуроқ кўрпани отиб юбориб шайтонлаб қичқира бошлабди. Турди шошиб қолибди: қизнинг эгнидаги кўйлак, лозими икки-уч жойидан йиртилган эмиш. У қизнинг дод-войидан чўчимаса ҳам беҳаё ётишидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўрқиб кетган. Бир кўнгли деразадан ташлаб қочган йигитни қувмоқчи ҳам бўлибди, лекин шу пайт хонага ошпаз Тошниёз чол кириб келибди. Унинг орқасидан худди осмондан тушгандай бирин-кетин Саҳмоновлар пайдо бўлибди. Улар сўраб-суриштириб ҳам ўтирмай Турдига ташланишган. Шундагина унинг кўнгли ёмон нарсани сезган. Саҳмоновлар билан олишган. Ҳаммасини уриб, сулайтириб ташлаган.

Ошпаз чол, воқеа худди шундай бўлган эди, аммо олдин ичкарида нималар бўлганидан бохудо хабарим йўқ, деб гувоҳлик берган. Турди айтган гапларга эса, албатта, ҳеч ким ишонмаган. У ичкуёв бўлган Жийдали қишлоғи одамлари (Саҳмоновлар ҳам шу қишлоқда яшашади) уни тошбўрон қилмоқчи бўлиб, яна шаштларидан тушган. Улар: «Бу муртад тераклилик туғишганлари қувиб юборганда келиб бизнинг бағримиздан паноҳ топди, тузимизни еди, лекин тузлуғимизга тупурди», дейишибди. Уларнинг гапига қараганда, Турди муаллимликдан ҳайдалгандан кейин ҳам ўзини тутиб олмаган. Ичкиликка берилган. Уч йил сурункасига пиёнлик қилган ва: «Қутуриш касалига қарши курашяпман», деб кўчада одамларнинг итини тошлаб юрган. Кейинроқ эса, браконьерлар олиб кетаётган арча ёғочларини қўлга тушираман, деб тош йўлда кўндаланг тушиб ётиб оладиган одат чиқарган. Хотини номус қилиб уни уйига киритмай қўйган. Қайноғалари ҳам бунга чидаёлмай, хўп калтаклашгач, ўзи бош уриб Тераклига борган, аммо оғайнилари унга итларини олқишлашиб, ўзлари уй-уйларига бекинишган...

Бу ҳол то бултургача, Турди арз қилган министрнинг хати билан пахта теримидаги воқеани қайта кўриб чиқиб, муаллимликка тиклашгунича давом этган. Тикланиши эса...

Турдини пихини ёрган туллак дейишарди улар. Ўқувчилар пахтага борган жойда бир ўспиринни пул бериб бегуноҳлигига сохта гувоҳлик беришга кўндиришган. Ўспирин: «Менга қиз ёқиб қолганди. Пахтазорда учрашиб турардик. Буни бир акаси ҳам кўрган эди. Ўша куни шийпонга келишимни қизнинг ўзи жуда илтимос қилувди. Мен кирганимда негадир уст-боши йиртилган кўйи кўрпага ўраниб ётган экан. Муаллимнинг оёқ товуши эшитилганда мен деразадан сакраб қочдим. Муаллимга туҳмат қилишганини эса уч йилдан кейин эшитдим», деб ҳамманинг олдида ёлғонлаган. Энг қизиғи шундаки, Саҳмоновлар: «Биз хато қилган эканмиз», деб кейинчалик Турдидан кечирим сўрашган...

Турдининг тарихи мана шу. Одамлар бу тарихнинг ипидан игнасигача билишади.

Бироқ унинг янги саргузашти ҳамманинг эс-ҳушини олиб қўйган эди. Одамлар бир ойдан бери майдачуйда ишларини йиғиштириб қўйиб, мол-ҳолларини қаровсиз қолдириб шу ҳақда баҳслашишарди. Уйларининг томида куралмаган қорлар бўктар бўлиб ётар, рўзғор ташвиши ёлғиз ўзларига қолган аёллар кимнингдир уйида жаҳ уриштираётган эрларини Турдига қўшиб қарғашарди: «Бундан кўра каналга ҳайдаб кетишгани яхши эди, йигит ўлгур танбалларни!»

«Уйда бетга суртим ун қолмади. Эр бўлмай қаро ер бўлсин ҳаммаси!»

«Ордона қолсин Турдиси! Булар ҳам қўшмозор бўлсин унга, илойим!»

Лекин эркакларга бу қарғишлар кор қилмасди. Улар тўда-тўда бўлиб гурунгни қизитишарди.

Ёнғоқли қишлоғи жанжал содир бўлган жойдан олисда, тоғнинг ичкарисида жойлашгани учун бу ерга ҳар хил миш-мишларгина етиб келган. Булардан бири: «Тўра жунчи совхоз марказига бориб келганмиш, Тераклида ҳам, Жийдалида ҳам, можаронинг зўри бош-

Расмни **Т. Саъдуллаев** чизган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган Калтада ҳам бўлган — барини билармиш», деган овоза эди. Қишлоқ аҳли бундай шов-шувни эшитиб, кунбўйи мунозара қиладиган бўлиб қолишди. Ҳатто гурунг кечаси учун атайлаб Арслон ёлидан пайраха келтиришди. Одамларнинг севинчлари ичларига сиғмасди: бу пайраха билан Одамалиевнинг меҳмонхонасини уч кун иситиш мумкин-да. Уч кун ҳеч қаёққа чиқмасдан Арслон ёли воқеасини эшитса бўлади. Тоғликлар ўзи шунақа, бир нарсага берилса, қаттиқ берилишади...

Оқшом турган бўроннинг забтидан тоғлар аллақандай ғувуллар, осмондаги ой сўник ва совуқ боқар, ҳатто ой эмас, бир парча музга ўхшарди. Дов-дарахтларнинг музлаётган шохлари тинимсиз қарсиллаб синар, айвондаги ит ях ерга ёнини қўёлмай ғингшир эди.

Ичкарида эса... Одамалиевнинг меҳмонхонасида одамлар пўстин, чопонларини ечиб бурчакдаги тахмонга уйиб қўйишган, пайраханинг иссиғи туфайли баданларидан тер чиқа бошлаган эди. Чўян печкада қип-қизил пайраха гуриллаб ёнар, гўё олов эмас, қон ловуллаётганга ўхшарди. Дастурхон тизза бўйи: қатиқ тулуми билан, сариёғ қорини билан келтириб қўйилган, қуруқ мева ўрнига олам-жаҳон қурут тўкишган. Ўтган баҳор серёғин келиб, ўт мўл бўлгани учун тоғликларда бу каби ноз-неъмат мўл эди. Одамалиевнинг келинлари бугун сўйилган қўчқорнинг гўштини пайдар-пай қовуриб меҳмонхонага киритишар, бўшаган лаганларни олиб яна гўшт сузиб келишарди. Кайф-сафога берилган меҳмонларнинг шовқини баланд эди.

Улар овқатланиш баробарида бор овозда бақиришарди:

— Турдини калтаклашипти! Саҳмоновлар охири унинг додини беришипти.

— Турдини-я?!

— Ҳа, ўхшатишипти ўзиям. Соғ жойи қолмаган дейишади.

— Жанжал нимадан чиқибди ўзи?

— Нимадан бўларди, ичган-да. Турдининг одатини биласизлар-ку. Калтада Саҳмоновларнинг синглисига ёпишган.

— Бу, яна ўша қизми?

— Ҳа, Норсулувнинг худди ўзи. Мактабни битириб, калталик Алига теккан, бундан хабарларинг бор.

— Хумпарни боплашипти. Лекин бир нарсага ишониш қийин: ўша мажлисдан сўнг уни магазинда Саҳмоновлар билан апоқ-чапоқ ҳолда кўришган...

— Шошманглар! Тўра каттадан эшитайлик, у билади.

— Сўз — Тўра каттага. Тўра катта гапирсин, бошқанг жим!

Ниҳоят, шовқин бир оз босилди. Хонада Тўра жунчининг одамлардан солиқ йиғаётган чоғидагидек руҳланган, қўбизникидай ширали овози эшитила бошлади.

— Биродарлар, хабарларинг бор, вақтида Турди мени ёмон беҳурмат қилган, лекин мен бўлган гапни қўшмай-чатмай айтаман. Хулласи калом, ҳаммаси совхознинг клубида, халқ шоири қатнашган катта йиғиндан кейин бошланган. Халқ шоири сўзи орасида: «Мактабларингда аҳвол ёмон, болаларни, келажак яратувчиларини яхшироқ ўқитинглар, акс ҳолда эртага қўлларингни бурунларингга тиқиб қоласизлар», дейди. Шунда Турди ўрнидан отилиб туриб сўз сўрайди, Саҳмоновларнинг шаънига бўлмағур гап қилади: «Бизнинг мактабимизни Саҳмоновлар алвастининг чопонидай босиб ётипди. Уни бу кийимнинг тагидан суғуриб олиш қийин». «Сиз-чи? Сиз нега қараб турибсиз? Совет мураббийсисиз, ташаббус кўрсатинг», дейди халқ шоири. «Менинг ҳеч қандай ваколатим йўқ», деб тилёғламалик қилади Турди. Халқ шоири айтади: «Ваколатингиз бўлади. Халққа ҳозир сиздай чўрткесарлар сув билан ҳаводай зарур. Сидқидилдан ишлайман десангиз, биз сизни қўллаб-қувватлаймиз!» Йиғин охирида халқ шоири унинг қўлини сиқиб хайрлашади. (Буни қизилмозорликлар ўз кўзлари билан кўришган.) Мажлис тарқагач, одамлар магазинга йўл олишади. Турди ҳам отасидан мерос қолган жийронини етаклаб уларнинг орқасидан келади. Қизилмозорликларнинг айтишича, Маҳмадиёр (Саҳмоновларнинг каттаси) у билан бирга бўлган ва йўл-йўлакай елкасига қоқиб: «Маладес, Турди, очиқ гапириб дўстнинг ишини қилдинг. Сен мард одамсан», деган. Шундай қилиб, бошлашиб магазинга киришган. Бундан олдинроқ Маҳмадиёр кенжа укаси Тиркашни Калтага иш билан жўнатган. Нима ишлигини ҳеч ким билмайди. Кейин у магазинда тўдалашиб турган калталикларга уйларингга майда-чуйда олинглар, деб пул берган. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Маҳмадиёр сахий одам. Сўнгра иниларини чақириб: «Турдига қўл беринглар. Шу бугундан бошлаб у бизнинг дўстимиз. Мактабда унинг йўриғидан чиқманглар. Унинг гапи қонун», деган. Саҳмоновлар бир-бир келиб Турди билан қўл олишган. Бундан у ийиб кетганми ё бир шумликни ўйлаганми, ҳар қалай, мудирга бақирган: «Тўрт шиша чиқар! Мен булар билан биродарлашдим, энди уриштириб ичмасам номардлик бўлади», деб. Пештахтага элликталикни ташлаб қайтимини олмаган. Бир хиллар шунчалик пастмисан, деб мудирнинг башарасига отган ҳам дейишади. Мудир ундан узр сўраб, сипориш билан бу ерда ичиш мумкин эмаслигини айтган. Турди уни боплаб сўккач, шишаларни Саҳмоновларнинг хуржунига солиб: «Кетдик биродарлар! Магазинини қучоқлаб ётсин бу тирриқ!» деб уларни эргаштириб йўлга тушган. Фақат Маҳмадиёр совхоз идорасида қолган... Калтанинг довонига етганда, Турди Асад деган йигитга: «Ановининг биттасини ол, ютмасак бўлмайди. Бугун мен халқ шоири билан қўл олишдим. Кимлигимни одамлар кўриб қўйишди. Лекин мабодо директор бўлсам, сенларнинг барингни мактабдан ҳайдайман. Бунинг биродарликка дахли йўқ», деган. Асад унинг раъйини қайтаролмай хуржундаги ароқдан биттасини олиб берган. Турди эски пиёниста эмасми, бутилкани тиши билан очиб, от устида қултиллатиб ароқнинг ярмини ичган. Сўнгра ака-укаларга манзират қилган. Улар узр сўраб қўлини қайтаришганида сўкиб берган, «Энағарлар! Сенлар билан бугун яраштик-ку. Ўшанда менга туҳмат қилганларингни кечирдим. Юз марта кечираман, наслни ўлдирадиган қутуриш касалидан форғ этаман сенларни!» деб. Бу ҳайқириқни калталик чўпонлар молхоналаридан туриб эшитишган...

Тўра жунчи гапдан тўхтаб олдига пиёлаларда қатор сузиб қўйилган чойларни навбати билан сипқорди. Дарвоқе, энди томоғи қақраган, қўбизникидай овози бир оз хирқираб чиқарди.

Ташқарида бўрон ҳануз ўкирар, музлаётган дарахтларнинг шохлари бетиним қарсилларди. Айвондаги ит ҳамон ётолмай ғингширди. Ичкари эса... — чўян печкага қаланган қип-қизил пайраха чарс-чарс ёнар, қон тусли олов пўстак устида айқаш-уйқаш бўлиб ётган одамларга иссиқ пуркаб ловулларди. Улар қасир-қусур қурут чайнашар, устидан кетма-кет чой симиришар, эшикдан кириб-чиқиб чой ташиётганларга «Ёп тезроқ!» дея бақиришарди.

Тўра жунчи гапдан тўхташи билан шовқин ҳам авжга минди.

— Айтдим-ку, ўзи бошлаган деб. Қилғиликнинг ҳаммасини ўзи қилган, Саҳмоновларда тариқча айб йўқ.

— У яна ичишни бошлапти-да!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўғ-э, ичмайман деб қасамёд қилган, шекилли?

— Турди қасамни биладими!

— Саҳмоновлар уни темир билан ургани ростми?

— Қаёқда! Гараждан олган рессорларни хуржунларидан ҳам чиқаришмаган. Улар ҳатто қамчинни ҳам ишга солишмаган. Ўзи уларга ёпишавериб ҳамма ёғини абжақ қилган.

— Турди-я! Уни осонликча уриб бўлармишми? Ҳеч нарса кор қилмайди унга. Тани жуда қаттиқ.

Бари бир соғ жойи қолмаган. Ҳозир касалхонадан чиқиб уйида ётганмиш.

— Бўлмаса гўрга борадими. Хотини бу сафар уйга киритипти-да.

— Бас қилинглар. Давомини эшитайлик, навбат беринглар, халойиқ.

Тўра жунчи ҳикоясини давом этдирди.

— Алқисса, Калтага етгач, Турди бирдан харишнинг жиловини тортиб, ҳамроҳларига: «Ферма мудирникига тушиб базм қиламиз. Хотини сингилларинг — Норсулув!» дейди. Саҳмоновларга бу гап ёқмайди, аммо у билан яна чап бўлиб қолишдан қўрқиб гапига кўнишади-да, поччалари Алининг уйига тушишади. Турди жийрондан тушасолиб калталикларга бақиради: «Ҳой, тирик мурдалар! Мен келдим, кутиб олинглар. Бугун ҳаммангни ароққа тўйдираман». Калталиклар муғомбир халқ, унга қуллуқ қилишган-у, аммо буйруғини бажаришдан бўйин товлашган. Фақат ёш-яланглари қизиқсиниб ёнига келишган, бироқ улар ҳам айвонда қолишган.

— Уйга киришмаганми? — деб савол берди кимдир Тўрага.

— Йўқ, киришмаган. Зажигай Пўстак, уни биласизлар, армиядан келганда энасига пўстакни кўрсатиб: «Мамаша, пўстак ненада, зажигай его!» деб русчалаган ўша Бухор-да. У келиб ўғлини Алининг айвонидан судраб олиб кетган. Нега бундай қилгани номаълум... Алининг хотини меҳмонларга дастурхон ёзиб, бир лаган қовурилган бузоқ гўшти қўйган. Шунда Турди жувонга бир балолар деб гап отган. Али унга ўқрайиб қараганида ака-укалар им қоқиб, қўявер, ҳечқиси йўқ, Турди ака оққўнгил одам, дейишган. Турди шишаларни очиб, ўзи қанча ичса ичган, бошқалар бир қултум ҳам оғизларига олмаган. Шундан кейин у Али билан ўрлашиб қолган. Ўрлашиш ароқдан чиққанми ё у яна Норсулувга гап отганми, ишқилиб, ўртада гап қочган. Айвонда турган калталикларнинг гапига кўра, Турди чой дамлаб кирган Норсулувнинг билагидан ушлаб ўзига тортган, ўпмоқчи бўлган. Бошқасининг айтишича, ўпган ҳам. Хуллас, можаро бошланади. Турди ёнида ўтирган Алининг юзига тарсаки тортиб юборади. У ҳам бунга жавобан мушт ўқталади. Саҳмоновлар уларни орача қилишган. Лекин Турди белидаги қамчинни шартта суғуради-да, Саҳмоновларни аямай савалай кетади. Улар шунда ҳам унга қўл кўтаришмаган, қайтага уни ранжитдинг, деб поччаларини қойишган.

Бир пайт Турди ўзидан-ўзи ўкирганча даҳлизга чиққан, аммо этигини кия туриб ўша ерда юзтубан йиқилган. Оғзидан қон келган. Қўрқиб кетган Норсулув қўлтиғидан суяб турғизаман деса, оғзидаги қонни туфлаб ташлаб... шу ерда бир уят иш қилган. Буни калталиклар орият юзасидан яширишяпти. Ниҳоят, Саҳмоновларнинг сабр косаси тўлиб, унга ташланишган. Олишув тахминан чорак соат давом этган.

— Олишувда калталиклар иштирок этмаганми? — деб сўради биров Тўрадан.

— Йўқ. Калталиклар аралашмаган, яккама-якка олишишган. Шунда ҳам ўзларини ҳимоя қилиб! Турди дам унисига, дам бунисига ҳамла қилиб, ҳар сафар ўзи ерга гуппа-гуппа қулайверган. Оғзидан яна қон келган. Ниҳоят, ўрнидан туролмай қолгач, Саҳмоновлар отларига миниб жўнаб кетишган.

Тўра жунчи қақраган томоғини намлаб олиш учун гапдан тўхтади. Унга новвот солинган яхна чой қуйиб узатишди-да, ўзлари яна гуриллаб баҳсга киришиб кетдилар.

— Биродарлар, мен Турдининг ўзи билан сўзлашганман. Районга арз қилгани бораётганида кўрдим.

— Хўш, нима дейди?

— Бояги гапларнинг ҳаммаси бошдан оёқ ўтирик! Жанжалнинг сабаблари, қуроллар, аллақандай темирлар, машина рессорлари — ҳаммаси! Биродарлар, Турди бу сафар бир қултум ҳам ичмаган, ароқни ҳам у сотиб олмаган.

— Йўғ-э! Ҳамма шундай деяпти-ку?!

— Йўқ, ёлғон. Турди бундай деб айтолмади, фақат узуқ-юлуқ сўзлади, холос. Кийимлари, юзи қон, боши тўрт жойидан ёрилган ҳолда ётганди.

— Қонини атайин ювмаган, номард! Саҳмоновларни қаматиш учун!

— Қаматмоқчи бўлмаган! Экспертга бор, деб тераклиликлар ҳол-жонига қўйишмапти. Ўзингни оқламасанг, исноди бизга қолади, дейишганмиш.

— Суднинг натижаси нима бўпти?

— Ўша гап: Турди, «Арслон ёли билади», деган экан, «ундай бўлса арзингни ҳам унга бориб айт», дейишибди.

— Судда Саҳмоновларни норасида гўдаклар сирасидан санаб гуноҳларини кечирганмиш, ҳамма даъвосидан кечибди, шу чинми?

— Қаёқда! Унинг ўзи қип-қизил жиноятчи деб топилган. Илгариги қилмишлари ҳам очилган. Маҳмадиёр Саҳмонов орага тушиб қамоқдан олиб қолипти.

— Бари бир РайОНО уни мактабга директор қилиб тайинлаган. Келаси душанбадан ишга чиқармиш.

— Шунча шармандаликдан кейин директорлик тугул, одамларнинг кўзига кўрина олармикан?

— Қўйинглар уни, охирини эшитайлик. Тўра катта, сўйланг, биродар.

Тўра жунчи томоқ қириб ҳикоясини давом эттирди. Унинг овози новвот чойдан кейин тағин ҳам майинлашган эди.

— Саҳмоновлар жўнаб кетгандан кейин, тахминан, чорак соатлар ўтгач, ўзига келган. Кўзини очиши билан Саҳмоновларни сўраган. Уларнинг кетиб қолганини билгач, ўзини ерга отиб ўкирган. Калталикларга: «Мени отимга миндириб қўйинглар. Уларга етиб, ўлгунча олишмасам, Кўрогоннинг суви менга ҳаром!» деган. Калталиклар бу дарди бедаводан тезроқ қутулиш учун отига миндириб, узангисини босиб, жўнатишган. Турди отини аямай қамчилаб довондан ошиб кетган. Бу ёғи нима бўлгани калталикларга қоронғу.

Менга Нормурод тракторчи айтиб берди. Шувоқлининг кўпкари майдонида у Саҳмоновларни қувиб етган. Борасолиб ака-укаларига қирғийдай ташланган. Чинакам олишув ана шундай бўлган. Саҳмоновлар уни энди аяб ўтиришмай, савалаб йиқитиб ташлашган. Турди отига миниб яна ҳужум қилган, яна йиқилган, яна олишган. Ниҳоят, йиқилган жойидан туролмай қолган. Саҳмоновлар номардлик бўлмасин, деб Турдининг қочиб кетган отини тутиб келиб, уни эгарга чиқариб қўйишган. Аммо у яна... У қош қорайган маҳалда Арслон ёли арчасининг тагида ғужанак бўлиб ётган Турдининг устидан чиқибди. Арча атрофидаги майдон кўпкари чопилгандай топталган, қорда от туёқларининг, одам изларининг ҳисоби йўқ экан. Қор қип-қизил қонга беланган», дейди Нормурод. У тракторидан тушиб тепасига кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганида, дафъатан Турдининг ўлик-тиригини билолмаган. Аммо кўзлари очиқ, ўтдай ёниб турган эмиш. Қамчин ушлаган қўли чангак бўлиб қотиб қолган. «Нега бундай ётибсиз? Нима бўлди? Бу излар кимники?» деб ҳарчанд сўрамасин, ундан садо чиқмагач, қўлтиғидан кўтариб турғизади ва тракторига миндириб уйига элтиб қўймоқчи бўлади, лекин Турди кўнмайди. Узуқ-юлуқ: «Мени отимга миндир. Мен... уйга эмас, Тераклига... Жийдалига борсам, улар тағин... ўлдиришади! Темир, машина рессори... Болаларим ёш...» деган гапини Нормурод зўрға эшитади.

У бу гапларга ҳайрон бўлади. Бир амаллаб отига миндиради.

— Оти қочиб кетмаганми? — деб сўрашди Тўрадан.

— Йўқ. Ҳа, эсимдан чиқаёзибди, Нормуроднинг гапи чин бўлса, унинг қонга беланмаган, синмаган жойи қолмаган.

— Фақат чап қўли соғ қолган, — деб изоҳ берди Турдини кўрган киши.

— Чин бўлса керак. Нормурод Турди отга мингач, жиловни маҳкам тутганча, Теракли томонга қараб кетганини айтган эди...

Ниҳоят, тонг бўзарганда гурунг адоқ бўлди. Субҳидам ўзи билан бирга борлиққа мўъжиза келтирди. Бўрон тоғлар қаърига чекиниб ғойиб бўлди. Ҳаво ипакдай майин тортди. Музлаган ой тонгнинг сеҳрли ёғдусида эриб, тозарган осмон бағрига сингиб кетди. Дов-дарахтларнинг шохлари синишдан тўхтаб, музлари эриган дарё гулдираб садо бера бошлаганда айвондаги ит ҳам тинчиди.

Меҳмонхонадаги одамлар ёппасига маст уйқуга кетгандилар. Печка ичидаги пайрахалар ёниб битган, ўчиб улгурмаган чўғларгина кул орасида ожиз милтирарди. Одамлар чошгоҳда ғалати тушлар кўриб, босинқираб уйғонишди... Тўра жунчининг тушига беланчакда ётган ўғлини ямлаётган аждаҳо кирибди. Ажабо! Аллақайдан пайдо бўлган Турди болани аждаҳо комидан тортиб олаётганмиш... Одамалиев Арслон ёлини туш кўрипти. Арслон ёли дор шаклида бўлиб, ўзи унда осилиб ётганмиш. Атрофида темир совут кийган, қўлларида занглаган машина рессори тутган Саҳмоновлар қаҳ-қаҳ уриб кулармиш...

Ўқитувчи Бобоновнинг тушига ҳам арча кирган: мактабда одатдагидай домино ўйнаб ўтиришганмиш. Бир пайт коридорда даҳшатли ўкирик эшитилипти ва не кўз билан кўрсинки... ўқитувчилар хонасига Арслон ёли арчаси кириб келибди. Қўлга ўхшаб кетадиган бутоғига қистирилган қоғозни стол устига ташлабди. Унда қуйидагилар ёзилганмиш: «Мазкур буйруқни топширувчи шу кундан эътиборан мактаб директори ҳамда Кўрогон ўрмонини муҳофаза қилиш жамиятининг раиси қилиб тайинланади. Муҳр ва имзо».

Одамлар кўрган тушларини бир-бирига айта-айта тарқалишди. Улар бир ой ичида томларида кападай уюлиб кетган қорни кураб тушириш учун шошилишарди...

Йўлдош Эшмуродов

Бригадир

Агар деҳқон бўлса халқининг ўғли,
Куз кириб, ҳарорат қайтган пайтлари
Ўз иссиқ-совуғин ўйламайди-ю,
Ғўза вужудида титрайди тани.

Дейлик, Зоҳир ака шундай бригадир,
Қишда қутилар ёз ташвишларидан.
Ўғилларин «тафтиш» қилар бирма бир,
Сўрайди ишлари, ўқишларидан.

Баҳор келди эса қўли тинмайди —
Ғўза, экин-тикин олар борини.
Ўғиллар кўнглини ота билмайди —
Ўғиллар отадан юрар нолиниб.

Орқасига қарар, ўғиллар дуркун —
Ота тайёр уйни сотиб олмайди.
Мана бугун, бугун, эрта сўнг индин,
Ёзда уй қуришга вақти қолмайди.

Чол

Гужум таги сўлим оромгоҳ —
Чўзилади кўрпачага чол...
Кўпкарига чиқолмас, э-воҳ,
Ер чопишга етмайди мадор.

Силаб кўрар оёқ-қўлларин,
Эзғилайди, сабаб — латтадир.
Қўш ҳайдаган қишлоқ чолларин
Гавдасидан қўли каттадир.

Аламидан қизарар юзи,
Томирлари бўртиб чиқади.
Чол қалбида зўр ғайрат сезиб,
Ҳовлисидан йўртиб чиқади.

Боролмайди азиз далага,
Босиб келар бир юк бу танни —
...У кўтарган бошидан баланд
Икки уруш кўрган Ватанни.

Икки очун — икки ўн йили,
Шунинг учун қадди букикдир.
Даласига етмайди қўли,
Аммо биздан руҳи тетикдир.

Гужум таги сўлим оромгоҳ,
Ёқтирар у ёз кунларини.
Кўрпачани муштлаб-муштлаб чол
Силар дала ажинларини.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Авлиёхон Шукруллаев

Қишлоқ. Баҳор

Танг кўчалар ёришиб борар
Болаларнинг шўх кулгисидан.
Кампирларнинг хаёллари жим
Эргашади улар изидан.

Йиллар юки елкаларида,
Чойхонага жўнайди чоллар.
Сайрамоққа тушади бирдан
Тўрқовоқлар кўтарган толлар.

Том бошида кўкарган ўтлар
Ҳовлиларга назар ташлайди.
Илдизлари пахса деворнинг
Уйқусини буза бошлайди.

Гиёҳларнинг оёқларини
Ўпиб, йўлга боқади адир.
Ҳув, олисда қора қўнғиздай
Ўрмалайди эски трактор.

Дарахтзорни оралайвериб
Кўзларини юммагай мутлоқ,
Товонларни соғиниб қолган
Арқон каби ингичка сўқмоқ.

Ўсмирларнинг ғамгин нигоҳи
Санчилади қизлар изига.
...Баҳор. Олис қишгача энди
Сиғмай қолар қишлоқ ўзига.

Қуш

Сизга ёқмаяпти, билиб турибман,
Тобора юксакни кўзлаётганим.
Унча юқоримас, бир терак бўйи
Баландликдан туриб сўзлаётганим.

Мени тағин ерга туширмоқ бўлиб
Овора бўласиз, тамом овора.
Нозик вужудимни кенг қанотларим
Юксакка чиқазиб қўяр тобора.

Яхшиси, осилинг оёқларимга,
Бешотар милтиққа жойламай ўқни.
Мендан не кетади, шу баҳонада
Сиз ҳам бир бор кўриб тушасиз кўкни!

Дарахт

Мени мақтаб қўйишди ортиқ:
«Кўкаради бир жойда дарахт!»
Ўқилган бу ҳукмдан кейин
Қолдим танҳо, дунёда бадбахт.

Кетай десам йироқ-йироққа
Шалдиратиб япроқларимни,
Мақтов занжир каби қаттиқроқ
Боғлаб қўяр оёқларимни.

Учай десам кўкка чўзилган
Қўлларимни букади қушлар.
Ҳеч кимсага билдирмай шамол
Кўкрагимга тунлари муштлар.

Тушларимда юраман кезиб,
Осмон олар бағрига ҳар тун.
Тонг отдими, ўша жойимга
Қоқиламан шошилиб тағин.

Кўкаради бир жойда дарахт!
Бекор гап бу, бағрим сўкилар.
Меваларим муштга айланиб
Ўша жойга қаттиқ тўкилар!

Нега?!

Бу сўз пайдо бўлди тилим учида
Кўтариб қилич ва узун найзасин.
Ютиб юборишим керак ичимга,
Ахир, ҳеч кимсанинг бошин узмасин.

...Қаердан билибман, хато ўйладим,
Бу сўзни айтмоқлик экан-ку оғир.
Гавдамни бироз тик тутишдан олдин
Бошни ҳам кўтармоқ шарт бўлса, ахир!

Етмишинчи йиллар. Деҳқон

Тиззагача ботган оёғи ерга,
Судралар қовжирай бошлаган қўли.
Қай томон боқмасин энтикиб, зўрға,
Пахтазордан чиқиб кетмайди йўли.

Кузда эслашади. Узундан-узун
Унга шараф, яна шараф ўқилар.
Оғриётган кўксига эринмай секин
Осиб қўйишади тақир-туқурлар.

Қарсаклар янграйди, ғўза оралаб
Асло ҳоригандек бўлмаганига.
Йил бўйи пахта деб, заҳарлар ютиб
Унинг аллақачон... ўлмаганига.

Деҳқон ерсиз ҳеч ҳам яшай олмайди,
Азият чекса-да, тушса-да терга.
Белин кўтаролмас, кўксидагилар
Яна ҳам қаттиқроқ букади ерга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўктамхон Холдорова

Манзара

Тонг пардасин ёяр сарин ҳавога,
Тўкила бошлайди худудсиз нурлар.
Чопиб чиқар кўзин ишқаб шабада,
Шудрингда эринчоқ майса чўмилар.

Ўзига зеб берар қоқигул — пари,
Дўриллаб роз айтар тилла қўнғизлар.
Сувга тушиб кетиб ютоққан ари,
Қирғоқда қўл ушлаб чопар қирққизлар.

Чумоли қўлида дон — тугунчаси
Азонлаб қайгадир меҳмонга борар.
Ҳаммасини кўриб турган ғунчанинг
Ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолар.

Рўмолча

Ўлтириб илоҳий хаёллар билан,
Киприк-ла тўқийман рўмолча четин.
Кўзларим ранглардан изларкан ватан
Шафақранг ипларни эшаман секин.

Унга юраксимон япроқлар ясаб
Ўтли қалб зорини яширдим пинҳон.
Тонгнинг шабнамидан оқ нурга тизиб
Қирғоғига бир-бир чатидим маржон.

Ипакдан тўқидим бузилмас ҳалқа,
Сочим ўримидай у занжир-занжир.
Бедор тунларимга далил бўлмоққа
Орзули кунларим бир нишонидир.

* * *

Теграмда яшариш пайти бошланди,
Ҳар кўзга урилган яшил бир суврат
Борлиққа кўркини ёйиб ташлади,
Оҳорин тўкмаган кунларда ҳайрат,
Кўклашга уруғлар сочмоқ шарт эмас,
Заминга саждалар этиб, юкиниб,
Яшиллик қўшиғин бошлаб берсак, бас,
Исёнкор майсалар чиқар югуриб.

Уйғонар серманак бўй етган гуллар
Новдани най қилар кўклам еллари.
Шохларга осилган куртаклар куйлар
Ичга сиғдиролмай ташаккурларин.

* * *

Юлдуз тўла тунларингни,
Ёй камалак кунларингни,
Табассуминг — гулларингни
Менга ташлаб кетдинг Баҳор,
Куйлаб қолдим бедор-бедор.

Кейин ёзу кузлар билан,
Бемор дала-тузлар билан,
Сой ёқалаб, гузар билан
Қайтдинг, қайтдинг бағрим, Баҳор,
Айлаб ёшим анҳор-анҳор.

Тун

Қуёш толиқиб кетиб олов таёқларини
Хуржунига саржинлаб йиғиштира бошлади.
Даладан ҳориб қайтган меҳнаткаш кетмончалар
Чангли юзларин ювиб гулзорга ёнбошлади.

Куни бўйи зерикиб ётган номозшомгуллар
Созлашиб кунгурадор алвон карнайларини
Кўкка қаратиб чалиб шўх базмга чорлашар
Серишва юлдузчалар — самонинг ҳурларини.

Субути йўқ дарахтлар зўр бериб қарсак чалар,
Қилар иши томоша кундуз қолиб тунда ҳам.
Ой эса вазмин-вазмин тонг куйига йўрғалар,
Ерда ошиқ машшоқлар, кўк саҳнида ҳурлар жам.

Тонг отди.
Қуёш келди, олов таёқ кўтариб,
Шўхлигимизни кўрса қуёш жазолар тайин, —
Дея юлдузлар уйга бир-бир кириб кетишиб
Кўк саҳни бўшаб қолди худди сув сепгандайин
Жўнади машшоқлар ҳам йиғиб карнай-сурнайин.

Ахсикент вайроналарида

Фарёдлар келади кўҳна мозийдан
Қисматин сўзлолмас мунгли тепалар
Султонлар, саройлар бўлган Ахсида
Қолди чолдеворлар — чўккан тевалар.

У кунлар шоҳиди уйғоқ Сирдарё,
Оқади безовта, оқади йиғлаб:
«Бир умр арк пойин ўпиб ётардим
Наҳот севгим сабаб у кетган қулаб?!

Ё Бобурни қувғин этган бу макон,
Салтанатлар тўнган азим бағрига
Сиғдирмагани-чун улкан бир қалбни
Кириб кетдимикан номусдан ерга?!

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ёшлик» тўлқинларида

«Ёшлик» радиостанциясидан гапирамиз!»... Бу сўзлар янграши билан беихтиёр радио ёнига келишга интиламиз. Чунки эшиттириладиган қизиқарли суҳбатлар, ёқимли куй ва қўшиқлар бизни ўзига жалб этади. Тенгдошларимизнинг турли соҳалардаги фидокорона меҳнатлари, орзу ва интилишлари билан ошно бўламиз. Янги шеър ва ҳикоялар тинглаб ором оламиз. Ҳар якшанба ва душанба кунлари эфирга чиқадиган туркум дам олиш программалари — «Сенинг суҳбатдошинг», «Фонолото», «Хушвақт бўлинг», «Совет эстрадаси», «Чет эл эстрадаси», «Солдат мактублари» айниқса кўпчиликни қизиқтиради. Радиостанция адресига келаётган кўплаб мактублар ҳам ана шундан далолат беради.

Радио куни арафасида «Ёшлик» радиостанцияси коллективи ҳузурида меҳмон бўлдик. Уларнинг жўшқин, мураккаб ва масъулиятли меҳнатлари билан танишдик. Одатда эшиттиришларни тинглаётганимизда уларни тайёрлаш учун қанчалик меҳнат сарф бўлганлигини тасаввур қилмаймиз. Аслида то эшиттириш тайёрлангунича кўпгина босқичларни босиб ўтиш керак. Аввало мухбир бирор жойга бориб, ёшларнинг меҳнат ва яшаш шароитлари билан танишади. Улар билан суҳбатлашади. Энг қизиқ суҳбатларни эса магнит лентасига туширади. Бунда у аввало суҳбатдошини эркин гапиришга ўргатиши зарур. Магнитофонни ишлатишни яхши билиши керак. Салгина чет шовқинлар ҳам ёзувга зарар етказиши мумкин. Сўнгра студияга келиниб, ёзиб олинган овозлар махсус лентага кўчирилади. Энди энг мураккаб таҳрир жараёни бошланади. Ортиқча сўз ва шовқинлар олиб ташланади. Эшиттириш сценарийси ёзилади. Режиссёр ҳамкорлигида суҳбатнинг қаерига қандай куй ёки қўшиқ берилиши аниқланади. Ниҳоят биргаликда муҳокама қилингач, биз эфирда тингланадиган эшиттиришга айланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Радиожурналист билимдон, ишбилармон бўлиши, одамлар билан муносабатда чуқур психолог сифатида иш кўриши зарур. Акс ҳолда биринчи бор микрофон қаршисига келган киши энг оддий сўзини ҳам йўқотиб қўяди. Суҳбат жонли, таъсирчан чиқиши учун чидам билан биргаликда ишлаш керак бўлади.

«Ёшлик» радиостанцияси ходимларининг кўпчилигини илгаридан яхши танийман. Улар чинакам ўз ишининг фидойилари, тажрибали журналистлар. Бош муҳаррир Шоабдулла Муҳаммаджонов, бош муҳаррир ўринбосарлари Абдужалил Зокиров, Азим Алимов, бўлим мудири Эргаш Тўхтаев, катта муҳаррирлар Камолиддин Мирзаахмедов, Асрор Аброрхўжаев, муҳаррирлар Сабриддин Садриддинов, Баҳром Аҳмедов, Султонпошша Ёқубова, Азим Пўлатов, режиссёрлар Воҳиджон Дўстмуҳамедов, Собиржон Содиқов ва бошқалар ҳар бир эшиттириш сифатли чиқиши учун жон куйдирадилар.

Радиостанциянинг «Комсомолчасига жадаллаштириш», «Менга сўз беринг», «Жасорат», «Умид», «Сенинг суҳбатдошинг», «Садоқат» сингари программалари ўз тингловчисини топди. Тингловчилар билан бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида «Ёшлик» коллективи республикамизнинг турли областларида ёшлар билан учрашувлар ўтказмоқда. Жиззах область Дўстлик райони, Сурхондарё область Сариосиё ва Денов райони, Наманган область Косонсой райони, Қашқадарё область Шаҳрисабз районида бўлиб ўтган мулоқотлар самарали бўлди. Улар асосида қизиқарли эшиттиришлар тайёрланди. Ўтган йили телефон орқали радиотингловчилар билан ўтказилган мулоқот ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Буларнинг ҳаммаси эшиттиришларнинг савиясини оширишга ёрдам бермоқда.

Албатта радиостанция коллективи олдида турган вазифалар катта. Эшиттиришларда ёшларнинг қайта қуриш жараёнидаги иштироки, илғор тажрибалари тўла ёритиляпти деб бўлмайди. Программаларнинг бадиий савияси ва таъсирчанлигини ошириш йўлида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар бор. Бу катта режаларни амалга оширишда ҳамкасбларимиз — «Ёшлик» радиостанцияси ходимларига янги зафарлар тилаймиз.

Н. МУҲАММАДИЕВ

Суратларда:
«Ёшлик» радиостанцияси ижодий ходимларининг бир иш кунидан лавҳалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОТАМ НЕГА ,,ҚАМАЛДИ?"

Муртазо Қаршибоев

Суд тугади. Ҳукм ўқилди. Судланувчилар иккига бўлиниб қолишди: юридик жиҳатдан қилмишлари фош этилиб жазоланганлар ва юридик жиҳатдан ҳеч қандай айби йўқ бегуноҳлар. Аммо Виждон суди тугагани йўқ. У эндигина бошланди. Юридик жиҳатдан ўзларини айбсиз санаб юрганлар пок юраклар суди олдида, ҳақиқий маънодаги гуноҳсизлар суди олдида жавоб беришларига тўғри келади.

«Менинг дадам ҳозир қамоқда. Бизнинг совхозимиздан бештача одам қамоқ жазосини ўтаяпти. Нима учун қолганлари қилмишига яраша жазо тортмайди?..

Пахтани қўшиб ёзишга мажбур қилган одамлар қани, йўқ-ку улар? Мен дадамнинг 13 йилга қамалганига ҳайрон қоламан.

Камола Шарипова, 9-синф ўқувчиси,
Қашқадарё область, Нишон район, 9-совхоз».

Бу қизчанинг фақат отасигина қамалгани йўқ. (Отаси бир илож қилиб муддатни ўтаб юргандир). Унинг ўзи ҳам, оила аъзолари ҳам ўзича «қамал»ди. Биргина «қамоқ» деган сўз уларнинг турмушини, маънавий оламини издан чиқарди. Қизча энди дугоналарига қўшилолмайди, кўчага камроқ чиқади, одамлардан ўзини олиб қочади. Китобларга, гўзалликка, санъатга шубҳа билан қарай бошлайди. Чунки у отасини гуноҳкор деб ҳисобламайди. Унинг қўлида ҳар қандай қораловчи рад этолмайдиган факт, оддий мантиққа асосланган ва оддий мантиқнинг ўзидан иборат бўлган факт мавжуд: «Отам давлат номидан буюрилган ишни, давлат фойдасини ўйлаб қилган, отам ҳамма қилган ишни қилган. Ҳамма баробар қилган иш эса гуноҳ ҳисобланмайди. Агар гуноҳ ҳисобланадиган бўлса, унда ҳамма жазолансин! Нима учун битта менинг отам жазоланаркан?!»

Демак, ҳамма қамалмади. Фақат айрим кишиларгина қамалди. Қолганлар эса «айбсиз» бўлиб юришибди. Уларнинг бир қисми (ҳаммаси деб айтолмаймиз, албатта) ич-ичидан қисматга шукрона айтиб, ўзларини Виждон (агар у йўқолмаган бўлса) терговидан ўтказиб, энди янгича яшаб, гуноҳларини ювишга ҳаракат қилишаётгандир. Яшириб нима қилдик, бундай кишилар (ўтмиш хатоларини тан олиб, ўз яшаш тарзини қайта кўраётганлар) ҳар бир ташкилотда истаганча топилади. Қолаверса, бутун мамлакат турғунлик босқичида турган бир пайтда жамиятнинг муайян принциплари бузилмаслиги, раҳбар кишилар ишида (ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даври талаблари нуқтаи назаридан) нуқсонлар бўлмаслиги мумкин эдими?

Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Унинг ижтимоий-ахлоқий сифатларининг қай йўналишда шаклланиб боришида муҳит алоҳида ўрин тутишини бугунги кунда ёш болалар ҳам яхши билишади. Кеча амал зинапоясининг юқори босқичларида туриб, қўшиб ёзишни уюштирган раҳбар бугун пастга қулаб: ўзини бошқача сезаётган, инсон қиёфасига эга бўлиб қолган бўлса... айб бизда — уни эртароқ олиб ташлаш лозим эди. У умрининг кўпроқ қисмини инсон сифатида яшаб ўтган бўлар эди.

Беихтиёр хаёлимга 20-йиллардаги даҳшатли воқеалар келади: маслаклар, эътиқодлар кураши отани болага, болани отага душман қилиб қўйган эди. Янги замон бағрига отилган фарзанд йўлига кўндаланг бўлган ўз отасини мажақлаб ўтишга мажбур эди. Ёмон кўргани учун эмас, ниҳояти падари у тушунган янги ҳаёт моҳиятини тушунмагани учун. Бори-йўғи шу! Биз энди ортга қараб: у воқеаларни давр фожиаси, миллий фожиа сифатида талқин қилмоқдамиз. Улуғ совет ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романидаги «Олтовлон ва еттинчи» балладасини эсланг: етти грузин ўғлони, тўғрироғи, олти юракни бирлаштирган эътиқод, ҳамда бир юракни уларга пинҳона қўшилишга мажбур қилган эътиқод, ниҳоят, уларнинг ҳаммасини бирлаштирган ўлим. Қисмат бир, маслаклар ҳар хил. Эътиқод эътиқодни енгиши мумкин, лекин инсон инсонни енголмайди, чунки «инсон мағлуб бўлиш учун яратилмаган — инсонни янчиб ташлаш мумкин, лекин уни енгиб бўлмайди» (Хемингуэй).

Орадан етмиш йил ўтди. Замин ўз теграсида неча бор айланди. Қанча шамоллар Бўрон бўлиб қутурди. Қанча Бўронлар эски қасрларни тўзғитиб юборди. Мана бугун ота ва болалар ўртасидаги муаммонинг бутунлай бошқа томонини кўриб турибмиз. Ота ўзининг жамият олдида жиноят қилганини тан олиб турибди. Совет мактабида таълим олаётган, жамиятнинг умум ахлоқий принципларидан хабардор бўлган фарзанд отасидан юз ўгираётгани йўқ. Бу яхшими, ёмонми? Фарзанд ўз падарининг жиноятчи эканини била туриб ҳам ундан юз ўгирмаса! Бу қандай гап ахир? Комсомол бўлса керак, ҳойнаҳой? Нима бу, ўртоқ педагоглар? Тескари мантиқми ёки таълим-тарбия натижасими? Давр фожиасими (яна-я!!!), миллий фожиами, ўртоқ философлар? Йўқ («йўқ»нинг изоҳига кейинроқ тўхталамиз).

«Ҳақиқат юзага чиқишига ёрдам беринг. Чунки отамиз «пора олганликда» айбланаётир, лекин у ундан (порадан — М. Қ.) бирон сўмлик фойдаланмаган. Бундан ташқари, милиция ходимлари отамни жиноят устида ушламаганлар. Бирдан бир айблари — олиб бўлинган пилла учун Ўринов берган пулни (порани — М. Қ.) Отажоновга олиб бориб берганлигидир.

Озода Ҳамдамова, Фарғона область, Фрунзе райони,
«Сирдарё» совхози, Эсанак қишлоғи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жиноят содир бўлди. Факт бор. Бу факт қўлдан-қўлга ўтиб, идорадан-идорага ўтиб семирди ва «пақ» этиб бир мўминнинг бошида ёрилди. Агар факт бўлмаганида ёрилмасди, семириб, ёғ босиб юраверган бўларди. Лекин у ёрилди. Энди у нимага ёрилди, деб тихирлик қилган билан фойдаси йўқ — Факт буни тушунмайди. Ёрилган Факт фақат бир кимсанинг бошини булғамайди, балки бутун «атмосфера»ни булғайди. Энди ўзимизни оқламайлик. Оёғимизга санчилган тиконни бир томиримизга санчиб қўяйлик (халқ удуми бежиз эмас!), майли оғриб турсин. Оғриқ бўлмаса биз бундай Фактларнинг қандай содир бўлаётганини ўйламай қўямиз. Шундай деймиз-у, лекин бу фалсафамиз ўта ғариб, асоси пуч эканига, эски гап эканига ўзимиз ҳам ишониб қоламиз. Инсон қисматини ҳал қилишда ҳар қандай фалсафа ҳам ғарибдир.

«Отамиз пора олганликда айбланаётир».

Н. Погодиннинг «Учинчи қисса» асаридаги бир эпизод ёдга тушади. Доҳиймиз В. И. Ленин пора билан қўлга тушган йигитга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигини айтади. Доҳий порахўрликни ҳазар қиладиган иллат деб ҳисобларди... «Менимча, — деб ёзган эди Владимир Ильич Ленин, машҳур асарларининг бирида, — ҳозир... учта асосий душман бор: биринчи душман — коммунистик манманлик, иккинчи душман — саводсизлик ва учинчи душман — порахўрликдир».

Фарзанд эса пора билан қўлга тушган отадан ҳазар қилаётгани йўқ. Чунки у содда мантиққа таянади: отаси Ўринов берган пулни (порани эмас!) фақат пул деб тушунган. У бир зумда порага айланиб қолган экан, айб отада эмас, айб пулда!!! Шундайми? Унда жиноятчи гуноҳсиз экан-да? Йўқ! («йўқ»нинг изоҳига кейинроқ тўхталамиз.)

«Икки йилдан бери отам Очилов Абдураҳмон қамоқда... Отам суд давомида ҳам, «Мен буйруқни бажарганман», деганлар. Мен ҳам «Дадамиз буйруқни бажарганлар», деб бемалол айта оламан.

Муқаддас Очилова, 9-синф ўқувчиси,
Қашқадарё область, Ульянов район, 18-совхоз,
Хўжаҳайрон қишлоғи».

Буйруқни бажарганлар — буйруқ қурбонлари, даврга мослашганлар — давр қурбонлари. Алам қиладиган жойи ҳам шунда-да. Ўз эътиқодинг бўлса-ю, шу эътиқод қурбони бўлсанг, балки умрга ачинмассан. Лекин кимнингдир иродасини ифодалаган буйруққа бош эгиб кунпаякун бўлсанг алам қилмайдими, алам қилганда-чи! Бироқ ҳаёт бир берган неъматини иккинчи бора яна бериб ўтирмайди. У кейинги неъматларини ҳам аввалгиларини қандай ҳазм қилаётганингга қараб узатади. Фалсафий хулосалар чиқариш яхши. Лекин жиноятчи отани ҳимоя қилаётган фарзанднинг ҳам ўз фалсафаси бор. У ҳам ҳақиқатнинг бир томонини ушлаб турибди ва уни бўшатмоқчи эмас. Бу нарсани у ҳаётнинг оддий зарурати деб тушунади. Унинг онгида яшаётган фалсафанинг асоси мустаҳкам. Чунки у ҳозирги кунда ҳақиқатнинг нариги томонига ўтиб олган: шу пайтгача жиноятчилар турган тарафда кун кўриб келган кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари, баландпарвоз нутқлари асосида шаклланган фалсафадир. Демак, бу бизнинг кечаги таянчимиз, бугунги кунда эса «эскирган», «негатив» ҳолига келган фалсафамиздир. Болалар бизни ўзимизнинг «эскирган» қуролимиз билан яксон қилишмоқчи...

«Отам фақат бир йил ишлаб олти йил (га) жазо олди. Одамларнинг айтишича, мана шу бир йил ичида ҳам колхозни оёққа турғазган экан. Кўпгина ишларини гапиришади, оз ишлади, кўпроқ ишлаганда эди, дейишади. 1983 йил февраль ойида раис бўлган эди. Шу пайтларда... қўшиб ёзишлар бўлганлиги ҳаммага маълум, лекин бу қутилиб қолишига сабаб бўлолмайди: чунки совет қонунчилиги (бунга — М. Қ.) йўл қўймайди.

Эркин Эшонқулов. Қашқадарё область,
Чироқчи район, «Коммуна» колхози».

Жиноятни катталар қилади, хулосани эса болалар чиқаришади. Чунки бу жиноятларнинг бор юки уларнинг елкасига тушади. «Совет қонунчилиги йўл қўймайди». Бу йигитнинг ҳам ўз отасини оқлаш учун етарли далили бор. (Гарчи у совет қонунчилигининг принципиал моҳиятини тушунаётгандек бўлиб кўринса-да). Акс ҳолда у «фақат бир йил ишлаб» деб ёзмаган бўларди. Мана у суянган мантиқ: Совет жамияти инсонпарвар жамият; унда инсон — энг олий бойлик. Қонунлар эса шафқатсиз. Лекин йигит ўз отасини инсон деб билади (жиноятчи деб эмас), инсон бўлганда ҳам энг яхши инсон. Шундай экан қани жамиятимизнинг инсонпарварлиги?! Нима учун у инсонни ҳимоя қилмайди! Аксинча, қамоқхоналарга ташлайди?! Биз чўчиб тушамиз: социалистик турма — инсонларни қайта тарбиялайдиган жой-ку, унга тил теккизганлар қонун йўли билан жазоланадилар! Йигит бунга ишонмайди. «Турма яхши жой бўлса ўзингиз бориб ётинг!» деса ҳам ажабмас.

«Менинг исмим Раъно. Оиламизда беш кишимиз. Каттакони мен — 9-синфда ўқийман. Ойим боғчада ишлайдилар. Дадам эса... Дадам қамоқхонадалар. Бундан 4—5 йил олдин ҳам ҳозиргидек соғлом муҳит бўлганида дадамлар ва бошқалар қамалмасдилар. Менинг шиорим: «Лоқайд бўлма, фақат рост гапир, одил ва меҳнаткаш бўл!» деган сўзлар бўлиб қолади. Бу дадамнинг сўзлари.

Раъно. П. Қашқадарё область, Китоб райони».

Ҳа, биз жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий турғунликдан қўзғатиб олиш учун ўз вақтида инқилобий ҳаракатларни бошлаб юбордик. Лекин кўп одамларимиз ва мутахассисларимиз турғунлик даврининг қурбонлари бўлишди. Биз уларни сақлаб қололмадик. Улар қамоқда. Лекин уларни (фақат муносибларини, албатта) озодликка қайтаришимиз мумкин эмасми?.. Раънонинг хати бизни шу ҳақда ўйлаб кўришга ундайди.

Хатлар шарҳини шу ерда тўхтатиб, асосий гапга — «йўқ»ни бор қилишга ўтсак ҳам бўлади. Лекин бир нарсани эслатиб ўтмоқчимиз. Редакциямизга суд, прокуратура идораларидан «жабр тортган» кишилардан узлуксиз хат келиб турибди. Уларнинг ҳаммасида қонунчилигимизнинг социалистик моҳиятига ишонч, ҳурмат бор. Аммо шу моҳият қонунчилигимизнинг ҳозирги ҳолатида, уни амалга оширувчи идораларнинг, мутахассисларнинг ҳозирги даражасида тўла юзага чиқмаётганлигидан, баъзан эса субъектив омиллар туфайли тескари кўринишларга эга бўлиб қолаётганлигидан ташвишланиш туйғуси ҳам йўқ эмас. Ҳаётбахш демократия судлов, прокуратура идораларига ҳам кириб келармикан деган умид, илинж уларнинг бош мавзуси. Давлат — халқники. Қонун ҳам унинг манфаатлари асосига қурилган. Бугун халқнинг манфаатлари қонунни тескари қўллашдан ёки уни бошқарувчиларнинг ноинсоний ҳаракатларидан зарар кўраётган экан, бу ҳақда ўйлаб кўриш лозим. Жамиятимизни янада такомиллаштириш йўли шуни тақозо этади.

Турғунлик даврининг кейинги йилларида инсонпарварлик ҳақида бир-биридан ялтироқ шиорлар, дабдабали нутқлар кишиларимизни шундай бир босқичга олиб чиқиб қўйдики, улар «қамоқ», «жазо» сўзларини бутунлай унутиб қўйдилар. Ҳар қандай жиноят жазоланишгача, суд жараёнигача етмасдан босди-босди қилиб юборилар эди. Бир-иккита исёнчи ҳақиқатпарварлар эса суд қилинмасди, уларга тўғридан-тўғри суиқасд уюштириларди. Хуллас, кишилар «жиноят», «жазо» тушунчаларини, ҳуқуқ-тартибот ходимлари эса ўз вазифаларини унута бошлаган эдилар. Булутли осмондаги чақмоқдек кутилмаганда бошланган янгиланиш, моҳиятга қайтиш — ўз жиноятини оддий ҳаётий зарурат шарти санаб юрган кимсаларни ҳам, ҳуқуқ посбонларини ҳам шошириб қўйди. Ана шу пайтда турғунлик йилларида шаклланган ижтимоий-ахлоқий қарашлар билан янги талаб ўртасида тафовут юзага келди. Дафъатан бошланган қайта қуриш жиноятчилар учун уларнинг тасаввуридаги жамият нуқтаи назаридан адолатсизлик бўлиб кўринди: ахир уларга бошқа нарсалар ваъда қилинган эди!

Биз социалистик моҳият томон амалиёт орқали эмас, балки, ялтироқ шиорлар қанотида учиб бора бошладик. Биз амалиётни ўтмасдан сохта моҳиятга сиғинавердик. Лекин воқелик бизни уйғонишга мажбур қилди. Қайси жамиятда яшаётганлигимизни эсладик. Ниҳоят! Барибир шиорлар қанотида жуда олислаб кетган эдик. Ҳақиқатга қайтиш барибир қийин бўлиб турибди.

Иккинчидан, етмиш йил давомида кишиларда инсонпарварлик туйғуси янада юксалди, уларнинг маънавий даражаси ошди. Бу буюк Инқилобнинг, социалистик воқеликнинг шарофатидир. Буни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиллик юбилейига бағишланган тантанали мажлисда қилган докладида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачёв аниқ ва лўнда қилиб шундай ифодалаган эди: «Социалистик тузум меҳнат аҳлига ўз қадр-қимматини, мамлакат соҳиби эканлигини ҳис этиш туйғусини сингдиради, социал жиҳатдан ҳимоялаб, келажакдан кўнглини тўқ қилади».

Одамлар ўз қадр-қимматларини чуқурроқ англай бошладилар. Лекин жазолаш усуллари деярли ўша-ўша — 20—30 йил олдинги тартибда. Шундай экан, жамиятнинг юқори даражада ўсган маънавий-ахлоқий савияси билан мавжуд ҳуқуқ-тартибот характери ўртасида номутаносибликлар бўлиши табиий. Демак, социалистик турмушнинг бу соҳаси ҳам қайта қуришга маҳтал. «Қайта қуриш, — деган эди М. С. Горбачёв яна ўша докладида, — ўтган давр турғунлиги ва консерватизмидан холос бўлиш, йўл қўйилган хатоларни тузатишгина эмас, шу билан бирга ижтимоий ташкилот иш методларининг тарихан чекланган, умрини яшаб бўлган хусусиятларини бартараф этиш ҳам демакдир».

«Йўқ»нинг бирламчи шарҳи шундай. Иккиламчи шарҳига эса батафсилроқ тўхталиш талаб этилади. Биз баҳоли қудрат бунга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Болалар жамиятнинг гули, уларни авайлаш лозим. Болалар ҳақиқатнинг овози, бу овозга қулоқ тутиш керак. Хўш, қандай адолатсизлик юз бердики, бугун бу овоз ҳайқириққа айланиб боряпти? Нима гап ўзи? Редакцияга хат йўллаган болалар ҳамма нарсани тушунишади шекилли. «Лекин улар бир нарсани тушунишмаётган кўринади, — дейди бизнинг оппонентимиз, — улар жиноятчини оқлаб бўлмаслигини тушунмайдилар». Йўқ, деймиз биз, улар айни ўша нарсани жуда чуқур тушунадилар, улар Инсонни кечириш мумкинлигини биладилар. Инсонни қўрқитув билан тарбиялаб бўлмайди, қўрқув билан уни ҳайвонга айлантириш мумкин. Инсонни тўғри йўлга сола оладиган бирдан-бир восита — Меҳр ва Ҳақиқатдир. Бу бизнинг инсонпарварлик жамиятимиз моҳиятидан келиб чиқадиган оддий ва одил формула. Ана шу нарсани унутиб қўйганимиз учун тарих бизни неча бор шафқатсиз тарзда жазолади. Шахсга сиғиниш йилларидаги ёвузликлар (бошқача ифодалаш мумкин эмас), турғунлик йилларидаги жиноятлар ҳаммаси одамларни қўрқитиш, уларга зулм ўтказиш натижасида содир бўлганлиги бугун ҳаммамизга маълум-ку! Маълум-у, лекин биз жамиятимизни ўз кишиларимиздан қўриқлашнинг эскича усулларидан воз кечишга журъат қилолмай турибмиз. Сталин давридан буён онгимизга михланиб қолган қўрқув туйғуси бизни ҳеч тарк этмаяпти. Хўш, нима қилмоқ керак? «Балки турмаларни маданият саройларига айлантирармиз», дейди оппонентимиз. Келинг, қизишмайлик, ҳаммасини бир бошидан ўйлаб кўрайлик.

Яқинда «Огонёк» журналининг 49-сонида (1987 й.) Александр Радовнинг мақоласида келтирилган қизиқ бир фактга кўзим тушиб қолди. Москва шаҳар тергов ишлари бошқармасининг терговчиси Василий Васильевич Воронов ҳузурига бир аёл ариза кўтариб келади. Аризада қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Менинг 14 ёшли ўғлим Дима Я.ни ҳибсга олишингизни сўрайман, чунки унинг хатти-ҳаракатларига тоқат қила олмаяпмиз. У эркинликда юриб оғирроқ бир жиноятга бош қўшмаса ёки ўзини бир бало қилиб қўймаса деб қўрқаман». Кўриниб турибдики, Дима инсонийликнинг сўнгги чегараларига яқинлашиб қолган. Шундай пайтда бу безори болани ҳуқуқий-маъмурий воситаларисиз тарбиялаб бўладими? Бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Макаренконинг «Педагогик поэма»сини эслашнинг ўзи кифоя деб ўйлаймиз. Агар терговчи ва бошқа қонун ғилдирагини юргизувчи ўртоқлар Макаренконни ўқиган бўлишса яхши, улар биз ишонган ҳақиқатга ишонишмаса-чи? Унда улар албатта, тарбиялашнинг ўзлари тўғри деб билган (қонун доирасида) воситасини тавсия этишади. Дейлик, меҳнат колониясини. Лекин бу колонияда маълум муддатни ўтаб қайтган ўсмирнинг инсонликка қайта олишига ким кафолат бера олади? У ердаги шарт-шароитнинг қай даражада экани бизга қоронғи, албатта. Ҳар қалай, ҳавас қиладиган даражада бўлмаса керак. Шу ўринда яна «Огонёк»нинг ўша сонида босилган исми шарифи Сергей Зайцев бўлган йигитнинг хатидан бир парча келтирамиз: «Вояга етмаганлар учун мўлжалланган меҳнат колониясида деярли ҳамма нарса кучга сиғиниш ва заифроқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиш асосига қурилган. Оддий инсоний муносабатлар тарбияланувчилар орасида бўлмагани каби улар билан маъмурият ўртасида ҳам йўқ. Мен эндигина қамалган пайтда бир йигитнинг қандай жазолаганлари ва унга куч ишлатиб зўравонлик қилганлари ҳеч эсимдан чиқмайди. Бори-йўғи бир неча кун ичида инсонни ҳайвонга айлантирдилар...» Демак, тарбия истаб нариги томонга ўтмаган маъқул.

Хўш, ўз ўғлини қамашларини талаб қилиб келган она билан ўз отасини ҳимоя қилишга чоғланаётган фарзанд ўртасида қандай боғлиқлик бор? Бу икки ҳодиса бир ҳақиқатнинг икки томонига ўхшайди. Она ўзи улғайтирган боланинг жиноятчи бўлиб чиқишига ишонади. Фарзанд ўзини улғайтирган отанинг жиноятчи эканига ишонмайди. Ҳар икки ҳолатдан бир моҳият англашилади: жамиятимиздаги тарбиялаш, қайта тарбиялаш муассасалари давр талабидан орқада қолган.

Фарзандлар ўз оталарини бутунлай фариштa қилиб кўрсатишаётганлари йўқ. Уларнинг жиноят қилганларини тан олишмоқда. «Бўлмаса, яна нима керак, — дейди оппонентимиз, — жиноятчи жазосини тортсин!» Жиноятчилар жазога мустаҳиқлар, уларни ҳеч ким бундан мустасно этаётгани йўқ. Гап жамиятнинг умум манфаати ҳақида кетяпти. Қамалган одам жамиятдан ташқарига чиқариб юборилмайди, балки шу жамият ичида тарбияланади. Тўғриси, ҳозирча жамият ичида тарбияланяпти деёлмаймиз. Бўлиши керак бўлган нарса ҳозирча бўлаётгани йўқ. Муддатни ўтаб қайтган киши ҳамма вақт ҳам ўзининг аввалги инсоний қиёфасидан кўра яхшироқ бир тарзда қайтмайди. Баъзан эса олдинги руҳий-ахлоқий савиясидан ҳам тубанлашиб келади. Бундай «фойда» кимга керак, жамиятгами?

Энди судланган одамнинг қамоқдан кейинги ҳаётини тасаввур қилиб кўрайлик. У бирор бир корхонада ишлай бошлайди. Унга шубҳа, ҳадик билан қараш, тўла маънодаги инсон каби муносабатда бўлмаслик давом этаверади. Раҳбарлик лавозимларга унга йўл бўлсин. Бу ижтимоий ҳаётдаги муносабатларнинг бир кўриниши холос. Ахлоқий муносабатлар-чи? Унинг ўғли бирорта қизга кўнгил қўйди дейлик. Қиз ёки унинг отаоналари, отанг қамалган деб йигитнинг таклифини рад этишади. Бундай қисмат учун ўғил бир умр ўз отасини лаънатлаб ўтса ҳам ажаб эмас. Бу нарсаларга дош бера олишга бир инсоннинг, бунинг устига, қамоқ азобини тортиб келган инсоннинг бардоши етадими? Етмаса-чи?.. Шу тариқа суд ҳукми беш ёки ўн йил эмас, бир умрлик, балки бир авлод умрчалик оқибатларга сабаб бўлмайдими? Шундай экан бу борада фақат суд, прокуратура, тергов идораларигина эмас, бутун жамият қайғуриши лозим. Болалар шу ҳақда бонг уришаётганга ўхшайди. Улар ўз оталари мисолида юқорида биз айтиб ўтган фожианинг такрорланмаслигини истамоқдалар. Улар жиноятчидаги инсонийликнинг сўнгги меваларини асраб қолмоқчилар. Биз бу ҳайқириққа қулоқ тутишимиз керак. Чунки келажак овози — ҳақиқат овозидир. Тўғри, болаларнинг фикрларида бир ёқламалик ҳам йўқ эмас: жамиятнинг ахлоқий даражасини, турмуш тарзини унутиш ярамайди. Кимдир жамиятга зарар етказдими, марҳамат, жавоб берсин. Токи бу нарса бошқаларнинг ҳам тўғри йўлдан тойинмасликлари учун ибрат бўлсин. Бу оддий арифметика. Болалар фикридаги бир ёқламалик худди шу ергача. Қолган қисми эса уларнинг фойдасига. Жиноятни текшириш жараёнида унинг қандай шароитда содир бўлганини эътибордан соқит қилиш ярамайди. Бутун жамият нотўғри йўлда тургач (турғунлик — ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг нотўғри йўли эканлиги олий минбарлардан айтилди), айрим ўрта бўғин раҳбарларнинг иш юритиши албатта хатоликдир (бугунги кун нуқтаи назаридан). Агар шу иллатлар бугунги кунда, ҳаммадан ҳаллоллик ва принципиаллик талаб қилинаётган чоғда ҳам давом эттирилаётган бўлса, бунинг жиноят эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Турғунлик даврида эса ҳақиқат ҳақида гапиришнинг ўзи жиноят ҳисобланарди. Болалар суянаётган ҳақиқатнинг бир томони шу. Иккинчидан, жиноятчи жазолансин. Лекин бу жазоланиш уни инсонликка қайтаришга хизмат қилсин-да! Инсонликка қайтиш жамиятга қайтиш демакдир. Жамиятга бир бутун инсоннинг қўшилиши эса шу жамиятнинг бахтидир.

Хўш, бизда ҳозир шундай бўляптими? Афсуски, йўқ. Лекин бу «йўқ»ни ошкора айтиш қанчалик қийин. Биз шу пайтгача уни айтолмай қийналиб келдик. Бугун биз айтолмаган ҳақиқатни болалар айтаётган экан, ҳеч бўлмаса уларнинг ҳақ эканликларини (майли, бир томонлама бўлсин) тан олайлик, жамиятимизнинг янада инсонпарвар жамиятга айлантиришга ҳисса қўшайлик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Албатта, биз ҳуқуқшунос эмасмиз. Қонунчиликнинг нозик масалалари устида бош қотиришга билимимиз ҳам, тажрибамиз ҳам камлик қилади. Биз фақат редакцияга келган хатларга таянган ҳолда инсон ҳуқуқи муаммоларига маънавий нуқтаи назардан ёндошмоқчимиз.

Ҳозир қўлимизда шу мавзуга бағишланган даста-даста хатлар бор. Уларнинг 53 таси Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. Йигиталиев номига, 8 таси Республика олий суди президиумига, 15 таси эса республика прокурорига жўнатилди. Қолганлари эса... Биз қолганларини баҳоли қудрат обзор қилямиз. Чунки юқори ташкилотлардан шу чоққача тегишли жавоб ололганимиз йўқ. Ўқувчиларга эса биз жавоб беришга мажбурмиз.

Жиноят содир бўлди дейлик. Хўш, кейин қандай манзара юз беради?

Агар редакцияга келаётган хатлар моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўз олдимизга келтиришимизга тўғри келади: жиноятчи қўлга олинди. Энди у инсонликдан чиқди. Бизнинг қонун посбонларимиз шубҳа остига олинган кимсаларни (у жиноятчими, жиноятчи эмасми — фарқи йўқ) инсоний муносабатга нолойиқ деб ҳисоблайдилар. Иккинчидан, улар ўз зиммаларидаги ҳуқуқий-маъмурий масъулиятни уларга давлат томонидан берилган имтиёз деб тушунадилар. Уларнинг тасаввурида шу имтиёзга ҳамма таъзим қилиши керак. Шу имтиёз уларга ҳар қандай инсон (жиноятчи) устидан ўз ҳукмларини юргизиш ҳуқуқини беради.

Мисолларга мурожаат қилайлик. ҚҚАССР, Амударё район, Ленин номли колхозда яшовчи Мадраҳимовнинг уч яқин қариндоши (акаси, янгаси, синглиси) машина фалокати туфайли дунёдан кўз юмишади. У айбдорни (ҳайдовчини) жазолашни талаб қилиб, ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Хатнинг давоми қуйидагича:

«Подполковник Қорасоев (пул гадоси) ҳеч нима демай бизларни қувиб юборди. У ерга мурожаат қилдик, бу ерга мурожаат қилдик, барибир районга юборарди. ЎзССР Ички Ишлар Министрлигининг ходими подполковник Ғуломов мени чақириб, «Нимага ёзаверасан у ерга-бу ерга, ўлганлар тирилиб келармиди? Москвага ёзсанг ҳам менга келади, ҳеч бир ёзма», деб дўқ урди. Хонада коньяк шиддидан одам туриб бўлмасди.»

Қашқадарё область, Муборак шаҳар, Алишер Навоий кўчасида яшовчи Аймуродова прокурор Орзиқулов ва терговчи Жўраевларнинг ишларидан нолиб ёзади.

Хўш, муқаддас қонундан ўзлари учун тахт ясаб олган амирлар салтанати қачон барҳам топади? Уларни руҳлантириб сармоя билан таъминлаб турганлар кимлар? Ўзимиз. Бошқа ким ҳам бўлиши мумкин? Бундай «ҳуқуқшунослар» қонуннинг муқаддас моҳиятини эмас, ўзларининг муқаддас қонунларини ҳимоя қилиб яшайдилар. Давлат ва халқ томонидан бериб қўйилган улкан воситаларни шуни ҳимоя қилишга сарф қилаверадилар. Биз эса гунг ва кар бўлиб туравердик. Доҳиймиз буни 1918 йилдаёқ ҳис этиб ёзган эди: «Помешчик ва буржуазия зулми ҳукм сурган замонларда халқ судга ўзига ёт, расмий бир идора деб қараб келган эди: ўша замондан мерос бўлиб қолган бу қарашнинг бизда ҳали ҳам тамоман йўқотилмаганлиги сезилиб турибди. Суднинг мамлакатни идора қилиш ишига айни камбағалларни ёппасига тортишга хизмат қиладиган идора эканлиги (чунки суд ишлари давлатни идора қилиш функцияларидан биридир), суд пролетариат ва энг камбағал деҳқонларнинг ҳокимият органи эканлиги, суд — интизомга ўргатиш қуроли эканлиги тўла англаб олинмаган» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 36-том, 223-бет). Тўғриси, биз инқилоб туфайли англаб олинган ҳақиқатни ҳам унутиб қўйганмиз. Чунки қўрқув туйғуси ҳар қадамда таъқиб қилиб туради: қонун ҳақида гапирмоқчимисан, ўйлаб гапир. Бутунлай гапирмасанг бундан ҳам яхши. Шунинг учун гапириш бир ёқда турсин, ҳуқуқ идораларининг номини эшитсак қалтирайдиган бўлиб қолганмиз. Нима учун? Ахир давлатни ҳам, қонунни ҳам, унинг ижро этувчи муассасаларни ҳам ўзимиз жорий этганмиз-ку! Биз уларни деб эмас, улар бизни деб яшаяпти-ку! Буларни унутиш бизнинг ҳақиқий манқуртга айланганимизни билдирмайдими?

Нимага одамлар қамоқхоналардан қўрқишади, ё у ерда бошқа жамият қонунлари ҳукм сурадими? Биз у ерда бўлмаганмиз. Ҳақиқий аҳволдан бехабармиз. Фақат қамалиб келган кишиларнинг ҳикояларини тинглаб этимиз увишади, наҳотки, деймиз. Нимага бизни қамоқхоналардаги, меҳнат колонияларидаги аҳвол қизиқтирмайди? Қамоқдагиларнинг турмуш тарзи жамиятнинг умумий яшаш шароитига қанчалик яқинроқ бўлса, шунча яхшимасми? Болаларни қўрқитаётган нарса ҳам оталари билан бўладиган 10—15 йиллик айрилиқ эмас, қамоқ деган сўз моҳиятида йиғилиб қолган тасаввурлар даҳшати бўлса керак. Тўғри, бизнинг қонунларимизда ҳамма нарса инсонпарварлик доирасида бўлиши кўзда тутилган ва тегишли моддалар билан гарантиялаб қўйилган. Лекин шу гарантияларнинг ижроси қандай бўляпти. Ҳамма гап шунда-да. Жиноятчиларни йўлга солмоқчи бўлганларнинг ўзлари қонунни бузиб, жиноят қилиб туришса, бу гарантияларнинг бузилмаслигига ким кафолат бера олади? Демак, демократия керак. Қамоқхоналарга ҳам демократия керак. Қамоқхоналар ишини назорат қилиб борувчи жамоатчилик асосида тузилган комиссиялар фаолият кўрсатса айни муддао бўларди.

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари аввало инсонга меҳр-муҳаббат билан қарашни ўрганишлари лозим. Баъзан шундай қонуншунослар топиладики, улар дунёдаги ҳамма жонзодларга жиноятчи деб қарайдилар, ҳар қандай софдил инсон қиёфасида ҳам жиноятчини кўрадилар. Ундайларга инсон қисматини ҳал этишни ишониб бўладими? Ҳуқуқ-тартибот мутахассислиги бўйича таълим олувчиларга энг аввало инсоншунослик фани — адабиётни ўргатиш лозиммикан деб ўйлаб қоласан киши... Ахир бизнинг жамиятимизда инсон инсонга бўри эмас, дўст, биродар-ку!

Ҳозирги судлов муассасаларининг кўп босқичлилиги, жуда кўп қонун кодекслари ва ҳужжатлар асосида иш юритиши ҳам ўзини оқламайди. Чунки бирор бир жиноий ишнинг моҳиятини, тарихини билиб олиш учун камида ўртача малакадаги ҳуқуқшунос бўлиш талаб қилинади. Бундай мураккаблик эса кўп ҳолларда оддий кишиларни чалғитишларга, алдашларга сабаб бўлади. Ҳуқуқшуносларга бўлган ишончни сусайтиради. Судлов идораларининг иш юритиш тарзини ҳам, уларнинг ишларидаги бюрократик, қоғозбозликка оид мураккабликларни ҳам, бу идораларнинг пиллапояларини ҳам соддалаштириш лозим. Шунда унинг турли босқичлари ўртасида отангга бор, онангга борлар камроқ бўлади — ҳужжатлар моҳиятини ҳар бир совет граждани осонгина тушунади. Шундагина ҳар қандай айбланувчи ўз қилмишларига берилган жазоларнинг тўғри ёки нотўғрилигини тезда англаб олади. Ҳукмдан норози бўлиб, шубҳаланиб редакцияларга хат ёзиб юрмайди. Бундан ташқари, суд процессини жамоатчилик асосида тузилган комиссиялар назорат қилиб борса адолатсизликлар камроқ бўларди.

Жиноят содир бўлса, айбдорлар топилади. Айбдорлар бўлмасин десак, аввало, жиноят бўлмаслиги учун курашмоқ керак. Албатта, қамалганларнинг ҳаммаси ҳам тўла маънода айбдор бўлмаслиги, ёки ёрдам сўраб хат йўллаётганларнинг ҳаммаси ҳам айбсиз бўлиб чиқмаслиги мумкин. Лекин асосий гап бошқа ёқда. Жамиятимизда тарбия муассасаларининг (қамоқхоналаргача бўлган) ўз вазифаларини тўла бажара олмаётганликларида. Демак, шунинг ўзи жиноятлар содир бўлишига ёки жиноятли ҳодисаларни тўғри ва нотўғри тушунишга бир сабаб.

Пахта азиз, лекин инсон умри ундан ҳам азиз. Давлат мулки муқаддас, лекин шу давлат гражданининг умри-чи? Биз ҳақиқий инсонпарвар жамиятда яшаётган эканмиз, ана шу оддий мантиқни унутмаслигимиз лозим. Ҳеч бўлмаса, болаларимиз шу нарсани эслатиб туришганда уларга қулоқ солайлик. Биз буни пахтада қўшиб ёзишлар авж олгани туфайли гуноҳи борлар ҳам, озгина гуноҳкорлар ҳам баробар жазоланиб кетганини назарда тутиб айтяпмиз.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, болаларнинг ташвишли саволларига конкрет жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Хўш, уларнинг оталари (яхши, меҳрибон оталари) нега қамалди? Уларнинг хатларини ўқиб, янгиланиш бошланган йиллари пахтачиликка алоқадор барча раҳбарлар ёппасига қамалган эканлар-да, деб ҳам ўйлаш мумкин. Ёппасига қамалдими? Ҳа (баъзи жойларда). Йўқ (ҳамма жойда ҳам эмас). Нима учун? Бу жамиятимизни янги босқичга олиб чиқиш учун керакмиди? Ёки бошланган қудратли ишнинг ҳақлигига одамларни ишонтириш учунми? Ёки шунчаки янги раҳбарларни қўрқитиб қўйиш учунми? Йўқ, бундай деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўларди. Қамалганларни ҳаммасининг бўйнида озмикўпми гуноҳ бор эди. Ва уларнинг жазоланишларига худди шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

нарса сабаб бўлди. Энди жазонинг қай даражада белгиланганлиги борасида гапирадиган бўлсак, юқорида биз санаб ўтган омиллар туфайли маҳаллий судлов идоралари томонидан хатоликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин.

Партия ва ҳукуматимиз бу нарсаларни эътиборга олди ва олмоқда. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи арафасида эълон қилинган УМУМИЙ АВФ фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Ноҳақ қамалганларнинг кўпчилиги ўзларининг меҳнат постларига қайтдилар, кўпгина гражданларнинг жазо муддатлари қисқартирилди.

Энди гуноҳкор бўлиб жазосиз юрган ва жиноят қилишни давом эттираётган кимсаларга келсак... бир куни Адолат улар-нинг устидан ҳам ғалаба қилади. Биз Адолатнинг, Ҳақиқатнинг бус-бутун бўлиши учун курашишимиз керак.

Биз ўз оталарининг қисматларини ўйлаб хат йўллаган ёшларнинг келажакда энг одил, энг адолатли инсонлар бўлиб етишишларига ишонамиз. Чунки улар совет жамиятининг қутлуғ идеаллари тўла ғалаба қилаётган бир даврда ўтмиш воқеаларини ҳам, бугунги кун воқеаларини ҳам ўз ақл тарозиларида тортиб кўриб, ҳақиқатнинг буюк кучига яна бир бор гувоҳ бўлиб яшамоқдалар. Улар ёрдамга муҳтож инсонга қўл чўзиш оддий гражданлик, фарзандлик бурчи эканини англаб туришибди. Шундай экан, нима учун бундай саодатнинг йўлини тўсишимиз керак? Болалар йиғлаганда биз катталар майда манфаатлар сарқити билан тўлиб қолган кўксимизни уларга очайлик. Чунки болалар йиғиси бежиз бўлмайди. Катталар фойда учун мушукдай зорланишлари мумкин. Лекин болалар бундан ор қилишади. Улардан ўрганайлик. Шунда балки ўзимизни қайта қурган бўлармиз. Шунда балки...

«Ассалому алайкум, ҳурматли редакция! Сизга Самарқанд область Челак шаҳар, Октябрь кўчасининг 6-уйида яшовчи Гулноз Муротова хат ёзмоқда. Хат ёзишимдан мақсадим шуки, сизлардан миннатдорман. «Ёшлик» редакциясидан жавоб хати олиб, беҳад хурсанд бўлдим, теримга сиғмайман! Чунки энди мен орзуимга эришишим мумкин.

Гап шундаки, энди мен милицияда ишлашим, ҳуқуқшунос бўлишим ёки партияга ўтишим мумкин. Бундан фақат мен эмас, мен каби нотўғри фикрда юрганлар — оиласида қамалган кишилар бўлганлар ҳам мендай хурсанд бўлишади.

Мен фақат бир мартагина редакцияга мурожаат қилдиму ундан маслаҳат олдим. Ўйлайманки, бундан буён редакциялар менинг энг яқин бир дардкашим, дўстим бўлиб қолади. Хатим сўнгида сизларга яна бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Жавоб хати олганимдан сўнг оила аъзоларимизга юқоридаги фикр нотўғри эканлигини айтиб, хатни кўрсатдим. Улар ҳам хурсанд бўлишдилар, лекин катта акам: «Оиласида қамалганлар бўлса, шу оиладаги фақат хотин-қизларгагина редакциядан келган хат жавоби таалуқли. Ўғил болаларга эса ҳаммаси ман қилинади, чунки улар ота фамилиясида бўлади, қизлар эса йўқ. Масалан, мени дадам қамалганлиги учун партия сафига ўтказмадилар», деди. Шу тўғрими? Агар фамилияга қарашса, менинг опамлар ҳам поччамларнинг фамилияларига ўтишмаган-ку?! Олдинда яна бир чалкашлик пайдо бўлди. «Асоссиз» деган гапларга ишонмайин дейман-у, лекин кўнглим ғаш.

Сизлардан олган жавоб акамнинг гапига қараганда «асоссиз»га ўхшайди. Қани энди акамнинг фикри нотўғрию сизларники тўғри бўлса!»

Кошкийди! Шунда балки...

Ваҳоланки, «озодликдан маҳрум этилган одамлар уйларига қайтгач, уларга ижтимоий муҳофаза, ёрдам, мадад зарурлиги ҳақида кўп гапирилади — ахир уларнинг, айниқса, илгари мустақил ҳаёт кечириб кўрмаган ёшларнинг иродаси букилади, синади. Энди улар ҳаётни янгитдан бошламоқлари даркор. Амалда-чи? Ҳамон эски ҳаммом, эски тос. Хўш, бундан жамиятимиз қанчалар зарар кўраётганини ким ҳисоблаб бера олади?!» («Советская культура» газетаси, 1988 й. 26 январь, 11-сон)

НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆ НАЗМ ◆

Инобат Нормуродова

Онамга

Эриб кетсин кўнглингдаги ғам
Эшигингни очгин елларга.
Келади де, келар де болам,
Ўзинг яхши кўрган элларга.

Беҳудага йиғлашни қўйгин,
То кўзёшдан куймасин бу жон.
Энг аввало ўзингни суйгин
Ва ўзингни асра онажон!

Тунлар чиқиб осмонларга боқ
Сўнг ҳайратдан ҳовучла юрак.
Она, сенга интизор, муштоқ
Кўзлар учун яшашинг керак!

Она, асра ҳали ушалиб
Ушалмаган кўп дамларингни.
Яхши кунлар гулдай тўшалиб
Ўпар ҳали қадамларингни.

Қадимги қўшиқ

Дарё бўйи чиройли,
Кундуз қуёш, тун ойли.
Дарёга боролмайман,
Менинг бошгинам бойли.

Бойланган бошим менинг,
Отилган тошим менинг.
Юзларимни ювди-ку,
Кўздаги ёшим менинг.

Гоҳи тўладир қалбим,
Дарё бўладир қалбим,
Гоҳи гулдай очилиб,
Гоҳи сўладир қалбим.

Сочим ўриб толмайман,
Соҳилга қайтолмайман.
Асл ёр деб ёнганим
Ҳеч кимга айтолмайман.

Бойланган бошим менинг,
Отилган тошим менинг.
Дарё бўлиб оқди-ей
Кўзлардан ёшим менинг...

www.ziyouz.com kutubxonasi

«PROSUS»ГА ҚАЙТИШ

Юрий Трифонов



«Новелла ҳикоядан нимаси билан фарқ қилади?» деган масала устида қизғин баҳслар бўлгани ёдимда. Ҳикоя нимаю новелла нима эканини жуда аниқ-тиниқ билувчи одамлар бор ҳам эди. Бахтиёр одамлар! Мен, масалан, ҳикоянинг романдан нима фарқи бор — билмайман. Катта-кичиклиги билан эмас, балки моҳият-эътибори билан.

Чеховнинг ҳикоялари (албатта, энг яхшилари) Чехов маҳоратига хос зўр куч билан метиндек зичланган романларнинг узгинасидир. Айни вақтда, кўп саҳифали романлар ҳам борки, улар ҳартарафлама муфассал ёзилган ҳикояларга ўхшайди (ҳеч бўлмаганда «Жиноят ва жазо» ёки «Қўнғироқ кимнинг ўлимидан дарак беради» романларини эслайлик), буларда гап битта воқеа атрофида боради, бутун воқеа бир ёки бир неча кунда содир бўлади. Демак, ҳаётни қамраб олиш имконияти жиҳатидан ҳикоя билан роман бир хил кучга эгадир. Ҳикояда ҳам, романда ҳам ички бир ҳаракат бўлиши, бу ҳаракат узлуксиз давом этмаслиги шарт. Ҳаракатнинг тугаллиги (зоҳирий, яъни фабула жиҳатдан эмас, балки айни шу ботиний жиҳатдан) шундай бир нарсаки, у семиз эпопея билан беш саҳифалик ҳикояни теппа-тенг қилиб қўяди. «Жарликда» улкан романи билан мўъжазгина «Ионич» ҳикояси, адабиёт «маҳшари»да қандайдир беш юз йиллик система бўйича суд қилинганида эҳтимол, бир хил баҳо олар.

Лотинча «prosus» сифати («проза» сўзи шундан келиб чиққан) холис, чекланмаган, тўппа-тўғри ҳаракат қилувчи деган маъно беради. Поэзияга қарама-қарши ўлароқ проза шундай деб номланганида жон бор. У қофиядан холис, шеърий оҳанг билан чекланмаган, қолипу андазалардан мустақил равишда тўппа-тўғри мавжуд бўлаверади. Аммо адабиёт яшаб келаётган асрлар давомида прозада ҳам қонун-қоидалар, андазалар таркиб топди. Андазалардан жанрлар юзага кела борди. Ҳозирги замон прозаси баъзан китобхонни адаштириб қўяди: у романми ёки ҳикоями, тарихий очеркми, фалсафий асар ё тасодифий баҳолар йиғиндисими — барибир қадимги маънодаги, андазалар билан чекланмаган прозага, «prosus»га қайтишдир.

Мен адабиёт институтида ўқиган пайтимда сюжет масаласи энг долзарб, энг муҳим масала бўлиб туюларди. Семинардаги қироатхонликларда арзимас бир мувафаққиятдан сўнг ўзингга, ёзишни зўр ўрганиб олганлигингга болалардек ишонч ҳосил қилиб кетасан киши (бундай бадмастлик даврини ҳамма бошидан кечиради, аммо, худди қизамиқ сингари, бундай бадмастликдан қанча тез халос бўлсанг, шунча яхши, етук ёшда бу нарса ҳалокатга етаклайди). Одамни қийнайдиган бирдан-бир муаммо — нима тўғрида ёзиш масаласи эди. Сюжетлар топилмасди. Қариндош-уруғлардан, таниш-билишлардан сўраб-суриштирасан, бирга ўқиётганларни алдаб-сулдайсан, ўзинг тўқиб чиқарасан, уйдирма қиласан — қани энди бирон-бир сюжет топила қолса! Мен уни шундай боплардимки! Гўё ҳамма иш жойида, ҳаммаси етарли, билагингда куч бор, калланг яхши ишлайди, ўзингга ишончинг зўр, фақат биргина нарса етишмайди, у ҳам бўлса биронта арзимас, ярамас бир сюжет! Ҳар қанча уринсам ҳам ўзим истаган даражада ёзишни ўрганиб олмаганимни, сюжет ўнинчи даражали бир нарса эканини тушуниб етгунимга қадар орадан кўп йиллар ўтди. Сюжет эҳтимол, ўнинчи бўлмаса ҳам, олтинчи ёки бешинчи даражали нарса экан. Тўртинчи даражадан ортиқ эмас.

Булар ҳаммаси, албатта, менинг ғоят шахсий фикрларимдир, бошқа кишилар сюжетга бутунлай бошқа назар билан қарашлари мумкин, бундай бошқача назар, эҳтимол, тўғрироқдир, аммо мен фақат ўз тажрибамдан чиқиб келиб гапиряпман. Мен учун сюжет, яъни воқеа ёхуд воқеалар силсиласи тўғрисидаги тасаввур иш жараёнида катта роль ўйнамайди. Бундан ҳам заруррроқ омиллар бор. Сюжет тўғрисидаги тасаввур жуда тахминий, хира, чала-ярим бўлиши мумкин. Одатда воқеалар силсиласининг битта бўғини маълум бўлади, маълум бўлганда ҳам ҳатто бошланғич (бу ҳам ҳамиша бўлавермайди), баъзида ўрта ёки охирги бўғини, кўпроқ охирги бўғини маълум бўлади, қолганлари эса ёзиш жараёнида юзага келади. Ёзиш жараёнида энг қийини, энг муҳими — тасвирланаётган ҳаётнинг ҳаққонийлигини ҳис этиш. Худди шу нарсани зўр бериб кузатиб борасан, худди шу нарса сенга ҳаммадан кўп азоб беради. Худди шу туйғудан сюжет вужудга кела боради. Бундай ҳис-туйғу сени бир дақиқа тарк этмаслиги, ҳамиша ёнингда, улкан соябон ёки иссиқ ва нурафшон офтоб сингари тепангда бўлсин, негаки қуёш иситмай қўйдими — бас, ҳамма нарса бир зумда қуриб-қақшаб кетади, иш-ҳаракат тўхтайди.

Умуман, асар ёзиш — зимдан қилинадиган ишдир. Оппоқ қоғозга термулиб «ҳар ким бир ўзи ўлади». Ҳар ким бу ишга ўзича мослашиб олади, шу боисдан ҳам адиб нега ва қай йўсинда ўз асарларидаги фалон-фалон жойлар яхши чиққанини тушунтириб беролмайди.

Ёки тушунтиришни истамайди. Жиддий ёзувчилар эса ҳазил-ҳузул қилиб қутулиб кетадилар. Антон Павлович Чехов «Ҳикояни қандай ёзиш керак?» деган мавзуда нақадар ажойиб мақола ёки «Ёш адабиётчига ёрдам» кутубхонаси учун рисола

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзиб бериши мумкин эди-ю, негадир ёзмаган. Унинг хатларида, ён дафтарчаларида, айрим ҳикоя ва пьесаларида адабиёт ҳақида, ёзувчи меҳнати ҳақида ўта нозик фикрлар кўп учрайди, аммо уларни маълум бир панд-насиҳат, ёш адиб учун ҳадис тарзида тўплаш Чеховнинг хаёлига ҳам келмаган. У калондимоғликдан холи бўлгани (бу фазилат ёзувчиларда камдан-кам учрайди), ўзини кимгадир насиҳат берадиган даражада катта ёзувчи деб ҳисобламагани учунгина шундай қилмаган, балки у бундай панд-насиҳатлар жуда оз фойда беришини ҳам яхши билган.

Умуман, эски замонда «Биз қандай ёзамиз?» қабилида иш тутиш расм бўлмаган. Жилд кетидан жилд ёза беришган.

Бундай урф йигирманчи йилларда — ҳовлиқма формалистлар: «Одамни ҳамма нарсага ўргатиш мумкин, ҳамма нарсани соат сингари бўлакларга бўлиш, сўнг уни ажратиб олиб, қайта созлаш мумкин», деб билағонлик қилган пайтларда расм бўла бошлаган эди. Халқ эртагидан бошлаб «Дон Кихот»гача шундай йўл билан асар ёзиш мумкин эмиш. Улар гўё ҳаммадан кўп сюжет билан шуғулланганлар, чунки сюжет — конструкция эмиш. Чехов бир куни: «Оддий қилиб, масалан, Пётр Семёнович Марья Ивановнага қандай қилиб уйлангани ҳақида ёзиш керак, шунинг ўзи етарли» деган экан. Менимча, бу гап — сюжет ҳақидаги саволга берилган жавобдир. Ҳа, оддий нарсалар тўғрисида ёзиш керак. Мана, Чехов сюжетлари (булар унинг ён дафтарчаларида қайд этилган): «40 яшар киши 17 яшар қизга уйланади. Биринчи тун у қизни ўз уйига олиб келади, қиз уйқуга ётаркан, бирдан ҳўнграб йиғлаб юборади, сабаби — эрини яхши кўрмайди. Эри — яхши одам, у хижолатда, аламига чидаёлмайди, ухлагани ўз хонасига йўл олади». Ёки мана буниси: «Стат маслаҳатчиси, у ўлганининг кунидан бир сўм олиш ниятида ит бўлиб вовуллаш учун театрга бориб туради, камбағал эди-да!» Мана, яна бир сюжет: «Инженер-технолог, 43 ёшда, аммо ўзига муносиб иш тополмай, идораларда хизмат қилиб юради». Нақадар қизиқ воқеа, тўғри эмасми?

Аммо бошланғич даврда Чехов учун сюжет бутунлай бошқа, яъни асосий роль ўйнаган. В. Шкловский шу даврдаги Чехов асарларини, «шакл жиҳатидан энг мукаммал» деб атайди ва айни шу Чехов, Антоша Чехонте — энг кўп ўқиладиган Чеховдир, деб исботламоқчи бўлади.

Йигирманчи йилларга хос бундай хатолар тумандай тарқаб кетди. Бутун дунёда Чеховнинг оддий ва мазмундор асарлари тобора кўпроқ ўқилмоқда, «шакл жиҳатдан энг мукаммал» ҳикоялар эса, аста-секин болалар мулкига айланиб бормоқда.

Ҳарҳолда, сюжетлар қаердан олинади?

Баъзи ҳикоялар бирпасда, бир ўтиришда ёзилади (менда бу ҳол камдан-кам, икки ёки уч марта бўлган), бундай пайтда сюжетни ўйламайсан; у ёзиш жараёнида ғайришуурий равишда шакллана боради. Мана шунақа ҳикоялар ғоят зўр таассурот асосида ёзилади. 1957 йили тунда Ашхободда кўчада бир одамга дуч келиб қолдим, у мендан «Сизда, мабодо, болта йўқми?» деб сўради. У ўзининг уйига киролмаётган экан. Бу одам испан экан; Испаниядаги уруш қатнашчиси бўлиб чиқди. Унинг гаплари мени шунчалик ҳайратга солдики, меҳмонхонага келибоқ стол ёнига ўтирдиму ҳикоя ёзиб ташладим. Мен ҳикоя ёзмоқчи эмасдим, ўзим учун шунчаки у-буни ёзиб қўймоқчи эдим. Ёзганларим беш саҳифа бўлди. Узоқ пайтгача мен бу саҳифаларни шунчалик бир қайд, қоралама деб ҳисоблаб юрдим, аммо дўстларимдан кимдир: «Бу — ҳақиқий ҳикоя, шу пайтгача жами ёзганларингдан ҳам кўра ҳақиқий ҳикоя бўлибди», деди. (Дўстлар одатда шу тарзда мақташни яхши кўрадилар.) «Диққинафас тунларнинг бирида» деб аталган бу ҳикоям тўпламда босилди, чет элда таржима этилди, ҳатто у тўғрида бир америкалик ёзувчи, Кьеркегор мухлиси билан хат ёзишиб юрдим.

Тунги учрашувдан олганим зўр таассурот (шунда инсон тақдири бир лаҳзада ярқ этиб кўзга ташланган, унинг ўзи эса бор бўйича кўз олдимда намоён бўлган эди) адабиёт соҳасида омадни таъмин этувчи барча зарур шартлардан устун бўлиб чиқди, бу шартлар, яъни ихчам сюжет, конкрет билим (мен бу испан ҳақида ҳеч вақо билмасдим ва билиб олишга улгурмаган ҳам эдим!) услуб устида ишлаш кабилар иш бермай қолди. Таассурот асосида битилган ҳикоялар тўмтоқ, узуқ-юлуқ, уйқусида гапирган одамнинг гапидек мужмал бўлиши мумкин, бироқ уларда барибир бевосита ҳаётнинг ўзидан олинган нимадир бўлади.

Бошқа хил ҳикоялар эса имиллаб, баъзи бирлари йиллар давомида ёзилади. Бундай ҳикоянинг уруғи анча илгари экиб қўйилади (бу, кўпинча, сюжетнинг мағзи, латифа бўлади), у етилиб, ими-жимида, секинлик билан илдиз ота боради, уни бутунлай унутиб ҳам юборасиз, аммо бирдан уруғ жуда тез ўса бошлайди. Демак, уруғнинг ўсиши учун етмай турган қандайдир бир унсур пайдо бўлган. Бир вақтлар менга машҳур инқилобчининг беваси, эстон аёли Е. А. тўғрисида сўзлаб беришган эди (мен Е. А.ни таниридим, аммо бу сюжетни унинг ўзидан эшитмаган эдим). Бу аёл орадан эллик йил ўтиб, урушдан сўнг, ўз ватани Болтиқбўйига боришга муваффақ бўлади. У қизлик даврида ўзи ишлаган фабрикага боради ва бир вақтлар яшаган эски баракни кўради. Барак ҳаммасига — жаҳон уруши, инқилоб, буржуа республикаси, немисларга бардош берган экан. Худди шу баракда Е.А. ўзининг ёшликдаги дугонаси, қари аёлни учратади. Мен шу икки кекса аёл ҳақида, уларнинг фабрика ҳовлисида тасодифан учрашиб қолишлари тўғрисида жуда-жуда ёзгим келди. Аммо бу ҳақда ёзишга менинг ҳаққим борлигига амин эмасдим. Кейин бошқа ишлар билан Болтиқбўйига бориб турдим, Е. А.ни эса унутиб юбордим. Сўнг инқилоб тарихи билан шуғуллана бошладим, кўп китоб, кундалик, хатларни ўқиб чиқдим. Қўққисдан мудраб ётган уруғ ўса бошлади: бирдан ўз-ўзимга ишонч ҳисси пайдо бўлди. Даврнинг шароитини, эллик йиллик узоқ умрнинг ранги ва исини ҳис этганимдан сўнггина бу тўғрида ёзишга ҳаққим борлигига амин бўлдим, худди шу ранг ва исларнинг барини бошқа кишилардан, ўзга манбалардан олдим, лекин ҳамма-ҳаммаси Е. А.нинг тақдирига жуда мос бўлиб тушди. Икки кекса аёл тўғрисидаги ҳикоянинг сюжети аста-секин етилиб борувчи сюжетлар тоифасига киради.

Зўр шахсий таассурот асосида ҳамда бошқалар ҳикояси асосида юзага келиб, пишиб етилиб бориши лозим бўлган сюжетлар (буларни ўзлаштириб, ўзингники қилиб олиш учун қандайдир ботиний, куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлади) асосидаги ҳикоялардан ташқари, яна бир хил ҳикоялар ҳам борки (бунақаси тажрибамда кам учраган), улар мушоҳада, фикр юритиш туфайли ёзилади. Бир куни, ўзимча бош қотириб, қандай ҳаётни омадли ҳаёт, қандай одамни хушбахт деб аташ мумкинлиги ҳақида ўйларканман, ўртамиёна бир спортчи (ёзувчи, артист, олим ва ҳ.к.) тўғрисида ҳикоя ёзиш фикри туғилди. Бу одам олтмиш йил муқаддам олимпия ўйинларида қатнашган, у ерда саккизинчи ёки тўққизинчи ўрин олган, аммо ҳаммадан узоқ умр кўриб, устун келган, яъни чемпион бўлган. Чуковскийнинг бўлса керак, бир гапи бор: «Россияда ёзувчи одам узоқ умр кўриши шарт». Мен худди шу ҳақда, узоқ умр кўриш ҳақида ҳикоя ёзгим келиб қолди, аммо узоқ умр кўрган биронта ҳам одамни билмасдим, шу боисдан сабр қилиб, бир, икки, уч йил кутиб юрдим. Шундай қилиб, ҳикояга мос узоқ умр кўрган одамни учратмадим, аммо унинг тескариси билан танишиб олдим, яна шу орада сафарга боришга тўғри келиб қолди, сафар чоғида бундай учрашув содир бўлиши мумкин эди-ю, аммо содир бўлмади, шу боис худди ўша учрашувни ўзим тўқидим-қўйдим.

«Ғолиб» деган ҳикоямда ғоядан тортиб сюжетгача — ҳаммаси хаёлдан олинган, аммо икки таянч бўлмаса, яъни қисқа умр кўрган одамни учратмаганимда ва сафарга чиқмаганимда эди, ҳикоя ёзилмай қолаверарди.

Мен бу мақолада сюжет ҳақида айтганларим дунёни тадқиқ этувчи адабиётга тааллуқлидир, аммо яратувчи, дунёни хаёлда тўқиб чиқарувчи адабиёт ҳам борки, худди шундай адабиётда сюжет қудратли, баъзан ғайритабиий бир кучга эга бўлади. Гоголь, Эдгар По ҳикоялари, Достоевский романлари каби асарлар гениал даражада ўйлаб топилган сюжетлар асосига қурилгандир. Айтмоқчи, «Бурун», «Узгариш», «Қора мушук» кабилар умуман ҳикояга ўхшамайди. Булар, ахир, қандай қилиб ҳикоя бўлсин! Булар — айни башорат, ўзга жаҳаларга ёриб ўтишнинг ўзгинасидир...

Ҳозирги кунда ёзилаётган ҳикояларга келсак, энг яхшилари ўзининг ҳаққонийлиги билан кучлидир. Ҳозирги ёш ҳикоянавислар тумтароқ-хира услубдан, тавсифдангина иборат услубдан (бу услуб адабиётимизда 40—50-йилларда ҳукмрон эди) воз кечиб, жиддий, ҳаққоний тарзда ёзмоқдалар, рангтасвир билан поэзияни бир четга қўйиб туриб, моҳият тўғрисида проза тўғрисида бош қотирмоқдалар.

1969 йил. **И. Султонов** таржимаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

Менинг фикрим...



Оиламиз бошлиғи, тарбиячиси — турмуш ўртоғим Душаев Умрзоқ кечаю кундуз партия ва ҳукуматимизнинг топшириғини бажараман деб бор кучини, онгини, вақтини бахш этарди. Чунки у шундай тарбияланган эди. 1982 йил январь ойида у киши Пскент район партия комитети ҳамда Тошкент область партия комитети томонидан В. И. Ленин номидаги колхоз правлениеси раислигига тавсия қилишганини, колхозда аҳвол оғирлигини, олдимизда турган қийинчиликлар ҳақида гапирдилар. Ниҳоят, раислик вазифасига сайлангач, оиламиз билан Пскент районига кўчиб ўтдик. У киши қаерда бўлса, онамиз ва болаларимиз ҳам ўша ерда бўладилар. Унга кўмаклашамиз. Қисқаси, ҳалол меҳнатимиз эвазига қурилган ҳовлимизни ташлаб, шаҳар уйга кўчиб бордик. Кўни-қўшнилар, колхоз меҳнаткашлари билан ҳамнафас бўлиб меҳнат қилдик. У киши колхоз раиси сифатида тез кунда обрў-эътиборга эришди. Ёшу қарининг ҳурматига сазовор бўлди. Мен буни одамлардан эшитдим. Ва кейинчалик халқнинг оиламизга билдирган ҳурматидан ҳамда юқори ташкилотларга ёзган илтимосномаларидан тушуниб етдим. Меҳнаткаш халқнинг нидосига дастлаб ҳеч ким қулоқ солмади. Кейинчалик эса бироз эътибор бера бошлашди. Биз учун энг оғир кечган дамларнинг, қанчадан-қанча туҳматларнинг пайи кесилиб, ҳақиқат қарор топган дамларнинг гувоҳи бўлдим. Ҳозирги кунда тергов сал юмшади. Назаримда, партия ва ҳукуматимизнинг тўғри сиёсати айрим кишиларнинг кўзларини очиб қўйгандек, прокурорлар ҳам орқа-олдиларига қарашга ўргандилар шекилли.

Турмуш ўртоғим Душаев Умрзоқни Тошкент область прокуратураси 1986 йил 15 апрель куни қамоққа олди. 13 июнда область суди Ботиралиев раислигида уни 10 йилга озодликдан маҳрум этиб, кучайтирилган режимда сақлаш ва мол-мулкини мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Судда прокурор Исахонова 13 йил сўради. Бироқ, аёлликми, оналик юрагими Исахонованинг кўзларидан ёшлар оқизди. Исахонова нега йиғлади? Сабаби — у ҳам юқорининг топшириғини бажараётган эди. Ўзининг айтиши бўйича, биринчи марта область прокуратурасига ёзилган илтимосномада 200 дан ортиқ меҳнаткашнинг имзоси бўлиб, унда Душаев Умрзоқни колхозда суд қилиш масаласи кўтарилган эди. Аммо салла ўрнига калла олувчилар бу илтимосномани делога тикишни ҳам пайсалга солиб кўрдилар. Халққа бирор жавоб айтишни лозим кўрмадилар. Иккинчи илтимоснома ҳам 200дан ортиқ меҳнаткаш имзоси билан судья Ботиралиевнинг бир қолипдаги қораловчи сиёсати остида қолиб кетди. Хўш, қани Ботиралиевнинг халқчиллиги? Қани одиллиги? Қани уни ҳақиқий, ҳалол кадрлиги? Суд мажлиси протоколларидаги чалкашликлар — унинг саводсизлигидан нишона эмасмикан? УзССР Олий судининг 1986 йил 13 ноябрда чиқарган ажрими на фақат бизнинг оиламизни, балки бутун колхоз аҳлини, район меҳнаткашларини қувонтирди. Уйимиз бир неча ой қутловлару олқишлар ичида бўлди; гарчи умр йўлдошим 3 йилга мажбурий хизматга жалб қилинган бўлса-да! Биз партия ва ҳукуматимиздан ҳамиша миннатдор бўлиб яшадик. Бундан кейин ҳам шундай яшаймиз. 1987 йили ЎзССР Олий Суди президиумига авф этишларини сўраб меҳнаткашлар, депутатлар ва оиламиз номидан яна мурожаат этдик. Бироқ тайёрланган ҳужжатлар амнистия комиссиясига жўнатилди. Комиссия судланувчининг «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали борлигини ҳисобга олмай, муддатнинг ярмини авф этди, холос. Турмуш ўртоғим Душаев Умрзоқ пора тариқасида ҳеч кимга пул бермаганлиги делода ёрқин ифодаланган бўлса-да, лекин унинг гарданида жиноят кодексининг 153, 2-қисм моддасининг қолдирилгани бизни кўп ишончимиздан, яхши орзуларимиздан маҳрум қилди. ЎзССР Олий суди президиумига 20 июлда (1987 йил) ёзилган (ҳукмдаги 153, 2-қисмини олиб ташлаш ҳақидаги) илтимосимизга 6 ой бўлдики, ҳеч қандай жавоб йўқ.

Мен редакциядан бирон-бир нажот кутиб ёзмоқдаман.

ДУШАЕВА Насиба,
Тошкент область, Пскент райони,
Тельман номидаги колхоз

Мен дугонам тўғрисида ёзмоқчиман. Шахсан ўзим Маҳбубанинг севгиси ва бардоши олдида тиз чўкишга тайёрман. Кўпчилик кишилар: «Ҳали ёшсизлар, сизларга севгини ким қўйибди?», дейишади. Йўқ, мен бу фикрга қўшилмайман. Ахир муҳаббатнинг эртаги, кечкиси бўлмайди-ку!

Яқинда мактабимизда «Қизлар мажлиси» ўтказилди. Ўқитувчилар ҳали ёш эканимизни, севишга кейин ҳам улгуришимизни айтишди. Уларнинг гапига кириб бевафолик қилайликми? Ўқитувчиларимиз яна бир яхши иш қилишаётган экан. Бу ҳақда ўзлари огоҳлантиришди: қизларга хат келса очиб ўқишар экан-да, мен ҳам сени севаман, расмингни юбор, деб сохта жавоб қайтаришар эмиш. Агар қиз у йигитни севмаса-чи? Ўқитувчиларимиз қизларнинг иффатини сақлаймиз, деб уларни шарманда қилиб қўймайдими? Мен олтинчи синфда ўқиб юрган пайтимдаёқ бир синфдошимни севардим. 10-синфда у менга севги изҳор қилди. Бу мен учун бахт эди.

Маҳбуба 7-синфдан буён Адҳам исмли йигитни севарди. Бир куни Адҳам Маҳбубага хат берди. Ўша куни дугонам учун энг қувончли кун бўлди. Ҳатто ўзининг кундалик дафтарига «қувончли кун» деб ёзиб қўйди. Маҳбуба бу хатни ишонч ва бардош билан уч йил кутган эди. Маҳбуба, энди ўз бахтимга эришдим деб ўйлаган эди... Лекин ҳаммаси пучга чиқди, ҳаммаси! Бир куни Маҳбубани (мени севган йигит) Сардор чақириб қолди. Кейин Маҳбуба бўлган гапларни менга айтиб берди.

Адҳам Сардорга, мен уни севмас эдим, Маҳбубага айтиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қўй, дебди. Сардорга Маҳбуба илгари Адҳамни севишини айтибди. Мана, охири нима билан тугади.

Муҳаббат нур бўлиб қалбни ювмаса,
Айт, унинг қадрига етарми киши.
Қўй, дўстим, ўксима агар севмаса
Ортига қайтмасдан кетгани яхши.

Хўш, айб кимда?

Наҳотки, севгига ишонч бўлмаса? Дугонамнинг айби — севгига ишонганими? Энди «Адҳам Маҳбуба билан юриб, ташлаб кетибди», деган гап бўлади. Маҳбуба Адҳамни ҳамон севади. Унинг бир умр севиб қолишига ишонаман.

Салом билан,

НАФИСА,
Сирдарё области.

Бу хатни ёзиш ниятим 1988 йил 24 февраль куни туғилди.

Саломатлигим йўқолдию жамиятга ортиқчалик қилиб қолдим, адолатсизликка дуч келдим... Врачлар менга ревматизм актив формаси: «полиартрит», «полиневрит», «ревмокардит», «юрак пороги», «НК—1ст.» деб диагноз қўйишди. Район, область, республика шифохоналарида даволандим. Лекин касалим кучайиб, менга 1987 йилнинг 24 июнидан эътиборан инвалидлик (III группа) нафақаси белгиланди. Ҳозир 13 (ўн уч) сўм нафақа оламан. Мен ўз меҳнат фаолиятимни 1977 йилдан бошлаганман. 1982 йилдан 1987 йилгача ПЭБ ташкилотида катта техник ходим бўлиб ишладим. Аммо кейинчалик тунги сменалик иш саломатлигимга тўғри келмай қолди ва ишдан бўшадим. ВТЭК кўрсатмасига асосан иш сўраб борганимда собиқ иш жойимнинг раҳбарлари штат қисқаргани сабабли иш йўқ эканини айтишди. Шундан сўнг қобилиятимга яраша иш излаб турли совет ташкилотларига, райижрокомнинг меҳнат бўлимига икки марта, ВТЭКга тўққиз-ўн мартача мурожаат этдим. «Шарқ Юлдузи» колхозининг раиси эса, сен илгари бизда ишламагансан, деб менинг илтимосимни инобатга олмади.

Оилада ёлғиз ўғилман. Уйланганман, иккита фарзандим бор. Кекса онам бор. Отам Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эдилар. Яқинда вафот этдилар. Ҳозир биз оиладаги бор бисотимизни сотиб кун кўряпмиз. Яшаш шароитимиз оғир. Мен ҳақиқатан ҳам оғир ишга ярамайман, қўл-оёқларим шишиб кетган. Асл касбим шофёрлик, лекин ташкилотлар менга иш бермаяпти. Ростини айтсам, бизнинг баландпарвоз шиорларимиз ниҳоятда кўп, инсон омили тўғрисида гап сотишни ҳам яхши кўрамиз. Ҳар хил қонунлар қабул қиламиз. Ахир бу қонунлар халққа хизмат қилиши керак-ку! Ушбу мактубни журналда ёритиб, халқ ҳукмига ҳавола қилишингизни сўрайман. Мен ўз дардимни севимли журнал орқали халқимга айтмоқчиман...

Оқбўта РАҲИМОВ
Қашқадарё область, Яккабоғ райони,
«Шарқ юлдузи» колхози,
Бегиш участкаси,
10-бригада

Расмий жавоблар

Иштихон район халқ депутатлари Совети шуни маълум қиладики, «Ёшлик» журналининг 7-сонида (1987 й.) эълон қилинган «Ижроқўм қачон уй беради!» мақоласи район ижроия комитетида муҳокама қилинди. Мақолада қайд этилган фактлар ҳақиқатдан ҳам долзарб. Айни чоқда бутун мамлакатимизда 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида уй-жой билан таъминлаш масаласи кун тартибида тургани ҳам бежиз эмас.

Дарҳақиқат, районимизда ҳар йили ташкилотлар томонидан 2—2,5 минг квадрат метр ҳажмда турар жой иморатлари қурилаётганига қарамай, аҳолининг уй-жойга муҳтожлиги барибир қондирилмаяпти. Бундан ташқари, район ижроия комитетига уй-жой билан таъминлашимизни сўраб 600дан ортиқ киши ариза берган; навбатда турган гражданлар ишлайдиган муассасалар турар жой бинолари барпо этаётгани йўқ, шунинг учун уларни район ижроия комитети уй-жой билан таъминлашга мажбур.

Районимизда уй-жой масаласини ҳал этиш мақсадида 2000 йилгача мўлжалланган турар жой программаси ишлаб чиқилди; унда асосан қишлоқларда ҳам, шаҳарда ҳам қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Хусусан, Шерали Мамадалиевни уй-жой билан таъминлаш масаласида қуйидагиларни билдирамиз:

Ш. Мамадалиев район ижроия комитетига 1984 йили ариза берганлиги тўғри, лекин 1984 йилдан буён районимизда маҳаллий Советга тегишли бирорта ҳам уй қурилмаган. Ҳозирги пайтда 20 квартирали уй қуриш учун жой ажратилди, уй битиши билан Ш. Мамадалиевга ҳам квартира ажратилади. Бу ҳақда Ш. Мамадалиевга хабар қилинди.

Иштихон район ижроия комитетининг раиси:

А. Р. Санаев (имзо)
1988 й. 11.01.
№02/10-6
Иштихон шаҳри

«Ёшлик» журналининг 1987 йил ўн биринчи ва ўн иккинчи сонларида ҳамда 1988 йил биринчи сонида Бухорода маданий ёдгорликларга эътибор сусайгани тўғрисидаги «Музей кимнинг мулки!» мақолаларида маънавий маданиятимизга алоқадор муҳим проблемалар кўтариб чиқилганки, буларни ҳал этиш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган катта сиёсий ишдир. Музей — халқимизнинг, совет кишиларининг, азалдан нодир ва ноёб истеъдод соҳиблари бўлмиш Бухоро меҳнаткашларининг мулкидир! Бебаҳо экспонатларни музейга қайтариш қайта қуриш ва жадаллаштириш даврининг, чинакам демократия қарор топиб мустаҳкамланаётган замонамизнинг руҳи ва талабига мосдир. Мақола қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро области маданият аҳли томонидан қизғин кутиб олинди.

Мақолада баъзи бир асоссиз фикрлар ҳам бор, албатта. «Ёшлик» журналининг ўн биринчи сонидаги мақолада жумладан қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «1984 йилнинг декабрида ўртоқ В. Тихомиров ҳеч қандай ваколатномасиз, комиссиясиз, тегишли қўриқчиларсиз (ёки муҳофазасиз) келиб юқорида тилга олинган эскспонатларнинг тезда берилишини талаб қилди. Юқори ташкилотлардан телефон орқали қилинган такрор-такрор оғзаки қатъий талаблардан сўнг 1984 йилнинг 1 декабрида ЎзССР Маданият министрлигининг, Бухоро область партия комитети вакилининг ҳамда Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи М. А. Азимованинг рухсати билан жамоат тартибини сақлаш муҳофазаси бўлимининг инспектори ўртоқ Н. Жўраев, Ф. Хўжаев район ички ишлар бўлимидан милиционер И. Қувондиқов ва ЎзССР Маданият министрлиги музейлар бўлими бошлиғи ўртоқ М. Тихомиров, Бухоро Давлат банкининг вакили ўртоқ В. Денисовлар иштирокида меҳнат отпускасида бўлган музей директорининг сейфи очилиб, у ердан ноёб металлар сақланадиган сейфнинг калити олинган. Музей фонди сақланадиган жойни милици-

www.ziyouz.com kutubxonasi

онерлар очиб, фоннинг бош сақловчисини қимматбаҳо металлар сейфини очишга ва умумий акт бўйича ўртоқ Тихомировга экспонатларни топширишга мажбур қилдилар». Мақоладан юқорида келтирилган парчадаги гап кишини таажжублантиради: «Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармаси бошлиғи М. А. Азимованинг рухсати билан.» Ахир, қўлида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли қарори ҳамда Ўзбекистон Маданият министрлигининг қоғози бўлсаю область партия комитети вакили иштирокида министрликдан келган киши қатъий талаб қилаётган бир вазиятда область маданият бошқармаси бошлиғи қандай қилиб уларнинг талабига эътироз билдира олсин!

Музейдаги буюмлар «зўравонлик» билан олиб кетилгандан кейин биз тинч ўтирганимиз йўқ. Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармаси ва Бухоро музей-қўриқхонаси маъмурияти худди ўша 1984 йилнинг 15 ноябрида 404-рақамли мактуб билан СССР Маданият министри П. Н. Демичевга, СССР Маданият министрининг ўринбосари Зайцевга, СССР Маданият министрлиги музейлар бошқармаси бошлиғи Родимцевга, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султоноваларга мурожаат этиб, улардан музей экспонатларини сақлаб қолишни ёлвориб сўрадик. Шу талаб ва мурожаатларимиз мана эндиликда, қайта қуриш даври шарофати ҳамда «Ёшлик» журнали ташаббуси билан бир оз инобатга олиняпти.

Ўтган йилнинг охирида, аниқроғи, 1987 йилнинг 16—18 декабрь кунларида Москва Кремли Давлат музейининг экспонатларни рўйхатга олиш ва экспертиза қилиш бўлими мудири В. И. Нарожний, шу музейнинг қимматбаҳо металл ва тош буюмлар бўйича бош эксперти В. П. Грецкий, Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейининг Совет Шарқи бўлими мудири Д. Н. Чирков, СССР театр санъати Давлат музейининг бош сақловчиси И. А. Бахрушина ва Н. Т. Видрина ўртоқлардан иборат эътиборли комиссия Бухорода бўлишиб, олиб кетилган буюмлар билан расмий ҳужжат-актлар ўртасидаги мувофиқликни текшириб, тасдиқлаб кетишди. Шунинг учун мақоланинг тўртинчи бандидаги бу жумла асосиздир: «4. Тошкентдан юборилган хато актда ноаниқлик мавжуд: 55 та бриллиантдан 33 таси ҳужжатда кўрсатилмаган». («Ёшлик» журнали, 1987 йил 12-сон 73-бет).

Волюнтарист раҳбарларнинг тазйиқи билан турли муддатларда музейдан олиб кетилган ноёб буюмлар «Ёшлик» журналининг ҳамда республикамиз ҳозирги раҳбарларининг омилкорона ёрдами натижасида аста-секин музейга қайтарила бошланди. Масалан, А. Навоий номидаги республика Давлат кутубхонаси томонидан 1948 йилда олиб кетилган вазалардан 1988 йилнинг 28 январида 6 таси Бухоро музей-қўриқхонасига қайтарилди. С. Айний номидаги Бухоро Давлат музикали драма ва комедия театри томонидан турли муддатларда музейдан олиб кетилган кийим-кечак; зарбоф тўн, махси ва бошқа шу каби буюмлардан айримлари 1988 йил февралида музейга қайтариб топширилди. Қолганларини ҳам аниқлаб музейга қайтариш тадбирлари кўриляпти. Мақолада афсусланиб қайд қилинган шер ҳайкали оёқ остидан авайлаб олиниб усти айвон, текис ва тоза жойга қўйилди. Шундай қилиб, 1911 йилда самарқандлик уста сангтарош Абдураҳим Турдиев ясаган ва йўлакда, оёқ остида ётган халқ санъати буюми ўзининг муносиб ўрнини топди.

Бухоро музейидан ўттизинчи йиллардан буён олиб кетилган экспонатларнинг умумий сони «Ёшлик» журналининг 1987 йил ўн иккинчи сони 73-бетида таъкидланганидек, 10.000 (ўн минг) донага яқинлашиб қолади. Турли даврларда, ҳар хил қоғозлар ва баҳоналар билан олиб кетилган буюмларни қайтаришдек хайрли иш бошланди.

Ҳозирги авлодларимиз қалбида Помир чўққиларидек фахр уйғониб тилга олса арзийдиган улкан маданий меросниг ўзга музейлар ва кишилар қўлидаги намуналари яна Бухоро музей-қўриқхонасига қайтарилиб, умумхалқ мулкига айлантирилади. «Ёшлик» журнали бошлаган хайрли ва ибратли ташаббус ҳар тарафлама қўллаб-қувватланади, деган умиддамиз. Ахир, бир ўйлаб кўрайлик. Булар дарёдан томчидир. Бухоро музей-қўриқхонаси экспонатларини ҳар йили миллионга яқин, жумладан, 30—40 минг чет эллик сайёҳлар келиб томоша қилишади. Бухоронинг қадимий санъатига хос қимматбаҳо буюмларни Москва, Ленинград, Тошкент, Киев, Самарқанд, Сурхондарё музейларида томоша қилишдан кўра, Бухоронинг ўзида кўришнинг катта сиёсий ва эстетик маърифий аҳамиятини инобатга олмасдан бўладими?!

Қадимда қўли гул усталар, моҳир ҳунармандлар томонидан яратилган санъат намуналари чинакам гўзаллик манбаидир. У халқимиз истеъдоди, таланти, қалб гўзаллиги ва зукколигидан далолат беради. У халқимизнинг чинакам тарихи. Тарихимизнинг чинакам муждалари, фахримиз, ғуруримиз намуналарини ўз жойига қайтариб, ундан миллионлаб кишиларни баҳраманд этайлик.

Ҳурматли редакция!

«Ёшлик» журнали бошлаган ибратли ва хайрли ишни изчил давом эттириб, Бухоро музей-қўриқхонасидан турли даврларда олиб кетилган буюмларни жойига қайтариш соҳасида бошланган хайрли иш изчил давом эттирилса, Бухоро музей-қўриқхонаси буюмларини қайтариш жараёни журнал назоратига олинса деймиз. Бунда биз ҳам, Бухоро меҳнаткашлари ва жамоатчилиги ҳам Сизлар билан ҳамжиҳат ва ҳамкордир!

Муслима АЗИМОВА,
Бухоро область ижроия комитети
маданият бошқармасининг бошлиғи,
область Советининг депутати

1988 йил 10 февраль

Ҳурматли журналхон!

Мана, Сиз редакциямизга келган иккита расмий жавоб билан танишдингиз. Кўнглингизда баъзи бир мулоҳазалар туғилган бўлиши мумкин, албатта. Айни чоқда бизнинг кўнглимизда ҳам баъзи бир мулоҳазалар туғилди. Келинг, яхшиси очиқчасига гаплашиб олайлик. Илло, бизнинг Сиздан яширадиган ҳеч қандай сиримиз йўқ. Авваламбор, Иштихон район ижроия комитетининг раиси йўллаган жавоб хати хусусида Сизга қуйидаги арзимас «тактика»ни ошкор этиб қўймоқчимиз (Лекин муштарийларимиздан бирортаси келажакда ижроқўм раиси лавозимига сайланган ёки тайинланган тақдирда ҳам зинҳор-базинҳор бундай «тактика»га ошно бўлмас деган умиддамиз). Агар эсингизда бўлса, журналимизнинг ўтган йилги 7-сонида «Ижроқўм қачон уй беради!» номли мақола эълон қилинган эди. Мақола сарлавҳаси ўзига хослиги (оригиналлиги) билан айтарли мақтагулик эмасди, шунингдек, мақолада кўтарилган масала ҳам деярли янгилик эмас — ҳозир уй-жой масаласи нафақат битта Иштихон районида, балки бепоён мамлакатимизда ҳам энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Шунга қарамай биз Иштихон районидаги мутасадди ўртоқлардан олти ойгача жавоб ололмадик, ҳар турли хаёлларга бордик ва охири тоқатимиз тоқ бўлиб Иштихон район ижроия комитетининг раисига тубандаги хат билан мурожаат этишга мажбур бўлдик:

Иштихон район ижроия комитетининг раисига!

Журналимизда («Ёшлик», 1987 й. 7-сон) махсус мухбиримизнинг «Ижроқўм қачон уй беради?» мақоласи эълон қилинган эди. Унда асосан Сизнинг тасарруфингиздаги районда аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжи қандай қондирилаётгани хусусида ва уй-жой олиш учун кўп йиллардан буён навбатда турган Шерали Мамадалиевнинг (район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг диспетчери) «саргузаштлари» ҳақида фикр юритилади. Мана, орадан олти ой вақт ўтди. Хўш, шу вақт ичида Иштихон район ижроия комитети ҳузуридаги уй-жой ва коммунал хўжалик комиссияси (унинг раиси Сизнинг муовинингиз эди) фаолиятида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлди? Ш. Мамадалиев уй-жой билан таъминландими? Ахир, уй-жой ва коммунал хўжалик комиссиясининг раиси мухбиримизни «Биринчи имконият туғилиши биланоқ Ш. Мамадалиевни уй-жой билан таъминлаймиз!» деб ишонтирган эди-ку!

Сиздан мақолага атрофлича жавоб кутамиз. Агар мақола Сизни қониқтирмаган бўлса ёки қўлингизда мақолада кўтарилган масалаларнинг асоссиз эканини тасдиқловчи далил-исбот-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар бўлса, бемалол редакцияга ёзиб юборишингиз мумкин. Биз Сизнинг хатингизни-да журналда эълон қилишга тайёрмиз. Айни чоқда бу мавзуга қайтишимиз ҳам эҳтимолдан узоқ эмас.

Салом билан, «Ёшлик» журналининг масъул котиби (Имзо)

Кейин эса, кўриб турганингиздек, юқорида Сиз танишган расмий жавоб келди. Олти-етти ойдан кейин, албатта. Мақоланинг «асосий қаҳрамони» бўлмиш Шерали Мамадалиев эса бир ойдан кейиноқ редакциямизга телеграмма жўнатган эди: «Маиший ҳаётимда ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ тчк Яқин орада ўзгариш бўлиши даргумон тчк». Демоқчимизки, ижроқўм тезкорлик бобида уй-жойга муҳтож гражданлардан, хусусан, Ш. Мамадалиевдан ўрнак олса чакки бўлмасди. Умумий формулалар паноҳида нафақат 2000 йилгача, ҳатто 3000 йилгача ҳам жон сақлаш мумкин. Лекин уй-жой масаласи барибир ҳал этилмай қолаверади. Уй-жой масаласини ва умуман, ҳар қандай долзарб масалани ижобий ҳал этиш учун конкрет ўртоқлар конкрет масъулиятни ўз зиммаларига олишлари шарт; токи конкрет шахслар конкрет вазифалар учун жавобгар бўлсин, жавоб берсин, қолаверса, масъул ўртоқлар халқ депутатлари олдида мунтазам равишда ҳисобот бериб турсин. Ваҳоланки, район Советларининг депутатлари район ижроия комитетини ҳамда унинг раиси бажараётган ишларни назорат қилиб туриш ҳуқуқига эга эканликларини ҳам унутиб қўядилар, «Раис бова нима дер эканлар?» деб Каттанинг оғзини пойлаб турадилар. Аслида эса, Катта халқ томонидан сайланган депутат билан ҳисоблашмай иложи йўқ, айни замонда депутат ўз сайловчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур. Акс ҳолда ишончни оқламаган депутатлар сайловчилар томонидан «чақириб олинади». Аслида шундай бўлиши керак. Лекин шу пайтгача фақат қоғоздагина шундай бўлиб келди, холос. Энди амалий ишга ўтадиган фурсат етди, қоғозбозликка чек қўядиган кунлар келди. Ҳадеб умумий формулалар истеҳкоминнинг ортига беркинавермайлик, амалий ишга ўтайлик; халқ манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатайлик, иш усулимизни ислоҳ қилайлик, қайта қурайлик. Бундан ташқари, жузъий хатоларга, камчиликларга йўл қўйишдан чўчимайлик: Асосий йўлимиз тўғри бўлса, яъни асосий мақсадимиз халққа, кўпчилик манфаатига хизмат қилиш бўлса, бизни меҳнаткашлар албатта қўллаб-қувватлайди, хато қилсак — кечиради, ҳимоя қилади, мабодо йўл қўйган камчиликларга жавоб бериш лозим бўлса, майли, заҳматкаш халқимиз учун ўткинчи қийинчиликларни ҳам бўйнимизга олайлик. Мард бўлиш керак, ўртоқлар! Мардлик — одамийликнинг энг бебаҳо зийнатидир.

Хўш, қадрли сайловчилар, Сизлар ўз депутатингиздан розимисиз? Сиз-чи, ҳурматли депутат ўртоқлар, ижроқўм раисининг фаолиятидан қониқяпсизми?

Энди Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи йўллаган расмий жавоб ҳақида. Хатда: «Мақолада баъзи бир асосиз фикрлар ҳам бор, албатта», дейилади. Қизиғи шундаки, «Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи М. А. Азимованинг рухсати билан» деган гап расмий жавоб муаллифини, яъни ўртоқ М. А. Азимовани «таажжублантиради». Чунки «қўлида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тегишли қарори ҳамда Ўзбекистон Маданият министрлигининг қоғози бўлсаю область партия комитети вакили иштирокида министрликдан келган киши қатъий талаб қилаётган бир вазиятда область маданият бошқармасининг бошлиғи қандай қилиб уларнинг талабига эътироз билдира олсин!» Йўқ, ўртоқ Азимова! Сиз, айнан Сиз — Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармасининг бошлиғи эътироз билдириши шарт эди! Ахир Бухородаги халқ мулки бўлмиш музейларни кўз қорачиғидек асраш бевосита Сизнинг вазифангиз ҳисобланади, Сиз шу ишга жавобгарсиз, масъулсиз. Агар область ижроия комитети маданият бошқармаси, устига устак, ўша бошқарманинг бошлиғи ўз тасарруфидаги мулкка хўжайинлик қилолмаса (халқ номидан, албатта), ундай лавозимни нима кераги бор?! Ижроия комитет ҳузурида маданият бошқармаси мавжуд экан, бу ташкилот ўз вазифасини бажармоғи шарт, Бошқарма бошлиғи эса ўз зиммасига юклатилган масъулият учун битта ўзи жавоб бериши керак. Принцип нуқтаи назаридан қаралса, худди шундай бўлиши лозим. Принцип эса сўзсиз амал қилишни тақозо этади. У бузилган жойда эса бошбошдоқлик бошланади... Бундан ташқари, мақола муаллифи томонидан келтирилган қуйидаги фактни «асоссиз» дейилиши ҳам мутлақо асоссиздир: «Тошкентдан юборилган хато актда ноаниқлик мавжуд: 55 та бриллиантдан 33 таси ҳужжатда кўрсатилмаган», деб қайд этади М. Комилов, Расмий жавоб муаллифи бўлса, ушбу фактни асоссиз эканини 1987 йил 16—18 декабрь кунлари москвалик бир группа мутахассислар Бухородан бўлишиб, олиб кетилган буюмлар билан расмий ҳужжат-актлар ўртасидаги мувофиқликни текшириб, тасдиқлаб кетганини далил сифатида келтиради. Хўш, конкретроқ-чи? Мутахассислар «55 та бриллиантдан 33 таси ҳужжатда кўрсатилмагани» хусусида қандай тўхтамга келдилар? Афсуски, редакциямизга йўлланган расмий жавобда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаган. Ваҳоланки, биз конкрет масалага (33та бриллиант қаёққа ғойиб бўлган?) конкрет жавоб кутган эдик, умумий андозага ўралган-чирмалган мавҳум жавоб берилишини кутмаган эдик. Ўйлаймизки, биз Бухоро область ижроия комитети маданият бошқармаси билан ҳамкорликда келгусида юқоридаги саволга ҳам конкрет жавоб топишга эришамиз. Дарвоқе, Муслима Азимованинг таклифини «Ёшлик» журнали редакцияси қўллаб-қувватлайди: Бухоро музей-қўриқхонаси буюмларини асл жойига қайтариш жараёни журнал назоратига олинади. Биз бу ҳақда мунтазам равишда, яъни музей жиҳозларининг қанча қисми тўплангани хусусида журналимиз саҳифаларида ўз ўқувчиларимизга ҳисобот бериб борамиз. Лозим бўлса, нима учун, қандай сабабларга кўра музей экспонатлари ўз жойига қайтарилмаётгани тўғрисида махсус мақолалар эълон қилинади.

Хуллас, азиз дўстлар, энди бир ёқадан бош чиқариб амалий ишга ўтайлик! Биз «Ёшлик»чилар ҳар қандай оғир дамларда Сизлар билан ҳамнафасмиз, хизматларингизга ҳар доим камарбастамиз!

ПУБЛИЦИСТИКА БЎЛИМИ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Донишманд ким?

Акбар Юнусов



Дунёда аҳмоқ қидириб овора бўлманг. Ҳатто намунага ҳам топа олмайсиз. Ҳамма доно, яна сифат белгисию дипломи билан!

Карим ҳам ўйлаб қолади баъзан: ақлнинг ўзи нима? Унинг ранги, ҳиди, оғирлиги, узунлиги йўқ, ўлчаб кўриб бўлмаса. Эҳтимол, ақлни ақл билан ўлчаб бўлар? Маҳаллада таниқли бир қария бор. Ҳамма унинг олдига маслаҳатга чиқади, сўзига қулоқ солади, шу тариқа ақлини пешлайди.

Карим доно бўлишга бел боғлаб, донишмандга шогирд тушмоқчи бўлди. Ёши улуғ насиҳатгўй қариянинг олдига бориб, эҳтиром билан салом берди. Чол тескари қараб қўлини узатди, балки микробдан қўрққандир ёки ўзарга илмаслик ҳам доноликнинг белгисидир.

Карим унга бир пиёла чой тутиб, мутеларча бош эгиб ўтирди.

Қария ўйланиб туриб:

— Ҳаёт — сув, оқиб кетаверади, — деб бош чайқади.

Офарин! Бу сўзнинг мағзини чақсанг борми, ўн йил ақлингни ўстиришга етадиган витамин-ҳикмат топасан! Ҳаётни ҳатто автоинспектор ҳам тўхтата олмайди. Ана, Салим милиса мўйловини тиккайтириб ўтирибди. Пенсияга чиқиб, қарилик гаштини сурянти. Агар иложи бўлганда, кариллаб юрган пайтлари шу Салим милиса ҳаётни тўхтатар эди!

Устознинг кўзлари қаҳрли ёнди.

— Ҳозир оқ «Волга»да ўтган ким? Олимми? Ғирт қаллоб. Ҳамма гувоҳномасини сотиб олган.

Одатимиз бўйича қарияларнинг сўзини икки қилмаймиз. Мабодо янглишиб дўзахни кўрсатиб юборишса ҳам ҳурматлари учун бош эгиб кетаверамиз. Каримнинг ҳам тарбиясида мўминлик бор эмасми, ақлига кишан солиб, устознинг сўзларини тинглаб ўтирарди.

— Бошимга бахт қуши қўнган даврлар эди. Қассоблик дўконида ишлардим. Кунига ўнга яқин қўй сўйиларди. Ўшанда шу Олиминг каламинка шимда, оқ туфлисини тиш порошоги билан оқартириб гўштга чиқарди. Сон ўрнида қовурғани олиб, яна раҳмат айтиб кетарди. Ҳозир салом бермай ўтган ким?

— Ҳовлисига беш хил тут экиб, ҳамманг тут е, деб ақл ўргатадиган археолог.

— Нодоннинг ўзи! Бир туки ҳам ўзга эмас!

— Тўғри, нодон бўлмаса, отаси йўқотмаган хазинани қидириб юрармиди.

— Дўконда иш сал ишкал бўлиб, суянган тоғларимиз «икки-уч йил четроқда ишлаб юр» дегач, пахсачилик қилганман. Шунинг уйида пахса уряпман де. Лойни уч марта ағдариб бўлгач, юза тепсанг лой ҳамирдек зувала кўриниш беради. Қирқиб уриш керак. Бу археологинг лойни пишитаман деб устида эчкидек ирғишлайди. Ўргилдим ақлингдан сени!

Каримнинг миясида чарақлаб илм чироғи ёнди. Устоз билан хайрлашиб кетар экан, боши ғувиллаб, нодонлик элементларини чиқариб ташлаётгандек биқирлар эди. Хаёлида миясидаги хумдан дев-ақл чиққандек бўлар эди. Ҳақиқатдан ҳам ақлнинг улканлигидан атрофидаги одамлар кўзига пакана кўриниб кетди. Йўлда қонунлар мажмуасини ёд биладиган юрист учраб қолди. Саломга арзимайдиган олқинди. Сув қувурига кран ўрнатишни ҳам эплаёлмайди-ку! Анави ким, мол докторими? Билими гўдакчалик, «Спартак» командасининг капитанини билмайди. Анави архитектор қўшнисими? Уч юз грамм ичса чулдираб, атак-чечак қилиб қолади.

Карим бундоқ ўйлаб қараса, маҳаллада эмас, ҳатто шаҳарда ҳам ундан доноси йўқ. Тарихда-чи? Архимед яп-яланғоч бўлиб подшонинг олдига югуриб борибди. Нима эмиш, жисмлар ўз ҳажмига тенг сувни сиқиб чиқаришини ўйлаб топган эмиш. Карим эса буни мактабдаёқ билиб олган. Ибн Сино-чи? Рентгенни билмайди! Карим агар беш йил ўқиса, таниш-билиш топиб баҳоларини вақтида қўйдириб олса, бўлди, билимидан қатъи назар дипломли бўлади.

Кечаси Каримнинг уйқуси қочди. Мияси ёрилай дерди. Доноларнинг миялари танасини дазмоллаб ташламаганига ҳайронсан. Эҳтимол, донолар ботмон-ботмон ақлининг бир қисмини қоғозга тушириб енгиллашса керак? У секин ўрнидан турди. Битта ўн икки варақли дафтарни олиб, устига «Дононома», сўнгра ичини очиб, «Донодан қусур топган одам — донишманд», деб ёздида, енгил тортиб уйқуга кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эгамназар Соҳибназаров

Мужмал

— Ўртоқлар, мен сизга айтсам, бугунги кунда интизом масаласи жуда-жуда муҳим муаммога айланди. Чунки интизом, ёзувчилар айтмоқчи, мувафаққият, ютуқлар гарови. Шунинг учун ҳам бу масаладан бирор киши ўзини четга олмаслиги керак, зарур, лозим. Шундай экан... ҳой, Олимжон, дераза пардасига суянма, карниз узилиб, бир-иккита кишининг бошини ёриши мумкин. Ўзи деворга мих кирмайди, зўрға амаллаганмиз.

Шундай қилиб, карниз... кечирасиз, интизом корхонада бош масала бўлиши керак. Биз меҳнат интизомига риоя қилар эканмиз... ҳа, Саидов, сизга нима бўлди, нега куласиз? Ахир бу ерда Аркадий Райкин гапираётгани йўқ, менимча. Ё миниатюра кўрсатяпманми? Миниатюрани акаси, ўзингизда кўрасиз, тушунмадингизми?! Бордию бирор кулгили гап бўлса, айтинг, биз ҳам кулайлик. Мен бир соатдан бери жон куйдириб интизом ҳақида гапирсам-у, сиз шу ернинг ўзида интизомни бузиб, олти оёқли бузоқни кўргандай хиринглаб ўтирсангиз. Яхши эмас, такрор айтаман, яхши эмас!

Гапимни давом эттирадиган бўлсам, ўртоқлар, олти оёқли бузоқ, йўғ-э, узр, хусусан, меҳнат интизоми минутлардан бошланади. Ҳар бир минутнинг қиммати ҳақида сизларга гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Нима дединглар? Ҳой, ким пичир-пичир қилаётган? Сизми Ходиев? Гаптўрвангиз тўлиб-тошиб кетган бўлса ҳам учини тугиб ўтиринг. Бу ер сизга театр эмаски, ҳар бир саҳнани муҳокама қилиб ўтирсангиз. Ҳаммаям сиздай инсон! Одоб сақласангиз бўлмайдими?! Мажлис тугасин, кечгача пичирлайсизми, бақирасизми — ихтиёр ўзингизда. Шундай бўлсин!

Хўш, ҳа, пичир-пичир ҳам бир минут учун... яна мен чалғидим шекилли, ҳар бир минутнинг халқ хўжалигига фойдаси битмас-туганмасдир. Масалан, ҳар бир минутда мамлкатимизда...

Ким у «бўлди» деган? Бу гап кимдан чиқди? Мард бўлса айтсин... Хайр, майли, бу ҳақда келгуси мажлисда бафуржа гаплашиб оламиз. Хулоса шуки, интизомсиз, бетгачопарларга, олтиндан қиммат вақтимизни кўкка совурадиганларга сафимизда ўрин йўқ. Тўғрими, ўртоқлар?!

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

Матназар АБДУЛҲАКИМОВ. Хоразмда туғилган. Таганрог педагогика институтини тамомлаган. «Тиниқ тонглар», «Фасллар қўшиғи» китобларининг муаллифи. СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Хоразм области бўлимида ишлайди.

Ҳамид МАЛЛАЕВ. Қашқадарёлик. Қарши Давлат педагогика институтини битирган. «Зурёд» қиссаси ва «Рақиблар» ҳикояси чоп этилган. Айни пайтда «Қашқадарё ҳақиқати» область газетасида хизмат қиляпти.

Инобат НОРМУРОДОВА. Китоб районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган. «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида хизмат қилади. Республика ижодкор ёшлари IV семинар-кенгаши қатнашчиси.

Меҳринисо ОЙДИНОВА. Самарқандда туғилган. Шеърлари республика матбуотида, коллектив тўпламларда эълон қилинган.

Зебо РАҲИМОВА. Қашқадарё областида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Китоб район радиосида хизмат қилади.

Жамол СИРОЖИДДДИН. 1955 йили Самарқанд районида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаб, Ўзбекистон радиосида хизмат қилди. Шеърлари республика матбуоти ҳамда коллектив тўпламларда чоп этилган.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА. Наманган районида туғилган. Наманган Давлат педагогика институтини битирган. Айни пайтда Наманган области ўлкашунослик музейида хизмат қилади. Шеърлари «Ёшлик» журналида илк бор эълон қилинмоқда. Республика ёш ижодкорлари IV семинар-кенгаши қатнашчиси.

Мақсуда ЭРГАШЕВА. Фарғонада туғилган. Ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. «Баҳорни ахтариб» шеърлар тўпламининг муаллифи. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ ◆ АВТОРЛАРИМИЗ

Муқованинг 1—4 саҳифаларини Рассом **Х. Лутфуллаев** ишлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi